

Хожиакбар ШАЙХОВ

**ТУТАШ
ӘЛДАМЛАР**

**ИККИ ЖАҲОН
ОВОРАСИ**



Хожиакбар ШАЙХОВ

ТУТАШ ОЛАМЛАР

ИККИ ЖАҲОН О В О Р А С И

РОМАНЛАР



ТОШКЕНТ

«O'ZBEKISTON»

2017

УЎК 821.512.133-31

КБК 84(5Ў)6

Ш 18

Шайхов, Ҳожиакбар.

Ш 18 Туташ оламлар. Икки жаҳон овораси [Матн] : илмий-фантастик роман/ X. Шайхов. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2017. – 392 б.

ISBN 978-9943-28-909-3

Ҳожиакбар Шайхов серқирра ва самарали ижодий фаолияти давомида кўплаб илмий-оммабоп ва илмий фантастик ҳикоялар, қисса ва романлар яратди, ўзбек адабиётида фантастика жанрининг асосчиси сифатида эътироф этилди. АҚШда нашр қилинган жаҳоннинг энг етук фантаст ёзувчилари ҳақидаги энциклопедияга ўзбек адабиётининг вакили сифатида айнан унинг номи киритилгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Ушбу «Туташ оламлар. Икки жаҳон овораси» илмий-фантастик романлари ёзувчининг энг сара асарларидан биридир. Мазкур китоб кенг китобхон оммасига мўлжалланган бўлиб, илмий-оммабоп ва илмий фантастик воқеалар ихлосмандларига ажойиб тухфа бўлади деган умиддамиз.

УЎК 821.512.133-31

КБК 84 (5Ў)6

ISBN 978-9943-28-909-3

© Ҳожиакбар Шайхов, 2017

© «O'zbekiston» НМИУ, 2017

житрияниң оммасига ўзининг ҳикоялари, қиссалари, романлари билан кўпдан бери танилиб қолган Ҳожиакбар Шайховни ўзбек илмий-фантастик адабиётининг қалдирғочларидан бири деб атаса бўлади. Бу гапни ўқиган одам таажжуб қилиши мумкин – ие, нега энди? Наҳотки, фантастика Ҳожиакбар Шайховдан бошланар экан? Ўзбек адабиётида ундан аввал фантастика бўлмаганими? Бундай таажжубга жавобан айтишимиз мумкинки, албатта, фантастика Ҳожиакбар Шайхов дунёга келмасдан аввал ҳам бор эди. «Фантастика» деганини бир сўз билан «хаёлот» деб аташ мумкин. «Хаёлот» эса инсон тафаккурининг мангу ҳамроҳи. Адабиёт, қолаверса, ижод фантастика билан, хаёлот билан бирга туғилади ва у билан қадам-бақадам, ҳамнафас тарақкий этади. Бундан неча ўн минг йиллар аввал яратилган, ибтидоий аждодларимиз форларнинг деворларига қингир-кйишиқ қилиб чизиб кетган расмларда ҳам фантастика бор. Халқ оғзаки ижоди-чи? Ўзи учар гиламлар, қанотли отлар, уч бошли аждарлар, бир кўзли девлар ва яна алланималар... Булар ҳам фантастиканинг ижод билан узвий биргаликда қадам ташлашини кўрсатади. Шуниси ҳам борки, бу ҳодиса фақат ўзбекларгагина хос эмас. Машхур ҳинд эпослари «Махабҳорат», «Рамаяна», «Шукасантати», «Калила ва Димна», араб эртаклари «Минг бир кечा», бошқа ҳалқларнинг ривоят ва афсоналари. Ёзма адабиётда ҳам шундок – Фирдавсийнинг ўлмас «Шоҳнома»сида фантастика қанчалик кучли бўлса, Алишер Навоий достонларида ҳам шунчалик кенг ўрин тутади. Европа адабиётидаги Гулливерлар, Мюнхгаузенлар,Faustлар ва бошқа яна ўнлаб, юзлаб образлар, буюк Гоголнинг ижоди, рус фольклори фантастиканинг жуда қадимий ва барқарор ҳодиса эканини яққол исбот қилиб турибди. Хуллас, адабиёт фантастикасиз, хаёлотсиз бир қадам ҳам олға силжиёлмайди. Хўп, шундок экан, нега энди XX асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган бир ёзувчини ўзбек илмий фантастикасини бошлаб берган қалдирғочларидан бири деб аташ керак? Бунинг боиси шундаки, авваллари фантастика ижодининг бир унсури сифатида кўринган, муайян даврда эса у ижодининг тўлаконли мустақил бир бўлаги, ўз мавзу доирасига, ўз тасвир воситаларига, ўз

ҲОЖИАКБАРНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ

Китобхонлар оммасига ўзининг ҳикоялари, қиссалари, романлари билан кўпдан бери танилиб қолган Ҳожиакбар Шайховни ўзбек илмий-фантастик адабиётининг қалдирғочларидан бири деб атаса бўлади. Бу гапни ўқиган одам таажжуб қилиши мумкин – ие, нега энди? Наҳотки, фантастика Ҳожиакбар Шайховдан бошланар экан? Ўзбек адабиётида ундан аввал фантастика бўлмаганими? Бундай таажжубга жавобан айтишимиз мумкинки, албатта, фантастика Ҳожиакбар Шайхов дунёга келмасдан аввал ҳам бор эди. «Фантастика» деганини бир сўз билан «хаёлот» деб аташ мумкин. «Хаёлот» эса инсон тафаккурининг мангу ҳамроҳи. Адабиёт, қолаверса, ижод фантастика билан, хаёлот билан бирга туғилади ва у билан қадам-бақадам, ҳамнафас тарақкий этади. Бундан неча ўн минг йиллар аввал яратилган, ибтидоий аждодларимиз форларнинг деворларига қингир-кйишиқ қилиб чизиб кетган расмларда ҳам фантастика бор. Халқ оғзаки ижоди-чи? Ўзи учар гиламлар, қанотли отлар, уч бошли аждарлар, бир кўзли девлар ва яна алланималар... Булар ҳам фантастиканинг ижод билан узвий биргаликда қадам ташлашини кўрсатади. Шуниси ҳам борки, бу ҳодиса фақат ўзбекларгагина хос эмас. Машхур ҳинд эпослари «Махабҳорат», «Рамаяна», «Шукасантати», «Калила ва Димна», араб эртаклари «Минг бир кечা», бошқа ҳалқларнинг ривоят ва афсоналари. Ёзма адабиётда ҳам шундок – Фирдавсийнинг ўлмас «Шоҳнома»сида фантастика қанчалик кучли бўлса, Алишер Навоий достонларида ҳам шунчалик кенг ўрин тутади. Европа адабиётидаги Гулливерлар, Мюнхгаузенлар, Faustлар ва бошқа яна ўнлаб, юзлаб образлар, буюк Гоголнинг ижоди, рус фольклори фантастиканинг жуда қадимий ва барқарор ҳодиса эканини яққол исбот қилиб турибди. Хуллас, адабиёт фантастикасиз, хаёлотсиз бир қадам ҳам олға силжиёлмайди. Хўп, шундок экан, нега энди XX асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган бир ёзувчини ўзбек илмий фантастикасини бошлаб берган қалдирғочларидан бири деб аташ керак? Бунинг боиси шундаки, авваллари фантастика ижодининг бир унсури сифатида кўринган, муайян даврда эса у ижодининг тўлаконли мустақил бир бўлаги, ўз мавзу доирасига, ўз тасвир воситаларига, ўз

иоэтикасига эга бўлган алоҳида жанр сифатида шаклдана бошлади. Бу жараён, айника, XX асрда жуда кучайиб кетди. Негаки, бу асрда келиб, илм-фанининг жамият ҳаётидаги ўрни бекиёс кепгайди. Фанинг ҳамма соҳаларида акл бовар кизлмайдиган оламишумул кашфиётлар юзага келди. Улар жамият ҳаётига жуда катта таъсир кўрсаади, одамларнинг турмуш тарзини ўзгартирибгина колмай, тафаккурини ҳам янги изга солиб юборди. Илмий кашфиётлар мислесиз қулайликлар туғдирини билан бирга, таҳтикали хавф-хатарлар ҳам олиб кетди. Натижада инсоннинг янги-янги чигал муаммоларга рўнара келиб, уларни ҳал қиломай, боши берк кўчаларга кириб қоя бошлади. Буларнинг бари жамиятда илмига, унинг кашфиётларига кизикини кучайтирги, одамлар факат бугунги кунга эмас, органиги кунга ҳам, ўз тақдираарига ҳам тез-тез назар ташлай бошладилар. Буларнинг бари бугунжарон миқёсида илмий фантастикага мислесиз кизикини вужудга келтирди. Шу тарика, XX аср ўрталарига келгандা, бутун дунёда фантастик адабиёти турдулаб авж ола бошлади. Шуниси кишини мамнун қизадики, ўзбек адабиёти ҳам бу жараёндан четда колигани йўқ. Бироз кечикиб бўлса-да, яъни 60-йилларнинг охири ва 70-йилларнинг ибтиносидан бошлаб, илмий-фантастика жанри ўзбек адабиётида ҳам ўз конуниятларига, ўз хусусиятларига эга бўлган мутлақо мустакил жанр сифатида шаклдана бошлади. Бошқача айтганда, ҳудди шу кезларда ўзбек адабиётида илмий-фантастика жанрининг баҳори бошланган ёди. Шу баҳорни етаклаб келган қашдирғочлардан бири Ҳожиакбар Шайхов бўлди. 1972 йилда ёш ёзувчининг «7-СЭР» деган китobi чон этилди. Бу китобнинг номи исчуклир бадиий асар номига ўхшамас, кўпроқ меҳаника ёхуд физикага мансуб китобнинг номига ўхшаб кетарди. Бирок унинг ўта «илмий» номидан чўчимай, кўлига олиб вараклаганлар китобдан хикоялар ўрин олганини кўриб ҳайрон қолишиди. Ҳикояларни ўқиганлар эса унarinинг ўзбек адабиётида бутунлай янги ҳодиса эканига, илм муаммолари ҳакида бадиий шаклда мулоҳаза юритувчи, уларни бадиий воситалар орқали тавддалантиришга уринувчи асарлар эканига ишонч ҳосил килиниди. Орадан кўп ўтмай, муаллифнинг «Ажиб юлдузлар» деган янги китоби чон этилди. Бу китоб ҳам фантастик ҳикоялар ва илмий-бадиий очерклардан гаркиб топган бўлиб, ён адебининг илмий фантастикага кизикини ўткинчи хавас эмас, балки бутун умрга кетадиган эстойдил майл эканидан гувоҳлик берарди. Шунингдек, китобга кирган асарлар Ҳожиакбар Шайховнинг калами асардан-асарга ўткирлашиб бораётганини ёзувчи ўз устида астойдил инилаб, жаҳон фантастикасининг ижодий тажрибаларини ўзлантириб

бораётганини кўрсатарди. Шундан кейин Ҳожиакбарнинг ўз китобхонлари пайдо бўла бошлади. Улар адаб асарларини қидириб топиб ўкиш билан бирга, унинг шахсиятига, қандай хаёт йўлини босиб ўттанига, ёътиқодларига, ижодий ниятларига ҳам кизика бошлашди. Шунда маълум бўлдикни. Ҳожиакбар ҳали ёш бўлса-да, хаётда анча-мунча жиҳий синовларга рўпара келган, турли-туман кийинчиликларни кўриб ишлана, хаёт козонида озми-кўпми қайнаб, тажриба ортирган йигит экан.

Ҳожиакбарнинг ота-боболари асли тошкентлик, лекин тақдир уларни она юргдан олисларга кетишга мажбур қилди. Улар собик ишуро даври сиёсатидан қочиб, Шаркий Туркистонга кетишади. Шу сабабдан Ҳожиакбар 1945 йилда Хитой Халқ Республикасига қарашли Шинжон ўликасида Чугучак шаҳрида туғилади. Ҳожиакбар ўн ёнига киргандагина замонлар ўзгариб, уларнинг ватанга қайтишига йўл очилади. Ҳожиакбар Тошкентда мактабни тутатади ва Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Политехника институтиниң энергетика факультетига ўкишига киради. 1971 йилда уни мувваффакият билан бигиргач, ҳар хил ташкилотларда муҳандис бўлиб ишлайди, Ўзбекистон Файлар академиясининг Электроника институтида хизмат қиласди. Бу ишларга келиб, Ҳожиакбар 5-6 та китоб чиқариб, истеъододи ёзувчи сифатида танилиб колган эди. Шунинг учун у муҳандисликни қўйиб, ижодга якни соҳаларда ишлай бошлайди. Чунончи, у бир исчада мобайнида нашриётда бўлим мудири бўлиб ишлайди, кейин Ёзувчилар уюшмаси биринчи котибининг ижодий ишлар бўйича муовини бўлади. Бу вақт мобайнида Ҳожиакбар икки марта собик итифоқ ёш ёзувчилар кенгапида иштирок этади. Бу фактни таъкидлаётганимизнинг босиे бор, албатта, кенгашга куруқ кўл билан борилмайди, ҳар гал унга янги асар олиб борини керак. Бу асарлар жуда галабчаник билан муҳокама қилиниади ва қўпчиликка маъқул бўлса, ёш ёзувчи учун катта истиқбол йўли очилади. Ҳожиакбар учун ҳам шундай бўлди – унинг асарлари тез-тез марказий матбуотда кўрина бошлади, ҳар хил нуфузли тўпламларда, альманаҳларда, мажмуаларда босила бошлайди. Шундай килиб, Ҳожиакбар фантаст-ёзувчилар армиясининг олдинги сафларидан ўрин ола бошлади. Унинг «Ажиб юлдузлар», «Ёттинчи операция», «Ренг жумбоги», «Гаройиб кўланка», «Аждодлар хотираси», «Олмос жилоси», «Тепба дунё» номли асарлари фантастик адабиёт соҳасида сезиларли ходиса бўлди. Унинг айрим хикоялари, киссалари Россия, Франция, Булғория, Олмония, Испания, Хиндиштои ва бошқа мамлакатларда турли тўпламларда нашр этилган. Бу далолатлар ҳаммамизни кувонтирмай қолмайди, албатта, чунки ҳар бир ёзувчининг асари ватанимиз сарҳадларидан ташкарида шухрат топар

жаки, бу ўзбек халқининг донгини оламга ёйишга хизмат қиласди, айни чоңда, бу турли маданиятларининг яқинлашишига, халқоларининг ўзаро ҳамкорингига йўл очади.

Хўш, Ҳожиакбар Шайхов асарларининг ўзига хослиги нимада? У фантаст ёзувчи сифатида нималарга ўтибор беради? Қандай муҳим гаштарни кўтариб чиқади? Бу саволга бирон даражада қоникарли жавоб берин учун унинг бугун ижодини таҳлил килиш керак. Афусски, ушбу муҳтасар муқаддимада биз бу имконга ўга эмасмиз. Шунинг учун бу саволга жуда ихчам шаклда жавоб берамиш: албагта, Ҳожиакбар асарларида хозирги фантастик адабиётнинг ҳамма зарур белгилари мавжуд, яъни улардаги воксалар Ердагина эмас, бутун Коинотда, кўшни Галактикаларда содир бўлади. Ҳожиакбарининг қаҳрамонлари турфа-туман роботлар, ўзга сайёраликлар, одамларга ўҳшаган ёхуд ўҳшамаган маҳлуқотлар. Бироқ, воксалар силсиласи канчалик гайритабиий кечмасин, қаҳрамонлар канчалик гаройиб бўлмасин, улар охир-оқибатда қай бир томонлари билан Ердаги одамларнинг бугунги ҳаётига, бугуниги ташвишларига боғланиб кетади. Адид бир-биридан қизик, марокли саргузаштлар тўқиб, китобхон ҳаёлини банд қилишни эмас, балки инсоннинг мангуту муаммоларини ўргаташа ташлаб, инсон вижданига мурожаат қилиб, уни ғафлат уйқусидан уйғотиши ва баркамолроқ қилишини ўйлайди. Шунинг учун Ҳожиакбар асарларининг замирида инсон ҳаётининг маъноси, ёътиқоди, ҳалоллик, поклик масалалари ётади. Адид илмий-фантастик шаклларда эзгулик ва ёвузлик, тўғрилик ва ёғрилик, бағрикентлик ва худбийлик ўргасидаги курашни кўрсатади. Худди шу жихатлари билан Ҳожиакбарининг асарлари адабиётга, санъат ҳодисасига айланади ва китобхонларнинг юрагини забт этади.

Хурматли китобхон! Қўлингиздаги «Гуташ оламлар» ва «Икки жаҳон овораси» романлари адабининг ўз муҳлисларига ажойиб тухфасидир. Бу асарлар бугунги адабиётимиз учун янгилик бўлиб, аввал бундай асарларининг шайло бўлиши мумкин эмас, ҳатто уларни ёзишини ўйлаш ҳам душвор эди. Уларнинг янгилиги шундаки, бу асарлар ўзбек насридаги биринчи мистик-фантастик романлардир.

Улар эш мунозарали ва энг қизикарли муаммолардан бирига багишланган. Инсоннинг табиати, ҳаёти қанақа, инсон вафот этиши билан унинг ҳаёти тугайдими ёхуд у бошқа шаклларда, бошқа тарзда қайта туғилиб, яшашда давом этадими? Инсон жисми билан руҳияти ўргасида қандай муносабатлар бор? Умуман, моддий дунё билан руҳият дунёси ўргасидаги алокалар қанақа? Арвоҳлар, Иблис ва унинг малайлари, турли-туман ажинаю алвастилар бор нарсами ё факат ҳаёлот ме-

васими? Эхтимол, мөдлиончилик сүяк-сүякларига сингиб кетган баъзи бирорларга бундай саволлар жуда жўн ва, ҳатто, ноўрин кўрининши мумкин. Лекин жаҳон адабиётида бундай муаммолар кўп асрлардан бери дикқатни жалб этиб келади. Ҳатто Данте ва Гётега ўхшаш даҳо салъаткорлар ҳам бу масала атрофида умр бўйи бош котирганилар. Собиқ совет адабиётида эса, бу масалалар ҳакида ёзиш катъияни тақиғланган эди. Мана, мустакиллик шарофати билан бундай чеклапилар бекор бўлди ва биринчи илмий-фантастик ва мистик романлар қўлимизга стиб келди.

«Тутап оламлар» романининг бош қаҳрамонлари уч она-сингил Назира, Наргиза, Нафисалардир. Улар ўта ажойиб қобилиятта эга - кела-жакка назар ташлай оладилар, уларга рухият дунёсининг ёнг зўр кучлари ҳомийлик киласди. Романда реал одамлар билан бирга Ғавсул Аъзам, ҳазрат Шайхон Тоҳур каби азиз-авлиёлар, Иблис ва унинг хизматкорлари, турли-туман олийжаноб ва пок одамлар билан бирга ўтири, муттаҳам одамлар, бугунги мафия кучлари ҳам бор. Асарни ўқини давомида «ҳаёт» деб аталмиш улут нesъматининг битгас-туғанмас бир уммон эканлиги, унинг сиру асрори ҳадсиз, жумбоклари мўл эканига, тагига стиб бўлмаслигига ва айни шу хислаги билан ҳаёт инсон учун гоят қадрли ва азиз эканига амин бўласиз. Биз бутун умримизни бебако деб аталмиш мөддий дунёда яшаб ўтамиш, аммо бу дунё билан ёнма-ён, унга туташиб кетган бошқа бир дунё - бокий дунё, рухият дунёси йўқ эканига ким кафил бўлади?

Хожиакбар Шайховнинг ушбу туркумга кирган иккинчи романи – «Икки жаҳон овораси» ҳам ҳозирги куннинг долзарб муаммолари, умуминсоний рухий-маънавий масалаларга багишланган.

Муаллиф уларда фантастика, мистика, баъзан детектив жанрларининг шиидатли ривожланувчи сюжетлари, усул ва унсурларидан моҳирона фойдаланган ҳолда яна ўша бадиий адабиётининг мангу муаммолари - нур ва зулмат кучлари ўргасидаги кураш, ҳаёт ва ўлим масалаларини бадиий тадқик этар экан, бу оламда ҳеч нарса – яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам изсиз йўқ бўлиб кетмайди, инсонининг ҳар қандай килмиши (ваҳидийлик, қотиљлик, маҳдуллик, маънавиятсизликнинг жами кўринишлари ва ҳоказо) ҳеч қачон жазосиз қолмайди, деся таъкидлайди. Гуноҳкор одамии қисмат ёзмиши унинг ўлимидан кейин ҳам вақт ва фазонинг асл бовар килмас ўлчамларида таъкиб ва тазиик этаверади. Бугина эмас, пироварлида бу қисмат унинг авлодлари: фарзандлари, невара-чеваралтарига ҳам тинчлик бермай, уларни ҳам турли азобукубатлар, ғам-ғусса ва рухий хасталикларга гирифтор киласди. Бундай фалсафий дунёкарашини ёзувчи ирсият ва биология фанининг ёнг сўнгти ютуклари, кўхна Шарқ илоҳиёт исломлари ва диний таълимотларининг

Энг өзгу ақылаларига таянан ҳолда мантикан терап ҳәстий дағылатлар орқали ишонаржы асослағ беради.

Хозирги даврда күз оздимиздә фан диний-мистик тус олиб, мистика фаний йўналишта кирайти. Чунки фанинг ҳам, диннинг ҳам, жумладан, мистиканинг ҳам охир-оқибат мақсади бир: яни дунёни ва инсоннинг ўз-ўзлигини англаш. Улар бу оламшумул мақсад йўлида биргалашиб, ҳамкорликда хизмат килишса, бундан бани башар фақат ютади.

Фоний ва бокий дунё, Коннот, Галактика ва Инсон ҳәсти шу даражада тулашиб-чирмашиб кетганки, бу бизда осмон қадар ҳайрат туйғуси уйғотади, холос. Ҳәётимиизда кечадиган ҳар бир яхши-ёмон ҳодиса замрида биз ҳали тагига стмаган қандайдир илоҳий конуниятлар мавжуд. Бу конуниятларни билин учун биз ана шу тулаш оламлар, тулаш тақдирлар билан боғлик сир-синоатларни англаб стмогимиз керак. Бунга эса, ўйлашимча, одамлар ўзаро меҳр-оқибат, өзгулик, юксак маънавият ва маърифат орқалигина эришинилари мумкин.

Хожиакбар Шайховнинг ушбу китобига киргтан романыаридан ана шу мураккаб ижтимоий-фалсафий масалалар хусусида терап пардаларда фикр-мулоҳаза юритиладики, улар оханрабодай ўкувчи қалбини ром этади, ана шулар ҳакида ўйлашга мажбур қиласди. Ҳақиқатан ҳам, бу дунё – сирли дунё!

ОЗОД ШАРОФИДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ТУТАШ ОЛАМЛАР

Биринчи қисм





Бисмилахир роҳманир роҳим! Дуойи саломлар ила ғаройиб қаромат соҳибалари – опа-сингил Мунира, Маъмура ва Марғуба Даҳажон кизларига бағишланади.

Муалиф

Инсон нур ва зулумот барзахи – чегарасидур, шул сабаб ани тоғи ёдусига менгзаорлар. Инсон зоти моддиюндин, моддий дунё талаблари ва сифатлариндин айру тушмай туриб, Мутлак Рухга етишмоғи мумкин эрмас. Рух ила вужуд, кўнгил ва акл орасинда мангу кураш борадир. Рух бил курашда моддийликни, жилемни ўзига бўйсундириб, илохий маърифатни таниши, Ҳақ асрорига кошиф бўлмок учун хизмат қилдира олса, ул буюклик мартабасини эгаллагон ҳамда Поклик таҳтида ўтиргон Адолат ва Ҳикмат шоҳи – комил инсон руҳига айланадур.

Шайх Фаридиддин Аттор

АВЛИЁНИНГ ТАШРИФИ

Рутубатли қиши музларини эритиб, кўхна Тошкентнинг Ҳазрати Имом даҳасига ҳам, бугун юрт ҳудудлари қатори яшаш, янариш, яигиланишини етаклаб Наврўзи олам кириб келди. Лекин исчамини йиллар муқаддам тупрограмизга илдиз қўйган қадимиий урф кўпдан таъқиб қилинаётганини сингдира олмагандай, кечалари ҳамон совуқ, этини жунжиктирувчи шамоллар тинмайди. Кундузлари шаҳарни оптоқ ва куюқ туман чулғаб олади-да, тушга якин гўшингадан эди чикиб келган соҳибжамол келинчакдай дилларни яйратиб, қўёш юз очади. Аммо бу қувонч узокқа чўзилмайди, сал ўтмай, унинг ҳароратсиз чехрасига яна қорамтири булутлар парда

тортиб, кор аралаш ёмғир савалай бошлайди. Кейин тезда оқшом чўкиб, шаҳарнинг эски кўчалари ва синч уйларида бирин-кетин чироклар милтиллайди.

Ана шундай файзсиз оқшомларнинг бирида Баҳром Шайх отанинг кўк дарвозали шинам ҳовлисида ғаройиб бир ҳодиса юз берди. Ўртаси месвазор ва супа этаги гулзор ҳовлиниң уч тарафига курилган синч уйларнинг тархи анъанавий бўлиб, кенг айвоннинг устунлари, син-силлик деворларига шарқона нақшин жилолар берилган, унинг тўртбурчак гардишлари ичига арабий имлода Куръони каримдан оятлар битилган. Арк шаклидаги бир қаватли деразаларнинг сўл томонида ўймақорлик усулида гул солинган ҳаворанг эшик...

Бир маҳал эшик аста қия очилиб, гулли чит кўйлак кийган икки ёшлар чамасидаги ялангоёқ қизча эмаклаб чиқди-да, зина сари интилди. Пилапоядан инқиллаб ерга тушиб олгач, ҳали эриб улгурмаган қор устидан эмаклаб кетди. Дарвоза яқинидан қўшни ҳовлига арикча окиб ўтар, унинг сатҳи юшқа муз катлами билан копланган эди. Тўғри дарвоза тарафга интилган қизча ана шу арикқа қулади-ю, бирон сас ҳам чикаришга улгурмай, муз остига тушиб кетди...

Орадан олти-етти соңия вакт ўтгач, ҳовлиниң ён томонидаги ошхона эшиги очилиб, ундан узун соч ўрими тақимига тушган, хомиладорлигиданми, корни бироз дўшпайган, ёш жувон чиқди-да, айвонга караб шошилди. Эшикни очик кўргач, югуриб уйга кирди.

Назира! – деб қичкирди у ичкарини олазарак кўздан кечи-раркан. – Ҳой, Назира! – жувон нафаси бўғзига тикилиб, уйни гир айланиб чиқди. – Вой шўрим! Кўчага чиқиб кетибди, шекиши?! – дэя хитоб қилди-ю, «Назира-а!.. Назира-юв-в!..» – деб бакирганча ташқарига отилди.

Дарвоза яқинида беихтиёр кокқан қозикдай тўхтаб қолди. Вожаб, арикчадан сал берида онюқ салла ўраган, оқ ҳарир чопон кийган баланд бўйли оқсоқол мўйсафид қизчасини кўтарганча ёш жувонига гинаомуз тикилиб турарди. Унинг оқариб кетган ўsic қошлиари остидаги катта-катта кўзларида кишининг вужудини жимирлатиб юборгувчи аллакандай сирли бир ифода бор эди.

– Мана, олинг; қизим, – деди оқсоқол майин мусикий овозда қизчани узатаркан. – Назирангиз арикқа тушиб кетибди.

Бирдан ўзига келган жувон қизчасига отилди, уни мўйсафиднинг кўлидан юлкилаб олди-ю, уйга югарди.

- Вой шўрим! – дерди у йўл-йўлакай азбаройи ховликканидан нафаси бўғига тикилиб. - Вой қизгинам!.. Ўзи касалдан бошинг чикмаётувди. Энди шугина стмайтувди сенга!..

Уйга ўқдай учиб кириб, қизчасини шона-ниша счинтириди. Хўл гапасини сочиқ билан артиб, кийимларини алмаштириди, кейин кўрнага буркаб ташлади. Ажабо, қизча худои хеч нима кўрмагандай кўзлари очик, кулумсираб ётар, ва на гингшири эди. Боз устига, туйқусдан бурро-бурро қилиб:

- Ойи, Шайх Тоҳир бувамга «раҳмат» хам айтмадингиз-а! – деб қолса бўладими! Ахир, у гўдак бўлиб, хали бир оғиз хам ганирмаған, «ойи» лейишни хам билмас эди-да! Жувоннинг эхонаси чиқиб кетди. Яна ташқарига югурди. Валекин ховлида хеч кимса кўринимас, бугина ёмас, ариқ яқинидаги юпка кор катлами устида ўзининг изларигина бўлиб, мўйсафиднинг изидан асар хам қолмаганди. Аёл дарвоза тарафга чонди, уннинг бир тавакали ёшигини очиб, кўчага каради. Кўчада хеч зор йўқ эди.

Уйга кайтиб кирди-ю, қизчасига ҳайрат ва хавотир арадаи тиқилди.

- Нега ховлига чиқдинг? – деди у ҳадик аралаш койиниб. – Ўтган кунигина «Тез ёрдам» чакириб, иштмангни зўрга туширувдик...

- Ойи, мен энди бошқа касал бўлмайман! – деди Назира яна бурро-бурро қилиб. Азбаройи ҳайратига тушганидан жувоннинг кўзлари кинидан чиқиб кетаёзди. – Шайх Тоҳир бувам шундай дедилар.

- У ким ўзи? – сўради аёл тили зўрга калимага келиб.

- Вой, билмайсизми? У киши – менинг еттинчи аждодим-ку, чўнг бувам бўладилар-да! Боягина келиб кетдилар-ку!

Қизчанинг онаси энди нима ўзишга хам ҳайрон, унга худди савдоийлардек тикиларкан, беихтиёр дудукланиб ганириди:

- У кишини... к-қаердан... т-танийсан?

- Илгари танимас эдим, боя тапишдик, - жавоб берди Назира ҳамон бўш келмай.

- Ганиришини хам... с-сенга ўша... Шайх бувами ўргатдиларми?

- Йўқ. Улар, сен энди яхни, соғлом қиз бўлиб ўсишинг керак, бундан бўён доим сендан хабар олиб турман, легандилар, ўзимдан-ўзим: «Рахмат, буважон!» деб юбордим. Кейин сизга хам ўзимдан-ўзим ганириб кетдим.

- Ё тавба! – деди онаси негадир бирдан корнини ушлаганча.

- Қоринингизда синглим қимирляяпти, – деди Назира онасини бешбагттар таажжуб солиб, унга бувам Наргиза деб исм кўйиши

айтдилар. Кейин яна бир кіз күрар әкансиз. Уни дағам Нафиса деб атайдылар. Біз жуда ахил уч она-сингіл бўлиб стипарканмиз. Ке-йин кўчирик бошланаркан.

Ён жувоннинг оғзи энди бенхтиёр очилиб ёнилди:

– Кўчирик?..

Синов. Бизни улар каттароқ бўлганимизда, ўн йил мобайнида синовдан ўтказишар әкан.

– Уларинг... ким?

Осмондаги фариштагалар-да.

Қизласининг тан-сўзларидан тамомида ўзини йўқотган жувон уига ҳайрат ичра термулар, наришонлиги лакиқа сайни ортарди. Шу аснода яна Назира ган котди:

– Бувам жума намозидан қайтилар, хозир дарвазадан кириб келаятилар. Эшикни очини:

Аёл бенхтиёр дераза томон интилиб, гулдор парданни тортди, хосхоналарига ўтиб кетаётган қайнотасини кўрди-ю, бўшаниб, оёкларидан хам мадор кетди. Қизласининг:

– Энди мен ухлайман, ойи, сиз бориб ошхонадаги юмушларингизни қиласвериң, – деган овози худи олис-олисларадан ёшлилганлай туюлди. Назиранинг устига кўрича ёнилган митти жисми хам худи тушда кечадигандек муаллақ ва ғира-шира тусга кирди. Жувон гапдираклагудай оёкларини зўрга кўтариб, эшик сари юрди.

РИВОЯТ

(Куръони карим оятлари ўйсинида)

Парвардигор тупроқдан Одам Атони, унинг қобирғасидан Момо Ҳавони яратди, уларга кўхлик сурат ва сийрат берди, сўнг фариштагаларга: «Одамга сажда қилинглар!» – деди. Фариштагалар шу захоти одамга саждага эгилдилар. Факат Иблис сажда қилишдан бош тортиди. Оллоҳ бунинг сабабини сўраганида, у кибру ҳаво билан: «Мени оловдан яратгансан. Уни эса лойдан ясадинг. Шу боис мен ундан устунроқ ва улуғроқман», – деб жавоб берди.

Унинг бу «ман-ман»лигидан ғазабга мингап Парвардигор Иблисни жаниатдан қувиб, Ерга сургун килди. Ноchor қолган Иблис: «Менга маҳшар кунигача яшашимга мухлат бер», – дея илтижо килди. Оллоҳ унга мухлат берди. Шунда Иблис, Одам бола-



ларини то киёматгача Парвардигорнинг Тўгри Йўли устида кутиб ўтираман, сўнгра уларга олдилари ва ортларидан, ўнгу сўлларидан келиб, йўлдан оздираман ва уларниң кўпшарини пошукур, нонкўр бандаларга айлантираман, деб қасам ичди. Парвардигор уни жаннатдан жирканч ва мағлуб ҳолда ҳайдар экан, куфр ва каттол ишларига эрганигандарни унга кўшиб мангут дўзах азобида қолдиришини аён этди.

Одам Ато билан Момо Ҳавони эса, жаннатда қолдириб, ундаги мева-чесва ва ноз-несъматлардан хоҳлаганларини тановул килишлари мумкинлигини, лекин аиави дарахтга яқишлашмасликларини, акс ҳолда авратларини беркитадиган либосларидан жудо бўлишларини маълум килди.

Шунда Иблис беркитилган авратларини очиб шарманда қилиш учун Одам Ато билан Момо Ҳавони васвасага солди: «Парвардигорингиз факат фарипиталарга айланмаслигингиз ёки жаннатда абадий қолиб кетмаслигингиз учунгина сизларни дарахтлардан қайтарди», – деди. Айни дамда уларга холислиги юзасидан қасамд ѡам килди. Хуллас, алдов йўли билан уларни тубан холатга тушириб, лараҳт меваларидан тотиб кўрингига мажбур этди. Шу ондаёк авратлари очилиб, уларни жаннат янроқлари билан тўса бошладилар. Бундан ғазабланган Парвардигор нидо айлаб: «Сизларни бу дарахтдан қайтармаганимидим ва, албатта, шайтон сизларниң ошкор душманингиз демаганимидим?!» – деди-да, Одам Ато ва Момо Ҳавони ѡам Иблисга кўшиб, Ерга бадарға килди. Иблиснинг одамзодни илк марта йўлдан оздириши ана шу тарзда кечган экан.

Парвардигорга ўзини хариф ѡам, аммо дўст ѡам билмаган Иблис шу-шу Одам болаларининг ашаддий душмани бўлиб, фитна ва хийла-найранг билан йўлдан уриш, бор шумликларини ишга солиб, кишиларни даҳрий, ғаламис ва ёвуз мавжудотларга айлантириш пайида яшар экан.

АРШИ АЪЛОДАГИ САВОЛ-ЖАВОБ

Боғи Эрамдаги фаришталар Қароргоҳига Оллоҳнинг дўсти, авлиёлар сарвари ташриф буюраётгани ҳакидаги хабар еттинчи осмон ахли фозиллари орасида яшин тезлигида таркалди. Бир-биридан гаройиб узуикулок миш-мишлар чор атрофига ёйилди.

- Баъзи сайёralарда ахвол чатоқ эмиш!..
- Айникса, Ердаги одамзодни Иблис тозаям йўлдан оздираёт-ганмиш...
- Иблис йўлдан ураётган инс-жинслар ҳам роса кутураётган-миш...

Булардан дарғазаб бўлган Парвардигори олам авлиёлар султони, Ҳазрат Фавсул Аъзам разияллоҳи анҳуга кўрсатма бериб, ўзининг Ердаги бандалари хусусидаги хукм-фармонларини яхши адо эт-маётганликлари учун фаришталарнинг танобини тортиб қўйишни буюрибди...

Бу мишишлар Коинот шабадалари қанотида олам узра тарқалгандан-тарқалиб, жинлар орқали Иблис бошлиқ шайтонларнинг ҳам қулоғига етиб борди. Улар ҳам фурсатни бой бермай, янги-дан-янги қилмиш-қидирмишлар учун тараддуд бошлаб юборишиди. Шайтонларнинг Ердаги кирдикорларидан ғофил соддадил фаришталар Боги Эрам осмонида капалаклардай бамайлихотир қанот қоқишишаркан, авлиё-анбиё, зоҳид-қаландар қиёфасидаги макондошлирига энди шубҳа ва таъна билан тикилишар, бир-бирларига нисбатан ишонч ва меҳр-оқибатларини йўқота бошлаган эдилар.

Айни дамда жинлар орқали бу гаплардан хабар топган Иблис ўзида йўқ хурсанд бўлиб:

– Жуда соз! – деди Ердаги ўз малайларидан бўлмиш уч-тўрт инс-жинсга қаратса. – Ер ва бошқа сайёralардаги нохуш воқеаларнинг ҳаммасига биз эмас, фаришталарнинг ўзлари сабабчи. Сўнгги асрларда уларнинг хулқ-атворида кибру ҳаво пайдо бўлди. Ўзларининг бандаликларини унутиб, Унинг амру фармонларига совуққонлик билан қарай бошлашиди ва Ердаги вазифаларини ёддан чиқаришиди. Фаришталар Арши Аълодек муқаддас, табаррук гўша шаънига ярашмайдиган хатти-ҳаракатлар қилдилар. Оқибатда Парвардигори олам хоҳиш-иродасига кўра биз, шайтонлар, ўз фасод ва маъсиятларимизни, фитна ва кирдикорларимизни бошладик. Фаришталарни биз тўғри йўлга солмасак, ким солади, ахир!..

Мантиқан тўғри туюлган бу гаплар ҳам шайтонлар ва инс-жинслар орасида яшин тезлигида тарқалди. Уларнинг янада руҳлари кўтарилиб, ўзларида янгидан-янги қилмиш-қидирмишлар учун куч-кудрат пайдо қилишиди.

Шундай қилиб, Боги Эрамдаги гулзор хиёбон сахнида муаллақ осилган ёқут тахт устида Парвардигори оламнинг суюкли дўсти

Ҳазрат Фавсул Аъзам разияллоҳи анҳу пайдо бўлганларида, Жаброил алайҳиссалом бошлиқ жаннат аҳли анжуманга ҳозир нозир эди. Арши Аълонинг жами аҳли фозиллари, фариштаю малоика ва ҳоказо улуғ зотлари унинг атрофини бир дақиқада парвоналардек ўраб олишди.


Ёкут таҳтда ўтирган Парвардиғорнинг дўсти нуроний мўйсафид қиёфасида бўлиб, ҳавориқларидан йифинда гап ҳаддан зиёд жиддий масала хусусида боришини ҳамма дарров англаб етди.

Ҳазрат Фавсул Аъзам разияллоҳи анҳу ҳозир олтмиш тўрт ёшдаги барваста қоматли дароз одам кўринишида бўлиб, ихчам оқ саллалари остидаги чаккаларига оқ оралаган қорамтири майин сочлали тўлқин ҳолда елкаларига тушиб турарди. Корадан кўра кўпроқ жигаррангга мойил қўзлари ўта синчков боқар, бўлиқ соқоллари кўксига тушган ва бир текисда тарашланганди.

Шу дамда Ҳазрат хомуш тортган, қўзлари атрофга маъюс боқар, кимдандир ёки нимадандир ўта норозиликлари кўриниб турарди.

– Эй азиз фаришта ва малоикалар, муҳтарам авлиё-анбиё, зоҳид-қаландар ва мукаррам саҳобалар! – дея гап бошладилар авлиёлар сultonни салмоқли оҳангда рўпараларида қанот қоқиб, ҳавода муаллик турган гала-гала жаннат аҳлига юзланиб. – Ҳазрат Ҳақ субҳонаҳу ва таоло сизларнинг феъл-атворингиздан бехад норизодир. Ер юзи одамлари яна бузғунчилик ва нопоклик йўлларига кирмиш. Аларнинг аксарияти Ер деб аталмиш сайёрамизни фасоду маъсиятга тўлдириб, бир-бирларига фитна уюштирурлар, шароб ичарлар ва зино килурлар, қон тўкурлар ва ота-оналарига озор берурлар, етимларнинг ҳақини ерлар ва қаҳ-қаҳ уриб кулурлар. Муҳтарам мукаррам фаришталар эрса, буларни кўра-била туриб, ҳамон ғафлат уйқусидадурлар. Ўзларининг бандаликларини унтиб, ҳавойи орзу-ҳавас ташвишлари ила бандлар. Одамзодни Иблис йўлдан оздираётган экан, уларни тартибга чақириш, шайтони лаъин йўлидан қайтариб, тўғри йўлга бошлаш кимнинг вазифаси, ахир?! Эй, фаришталар, сизлар бу билан Ҳазрат Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг иродасига шак келтирмоқдасизлар ва гуноҳга ботмоқдасизлар. Ё унинг қаҳру ғазабини унутдингларми?

Ҳазрат Фавсул Аъзам разияллоҳи анҳу бу саволни катъий оҳангда айтиб, бир лаҳза сукутга ботдилар. Уртага қабристон сунунати чўккан, минг йиллардан бери умр куриб келаётган «мана-



ман» деган авлиёй-анбиёлар ҳам лом-мим дейиңшга журъат этолмай көлишганди. Нихоят, авлиёлар султонининг қалтис ва ҳаққоний саволларига жавобан жами фаришталардан бири сўз олинига журъат этди.

– Эй шарофатли ҳазратимиз! – деди у ҳазин бир оҳангда. – Парвардигори оламга илтижомизни сткаксангиз: биз бечоралар расвои жаҳон бўлганимизни аинглаб етдик. У бизга раҳм-шафқатини дариг тутмаса... Ҳазрат Ҳак субҳонаху ва таоло йўл кўреаганидек, анинг улуғ қудрати ва қароматларини срлик инсонларнинг ўзларида на-моён килурмиз ва ул осий баидаларни тўғри йўлга солмоқ учун бор куч-куватимизни аямасмиз.

Фариштанинг гаплари авлиёлар сарварига маъқул бўлди, чоғи, чеҳраларидаги ғазабнок ифода ўринини осойишталик ва иноят эгаллади. Улар бир неча фурсат кўзларини юмиб, сукутга ботганча, ни-чирилаб калима келтирилдиар. Сўнира маъноли килиб ганирдиар.

– Парварлигоро олам бу илтижоларинги магрифат килди. Сизларга ўз гуноҳларингизни ювни учун Ул зот яна уч юз йил муҳлат берди. Агарда шу муҳлат ичида Ердаги одамзодни тўғри йўлга бошлиамасанглар, уни эзгулик, инсоф, диёнат, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳидоят йўлига қайтармасанглар, у барчангизни бадбин кора девларга айлантириб, Аридан қувъин қиласажак. Ерда эса, муқаррар равишда қиёмат қойим қўнажак!

Фаришта ва малоикалар бу гапдан минг бор истиғфор айладилар, умидворлик ила ёкут курсига якинлашиб, унда ўтирган олий зотни тавоғ килдилар ва бор илму амалларини Ердаги хаётни изга солишга қаратишлари юзасидан касам ичдилар.

Авалиёлар султони энди авлиёй-анбиёларни бир-бир хузурларига чорлаб, савол-жавоб қилингга кирицилдиар. Биринчи бўлиб истиқболларида опшоқ саллали нуроний Шайх Тохир бува пайдо бўлди. У жажжи бир оқ булат устида турарди.

– Мухтарам тақсир, сиз сўнгги ойда моддий киёфада Ерга ташриф буюрибдурсиз. Бу не ўзбонимчалик?

– Маъзур тутгайсиз, ҳазрати олий, 1967-зурриётимдан бўлмиш гўлдак ҳалокат чоҳига йикилмуш. Ани ўлимдан саклаб қолдим.

– Бу савоб иш дейлик. Лекин не учун унга қаромат баҳшида этмушсиз? Бу -- шариат қонунларига хилоф-ку!

Бир қониқ қонимдан кечгайсиз, ҳазрати олий! Ўшанда буни Парвардигори оламнинг ўзи кўнглимга солгандай бўлмиш эрди.

– Парвардигори олам бу гүдак ва аниң ҳали фоний дунё юзини күрмаган икки синглиси пенонасига улар балоғат ёшига еттандан кейингина күчирик синовларига дучор бўлиниларини ёзган. Бу ишни нечун барвакт бошламушиз? Ахир, бу турноҳингиз охир-оқибат порасида гўдаклар бошига не-не маломат тошлари ёғдиришини ўйламадингизми, тақсир?

– Мен аниң ўз бошидан синов азоб-укубатларини снгилрок кечиришини умид килиб эрдим, ҳазрати олий. Ул менинг жигарбандим-ку, ахир!..

– Сиз турноҳ килгансиз, тақсир!

Митти оқ булут устида чўккалаган мўйсафидан ногоҳ гандираклаб, кўлларини осмону фалакка чўзди-да, ички бир нило билан хитоб қилди:

– Ё раб! Осий бандангни ўзинг афв этгайсан!..

Парвардигори олам унга раҳм-шафқат айлаб, авлиё руҳини ўзида қолдирган ва Ердаги еттинчи шажарасига тааллукли жигарбандини вакти-вакти билан зиёрат килиб туришга ҳам ижозат берган эди.

ХОРИЖДАГИ ҲАЁТ

Назира ариқчага тушиб кетиб, уни «каллақандай мўйсафи» кутқариб қолган кундан эътиборан Баҳром Шайх отанинг хонадони тиниб-тингчимай қолди.

Бу кўҳна шайхлар сулоласи аслида гаройиб тарихга эга эди. 1920 йилларда Баҳром Шайх отанинг падари бузруквори Гулом Шайх бува қулоқ деб эълон килиниб, катагонга учраган ва Сибирга жўнатилиш арафасида эди. Охир-оқибат у қайта маблағлар сарфлаб, бир кечадаёқ акаси Икром шанг-зун¹ истикомат кирадиган Қашғарга қочиб кетишга муваффак бўлган эди. Орадан уч йил ўтгач, уй-жой қилиб, тижорат иниларини йўлга қўйгач, оиласини кўчириб олиб келганди. Орадан йиллар ўтгач, Хитой Ҳалқ Жумҳуриятида ҳам уч қарши харакат² авж олиб, бойлар, жумладан, Икром шанг-зун ва унинг укаси Гулом Шайх бува ҳам қамоққа олингган ва шу-шу бедарак йўколгандар. Унинг хотини ва учта қизи энди балоғат ёшига етган катта ўғли Баҳром Шайхнинг

¹ Шанг-зун – XXЖда «нижротум ранси» деган маънода ишлатилади.

² Уч қарши харакат – XXЖда инқилобий харакат турларидан.

қарамогида қолиншанды. Хитойда ҳам боңланған түс-түпөлон күнчиллик кариндош-уруғлари собик шүрөлар мамлакатида қолиб кетган бу кичик ойланинг бошига күн кулфатшарни солған эди. Үсмир ёниданоқ оила бокини ҳаракатида ўлиб-тирила боңлаган Баҳром Шайх на бир илм, на бир шахсий бойлик оргтира оғланғанды. У Тошкентда яшаёттандырыларда, отасининг кистови билан Ҳазрати Имомдаги диний мадрасада таҳсил қўриб, имом-хатиблар даражасини олишга эриштанды, холос.

Кагта буваси Тилла Шайх бир вакълар Тошкентининг йирик бойнаридан бўлгани, шахарда ўз маблағлари ҳисобидан бешта мачит курдиргани, айни вактда, у таниқли диний уламо ўтгани ҳакида отасидан кўн антика ҳикоялар эннитанды. Отасининг бир ҳикояси сира ёдидан чиқмайди. Буваси Тилла Шайх шахарда мачитлар куришига жазм қилиб, диний идорага мурожаат этибди. Дин уламолари: «Сиз – бир бойсиз, холос. Мачит куришинг маънавий ҳукукингиз йўқ», – деб бу савоб ишга руҳсат беришмабди. Шунда буваси эски хужжатлар, қадимий китоблар ва қўлёзмаларни титкилаб, ўз қавми томирларининг мозийда ўтган авлиёлардан бўлмани Шайх Тохир, Шайх Ҳожа Асрор валий ҳамда Аҳмад Яссавий шажараларига бориб туташувини исботлаб берган ва шундан кейингида эзгу ниятини амалга оширган экан. Ҳазрати Имомдаги Тилла Шайх мачити бувасидан ёрқин хотира сифатида хозир ҳам мағур кад ростлаб турибди.

Отаси яна бир қизик воқеани кўн эсларди. Кунларнинг бирида бувасини кўролмайдиган ҳасадгўй ҳамсоялари: «Фалон куни Тилла Шайх бой элга оши бераятти», – деб бутун визоятга гап тарқатиб, хабар юборишган. Оқибатда унинг Ҳазрати Имомдаги данғиллама ховлисига ўша куни Бўстонлик, Бекобод, Тўйтепа каби туманилару касабалардан юзлаб одамлар ёнирилиб кела боңлаган. Лекин бундан буваси саросимага тушмаган, йигирма чоғли кўйини сўйдириб, бир неча юз пуд гуруч дамлаттирган ва дастурхон ёзиб, зудлик билан халқка оши тортирган экан.

Шундай улуг одамларининг фарзандлари мухожирликда хорузор кун кечираётганидан Баҳром Шайхнинг онаси муштинар Мукамбархон ая чексиз ғам-кайғуга ботар, узун кечалари болаларидан яширинча хўнг-хўнг йиглаб чиқарди.

Баҳром Шайх Конғарда аввал бир неча йил юк ташувчи бўлиб ишлади. Кейин савдо соҳасида омадини синааб кўрди. Ишлари сира юринавермагач, далада йилки бокинига киришиди. Ўша йиллари

собик шўролар мамлакатида фанистлар билан урун бўйланган, собик шўро лашкарлари отларга жуда катта охтиёж сезаётганди. Хитой ҳукумати ҳалқка мурожаат килиб, кимда урушга ярокли отлари бўлеа, чегарада кўпини дўст мамлакат вакилларига бемалол сотиш учун ижозат берди. Баҳром Шайх яйловда ёзи билан йилки бокар ва оғларининг семириб стилгандарини кишига якин чегарага хайдаб келиб, собик шўро вакилларига ватанинварварлик туйгулари, кинидик кони тўкилган она гунрокка чексиз муҳаббати боис арzon нархда сотар эди. Шу тариқа баҳоли кудрат оиласини тебратиб юрди. Лекин бу «омади» ҳам узокка чўзилмади. Йилки бока боплаганига уч йил ҳам тўлмай, ҳукумат маъмурлари уни хусусий мулкчиликка ружу кўйиб, контрабанда ишлари билан шуғуланаётганликда айблашибди ва ишинин судга ониришди. Шунда Мукамбархон ая Тошкентдан яширинча олиб келиб, гишнини ковагида асраётган озигина тилла ва дуру жавоҳир инн берди. Маъмурларининг оғзини «мойслаб», камоқдан кутудиб көлди.

Бирмунча вакт ишсиз колдан Баҳром Шайх транспорт соҳасига ўтиб ишлай боплади. Тошкентда туринчанида, отасининг «Газик» машинаси бўлиб, уни унча-мунча хайданини ўрганиб олганди. Бир ойлик хайдовчилик курсини тутағди-ю, манина ҳайдай боплади. Ана шундан кейингина ишлари бироз юришгандай бўлди. У эди «Газик» машинаага тўлдириб мол ортиб, шахарма-шахар юрар, кўтара савдо-сотик ишлари билан шуғулланаб, бир исча коп пул билан кайтиб келарди. Баҳром Шайх табнатан виждоли, беғубор ва тиришкок йигит эди. Ўзича маниналарни мустакил ўрганиб, гажрибада синаб, бу соҳада анча-мунча билим ортириди. Тадбиркорлик кобилиятини ҳам хисобга олнишиб, бир исча йилдан кейин уни транспорт корхонасининг муҳандиси, сўнгра бошлиги лавозимига гайинлашиди.

Кунларининг бирида маҳаллий шароитта анча мосланиб, ўзини тутиб олган Мукамбархон ая ўғлини хузурига чакириб, тапни узоқдан бошлиди:

– Ўғлим, худога минг катла шукур, рўзгоримизни анча бутлаб олдинг! Сингилларини: Муяссар, Мукаллас, Мушаррафхон ҳам анча бўйлари етиб, кўзга кўриниб колишидди. Шариатта кўра, дунёга келган ҳар бир одам ўзидан зурриёт колдириши керак. Бу ёғи эди орзу-хавасини ҳам ўйласак чакки бўймасди.

Гап ўзига бориб тақалишини хаёлига келтирмаган Баҳром Шайх лабдурустдан:

— Мұяссарни бу йил турмушға берә қолайлық, — деди соддалиқ билан. — Совчилар келишпти шекишли.

- Совчилар-ку, худога минг қатла ишкүр, келиб туришибди. Лескин мен... — Мұкамбархон ая бир зум мұғомбірлік билан сұкутда қолди-да, гапида давом этди: — Үзим совчи бўлсам, дегандим.

— Үзим совчи бўлсам?.. — гапнинг индаллосини энди тушунған Баҳром Шайх қизариб кетди. Кейин негадир тиля зўрга айланиб, кўшимча қилди: Мен бу хақда... сира ўйламаган эканман.

- Тушуниб турибман. Кечакуңдуз иш билан бандсан. Бошинг ёстиқка тегди дегуича чарчаб ухлаб қоласан. Бу хусусда қачон ҳам ўйлай олардинг. Лескин, ўғлим, барибир... кўз остингга олган бирор-таси бордир?

Баҳром Шайх онаси билан бу мавзуда биринчи гапланиши эмасми, ёш боладай бенібаттар қизариб, елкасини қисди. Кейин сира иккапланмай:

— Худо хаққи, бу хақда ҳечам ўйламаганман, деб жавоб берди.

— Үзингдан колар ган йўқ, биз океуяқ, зодагон авлодмиз. Раҳматли буваларинг эл-юртда обрў-эътибор қозонған авлиёмонанд одамлар бўлишганд. Бизнинг оиласа гушадиган келин ҳам шунга муносиб, насли-насади тоза, ўз уруғимизнинг қизи бўлини керак.

- Сиз айтатётган киз бу жойларда анкөнинг уруғи бўлса керак, ойи? — деди Баҳром Шайх беихтиёр кулумсираб.

— Кулма, ўғлим, худога минг қатла шукур, учкалик эмас. Урумчи шахрида Сайидазимбийнинг муҳожир авлодлари истикомат килишади. Сайидазимбой кимлигини эшигтансан. Тошкентнинг манаман деган эшарвар, тадбиркор, ўқимишли бойлари сирасидан. Отаси Бухоро амирлигининг Қоратегин деган улусидан келиб, Тошкентда муқим яшаб колган. Шуларнинг авлодидан Мунаввар исмли бир қиз бор экан. Айтишларича, үзиям исми жисмига монанд, қадди-комати тиқмачоқдек, сохибжамој, оқила киз эмиш. Ана шу бизга муносиб келин бўлиши мумкин.

Баҳром Шайх бошини куйи солғанча, сұкутга ботди. У Мунаввар номини эшигиши биланоқ ичидан зил кетган, азбаройи ҳаяжонга тушганидан тиля калимага келмай, тез-тез нафас ола бошлаганди. У шахарма-шахар машина ҳайдаб, савдо-сотик билан шуғулланиб юрган кезларида Урумчидә тошкентлик Сайд Карим ота исмли бир бой билан иттифоқо учрашиб қолган, үзининг кимлигини суриштириб билгач, уйига бошлаб бориб, хамма молларини кўтарасига сотиб

олган ва роса меҳмон кизганди. Ўшанда ички-тасиқи данғизлама ховлида ўн саккиз ёнилар атрофидаги юзи сутта чайилгандай тиник, яноғида кон-кора холи бор суксурдай сулув бир қиз хизмат килиб юрган, отаси унга: «Мунаввархон, уни олиб келинг», «она кизим, буни олиб келинг», – дега бот-бот иш буюрган, йигит эса, унинг ўзини илк бор кўрган заҳотиёқ қўнғирок овозда охудай хурқаклик ила «Ассалому алайкум!» – деганида юраги «жиз» этиб кетганди. Ўшанда Сайд Карим ота билан у ёқдан-бу ёқдан анча гапланинг, мезбон Баҳром Шайхнинг отаси ва бувалари ҳақида кўп яхни гапларни айтиб, йигитнинг қалбини ифтихорга тўлдирган эди.

Баҳром Шайхнинг хаёлини яна онасининг вазмин ва насиҳатомуз оҳангдаги гаплари бўлди:

– Нима дейсан, ўғлим? Жуда яхши одамлар. Агар мен совчи бўлиб борсам, улар йўқ дейишмайди.

Йигит ҳам вазминлик билан:

– Ўзингиз биласиз, ойижон, – деб жавоб кайтарди-да, азбаройи иситмаси чиқаётганидан қип-кизариб кетган юзини тескари бурди.

Хуллас, кўи ўтмай тўй ҳам бўлди. Орадан яна бир неча йил ўтгач, собиқ Иттифокда урушдан кейинги оғир иктисадий тикланиш йиллари бошланган, кўшимча ишчи кучларига катта эҳтиёж туғилган эди. Шунинг учуними, собиқ шўролар ҳукумати хориждаги собиқ фуқароларига мурожаат қилиб, ўз юртларига қайтишларига рухсат берди.

Кошнарда яшаган йиллари Мукамбархон ая, унинг оиласи ва муҳожир юртдошлари хамиша она Ватана чексиз соғинч хисси билан яшаган, радиодан бирор ўзбекча куй-кўшиқ эшлиб қолиша ҳам юрак-бағрилари эзилиб, кўзлари жиққа ёшга тўларди. Ватанга қайтиш мумкинлиги ҳақидаги хушхабардан Баҳром Шайх гасарру-фидаги бутун оила жушибашга келди.

БОБОЛАР КАРОМАТИ

Кўк дўши кийиб, моштуруч соколи ёйсимон шаклда бир текис тараашланган барваста қоматли Баҳром Шайх ота дастурхон ёзиглик хонгахта юкорисида хаворанг болишга ёнбошлиб ўтирганча, қарщисига омонат тиз чўккан келинини савол-жавобга тутгани сари ҳайрат ва таажжуби тобора оргиб борарди. Дијбархоннинг саросима ва хавотирга тўла гапларидан шундай хулоса ясан мумкин эдики,

кслини ва нсварасининг кўзига энг кагга буваларидан бири кўриниб, у, \агш, Назирани ўлимдан сақлаб колган. Бу етмагандай, сира гили чикмастган нсвараси шундан ксийн ўз-ўзидан бурро-бурро гапириб кегган. Айни вақтда, Дилбархоннинг яна иккита киз кўришию тагин алламбалоларни башорат килган.

Бахром Шайх ота дастурхондаги хозиргина пахта гулли пиёлага кслини куйган кўк чойдан бир хўплади-да:

- Майли, кизим, ~ деди атайим хотиржам оҳангда, - сиз ишларингизни қилавсинг. Назира уйғонгаида мени чакиравсиз, ўзим бориб кўраман. Ойингиз хам тутилиб колди, кичик холангиз туй бошлаган-ку, шунинг гашвишида юрибди. Ҳализамон келиб қолса, яна маслаҳатлашармиз.

Бир соат ичидақ ранги синикиб колган Дилбархон ас га ўрнидан турди-да, гашкарига йўналди.

Бахром Шайх ога мош-гуруч соколини тутамлаганича, ўйга чўмди. «Е тавба, - хаёлидан кесирди у ўйчан нигохини рўпарадаги бир нуктага қадаганича, - бу не савдо бўлди?» Шунча умр кўриб, шунча дунё кезиб, бунакасини у биринчи бор эшигиши. Тўғри, отаси унга болалигига капа бувалари Тилла Шайх ва Шайх Хожа Асрор валий хақида анча-мунча афсона ва ривоятларни гапириб берганди. Улар худди кесчагидай хали-хануз сдида.

Жуда капа ер-мулк, юз минглаб мол, кўй-кўзи ва йилки эгаси бўлган, Мовароуннахр деб аталмиш қадимий буюк мамлакатда курдатли подшолардан хам юқорироқ обрў-эъгибор ва мавксага эришган, улуг ва мўъгабар шоирлару буюк давлаг арбоблари «Пирим» деб ихлое кўйган Шайх Хожа Асрор ислом динининг йирик намояндаларидан бири бўлиши билан бирга, илм ва дин аҳли томонидан «Валий» унвонига бежиз мушарраф этилмаган эди.

Шайх Хожа Асрор ҳассасини ері а бир уриб, купна-куруқ жойдан сув чиқарар, сохирилик каромати кўрсагар, яъни хаво очиклигига булуг чакириб ёмғир сғидира олар, арикдаги сувларни афсуп йўли билан тесскари оқизар, одамларни доухонлик воситасида кўп касалликлардан фориг этиш кобилиятига эга эди. Қапо, у бир марта гуркий халқларнинг уч подшоси ўз лашкарлари билан қирғинбарот жанг бошлаш учун юзма-юз кслишганда, шошилпнч жанг майдонига етиб борибида-да, поднголарни шундай руҳий холатга солибдики, натижада улар кўзларидан шашкатор ёш оқизиб, бир-бирларидан узр сўрашибди ва кўшинларини қайтариб олиб кетишибди.

Тилла Шайх буваси ҳақидаги отасидаи мпитган ривоятлар \ам жуда қизик.

Кунларпиш бирида бувасинииг хузурига муглақо нотаниш бир одам ташриф буюриб:

- Шайх ота, бўй етган қизим йўқолиб колди, - дсбди йиглагудай бир ахволда, - уч кун аввал дугонамникша бориб ксламан, дсб чикиб кстган жан, шу-шу кайтмади. Қидирмаган жойимиз колмади.

Тилла Шайх бува дўнг псанасини тириштириб, нотаниш мсҳмонга синчков тикиларкан:

- Уйингиз қаерда? - дсб сўрайди.
- Самарканд дарвозада.
- Қизингиз дугонасиникига бормабдими?
- Иўқ, бормабди.
- Унинг исми нима?

Муслима.

11сча сшда?

- Бу йил ўн ечтига тўлди.

Шундан кейин буваси кўзларини юмганча, гасбсх утира бошлибди. Бир исча дақиқадан кейин алланималарни шивирлаб, юзига фотиха тортибди-да, меҳмонига яна синчковлик билан гикилиб:

- Хавотир олманг, қизингизтирик, - дсбди бирмунча гашвишли охангда. - Уни ссвиб колгаи бир йигит олиб кочиб костибди. Аввал совчи кўйган чкан, сиз кунмабеиз.

- У хозир қасрда -жан? - сўрабди нотаниш кимса нафаси бўғзига тикилгудай ахволда ҳовлиқиб.

- Сирдардан ўтилиши билан ўнг тарафда кадимий қишлоқ бор. Номи сдимда иўқ, шу қишлоқни кок ёриб ўтган тошкўчанииг ёқасида бир кўк мник кўряпман. Қизингиз ана шу уйда.

Нотаниш мсҳмон азбаройи суюниб кетганидан кўлини фотихага кутариб:

- Илоё умрингиздан барака юниш; Шайх ота! Агар кичимни эсон-омон кайтариб келолсам, уни сиздай улуг чоз га назир килганим бўлсин. Узим хам бутун умр хизматингизни ўташ хдваеида.маи... - дсбди-да, «омин» дсбди.

- Ҳожати иўқ, - дсбди Тилла Шайх бува хотиржам охангда гапини бўлиб. Лекин қизингизни ўша йигитга бермай, чакки қилибсиз. Ҳалиям кеч >мас. Улар иккоilon бир-биларини сқтиришади. Ҷизни тўига айтишни унуғмасангиз бас.

- Сиздай табаррук ҳазратнинг айтганини бажо келтириш бу факт приш и! учун хам қарз, хам фарз. Худо хохдаса, тўйни бошланим бўлсин!..

Шундай килиб, халиги нотаниш одам уч кундан кейин оғзи кулогида яна бувапинг ҳузурига кслган ва унга етти букилиб таъзим килганча, ташаккурлар айта-айта тўйгатаклиф этиб ксгган экан.

Рахматли бувалари билан боғлиқ бунака гаройиб афсона ва ривоятларни Бахром Шайх ота дадаси ва уларни билган бошқа қарикартанглардан кўп иннитгандн. Лекин афсона, барибир, афсона-да. Хар бир гарихий шахсниш мураккаб ҳаст йўли афсона ва ривоятлар туманига чулғанаркан, уларга турли хаслий уйдирмалар, чўпчаклар кўшилиб-чатилиб кестиши, муболата «либоси» ила ўралиши табиий, албагга. Лскин хар кандай афсона замирида хақиқаг зарралари яширганки, ўша аждодлари чинданам ўга носб хислат соҳиблари бўлишгани, хар холда, эҳтимолдан холин эмас...

Ҳазрати Имомдаги кала хонадонлардан бирининг соҳиби совиб қолган кўк чойдан тағин бир ҳўплади-да, янада ўйчанроқ қисфага кирди.

У холда нега буваларидан носб қобилият суюк суриб ўзига - Бахром Шайхга ўтмаган? Ёки бунга чет элда, мусофириликда тортган кўпдан-кўп азоб-уқубатлари монслик қилдими? Ё бу хислатлар биз хали аш'лаб стмаган маълум қонуният асосида бир неча авлодца бир карра намосн бўлармикин?

Бахром Шайх отанинг бирдан қуюқ қошлари чимирилиб, кўзлари чараклаб кетгандай бўлди. Қошгарда юз берган бир ғайриоддий вокса ногаҳон унинг ёдига тушганди. Нега бу хакда илгари сира ўйламаган экан?

Урумчи билан Хўтан шаҳарларининг орасида анча баланд гот йўли, довон бор. Ушанда ҳайдовчилик қилиб шаҳарма-шаҳар қатнаган кеслари эди, довоннинг қок ўртасига стиб келишганда, бирдан мотор шараклаб кетди-да, лаҳза ўтмай, худди сувга тушган чўғдай «гшс» этиб ўчди-қолди. Машинани ўйлнинг чеккасига кўйиб, ўзи тенги ҳамроҳи билан капотни очиб, у ёк-бу ёғини текиипра бошлади. Аксига олиб, коронги тушиб қолган, ҳеч нарсани аниқлай олишмади. Тоғ йўлида машиналар қатнови айгарли тинган, битта-яримтадан маслаҳат олишнинг хам иложи йўқ...

Улар бир соат кутишди, икки соат кутишди, лекин чор атрофда зог хам учмас, ҳеч кимдан дарак йўқ эди. Сукутга ботган сокин ос-

мон қўйнида аллақачон чараклаб юлдузлар кўз очган, бутун водийни нурафшон нурларига йўғирган тўлин ой навбатдаги кн силсиласининг ортига яшириниш тараффудида эди. Бир томон осмонўпар тоғ - коронғида у эртаклардаги улкан дсвдай вахимали кўринар, иккинчи imiotiia карасанг, кўчині тиниб кетадиган чукур жарлик. Пастда, жар тубида буралиб-эшилиб оқастган сой ой нурида жи-мирлаб кўзга ташланарди,

- Оббо, роса худо урди-ку, - деди шериги асабийлашиб.

Шу пай г уларнинг олдида настдан чиқиб кесластган бир оқсоқол кўринди. Унинг бир қўлида ҳасса, бошига оқ салла ўраган, соқоли кўксига тушарди. Нимасидир Баҳром Шайхга отаси Гулом Шайхни эслатарди. Исладир саросимага тушган йигитлар дарров салом беришиди.

- Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳу ва баракотуқ! - деди мўйсафид ёшига монанд бўлмаган бардам овозда. - Нима гап, машиналаринг бузилиб қолдими? Ким ҳайдовчи? Қани, ўриига ўтирииг - чи. Ут олдиринг. Олмаяпти. Демак, унинг сими узилиб кетгаи...

Мўйсафид шундай дся маслаҳатлар бериб йўлида давом эгган, йигитларнинг: «Шошмай туринг, ота, машинани тузатсан, олиб бориб қўямиз» дс1 анларига қарамай, «Раҳмат, мен манзилимга келдим \исоб», дся ҳассасини дўқиллатганча довон ошиб, олга жилганди.

Улар ўн дақиқа ичидасқ симни улаб, машинани ўт олдиришгач, тез йўлга отланишиди. Баҳром Шайх йўлда мўйсафидни ола кетамиз, дея машинани атайн секин ҳайдайди. Ажабо, у ерда хам, кўкда хам йўқ ади. Бир томони вахимали осилган тикка қоялар, иккинчи томони тубсиз жарлик бўлган кимсасиз йўлда на бир қишлоқ, на бир овлоқ кулба бор эди. Атрофга олазарак тикилганча бир соатдан зисд йўл босишганда хам хеч кимдаг! дарак бўлмади. Аввало, етмиш-саксонга бориб қолган оқсоқолнинг ўша вақтларда ўта камёб машинанинг ички ашқол-дашқолини хам билиши уларни ҳайратга солганди. Хўш, ўшандан ота қасқка ғойиб бўлиши мумкин эди? Булар Баҳром Шайх ота учун ҳали-хануз жумбоқлигича колганди.

Ташқарида келинининг кутилмаганда кўркув ва саросима араплаш:

- Дода! Дода-а! - деб бақирастгани дарров *ушиши* хаёлинин жо-йига кслтириди.

НОТИНЧ ХОНАДОН

Шу захоти тарақлааб әшик очиляб, останада азбаройи даҳшатга туинганидан кўзлари олайиб кетган келин найдо бўлди. Баҳром Шайх ота шошилиниң ўрнидан туаркарди:

– Тиичиликми, қизим? Яна нима ган? – деб сўради хавотирда.

Дилбархоннинг юзи кийшайиб:

– Дода, неварагиз шайгоналааб колди! – деди-ю, мук туниб йигдай бошлади.

Баҳром Шайх ота Назира ётган хонага кирди-ю, «Ё раббим!» лекинча жойиди коққан қозикдай туриб қолди. Неварасинин кўзлари алог-чалоғ, оғзидан кўник чикариб, алланималар дей алаҳсиради. Ота унинг:

– Шайх бувам... хозир келдилар... Яхинилар... кўриким... Хали яна... келаман, дедилар... Энз... тизим... тилим!.. – деган гапларинингина анслай одди, холос.

Баҳром Шайх ота ўзини кўлга олиб, неварасининг тенасига ўтиди-да, ишонасига кафтини босиб кўрди. Иситмаси йўқ оди. «Ё тавба, васвас ўмасикини ишиклиб?» хаёлидан ўтиказди у ўз ўйндан ўзи вахимага тушиб. Суяқ суриб унга ҳам ўтибди-да, десанг, ота аждодларидан – налари бузруквори томонидан ҳам, волидан шафикаси тарафидан ҳам, бирортасининг руҳий хасталикка чалинганини сезломайди. Бу не хол бўлди?

– Оиҳонада моиқичири килаётгандим, – деди Дилбархон йигланмасираб. – Бирдан кизим кичкираётганини эшитиб, югуриб кирсам, ахвоз шу. Нукул: «Шайх бувам келдилар, Шайх бувам келдилар!..» деб алаҳсираятни. Кўзлари бежо. Ўна кўзига кўрининган... бува, англанимча, ёнди хозирча яна ганиролмай коласан лебди, шекилини. Нукул: «Тилим, тилим!..» деб бакиради.

Баҳром Шайх ота невараси ётган каравот ёнидаги стула гутириб, кўлларини юзига тортиб фотиха килди-да:

– Бисемидлаҳир роҳманир роҳим, раббана аллазийни азалиана мин алжинни ваал-ниси нажъалхума таҳда акдимина ли йакуна мин ал-асфалин...¹ – дейа Қуръони шарифдан ояллар ўкинига тушиб кетди, кейин тагин юзига фотиха тортиб ўрнидан турди. Назира ёнди алаҳсиранидан тўхтаб, ишча ўзига кела бошлагандай оди. Йескин бирдан у бувасига таънални тикилиб:

¹ Ой. Нафарадигоримиз, иш-жинислардан бизларни тўтри йўлдан адабитрганинни кўрсантилики, биз уларни қадамларимиз остига слайлик, тоқи улар ёнг наст хўрланганлардан бўленинлар.

Йўк, йўк! У жинмас... Бувам!.. – деди-да, негадир холсизланиб кўзларини юмди. Булдан хавотири ортган Баҳром Шайх ота кўксига туфлаф, ўшикка йўналаркан, келининг мурожаат қилди.

Сиз эди уни ёғиз колдирман; кизим, кўз-кулук бўлиб турни, мен хозир дўхтири чакириб келаман. Эрингизнинг хам ишдан қайтадиган вакти бўлди...

Баҳром Шайх ота маҳаллада «ниначи дўхтири» деб ном чикаришни шифокорни боизаб келганида, хонадон ахли жамулжам бўлиб, хавотири ва саросимага туиган хотини Мунаввархон билан ўғли Асадбек кизчанинг атрофида гирдикапалак эди. Дилябархон хам кетмаган ошхонадан кириб келди.

Дўхтири касал гўдакни анча синчилаб текинирди. Дарров ташис қўйишига шоцилмади. У бир неча йил Тибетда халик табобати усуслари бўйича тахсил олган, ўтмини ва хозирги замон тиббиётидан боҳабар анча саводли одам эди.

– Кизча билан боғлиқ воқеаларни хозирги фан изохлаб беришга ожиз, – деди у инҳоят қулогига такилган фонендолоскопини қўлига оларкан, ўйлашимча, у биз ҳали англаб етмаган йўл билан рухлар илиа мулокотга кирган. Бунинг қанчалик яхши ёки ёмонлиги ҳакида бир нарса дебёлмайман. Лекин, келажакда у гаройиб хислат соҳибаси бўлиб етишиви эҳтимолдан ҳоли ёмас. Уни жуда эҳтиёлаш, авайлиаб тарбиялани керак. Ҳозирча уни бир яхши дуюхон мулла топиб, эскичасига ўқитишни маслаҳат бераман. Шу замон шифокорларига кўрсатишниг фойдаси йўк. Улар кизчани ё руҳий касалга чикаришади, ё бошқа бирор нотўғри ташис қўйиб, ичини заарли кимёвий дори-дармонларга тўлдиришади...

Дўхтири кептач, Баҳром Шайх отанинг умр йўлдоши Мунаввархон ая йигламсираб ган бошлади:

– Бечора кизгинага энди шу дард бор эканми? Ўзини-ку, миң машаққат билан кессерево килиб, онасининг қорнини ёриб олишган эди. Бу шўрликнинг ёзиғи нима эканки, сира боши касалдан чикмайди.

– Кўпам кайгуришдан фойда йўк, – деди Баҳром Шайх ота босиклиқ ила. – Ҳозирок ўқийдиган одам топиш керак. Гуручариқда Гулшода бону деган бир дуюхон, бащоратчи аёл яшайди, деб эши туздим, – хонадон соҳиби энди кизнинг тенасида ранги докадай оқариб, хайкалдай котган ўғлига юзланди: – Асадбой, иккаламиз зумда овқатланиб, ўшаникига бориб келамиз.



Ота-бала Дилбархон олиб келган сопол лагандаги мошкичиридан нари-бери тамады килган бўлишиди-да, кўчага шошилишид...

Гулшода бону эллик ёшлиар атрофидаги, оқ-сариқдан келган, катта-катта қора кўзлари ниҳоятда сермаъно, хушикомат аёл экан, Назиранинг тенасига келиб, бирров синчков назар ташлади-ю, шу заҳоти фикрини айтди:

Қизчангизниң одамлари бор экан. Йўқ... бир эмас, иккита одами бор экан! Иккаласи ҳам... – башоратчи аёл кўзларини бехол ётган гўдакка маъноли қадаганча, бир зум ўйчан киёфага кирди-да, гапида давом этди: – мўйсафид кўрининшида. Соқоллари оппок. Юзларидан нур ёғилиб туриби...

– Вой, тўйпа-тўғри топдингиз! – хавотир аралаш хитоб қилди Дилбархон ўзини тутиб туролмай. – Аввал бизга Шайх Тоҳир бува кўриндилар, кейин у, «Шайх бувамни кўряпман», деб роса алаҳасиради.

Демак, тўғри топибман, – ёқимли кулумсираб, бошини маъноли сизкиди башоратчи аёл.

– Улар нсварамизга бирор зарар етказмасмикин, ишиклиб? – сўради Мунаввархон ая дуохон аёлга қўркув аралаш тикиларкан, титроқ бармоқлари билан бошидаги оқ рўмолини тўғрилаб.

Гулшода бону яна қизчага синчков тикилди.

Йўқ, уларниң иияти яхши. Жуда яхши...

Агар Назира билан боғлиқ гаройиб воқеалардан бсхабар бўлинганди, башоратчининг гапларини Бахром Шайх ота хонадони аъзоларининг бирортаси ҳам жиёдий қабул килмаган бўлар, ҳагто уларда дуохон аёлнинг руҳий соғломлигига шубҳа уйғонишни ҳам эҳтимолдан холи эмас эди. Ҳозир эса, аксинча, ҳаммалари унга худди дафъатан бир қудратли сеҳргарга дуч келгандай лол қолиб тикилишарди.

– Нималар бўлаётганига заррача тушунган бўлсам, ўлай агар, – деди энди гапга Асад аралашиб. У, одатда, жуда кам гапирав, лекин гапирганда ҳам писанда килиб, чўрт кесиб гапиради. – Опажон, сиздан илтимос, нима қилсангиз ҳам шу кизимни тузатиб беринг! Ўзи тўрт йил деганда фарзанд кўрганимиз. Бутун умр хизматингизда бўламан. Ёрдам беринг, жон она!..

Гулшода бону тасдиқ маъносида сигил бош иргаб, келинга муружаат қилди:

– Синглим, бўлмаса, сиз менга кизингизниң баъзи кийимларини ўраб берсангиз, кўйлаги, жулоблари... Ейдиган овқати, кулчаларидан ҳам кўшинг. Кечаси билан ўқиб чикаман. Уч кун ўқисам,

кызингиз анча ўзига келиб қолади. Ҳозир эса, уни қўлинигизга олиб, каринимга ўтирини: Якинроқ... мана, шундай.

Гулшода бону кўзларини юмиб, кафтларини ёзгаича юзига фотиха торғди-да, кейин уларни Назиранинг устида муаллак юргизаркан, алганималар леб ишивирлай бошлиди. У бот-бот «куф-суф!» дега кизнага нафасини уфуар, кейин яна сирли тарзда ишивирламда давом этарди. Машнииз нигохини рўнарасидаги гаройиб аёлдан узмайти кизча анча тинчидан котган, лекин муолажа амалидан бирор ижобий таъсир олаётгани аник сезилмас эди.

Танасини ушлаб кўриши, кизиган бўлиши керак, – деди Гулшода бону келинга иегадир овоздини насайтириб.

Дилбарҳон кизчасининг кўллари, бўйинни ушлаб кўрди-ю, хайратдан қичкириб юбораётди.

– Вой, лазмолдай кизиб кетибди-ку!..

Яхши, яхши, – деди Гулшода бону яна ўша овозда унинг ховурини босиб. – Ҷемак, гаъсири бўляти. Худо хоҳласа, кизчангиз яхши бўлиб кетади. Жуда яхши бўлиб кетади. Лекин... – Гулшода бону тан шу ерга келгандга, «айтсамми, айтмасамми», дегандай ича гарадтудда қолди, кейин таваккал қилиди, шекизди, қатъий оханида давом эти: Лекин руҳлардан жуда эҳтиёт бўлшин керак. Улар бир уйга кириб қолинса, чикиб кетинилари анча қийин. Уларга фақат яхши ганириши, эзгу ният қилини керак. Ўйлашимча, кизчангиз бундан буён руҳлар ила мулокот қила бошлиди. Назаримда, бунга ҳалакит бермаслик зарур. Руҳий мулокот унинг психонасига ёзилган кўришади, – башоратчи аёл яна кафтларини ёзиб, фотиха қилиди: – Охири баҳайр бўлсин ишқилиб... Омин!..

Гулшода бонуни Баҳром Шайх ота бошлиқ хонадан аъзолари бирин-кетин кузагиб ҳовлига чиқицгандга, коронулик қуюқлашган, осмондаги зумрад юлдузлар бодроқдай сочилиб, баланд тунука том оша тўлин ой вазмини сузуб борарди. Бу сехрли осмон жинслари ҳам дуохон аёлга мўлтираб, сокин бир ҳайрат ила тикилишарди.

ПАРВАРДИГОР ГАЗАБИ

Еттинчи кўкда яна ғала-ғовур, фиски-фужур бошлиланган эди. Парвардигор оламнинг самовий баңдалари – фариштагар, малоикалар ва бошика турфа-туман кўринишидаги фазо руҳлари худди капалаклардай канот қоқиб нарвоз қилишаркан, ўзаро яна чугурлашиб қолишган, бир-бирларига гап бермай бидирланишарди.

Оллохи таоло яна қахру ғазабға мингап эмуш!..

Вой, худойим, яна срдаги тартибсизликлар туфайлими?

Қисман, ҳа. Лекин у, асосан, Қуёш рухларидан поризо эмиш.

- Вой, Ерләги тартибсизликлар ҳали-хануз давом этаётгани боис
Оллох фаришталарнинг бир гурӯхини фаолиятсизликда айблаб, сай-
сарнинг еттинчи қатидаги тамуғта бадарға қилганидан хабарларин-
гиз йўкми?

Осмонда ҳам куруқ сафсатабозлар кўпайиб, чинакамига тер
түкиб меҳнат киладиган фаришталар тақчилашаётгани энди ҳеч
кимга сир эмас-да, ахир!..

- Қуёш рухлари қандай хатога йўл кўйишди экан?

- Э, ганираман дессанг, ган кўп, ҳаммасини ҳализамон авлиёлар
сафваришинг ўзларидан эшитасан...

Осмоннинг бир чеккасидаги учар гиламини эслатувчи оппок
бу тут парчаси устида нуроний юзли мўйсафида киёфаларидағи,
кузари ниҳоятда сермаъно икки бува чордана курганча, оҳиста
сувхатлашишарди. Айни вактда, уларнинг нигоҳидан қандайдир
майюслик, туникун кайфиятни ҳам илғаш қийин эмас.

- Ҳазрат Гавсул Аъзам сенга ҳам анча дашном берибдурларму,
хелим?

- Ҳа. Ерга бориб, энг кенжা зурриётимиз вакиласини куткариб
қолиш ва анга каромат бахшида этиш ҳакидаги фикришизига амал
килганим учун...

- Оллохга шукур қилмоқ керак. Бу шаккоклигимиз учун ериниң
еттинчи каватидаги тамуғта бадарға этанида не қилар эрдик?!

- Эҳ-ҳа, унда тоат-ибодат қила-қила қайта Парвардигор маърифа-
тига сазовор бўлгунимизча яна минг йил ўтиб кетар эрди.

Одамзод пайдо бўлибдурки, аниңг хатоликқа йўл кўймаслигин-
гинг асло иложи йўқ эркан-да?..

- Шу боис ҳам, беайб – Парвардигор дейдилар. Ҳом сут эмган банд-
да эрса, Коинотнинг ҳаёт ва ўлим деб аталмиш кулратли хилқатлари
силсиласида олқишиларга ҳам, карғишиларга ҳам душвор бўлиб яшай-
веради.

- Парвардигори олам нечук инсонни ҳеч бир гунохга йўл
кўймайдурган омол мавжудот ҳолида яратмагандур?

- О, у ҳолда одамзод эзгу ва инсоний ишларнинг қадрига стмай
қолур эрди. Гўё ҳар бир воқеа-ходиса, ҳар бир шимарсанинг олам-
даги ўрни ва маънавий баҳосини тўғри белгиловчи ўз муҳаккиқи
бўлмоги керак. Фикри ожизимча, аслида бундай эмасдур. Чама-

си, бу – Оллоҳнинг сиз билан биз англамоғимиз лозим бўлмаган сир-синоатлари тоифасига киради. Илло, ҳаёт ва ўлимнинг туб моҳияти биз уни тушуннинимиз ёки тушунмаслигимиз, уни қўллаб-кувватлашимиз ёки, аксинча, қўлламаслигимизга минбаъд боғлиқ эрмас. Улар қатъий конунлар асосида кечаверади ва одамзод уларга бўйсуниб яшашига мажбурлур. Чунки бу конунлар худди Коинотдаги юлдузлар каби ўта юксакликда ва инсон қўли аларга ҳеч қачон етолмас...

– У ҳолда Парвардигор Иблис, шайтон ва инс-жинсларни не мақсадда яратганур?

Алар, агар таъбирим жоиз эрса, одамзодни тўғри йўлга со-лувчи кибланомага ўхшайдурлар. Агар инсон маънавий таназзулга йўликса, Иблис ва шайтон уни бешбаттар йўлдан оздириб, қабоҳат ва разолатнинг кўз кўриб кулоқ эшигмаган боткокликларига ботиргуси. Оқибатда у Парвардигори олам томонидан жазога мустахиқ килинали ва ўз килмишларининг куфр ва ёвуз моҳиятини анилаб етади...

Осмону фалакнинг тўрида муалилак таҳтга ўтирган авлиёлар султони Ҳазрат Гавсуз Аъзам пайдо бўлганиларида, еттинчи кўкка сув сенгандек жимлик чўқди. Ҳазратнинг атрофини саноқли дакиқалар ичиладек Арни Аъю ахли-аъёни атиргул бутасини ўраган асаларилардай курновга олиниди.

Бу гал ҳам авлиёлар сарварининг кайфиятлари чаток, қуюқ кошлари чимирилган, кўзлари маъюс эди. Ул зот сўзларни чертиб-чертиб, яна шошилмай гап бошладилар. Ҳазратнинг қалин лаблари кимириламас, фаришталар, малоикалар ва бошқа турфа-туман киёфадаги рухи олийларга фикрларини ботиний тарзда узатаётган эдилар.

Мухтараму мукаррам фаришталар, малоикалар, зоҳид-каландар, авлиё-анбие ва самовотнинг ўзга руҳи олийлари! Парвардигори олам Арни Аълонинг сиз – ахли мўмин бандалари ишларидан хали-хануз норози. Сизлар ўз укувсизликларингиз туфайли билиб-билимай гуноҳ устига гуноҳга йўл кўймоқдасизлар. Ерда ҳамон ҳалокатли вазият ҳукм сурмоқда. Ҳом сут эмган одамзод Худодан қўркмай кўйди, у тобора кутуриб, бот-бот ўз ҳамсайёраларининг конини тўқмоқда, аж бовар ўтмас ёвузликларга йўл кўйиб, кун сайин гуноҳларга ботмоқда.

Бу етмаганидек, кўхна эзгу удумларни оёқ ости қилиб, одамгарчилик, меҳр-шафқат нималигини унугди. Бу каби масалалар-

да Оллоҳ ато этган кароматлари ёрдамида унинг барча амру фармонларини адо килиш, Ерда тартибот ўрнатишлари лозим бўлган мухтарам ва мукаррам фаришталаримиз эса, ўз тирикчиликларидан ортмай келишди. Сизлар кўпроқ ўз фароғатларингизни ўйлашисизлар ва худдинлик уммонига ғарк бўлмоқдасиз. Боз устига, Қуёшдаги ахволни хам яхши деб бўлмайди. Қуёш рухлари само йининг дастлабки ойларидаёқ, ернеклар тили билан айтганда, қош кўяман деб, кўз чиқара бошлишди. Биз Қуёшдаги портлашларнинг Ер ва бошқа сайёраларда истиқомат килувчи онги мавжудотларимизнинг хиссий кувватларига мутаносиб мөъерда бўлини тарафдоримиз. Қуёш рухлари эса, ўзларига юкоридан берилган бу ваколатларни суниетсемол қилинайти. Гапнинг индalloсими айтганда, ёнг асосий фожна осмону фалакнинг ахли жамоаси бўлмини сизларнинг орангизлаги локайдик ва бошбонидоқлик сайёраларимизда, жумладан, Ерда хам ўз акеи-ифодасини топаётганилигидан.

Авлиёлар сарварининг таънали овозлари ҳар бир самовот ахлиниң кулоги остида ўқтам-ўқтам, таҳникали янграр эди.

Ахли жамоамизга яхши маълумки, Оллоҳ гаолонинг даргохи кени; карами улуғ. У ҳамма даврларда хам ўз осий бандаларини тўғри йўлга соғиб, саноҳи остига олинша уринган. Ҳозир хам Унинг нияти шундайдир. Бунинг учун эса, сизларнинг ҳар бирингиз најот фаришталарига айланниб, учар жилемларимизда Ерга сафарбар бўлишингиз, одамзод орасида ёзгулик ва меҳр-окибат уруғларини гаркатишингиз лозим. Энди Оллоҳ карамига суяниб, бандай мўмниларга шундай поёб хислатлар баҳшида этишимиз керакки, окибатда улар ўзларини ўзлари ёзгуликка, имон-ътиқод ва меҳр-муҳаббатга чорласинлар, ўзларини ўзлари турфа касалликлардан фориғ этсинлар. Бундан факат балоғат ёшига етмаган болаларгина истисно, холос.

Биз нима учун мухтарам авлиё Шайх Тоҳир ҳазратни бемаврид сўрокка тутдик? Чунки у зот ўзининг ёнг сўнгти зурриёти бўлмиш норасида гўдакка Парвардигорининг ижозатисиз, шайтони лаъиннинг хийласига учиб, каромат баҳи этган. Биз бу ишга вақтида аралашиб, гўдакни балоғат ёшига сттунча айрим кароматларидан жудо айладик. Аке холда, бу нафақат ўша гўдак учун, балки бутун оила ва қавм учун хам катта фожналар келтиришини мумкинлигини упугмаслик керак.

Ҳазрат Гавсул Аъзам разияллоҳу анху одатдагидан бироз чўзилган нутқларини осмон ахлини жиҳзий сафарбарликка чорлан билан

якунладиларда, яна таомилга кўра авлиё-анбиё, зоҳид-қаландар ва фаришталар билан яккама-якка щахсий сухбатга ўтдилар.

Биринчи бўлиб негадир тагин хузурларига авлиё Шайх Тохирни чорладилар. Лахза ўтмай, пайғамбарлар сарвари каршисида учар гилемдай опшоқ булат устида барваста қоматли мўйсафид бош эгиб турарди.

– Бизни энди сизнинг келгуси режаларингиз қизиқтиради, тақсир, – дедилар улар одагларича ҳамсухбатларига сингчов тикилиб.

– Режаларим, ҳазрати олийлари, факат эзгуликка қаратилган, – вазмин оҳантда жавоб берди авлиё қўлларини ковуштирганча.

– Аникроқ айтишингиз мумкинми?

– Албатта, мумкин, ҳазрати олийлари. Сўнгти зурриётларим бўлмиш Назира бону ва унинг энди дунёга келажак сингилларини тезрок вояга стказишга кўмаклашиб, оғир кўчирик синовларидан эсон-омон ўтказиб олсан, девдим.

– Ниятингиз яхши. Лекин бир масалада сизни огоҳлантириб қўйишимиз керак, тақсир.

– Кулоғим сизда, ҳазрати олийлари.

– Назира исмли зурриётингизда Парвардигори олам иродаси ила баъзи ноёб ҳисларни саклаб колини лозим тоңдик. Бўнинг маъносини тушуна оласизми?

– Фикри ожизимнинг англалича, унга каромат бахшида этишини ўшандада Оллохи таолюниң ўзи кўнглимга солган эрди. Уни қисман ёки тўлалигича қайтариб олмак ҳам Унинг амри-иродаси.

– Умуман, тўғри англабсиз. Лекин муҳими шундаки, ўша сўнгти зурриётларингиз истикомат килаётган жой ислом динининг Ерда Марказий Туркистон деб атападиган катта худудларидан бири ҳисобланади. Агарда қизча шу марказда кароматчи сифатида ном чиқарса, бу, ҳар холда, фойдалдан холи эрмас. Чунки, бу элга Парвардигори оламнинг буюк кудратидан кичик бир нишона гарзида намоён бўлади. Модомики шундок эркан, тақсир, энди бундан буён қизчани ва унинг туғиляжак синчилларини нихоятда авайлаб-асрашингиз, уларининг ҳар бир қадамига кўз-кулоқ бўлиб юришингиз даркор.

– Бош устига, ҳазрати олийлари! Шайх Тохир буванинг кўкраги тез-тез кўтарилиб туша бошлагани унинг хаяжонланаётганидан да-полат берарди.

– Бундан буён ҳар бир қадами ўйлаб босинг, тақсир. Озгина тойинсангиз ҳам Иблис йўлдан оздириши тайин.

Мўйсафид бошини эгиб, кўлини кўксига кўйди.

– Марькул.

– Хозирча сизга бор тапим шу. Энди хузуримга ерлик собиқ ҳештларингиздан бўлмиш Ҳазрат Ҳожа Асрор валий ва Тилла Шайх буваларни таклиф этсангиз.

– Хўп бўлади, ҳазрати олийлари!

Шайх Тохир бува онпок булут устида авлиёлар сарваридан аста олислашаркан, кўлини кўксига кўйганча, чуқур эҳтиром ила энганиб, таъзим бажо келтирди.

ИЛК БАШОРАТЛАР

Назиранинг дастлабки башоратлари тўғри чиқди. Унинг онаси Дилбархон бир йилдан кейин киз, яна бир ярим йилдан кейин гагин бир киз кўрди. Уларга Наргиза ва Нафиса деб исм кўйиниди. Қизалоқлар гайриоддий бир тарзда бир-бирларига ўта меҳрибон бўлиб, ой сайнин, кун сайнин вояга ета бошлилди.

Қизиги шундаки, учала қизчанинг хулк-автори уч хилда шаклланадиганди. Назира – тўғрисўз, шалдод, чўрткесар, Наргиза – нозикгельб, хушихулк, ўта гаъсиричац, Нафиса – камтани, хаёлнараст, ҳаддан зиёд художўй бўлиб ўсишарди.

Боғчага катиай бошилаган илк кунлариданоқ Назиранинг овозаси оғизга тушиб, у хақдаги ган-сўзлар афсонавий тус олиб, бутун Ҳазрати Имом даҳасига таркалди. Аввало, у хотираси бекиёс дараҷада ўткир экани билан боғча опаларининг эътиборини ўзига тортиди. У истаган шеър, эртак ёки ривоятни бир марта эшитганидаёқ ёсида саклаб кола олар ва шундан кейин уларни истаган вақтида ёддан ўкиб берарди. Сурайё исмли боғча опаси бир гал, ҳатто, синаш учун ҳазрати Алипер Навоийнинг:

Ўн саккиз минг олам ошуви агар бошинидаур,
Не ажаб, чун сарвонозим ўн саккиз ёшиндаур... -

деб бошиланадиган ҳамда беш яшар болага умуман сингмайдиган газални ўкиб берганди, уни шу захотиёк ёдлаб олганини ҳамманинг кўзи олдида намойиш этди.

Назира боғчада ўзини жуда эркин тутар, ҳамма ухлаётган бўлса, у бемалол ўрнидан туриб ўйинчоқ ўйнани ёки овқат маҳалида кечроқ келиши, болалар кўшиқ айтишашётганда, намойишкорона чиқиб кетини одат тусига кирган эди. Ажабланарлиси шунда-

ки, бунака пайтда ҳар қандай болани тергаб, таңбех бериб, жойига ўтқизадиган боғча мураббиялари негадир унга ҳеч нарса дейинимас, истаган иши билан маниғул бўлишига йўл қўйиб беришарди.

Кунларнинг биррида ғалати воеа юз берди. Болалар энди уйкуга ётган маҳал, Сурайё опалари чорпояда ўйнаб ўтирган бир-икки болани: «Ёт, эчкига ўхшаб намунича иргишилайсан!» дэя койиб тинчи-таётган дамда одатича нариги бўлмада ўйинчок ўйнаб ўтирган Назира куттилмаганда ётоқхонага югуриб кирди-да:

– Болалар! Қўркманлар! Ҳозир зилзила бўлади! – деб кичкирди.

Унга ғазаб билан кескин ўтирилган Сурайё опаси негадир бирдан бўшаниб, оғзини очганча анграйиб колди. Болалар апил-тапил ўриниларидан туриб кетишиди. Шу заҳоти маҳалладаги катта-кичик итларнинг бузовта ақишлигани ва товукларнинг жон аччиғида қакишиллагани ер-кўни тутиб, замин остидан бўғик гувшиллаган овоз ёшитилди. Сўнгра тарака-турук бошланиб, жавонлар ва чорноялар ғичирлади, опхонадаги ликопча ва ишлалар ерга тушиб чилинчин бўлди, дераза токчаларидағи турфа гуллар ўтказилган туваклар та-нир-тунир ағдарилди, шинга осизиган шинша қандиллар жириниглаб, у ёқдан-бу ёкка бориб кела бошилади.

Боғчани бирпасда тўс-тўполон, қий-чув босиб кетди...

Эргасига ойнаи жаҳон ва радио орқали Тошкентда 7-8 балы зилзила бўлиб ўтгани дунёга овоза килинди.

Зилзила юз берган пайтдан ўн беш дакика ўтмай, боғчага Баҳром Шайх отанинг ўзи етиб келди. Назиранинг антика башорати хакидаги боғча мураббияларининг ганига эътибор ҳам бермай, учала неварасини етаклаб, уйга олиб кетди. Баҳром Шайх отанинг Асаддан ташкири яна тўккизта фарзанди бўлиб, бари уй-жой килиб, ким янги ховлига, ким кўп қаватли уйларга чикиб кетишган эди. Ўша куни хаммалари Ҳазрати Имомга етиб келишиди. Отанинг ховлисидағи уйлар ўтган асрда қурилган бўлишига қарамай, синчдан тикланган эмасми, зилзиладан айтарли ҳеч қандай шикаст кўрмаган эди. Назиранинг оламишумул башоратидан хабар топган катталар кизчани кучоклаб-ўниб, роса эркалатишиди. Асаднинг катта акаси Аброр Шайх ўйчан ҳолда:

– Хавотир олманг, дада, бу кизда ган кўп чори. Худо хоҳласа, у булғориялик бащоратчи Вангага ўхшаб, ҳали бутун дунёга машхур бўлиб кетади! – дерди ғурур аралаш.

Кечга бориб хамма уй-уйига тарқалгач, Назира негадир сингиларини меҳмонхонага бошлаб кирди. Идиш-товоркларни йиғишитириб юрган Дилбархон уларни койиб:

— Ха, қаёкка? Бўлди, роса эрка бўлиб кетдиларинг. Кириб ётинглар энди, эрталаб боғчага туролмайсизлар, — деди.

— Ойи, бизнинг беш фурсатли ишимиз бор, — деди Назира жиддий киёфада. Онаси беихтиёр кулумсиради. «Вой, беш фурсатни билганей...» Бундай кезларда ҳар сафар уларни койиб, ётоқхоналарига хайдаб кирадиган Дилбархон негадир бу гал ўзи ҳам англамаган ҳолда рози бўлди. «Майли, билганларингни килинглар», деда ошхонага йўл олди.

Она-сингиллар меҳмонхонага кириб, ўриндикларга ўтиришлари билан, Назира сирли бир тарзда гап боллади:

— Келишганимиздай, хозир Шайх Тохир бувам билан учраштираман сизларни. Лекин кўрқманлар...

— Вуй, кўркиб кетяпман! — деди Назира танаси жуижикиб.

Шу пайт ўз-ўзидан чирок ўчиб, деразадан тушиб турган ой нури катта хонани сутдек нурағишон килиб юборди. Шу ондаёк она-сингиллар нимкатдаги опюқ соколлари кўксига тушган барвастакомат Шайх бувани кўришиди.

Ассалому алайкум, буважон! — ҳаяжон ичиди хитоб килди Назира.

— Ассаламакум, буважон! — деди Наргиза кўркиб-писиб опасининг пинжига тикиларкан.

— Ассалом... — деда олди Нафиса зўрга товуши чикиб.

— Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳу ва баракотух, она қизларим! — деди Шайх Тохир бува хурсандчилигини яшироимай.

— Буважон, сингилларимни танийсиз, — деди у бидирлаб.

— Ҳа, қизим, — деди Шайх Тохир бува салмоқлаб, — анави пучуги Наргиза, анави пўмиш Нафиса. Тўғри топдимми?

— Ҳа, буважон! Буларни бир уйга тўпла, девдингиз, мана, айтганингизни бажардим. Ҳозир ойим келиб колмасидан...

— Ойинг ҳали-вери келмайди... — деди Шайх Тохир бува бамайлихотир унинг гапини бўлиб. — Сизларга, она қизларим, икки оғиз гап айтиб кетмокчиман... Мен бу ерга келмоқчи эмас эрдим. Ҳаммасига Назирабону сабабчи бўлмис. Унинг пенонасига сувга чўкиб вафот этиши ёзилмаган, шунинг учун мен у ариқдаги музлаб ётган сувга тушиб кетганидан хабар топиб, кўқдан етиб келдим ва уни ўлимдан кутқардим. Илло, Худо кўнглимга солди буни. Савовотдагилар ҳам бу ишимни, умуман, кўллаб-кувватлашди. Бир хисобдан бу яхшиям бўлган эркан. Бундан бўён энди биз сизлардан

хабар олиб турамиз. Биз деяётганимнинг боиси, кўкда сизларнинг яна икки бувангиз бор. Уларнинг бири ўн бешинчи асрда яшаган Шайх Xожа Асрор валийнинг рухи. У зот сени кўриқлади, Наргиза. Яна бир буваларинг – ўн саккизингчи асрда яшаб ўтган Тилла Шайх – Нафисани кўриқлади. Сизлар ҳали мурғак ниҳолсиз, кўп нарсаларни билмайсизлар. Сизлар яхши ўқиб, тезрок балоғатга стмоқларинг керак. Асосий ишларимиз ана шундан кейин бошли надур. Ҳозирча эса, сизларни огоҳ этмоқчимен: буваларнинг сизларга қаерда бўлманглар, кўз-кулок бўлиб турадилар. Улар истаган вақтларида ёнларингда пайдо бўлишлари мумкин. Лекин, уларни ўзларингдан бошқа хеч ким кўролмайди. Шунда кўркиб кетмай, бемалол мулоқот килаверинглар. Гапларим тушупарлимис?

– Тушунарли! – дейишди кизчалар бараварига.

– Баракалла! Қолган гапларни кейинрок бафуржা айтиб бераман. Яхши киз бўлинглар. Тўполон қилманлар. Наргиза билан Нафисани таништирганинг учун, Назира кизим, сенга раҳмат!

– Арзимайди, буважон! – бидирлади Назира.

– Қолган буваларинг билан вақти-соати етганда ўзим таништириб кўяман. Хўш, яхши қолинглар! Соғ бўлинглар!..

Шайх Тохир бува шундай дея, зумда кўздан ғойиб бўлди. Шу заҳоти чирок ҳам ўз-ўзидан ёниб кетди.

ГОЙИБДАН ҲАБАР

Назира тўққиз ёшга тўлганида, аллақаёқдан мавхум бир тарзда ғалати ахборотлар ола бошлиди. У ҳафтада бир марта уйку олидан муроқаба ҳолатига тушиб, бир кўлини олдинга чўзганча кўрсаткич бармоғи билан ўнгдан чаига ҳавога алланималарни ёзаётгандай ҳаракатлар кила бошлиларди-да, «ёзганилари»ни ўқишига киришарди.

Ўша куни кизлар негадир одатдагидан барвактрок ётишиди. «Уйқум келаяпти, юринглар!» – деб Назира сингилларини ётоқхонага бошлиди.

Баҳром Шайх ота билан чой ичиб ўтирган Асад кулумсираб кизчаларига тикиларкан:

– Нуҷук, нуҷук? Уйкудан ўлгудай бузор эдиларинг-ку?! – деди истехҳзо аралани.

– Биз барвакт туришимиз керак, – деди Назира билимдонлик билан.

– Ҳа, яхши, бора қолинглар, кизларим! – деди буваси хурсанд бўлиб.

Улар ҳовлининг юкорисидаги алоҳида уйда ёнма-ён ётишарди. Чирокни ўчириб, кўрлага киришлари билан орадан беш дақика ҳам ўтмай, Назира ўрнидан туриб олди-да, ўнг қўли билан ҳавога аллани-маларни ёзётгандай ҳаракатлар килишга тушиб кетди. Кейин уларни ўқий бошлади.

– Авваллари бутун оламда ёлғиз Тангри мавжуд бўлган. Тангри-нинг қаршисида сувдан бошика бирон нарса йўқ эди. Тангри илк инсонни яратди, аммо бу инсон хийлакор ва хоин эди. Сувлар узра уча бошлади. Сўнгра Тангри унинг яшами учун сувларни тубидан бир юлдуз чиқарди, инсонга юлдуздан бир ҳовуч тупроқ олини, буни сувга сениши лозимлигини биздириди. Инсон юлдуздан бир ҳовуч тупроқ олди. Яна бир ҳовучни яниринча ўзи учун айирди-да, оғзида сақлади.

Тангрининг амри билан инсон тупроқдан сув устига сенди. Бу тупроқ улканлашиб, орол бўлди. Иккинчи тарафдан инсон даҳанидаги тупроқ ҳам катталаша-катталана оғзи томон силжий бошлади, оғзи ёрилар холатига келди. Тангри буни сезди, унга: «Тунур!» – деди. У тупурди. Бундан тоғлар пайдо бўлди.

Тангри бу оролга бир қайрағоч экди. Бу қайроғочнинг тўккиз шохи бор эди.

Шундан кейин Тангри юкорида ўн етти қават кўкни яратди...

Ҳайратта тушган Наргиза билан Нафиса ҳам ўриниларидан туриб кетишган, бу ғалати афсона уларниң кўнглида аллақандай ғулув ва ҳаяжон уйғотганди.

– Бу нима, эртакми? – сўради Наргиза кўзларини катта-катта очиб опасига тикиларкан.

– Ҳа, – деди энди ўзига кела боплаган Назира бошини куйи солиб. – Ўйлашимча, буваларимиз бизга уйку олдидан эртак айтиб беришяпти.

– Вуй, жуда зўр-ку! – деди Наргиза суюниб. Кейин жиддийлашиб, опасини саволга тутди: – Энди улар ҳар куни айтишадими? Сен кўлингни нега ликнилтадинг?

– Билмайман, – деди Назира ўзи ҳам ҳайрон бўлиб. – Кўлим ўзидан-ўзи ҳавога арабча ёзувларни ёза бошлади. Кейин уларни ўқидим.

- Арабча хатин билмайсан-ку?
 - Ҳозиргача билмас эдим. Энди биламан.
 - Шунака тез ўрганиб олдингми?
- Назира нима дейишини билмай, сякасини кисди. Сукутдан фойдаланиб, гапга энди камсукумлик билди Нафиса аралашди:
- Буваларимиз миясига... куйиб кўйинган-да...
 - Шунака шекизли, - таесдиқлади Назира ҳамон ўйчан ҳолатда. У негадир безовталана бошлаганди.

Шу пайт Наргиза жон ҳолатда бакириб юборди. Хона алланечук ўз-ўзидан ой нурларига чўмиб, нимкатда ўтирган учта одаминг кораси кўриди.

- Вой, буваларим келишди! - хитоб қилди Назира шоша-пинча уларнинг истиқболига юаркан. - Ассаломалайкум, Шайх Тохир бува, ассаломалайкум Шайх Ҳожа Асрор бува!.. Ассаломалайкум, Тизла Шайх бува!..

Шу пайт ташкарида кир юваётган Џилбархон Наргизанинг бакирганини эшитиб, «Яна нима ган?» - дэя шашгиллаганча кизларинии ёткочонасига караб юрди-да, остоңда алланима ёдига тушиб қолгандай беихтиёр изига кайтиди.

Назиранинг орқасидан кетма-кет Наргиза кўрка-писа, Нафиса эса қимтинибгина салом беринди.

Ваалайкум ассалом ва рахматуллоҳу ва баракотух! - дейишиди бувалар ҳам бирин-кетин дўриллаб. Кейин опиок соколлари кўксига тушган Шайх Тохир бувалари одатича вазмин охангда гап бошлиди.

- Кўқдан Ерга келиш имкони туғилиб қолганди, боз устига, хали ухламаганларингни билиб, яна икки буваларинг билан талиштириб кета колай, дедим. - Катта бува оқ саллали, узун оқ чопон кийган, юзидан нур ёғилиб турған ўрганича зурриётига ишора кишиб: - Бул зот - Шайх Ҳожа Асрор валий буванглар, - леди, кейин соколи бир текис тараашланган, хушибичим юзли, анча ёпроқ одамга имо килди: - бул зот эса, Тизла Шайх буванглар. Иккови ҳам менинг зурриётим, мозийдаги ерлик азиз-авлиёлардан.

Бир зум сукут саклаб тургач, сухбат жиловини яна Шайх Тохир бува кўлига олди.

- Гап буцдай, она кизларим, сизлар анча улгайиб қолдинглар. Энди сизларга сир туюлган баъзи нарсаларга ойдинлик киритишими мумкин. Биз сизларнинг олис ўтминда яшаб ўтган буваларин-

тизнинг руҳларимиз. Шу ҳолатимида кўшам ишлар кўлимиздан келавермайди. Бирор иш бажарашимиз учун бизга моддий жасад керак. Бусиз биз ожиз латиф моҳиятмиз, холос. Шунинг учун биз вакти-вакти билан сизларнинг жасадларингизга кириб-чиқиб туурмиз. Ўшандай ҳолатларда сизлар асло кўркмасликларингиз лозим.

— Демак, сиз боя эртак айтиётганимда, менинг жасадимга кириб чиқибсиз-да? — сўради Назира гўё қашфиёт килгандай севинч билан кўзларини чакнатиб.

Лекин Шайх Тоҳир бувасининг жавоби унинг ҳафсаласини пир килди:

— Йўқ, она қизим, унда биз сени Коинотнинг маҳсус руҳий алоқа тармоғига уладик, холос. Бу йўл билан биз сизларни башарият тарихи, Коинот, дунё илмлари ва динлар, турли қароматлардан боҳабар кишиб турғусимиз. Сизлар балоғат ёщига етганингиздан кейингина руҳларимиз таналарингизга кириб-чика бошлайди. Буни Нарвардигори оламнинг ўзи кўнзимизга солмокда...

Суҳбатга энди Шайх Ҳожа Асрор бува кўшилди.

— Биз танин бир нарсани асло ётдан чикармасликларингизни истардик, она қизларим. Ҳозир дунё нотинч. Осмону фалакдаги ахволни ҳам яхши деб бўлмайди. Кўкда бизларнинг ўзимизга ярашағанимларимиз бор. Булар — ўз ёмонликлари туфайли Оллоҳу таоло томонидан шайтон, алвасиги ва инс-жинсларга айлантирилган мозийдаги собиқ замондошлиаримиздир. Улар, Худо кўрсагмасин, тақдири азалингизга аралаша бошлаганингиздан хабар топиниса, сизларни йўлдан урини, разолат ва қабоҳат уммонига боналаши ҳеч гапмас. Шу сабабли ҳозир бизнинг келиб-кетаётганимиз ва мўлжаллаётган ишларимизни катъяян сир тутишингиз, ҳеч кимга, ҳатто ота-онангизга ҳам лом-мим деб гапирмаслигингиз керак.

— Яна бир фикр, жон қизларим, бу фикрим, хафа бўлса ҳам, кўпроқ Назира бонуга тегишли, сизлар улғайгуналарингизга кадар ҳам ҳали кўп қароматлар кўреатгучисизлар. Шу боис одамийлик ва камтаринликни асло кўйдан бой берманглар! Айниқса, худбинлик, кибру ҳавога ружу этлингларми, шайтонга қўл берганларинг: Бу асло яхшиликка олиб келмайди, она қизларим.

Назира табиатан тўғрисўз, кайсар қиз эмасми, бувасининг кўпроқ ўзига тегишли гапини ҳам жавобсиз қолдирмади.

— Ҳавотир олманг, буважон, тупроқ қадар камгарин бўламиш!

– Жуда соз! – леди Шайх Тохир бува гапта якуп ясаб. – Бўлмаса сизлар билан хайрлапшамиз, она қизларим! Ҳозир сизлар яна бир ривоят энгинглар-да, кейин ётиб ухланглар.

– Хўп, яхши колинилар! Яхши туашлар кўриб ухланглар! – дейинди бувалар бирин-кетин кўздан гойиб бўлишаркан.

– Хайр, буважошлар! Хайр! Хайр! – дейинди она-сингиллар бир-бирларига гал бермай.

Қизлар яна ўриниларига кириб ётишаркан, Назира яна ўнг кўли билан ҳавога алланималарни «ёзит»га кириши-да, эртак бошлади:

– Тангри кўклар ва ерларни пайдо килганидан кейин ҳаво ва денгизларни, шунингдек, Кубин, Ой ва юлдузларни бунёд этиандир. Күш афсоналар ҳам ётиб боролмайдиган само терапииларидан ҳар нарсага нурини тутмоқда, унинг яхши ва ёмон хусусиятлари турфа ақидалар ва ағъоналар нури ила йўғрилган. Күёшда бутун Коинот куч-кулрати жо бўланингдай, бир катор рухулар ҳам тўпландандир...

МАКТАБДАГИ ШОВ-ШУВ

Назира, Наргиза ва Нафиса мактабга катнай бошлади-ю, болалар боғчасидаги кароматлар холва бўлиб колди. Назира буваларининг таъсиридами, биринчи-иккинчи синифларда таҳсил олаётган даврда айтарли ҳеч қандай кароматлар кўрсатмади. У ҳар қандай вожеанишнировард ройинин олдиндан билиб турса-да, буни бирорга гацириб кўйинидан зўрга ўзини тиярди. Масалан, у ким қандай баҳо олишини, ларе вактида синфга ким кириб келишини, нима гап айтишини олдиндан бапорат килиб ўтирас, аксарият холларда бу тўғри бўлиб чиқарди. Учинчи синфда ўқиётганида, унинг хулк-авторида ўзгариш юз бера бошлади.

Масалан, у дарс вактида бемалол ўрнидан туриб, у ёқлаш-бу ёкка юра олар, эшикка ҳам чикиб келиши мумкин, лекин бунга муаллим ҳам, болалар ҳам, худди табийи царсадек сира ўтибор беришмасди.

Наргизада ҳам ғазати одатлар нозил бўлаётганди. У иккинчи синифда ўқиб юрганида, кечки пайт уйда юзаки қараганда тушунини кийин бўлган ғаройиб суратлар чизицига тушиб кетарди. Бу суратлар кўпроқ чексиз Коинот кенгликларини эслатар, ажиб тарзда уйгун жойлашган юлдуз буржлари, чирмациб-чагишиб кетган фалакиёт чизгилари, жами Коинот жинсларини ўзига ўпкондай ютувчи «кора туйнук»лару ўзидан борлик оламга ёркин шуъла таратаёт-

ган баҳайбат ёриткичлар киши калбидан ажабтовор ва турфа хислар уйготар әди.

Нафиса ҳам вакти-вакти билан ғайриоддий бир ҳолатта тушиб қолар, шундай пайтларда у қадимий юонон, форс ва араб тилларида мутлако тушуниб бўлмайдиган оятлар ўқининг киришиб кетарди.

Назира бешичи синфга ўтганида, мактубда чинакам шов-шув кўтарилишига сабаб бўлган ғалати воқеалар юз бера бошиади.

Риёзиёт дарси бораётганди. Оқ-сариқдан келган кирк ёнилар атро-фидаги Муаттар она қаҳрабо чулғамларида оҳанрабо ходисаларини рангли суратлар воситаенда тушунтираётганди, бирдан Назира ўрнидан турди-да, ташвишли овозда:

– Муаттар она, сизга бир ганим бор әди, деб қолди.

Дарси бўлинганидан ғанин келган муаллимма ковоғини солиб:

– Нима гап ўзи? Айтавер, – деди.

– Бу ерда айтоймайман. Факат бир ўзингизга айтишим керак!

Синфга сув сенгандек жимлик чўккан, ҳамма Назирага таажжуб билан тикилганча тек котганди.

Кизининг бу ўжарлигидан жаҳли чиқсан Муаттар она бакиргудай овозда:

– Менинг бирордан яширадиган сирим йўқ. Ганирсанг танир, йўқса жойингта ўтири! – деди уришиб.

Муаллимасининг бу кўноғлинидан Назиранинг ҳам жаҳли кўзиди-ю, лекин барибир, ўзини боеди. Тупрок қадар камтариш бўлиш хакидаги буваларига берган ваъдаси ёди-да. Аммо, барибир, ўжарлигини енголмади.

– Йўқ, Ташкарида айтаман.

Муаллима кўлидаги учи ўткир узун чўпни «тан» этказиб столга кўйди-да, зардали оҳашиди:

Қани, юр-чи! дейа кизни ташқарига бошлиди.

У лахза ўтмай ранги мурдадай оқариб, синфга отилиб кирди.

– Болалар, хозир дарсни Назира давом эттириб туради, мен ярим соатда кайтаман, – дейа ўзлон килди-ю, шошилиниш эшикка йўналди.

Муаллимасининг ортидан кирган Назиранинг чехрасида қандайдир ғуур, кониқиши аломати бор әди. У ҳамма синфларда бирорта «тўрт» олмай, факат аъло баҳолар билан ўқир, ўтилашак дарсларга ҳам, чамаси, олдиндан тайёргарлик кўриб келарди. Шунинг учун хозиргидай фавқулодда вазиятларда ҳамма муаллимлар унга бемалол дарсни ишониб топшириб кетаверишарди.

Аксарият муаллимлар дарс берадиган маҳалда гапига қулок солмай, орқа-олдига ўтирилиб, гаплашиб ўтирадиган болалар На-



зира дарс ўта бошлаганида, қизининг маъруzasига маҳлис бўлиб, ўз-ўзидан жим бўлиб қолинарди.

Назира бу сафар ҳам дарсни жуда содда килиб, шошилмай ту-шунтиришга кириши.

– Оханрабо ходисалари табиатинг энг сирли конуниятларидан бўлиб, баъзи жонсиз мөддиюн ва жами жонли мавжудотларга хос-лир. У айрим жонсиз нарсаларда илохий бир тарзда намоён бўлиб, темир жисмларни ўзига тортиш ёки ўзидан итариши хусусиятига эга. У кўзга ҳам илинмайди. Кўл билан ушилан мумкин эмас.

Айрим илмий фаразларга кўра, қаҳрабо-оханрабо ҳодисалари Коинот, юлдуз ва сайдерлар бурjlари, Ер ва унда истикомат қилувчи жонли мавжудотлар орасидаги мураккаб табиий боғланишлар зан-жирини илохий кучлар томонидан тартибга солиб, бошқариб турувчи оламишумул дастурларданандир...

Одатда, Назира дарсни тутаттак, қизғин савод-жавоб бошланар, унда карийб бугун синф иштирок этарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Илохиёт ҳакида мунозара айни авжига чикқан маҳалда синфга яна отилиб Муаттар она кириб келди-да, тўшиш-тўғри Назиранинг истиқбозига келиб, уни кучоклашиб ўпди. Кейин ўзидан йўқ шодмон кайфиятда синфга юзланди.

Болалар, ярим соаттана аввал синфлошинги Назираҳон ажойиб бандорат кили! – деди у ҳаяжонли овозда.

Шу пайт негадир ҳавотирга тушган Назира унинг кўлидан тортиб наст овозда:

– Керакмас! Керакмас, Муаттар она! – деда ялнина бошлади. Лекин муаллима унинг торткиласхларига эътибор бермай, сўзида да-вом этди.

– Ярим соаттана аввал, биласизларми, у менга шима деди?

– Жон Муаттар она, айтман! – илтижо қилди яна Назира.

– Нега айтмас эканман, сен чинакамига башорат килдинг-ку! – деди Муаттар опа тантана билан. – У менинг ёникка бошланаяти, қизингизда ёнғин бошланаяти, кизингиз дазмолни ўчирмай кетибди, деди.

Бас қилинг! қичкирди Назира негадир саросимага тушиб.

– Уйга ҳаллослаб стиб борсам... – муаллима Назиранинг жон холатда оғзига ётган кўлини итариб ташлади, – дазмол турған столдаги дока билан мато ёна бошлаган ёки!

Назира азбаройи аччикланганидан кескин бурилиб, намойишкорона «дўк-дўк» қадам ташлаганча жойига бориб ўтирди.

— Нега энди жаҳлииг чиқади, Назирахон? — деди Муаттар она эркаловчи бир оҳангда. — Ахир, шундай ноёб хислатинг бор экан, нега уни яширишинг керак? Буюк башоратчилар Мишель Нострадамус билан Вангани бутун дунё билади. Ўзимизнинг ўзбеклардан ҳам қароматчилар чиқса, бунинг нимаси ёмон?..

Энди негадир маъюс тортиб қолган Назиранинг қош-ковогидан кор ёткаркан:

— Ҳаққим йўқ бунга! Катта буваларим рухсат беришмаган... — деди шивирлагудай оҳангда.

Қизининг ёнида ўтирадиган қора қош, қора кўз йигитча у билан бир кўчада яшамайдими, таажжубланиб:

— Нималар деяисан? Кагта буваларинг аллакачон оламдан ўтишган-ку?! — деди унга савол назари билан тикиларкан.

Назира синфдошига истехゾ билан кўзларини сузиб қаради-да:

— Мен учун бунинг аҳамияти йўқ, — деди зарда аралаш.

Бу мавхум жавобдан партадони баттар ҳайрон бўлиб, елкаси ни кисди. Шу пайт кўнироқ жиришлади-ю, зўрға ўтирган болалар ғала-ғовур кўтариб оёққа қалқишиди. Назирани худди илк бор кўрастїандай зумда ўраб олишди. Бирнаса саволига кўмиб танилапди.

— Менга кара, Назира, болалар боғчасида қилган қандайдир қароматларинг ҳакида эпитетувдим-у, лекин ишонмовдим. Сенга бирор гойибдан етказадими?

— Синглинг қандайдир суратлар чизаётган экан, юлдуз хариталарими-ей, Сомон йўлининг тасвирими-ей... Бунака хупари йўқ эди-ку?

— Яна бир синглинг арабча, хитойча, кейин ҳиндчани сувдай ичиб юборганимиш. Учинчи синф ўкувчиси-я?.. Ёлланма муаллимга катнайиттими?

— Унинг ўзиям бало! Богчадалигида Тоникентда бўлиб ўтган ҳамма зилзилаларни олдиндан айтиб берганмиш! Бунинг йўлини бизга ҳам ўргатиб қўслмайсанми?..

— Гўдаклигида анҳорга чўкиб кетганида, уни Хизр бува сақлаб колган дейиншади. Ўйлапшимча, унга Хизр буванинг назари тушган...

— Катта бувалари ўтмишда қароматтўй шайхлардан бўлган экан. Суяқ суриб бунга ҳам ўтган бўлса, ажабмас...

Бутун танаффус Назира ва унинг сингиларидағи ғаройиб хислатларни мухокама қилиш билан ўтди. Иккинчи биология дарси бошланди ҳамки, ўқувчилар типиб-тинчишолмаётганди. Юзидан захар томиб турған элилк ёшлардаги жингалак сочли муаллим шошилмай кириб келди-ю, қовоғини солиб, бир ёвқарашиб қылған эди, болалар оғзига толқон согландај жим бўлишиди.

– Унинг ошқозони оғрияпти, – деди Назира ёнидаги партадошига секингина шивирлаб. – Ҳозир чўнтағидан ношна олиб, оғзига солади.

Муаллим стол ортига ўтириб, жузгирни очди-да, чўнтағидан ялгироқ қоғозга ўралиган дори чиқариб, биттасини оғзига солди. Партадоши – малла йигитча бейхтиёр «ник» этиб кулиб юборди.

Муаллим дарров бошини кўтариб дўйқ қилди:

- Нима ган, Мадалиев? Бирор пайранг кўрсатдими сенга?..
- Мадалиев чайқалиб ўрнидан турди.
- Йўқ, муаллим.
- Бўлмаса, нега кулянсан?
- Ошқозоним оғристувди, – маккорлик билан кулумсиради у.
- Синифда «турр» кулиг кўтарилди.

Тавба, ошқозон оғриги одамнинг кулигинин кўзашини биринчи ошитишим. Мениким оғрияпти, ҳозир дори ютдим, мен кулмаянман-ку?

Мадалиев Назирага маъниоли нигоҳ танилаб кўйди-да, гапида да вом этди

- Мениким кандайдир китиқлаб оғрияпти.

Болалар яна кулиб юборишиди.

– Бўлти, ўтири! – деди муаллим жеркиб. – Бундай ҳолат савдоий одамлардагина бўлинни мумкин. Яна бир марта кулсанни жиннихсанга жўнатамиш.

Ўқувчилар яна хаҳолаб кулиб юборишиди-ю, муаллимнинг даргизаб важохатидан шу заҳоти нафасларини ичларига ютишиди.

РИВОЯТ

Одам Ато билан Момо Ҳаво жаинатдан бадарга килингач, Ерда ўй-жой килиб тирикчилик ўтказа бошлади. Иблис ҳам курраи заминдаги ёндош оламни қароргоҳ айлаб, ўз шумликларини амалга ошириша киришди.

Одам Ато овга кетганида, у бир шайтонваччани етаклаб, Момо Ҳаво ҳузурига ташриф буюрди ва: «Үғлимни бир мунча муддат тарбиянгизга олсангиз», – дәя илтимос қилди.

Кечкурун овдан қайтган Одам Ато құлбасида шайтонваччани күриб, аччиғи чиқди.

– У нима килиб юрибди бу срда? Дүшманимизнинг ҳароми зурриёти-ку? дәя ғазаб ичида унга пичок уриб, овлоқдаги жарликка улоқтириб юборди.

Бундан хабар тоған Иблис сөхр йўли билан шайтонваччани тирилтириб, Одам Ато уйда йўклигига яна Момо Ҳавога ташлаб кетди. Кечкурун овдан хориб қайтган Одам Ато уни күриб, ғазаби ортгандан-ортди. Жаҳолат ўтида шайтонваччани яна ўлдириб, жарга олиб чиқиб ташлади.

Иблис бир күф-сүф билан боласини қайта тирилтириб, тагин ҳузурига етаклаб келганини кўрган Момо Ҳаво ҳам жаҳл отига минди.

– Итваччангни кўзимдан йўқот! Ҳализамон өрим келса, икковишнинг ҳам кунингни кўрсатади!.. деди у. Иблис минг бир хийла-пайранганин ишга сөзиб, аллаб-авраб шайтонваччасини яна Момо Ҳавога ташлаб кетди.

Кечки пайт овдан хориб-чарчаб қайтган Одам Ато құлбасида ивиришиб юрган шайтонваччани кўриши билан қинидан пичогини чиқариб, шартта унинг калласини узиб ташлади. Кейин ташасини бўлак-бўлак қилиб кесди-да, бикирлаб қайнаб турган қозонга битта-битта итқита бошлиди. Кечки овқат ўрнига эр-хотиг маза килиб шайтонваччанини гўйитини тановул қилиниди.

Ғайб оламидан уларнинг бу ишини хурсанд бўлаб кузатиб турган Иблис ногахон Одам Ато ва Момо Ҳавонинг рўпарасида найдо бўлди-да, қаҳ-қаҳ уриб кула бошлиди.

– Нега куласан, лаънати?! – қичкирди Одам Ато яна ғазаб тушиборига миниб. – Бизни жаннатдан кувдирганинг сенга озлик килаяптими?

– Озлик қилянда қандок! – деди Иблис тантанавор киёфада кўзларини чакчайтириб. – Ҳали бу ҳолва! Сизларга аинчадан бери шайтон гўйитини сидириш орзуусида эдим. Не саодатки, буни ўзларини ихтиёр этдинилар! Максадимга эришдим. Ана энди то маҳшар кунигача авлюдларингиз томирида шайтон кони ҳам кўшилиб окади!

Габриклайман, азизларим! Энди биз кариндош-уруг бўлдик! Сизлардан энди кў-ўп шайтонваччалар дунёга келади ва уларнинг аксарияти менга жиян бўлишади! Жиян бўлгандан кейин андак хизматимни хам килиниалин-да, а, лаббай?! Хах-хах-хах-ха!..

Иблис заҳарханда билан яна қах-қах уриб куларкан, яхза ўтмай бир юмалаб кўздан ғойиб бўлди.

ИНС-ЖИНСЛАР МАКРИ

Дунёбехабар уч жажжи опа-сингшнинг бошларига тушажак даҳшатли кечминилар арафасида Улусипр лакабли Иблис ернинг бир хилват гўнасига якиндагина тамуғдан кайтган, энди инс-жинс киёфасига кирган уч кимсанни тақлиф этди. Булар тамуғда азоб-укубатда, жаҳаннамий алантга оғушида минг йил тоат-ибодат ишча барча гуноҳлари учун тавба-тазарру килингач. Парвардигори одам мурувват кўрсатиб, узарни аввал Ер ости дунёсининг олтинчи, кейин бешинчи ва ҳоказо қавалларига кўтариб, ниҳоят. Ерда хам яшашига ижозат берган эди. Иблис чакирган учала инс-жинс моддий дунёда кўп куфр ишлар килиб, обдан гуноҳларга ботишган, ўзганларидан сўнг гўпна-гўёри тамуғта равона этилган эдилар-да.

Иблис бундан миззион йиллар изларни шайтонлар, инс-жинслар, алвасти, жодугар ва ёвуз ниятили девларнинг умумфалак хуфия уюшмасини тузган, уюнманинг илк курултойи унга Улусипр¹ таҳаллусини бериб, бу тиниб-тинчимас «даҳо» кимсанни ўзларича тангри деб ёълон килингагэтиди.

У истиқболда оламшумул ишларни режалаштирган: аввалио, ўша уюнманинг ишнини йўлга кўйиши ва ўз тарафидаги кора кучлар чинакамига жисплешгач, Коинотда мутлоқ ҳукмдорликни кўлга киритиш учун кураш бошлани лозим эди. Ҳозирча эса, унга ракиб бўлган зотларни аста-секин гумдан килиб бориши керак.

Хуллае, Улусипр ўзининг ашаддий душманлари бўлмиши авлиёлар Шайх Тохир, Шайх Хожа Аэрор ҳамда Тишила Шайхини Ердаги сўнгти зурриётлари кўп кароматлар кўрсатиб, катта обрў-эътибор топаётганларини ўз хизматидаги парилардан эшитган заҳоти қаҳрғазаб тулпорига минган, ўзини кўярга жой ғонолмай колган эди. Даҳшатлиси шундаки, Иблис ўзининг ҳар қандай шум ниятини

¹ Улусипр шайтонлар ва инс-жинслар раҳнамоси Иблиснинг исми бўлиб, қадимги юон асотиришуносиги (мифологияси)га кўра Люцифер атамаси тўғри келади.

Нарвардигори олам ўрнатган умумфалак қонун-коидалари доира-сида амалга оширап, бунда шариат йўл-йўриклиаридан хам четта чиқмасликка интиларди. Унинг навбатдаги режаси хам ҳар томон-лама ўта пухта ўйланган, ҳар бир икир-чикиригача «етти ўлчаб бир кесилган» чукур муроҳазалар асосига курилган ёди.

Қабих режасини рўёбга чикариш максалида у уч кечакундуз фалакиёт кутубхонасида ўтириб, тамуғдан қайтган собик инс-жинслар ўтмишини ўргаиган ва уларнинг орасидаги Нуж, Иут ва Яос исемли учтасини кўз остига олиб қўйганди.

Улар шахар чеккасидаги ташландик бир саройнинг девор ва шифтларини ис боеган катта хонасида, титилиб кетган кигиз устида чордана куриб ўтиринаркан. Улуснир гапни узоқдан бошилади:

— Ўзларингдан қолар ган йўқ, муҳтарам биродарлар. Коинотда гартиб-интизом қолмади. Қаёкка карама — ўзибўларчилик, боибонидоклик, жиноят... Боз устига, кариндош-уругчилик, ошна-оғайнингарчилик кун сайин авж оляяти. Шукурларким, ҳар ким ўз аравасини торғадиган, Коинот ва Сайёраларда ислоҳотларин фози боирайдиган замонлар хам етиб келди. Яъни, масалан, хозирги мураккаб шаронитда ҳар ким ўз вазифасини сизкицилдан ўзи ба-жарини, фариншта фаринштанини, авлиё авлиёнгини, шайтон шайтонлигини килини керак. Шундагина Коинот сарҳадларидаги барча гартибензиликлару бебонивоқ масхарабозликларга чек кўйган бўламиш.

Иблис гаплари кавмдошиларига қандай таъсир килаётганини би-линн учунми, туртиб чиккан сержун ковоқлари остидаги чакчайга, кўзларини хамсухбатларига синовчан бир-бир қалаб, вича сукун сақлашиб турди-да, пўлатдай мустахкам мантиқ асосига курилган муроҳазалар занжирини изнал «тўкиш»да давом этди:

— Ўзларингдан қолар ган йўқ, азиз фалаклонийларим, Ьраги эмас, балки самовогда хам бонимизга кўп фитнаю маъломатлар тоннинг ёғдирган Шайх Тохир, Шайх Ҳожа Асерор, Тизла Шайх сингари авлиёлар ўта ҳадисаридан ошиб кетинияти. Улар кўкдагина эмас, балки Ьрда хам буюк ажодларимизнинг пок хотираларига тавқулашнинг ўкиб, ўзларининг фоний дунёдан сўнгти зурриёсларини шариатда катъиязи май эъзилган сеҳргарлик ва жоду йўлини бошлиамоқдалар. Бундан келиб чиқадики, уларга карни зимлаш газавот бошлинимиз учун фурсат етди, азизларим...

Гапнинг мағзини энди чақа боплаган, калласи улкан шаллангуколқ қаламушни, танаси кора от күйругуни эслатувчи Нуж иемли ёкимсиз инс-жине думчасини аста ликилдатаркан:

- Тұри айтасиз, Улуснır жаноблари, - деди маминалыгини яширлай. - ҳадеб тоат-ибодат килиб, бехуда умр ўтказиш ўзимизнинг хам жуда жонимизга тегди.

- Уларнинг боллаб таңобини тортиб күйин керак! - деди күйойнакты илонға ўшнаган, лекин бикинида ёлдор канотчалари бор Нут иемли балбин инс-жине кўзларини совук чакнатиб.

- Ердаям ҳакикат бор девдим-а, - деди жундор кора мушук киёфасидаги Яос иемли манифур инс-жине олд наңжаси билан узун мўйловчасини мамиун силаркан, - нихоят бигига хам кун тугарканта! Ўзим хам зерикib, ўлай девдим...

Мени кўслаб-қувватларнинг учун багоят миннатдорман, азизларим! Шундай бўлшинини биларим!.. - деди Иблис азбаройи хурсанд бўлиб кетганидан кўзларига маржон-маржон ёш қалишиб. Лекин шу захози уйинги нигоҳи қаҳр-ғазаб ўти билан чакиаб жетин-та, шоҳдор калласини кескин Нужга ўтириди: - Агар билсан; муҳтарам дўстим, фано дунёда бойлиска ружу кўйган Шайх Тохир туфайли сенинг етингчи бувани хам кўн азиятлар чеккан.

Хабарим бор! - деди калласи қаламушимон ёкимсиз инс-жине күйрукласини жаха билин силкитиб. - Алқасос ул-минал ҳак, дейдилар!..

Шўрлик буваний йўқеизлик туфайли бирорининг уйидан арзимаган нарсани сўрамай олиб, кўлига тунгзанида, лавната Шайх Тохир «ұри» дей жар солдириб, уни ўшакка тескари миишридан ва инхардан бадарга кильдирган эди.

Буни унунин мумкин эмас! - деди Нуж ғазаб ўтида гапларини тижирдатиб. - Бувамнинг нок рухлари ҳурмати қасамёд киламанки, мен уйинги хувинин оламан!..

Улуснır энди ўзининг чакчайни нигоҳини Нутга қалади.

- Шайх Ҳожа Асерор эса, ўз даврида янаган сенинг буванинг бонни аҳамит кунини солтан.

- Сол-нараз инштаган эдим, жанеён ойизлари, - деди күйойнакты илонға ўшнаган бадбин инс-жине чегадир бироз иккилашаб. - Лекин гафесизларни билсан, мен хам шунга караб иш тутар эдим.

- Э, баизай ғоғиля, - деди Иблис уйинги бу гапидан хафезаласи сир бўлгандай сертификат панжасини жундор гиззасига «инан» от-

казіб уриб. – Сизлар күп нарасалардан бехабарсизлар. Бувангнинг күшандаси Шайх Асерор Ерда жуда катта мол-мұлк өгаси бўлган. Сенинг буванг эса, унинг юзлаб жафокаши каролларидан бири эди. Шўринг курғурнинг бор-йўғи тўргита хотини бўлиб, кунларнинг бирида, эркак эмасми, фалакнинг гардиши билан уларнинг бирини қалтаклаб ўлдириб кўйган. Ана шу арзимаган гунохи учун лаънати Шайх уни узук йиллар зиндоибанд қилдириб, бутун фоний умрини дўзахга айлантирган.

– Вой, ғаламис-ей! – хитоб қиади илонсимон ине-жинс жағлари ни шишириб, ғазаб билан ниптилларкан. – Шунака денг?! Агар унни етти пунтидан ўчимни олмасам, оғимни бошка кўйтаним бўлсан!

Хай, майли. Энди бўлар иш бўлди, истагинг ижобат бўлди деявер, ука. Шу қизини сенга олиб беролмасам, Болга бойвачча бўлиб... сб юрган эканман-да!.. – деганини билади, шу захоти онқозопидаги оғрик ҳам ўз-ўзидан тўхтади.

– Мана бу чинакам аканинг гапи! – деди Ўрок азбаройи ҳаяжонланганидан кўзларига ёш олиб.

– Бўпти, лаб-лунжингни осилтирмай қўя кол, – деди Теша тўнениллаб. – Икки кундан бери, тезрок мегажининги висозига ета кол деб, бўридай изғиб юрибмиз-ку?! Сенга яна нима керак ўзи?..

– Рахмат, ака! – хўрсимида Ўрок. – Миннат кильмани: Боника ҳеч нарса керакмас. Мен ҳам бир куни яхшиликларингни қайтарарман, ахир.

Кутимагандада Болта жилдий тортиб, шерикларини огохлантириди:

– Келишяпти ҷоғи? Оқ «Жигули»...

– Нўл бешми? – сўради Ўрок яна ҳаяжонга тушиб.

– Ҳа, – деди Болта энди важоҳатли тус олиб. – Эшикларни бер-китинглар. Ёнимиздан ўтиб кетишни билан изидан машинани бурасан, Ўрок.

Бир неча дакиқадан сўнг тоғ йўлида кувгин бошланди. Қизил «Тойота»даги ака-укалар олдинда ғизиллаб бораётган оқ «Жигули»нинг орқа ўринидигида ўтирган опа-сингилларнинг хавотир билан бот-бот орқага ўтирилиб карашаётганини пайкашди.

Бугун энди қўлдан чиқиб бўпсан, қизталок, – деди Болта тишлиари орасидан. У шайтон васвасасига учеб, хайвоний бир киёфага кирган: кўзларига қон куйилиб, қуюқ копилари чимирилган, важоҳатидан от хуркадиган бир алфозда эди. Тешада ҳам аллақандай ўзгариши юз берган, тиртиқ чап ияги тортишиб, ўнг кўзи пирпираб учар, юзи қийшайиб қолгандай эди.

Йўл кўм-кўк адирлар ва довонлар силсиласи ёқалаб илонизи бўлиб кетган, унинг ўнг тарафида лола, чучмўма ва боника турфатуман гуллар қийғос гуллаган, чап томонида эса, кўзни тиндиригу-

дек чукур жарлик ястаниб ётарди. Йўлнинг бу тарафига хар ярим газ масофада охак билан окланган темир-бетон устунчалар кўмиб чикилаганди.

Болга қўйин чўнтағидан шошилмай митти кора тўниончасини чикарди. Буни кўрган кенжা уканинг жон-иони чикиб кетди.

– Нима, уларни ўққа тутмоқчимисиз? – сўради у овози титраб Боятанинг кўлига ёпишаркан. – Жон, ака, отман! Ахир, унга тегиб кетиши мумкин!..

Катта ака уни итариб ташлаб, чаккасига шапалок тортиб юбордида:

– Жим ўтири!.. – деб тўнғиллади.

У айни вактда юрагида кучли санчиқ кўзалиб, пиқиллаб йиғлай бошлаган укасига эътибор хам бермай, тўнионча ушлаган қўлни очик ойнак оркали ташкаринга чикарди.

ОТА ИЗТИРОБЛАРИ

Бутун болалиги ва ёшлиги аҳолиси ҳамина гавжум эски шаҳарда ўтиган эмасми, Асад одамлардан яхшилик хам, ёмонлик хам кўравериб, ок-коранинг фарқига борадиган, одамларининг хам яхши-ёмонини ажратадиган йигит бўлиб вояга етганди. Асад худди отаси каби бирорларинг эътиборидан, айниқса, бугулги дунёнинг ҳакикатдан бошқа ҳамма нарсаларга кўрсатадиган эътиборидан четда юришини ёктирарди. Такводор ва хуложўй оиласда ўсган эмасми, ашаддий моддиюнчи файласуф бўлишига карамай, йигит Худотга, фоний дунёдан ташкари бокий дунё хам борлигига озми-кўними ишонарди. Шунинг учун хам ҳамма ишларни пухта ўйлаб амалга оширас, гуноҳ ва куфр ишлардан нари юришини одат килганди. Асад, айни вактда цивилизацияга, яъни табиатнинг истак-хоҳинидан ташкари майдонга келган кўп қаватли минорага, шу билан бирга инсонга хам ишонарди.

Лекин у ўзи ўйлаганидан анча кучлироқ одам бўлишига карамай, ўзига ишонмасди, яъни энг катта ожизлигини ўзи билмасди.

Шунинг учун хам бугун ов милтиғини олди-да, лекин ичидан зил кетди. Уни нимага олди ўзи? Одам ўлдириш учунми? Ахир, бу – энг разил гуноҳ-ку?! Отаси доимо уларга, бу кўхна дунёда бирорнинг қоници тўкишдан оғирроқ гуноҳ йўқ, леб уктирас эди. Лекин куни кеча ўзи учун энг муқаддас нарсаси – эркаклик шаънини

хақоратлашди, шахсиятини, иззат-нафсини оёқ ости қилишди. Бунинг учун у қасос олиши, ўз шаънини, колаверса, жонидан ортиқ кўрувчи мурғак фарзандини химоя қилиши керакми? Бунга у асло шубҳа қилмайди. Бирок...

Шунинг учун ҳам Асад ҳозир төг йўлида шонийлмай машина ҳайдаб бораркан, оғир сукутга ботган, хаёлидан нималар кечაётгани факат ўзига ва Яратганга аён эди. У билан ёнима-ёни ўриндиқда ўтирган хотини Ҷилбархон орқадаги қизларига ярим ўтирилиб, алланималар деб жавраётгани ҳам қулоғига кирмасди.

Олатда буниқа пайтларда бидирлаб, ҳеч кимга гап бермайдиган Назира ҳам шу тоңда сукутга чўмған, чехрасидаги ўйига чиқишилари билан найдо бўлған саросима ва хавотир ифодаси айни ламда янада қуюжлангандай эди. Шу боисеми, у нохос тилга кириб:

- Ана! Ана! Улар!.. деб хитоб килганида, ҳамма сергак тортди. Бу пайтда улар Октонга олиб борадиган осма кўнирликка стиб келингган, кўнирлик ёнида энниклари ланг очик қизил ажнабий машина турарди.

- Ким улар? – сўради Асад асабини зўрға босиб.

- Кеча мени осмонга учирив, ҳаробазорга олиб боришган қорачопониллар!..

- Эсин; жойидами, қизим, – деди Ҷилбархон хавотирини босишига уриниб. – Чет энниклар шекилли, улар?..

Улар қизил машина ёнидан ўтиб боришаркан, кора кўзойнакли, кора чонон кийган, нигоҳлари безовта учта барзанги кимсанни аниқ кўришиди-ю, Асаднинг дилига чинакамига ғулгула тушди. Шу захоти Ҷилбархоннинг ҳам нафаси ичига тушиб кетди.

- Мафия шекилли!.. – деди у жон ҳолатда шивирлаб. - Тезроқ ҳайданг, Ачака! (У эрини кўшинча шундай деб атарди.)

-- Топдинг, – деди дақиқа сайнин хавотири ошиётган Асад товушини насайтириб. – Болта бойваччанинг тўдаси. Лашнатилар, қандай изимиизга тушмайдийкин?..

- Қишлоқ марказига стиб олсақ, миршаб туради...

- Э, мелисангдан ўргилдим, -- деди Асад энсаси котиб. – Керак бўлса, миршабнинг ҳам орқасига бигиз тикиб, кўғирчоқдек ўйнатади булар!..

Асад машинининг олд шинша қонламаси юкорисидаги ойнакка тикиларкан, ажнабий машина жойидан жилиб, ўзларининг орқаларидан тунганини кўргач, дилида чексиз бир нафрат хиссини

түйди. Атар хотин, болга-чакаси бўлмаганида, у манишани тўхтатиб, отишма бошлишга хам тайёр эди, шу тоңда. У жаҳл билан газни боеди.

Назира алланималар деб шивирзаганча, калима ўқиига туниб кетганди.

– Вой, сал секинрок! Бутун оиласиз билан жартга учуб кетмайлик тағин... – деди Дилбархон кути ўчиб.

Худо хоҳласа, биз эмас, анавишиларни учирамиш! – деди Асад титрок овозда газабини зўрга ичига ютиб.

– Улар бизни ўкка тутмоқчи! Тезрок хайданг, даражон! – кичкирди Назира бирдан отасининг елкасига осилиб.

– Ўзингни бос! – бакирди Асад қизини юнатиб. – Мен ёнингдаман-ку!.. Бизда хам мильтик йўқ эмас...

Шундай деб у йўлдан кўз узмаган ҳолда ўринидик остидаги ов куролини наийаслаб, кўлига олди. Лекин муюзлишига чикиб колгани учун уни ёнига кўйиб, чамбаракка ёниди. Тағин газга зўр берди.

– Шўримиз курсин, нега йўла чика колдик-а, ўзи? Буларга худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди, – деди Дилбархон йинламасираб, ёнидаги куролга кўркув арагаш тикишаркан.

Бир неча фуреат ичиладек улар гаъниб килиб келаётганлардан анча олислаб кетишди. Ниҳоят, йўл чеккасида «Октоно» деб ёзилган таҳтакач иайдо бўлганида, кочокларнииг дилига сал чирок ёкилгандай бўлди. Яна бир неча юз газ масофадан кейин уларни сарик «Москвич» машинаси ёнида турган иккни норгуз миришабларнинг бири йўл-йўл таёғини кўтариб тўхтатди.

Аксарият миришабларнинг одамларининг шикоят ва ох-воҳларига ўтибор қилишига Асад ўз хаётий тажрибасига кўра ишонмай кўйган эди. Улар одамларнинг гапларига (бу гаплар гарчанди конунга мос тушган тақдирда хам) қулоқ солишига одатланишмаган. Чунки катталарапнинг буйруғи билан жамиятда тартибот ўрнатиш – инсонга нисбатан адолатдан муҳимроқ, деб хисоблашади улар.

Машинани йўлнинг ўнг чеккасида тўхтатган Асад деразадан бозини чиқариб салом бергач, шошиб гапирди:

– Акалар, бизни жиноягчи йигитлар кувляйти. Ёрдамингизга мухтожмиз, – деди у ноумид бир оҳангда шу кадар паст кетганидан ичиди ғижиниб.

– Қанака жиноягчи? – деди барзанги миршаб магрур киёфада оғзининг таюби қочиб «Жигулш»га якинлашаркан. – Жиноягчи-

лар Тошкентда бўлади. Тогда нима қизлари улар? Тезликни ошириб, коидани буздингиз. Жарима тўлашингизга йўғри келади.

— Қани, аввал хужжатларингизни бир кўрайлик-чи? Ие, хавфсизлик камарларингиз қани?.. — леди иккинчи миршаб ҳам уларни айни жиноят устида кўлга туширгандай жонланиб.

Асад улар билан ортиқ ади-бади қилиб ўтиришни лозим топмади. Газни босиб, ғилдиракларни гийқиллатганча, машинани кескин олдинга учирив кетди. Ойнак орқали қизил «Тойота» ҳам уларнинг ёнидан гўхтамай ўтиб кетганини кўрди. Шу захоти миршаблар ҳам сарик маниналарига анил-танил ўтириб, уларнинг оркасидан қува бошлаганларини пайкади.

Энди тоғ йўли бўйлаб уч нафар машина кетма-кет ғизислаб, тобора юкорилаб борар, тоҳо бир-бириларини кувиб стай-стай деб колар, тоҳо эса бир-бириларини анча оркада қолдириб олислаб кетишарди.

Таъкибчилардан аича олдинлаб кетган Асад ҳамон ўз ўйлари билан банд эди. Биз, одамлар, иакадар баттоллашиб кетганимиз. Биз бор-йўғи инсон эканлигинизни, Худо эмасини имизни билга туриб, ўзимизни бамисоли Оламга Устун деб хисоблаймиз. Одамзод хеч кандай маънавий хукуки бўлмай туриб, ҳамма нарса унга хизмат килишини истайди. Ваҳоланки, у табиагининг кичик бир заррачаси, у барча жонли ва жонсиз дунё билан ҳамнафае яшаши ҳам карз, ҳам фарз. Мана, ҳозир ҳам кувиб келаётганлар улардан нима исташади ўзи? Тўла йигитлари ҳакикат – факат ўзлари тарафда деб ўйлашади. Чунки хукумат чикарган конунлар уларнинг инсоний хукуклари ва озодликларига монелик кўрсатади, деб хисоблашади улар. Миршаблар ҳам ўзларича ҳак. Чунки улар ўз хукуклари поймол килинди, деган хulosага келиб, бу ётига куч ишлатишинг жазм этишди. Куч – бу Ер юзида ҳом сут эмган баңда пайдо бўлибдики, жами нисбий ва соҳта ҳакикатларни зўрлик билан қарор топтиришнинг энг синағиган усули. Ваҳоланки, айни дамда, кимнинг хукуки кимлар томонидан поймол килинаётгани – жиндай аниқлик киритишни такозо этадиган масала. Лекин одамзодни ўзига адолат бўлиб туюлган, аммо аслида қабих ниятларидан хеч ким ва хеч нарса тўхтата олмайди. Чунки у кўл урган аксарият ишлар шу даражада ахмоконаки, кўпинча ҳакикатни ёлғондан, адолатни разолатдан ажратолмай коласан, киши. Бизнинг тўпори ва нодонлигимиз шундан иборатки, жами кичиклар жами катталардан кўркини керак деб хисоблаймиз. Озми-кўпми амал курсисини эгаллаган кимса – гарчанд ўзи чаласавод ва

Чес-мохов бўлган тақдирда ҳам, ўзини сйти оламга дарғаман деб тасаввур килиди ва ўз «куч-кудратига шак келтирганларниг дарров танобини тортиб кўйинига киришади.

Бу «кувди-кувди»нинг охири баҳайр бўлсен, илоҳим, лекин окибатда бирор фавқулодда ходиса юз берса борми, ана уидан кейинги гап-сўз, фиску фужурларниг канот чикариб, бутун шахар бўйнаб бамисоли парвоз қилишини бир кўз олдинигизга келтиринг! Бу ерда Асад жамиятда мухбирлар деб атамини яна бир мухим куч борлигини эътиборидан сокит килаёзганди. Йигит бизнинг давримизда (оҳтимол, ҳамма даврларда) кайсиидир фавқулодда вонса қаничалик маънавиятига молик ва маънавиятсиз, яхши ёки ёмон, у нечоғлик фойдали ёки зарарни ёкани билан эмас балки у факат солид бўлганини қўниб-чатиб кайд этиш билан шуғулланувчи тоифага мансуб оламлар борлини хабарнига ҳам келтирмаганди. Шўрлик ёши ота ўз ҳаётни тажрибаси етарли эмаслиги сабаб яна бир парсанни унугланди. Эргагаёк мана шу туман мириаблари бўлими бошлигига ҳукумат алоқа гармоғи оркали вахимали қўнғирок бўлади. Елказалрига иккигадан катта юлдуз ва кўкенига ялтироқ ишон ва яна алланималар тақиб, саваат тўкиб ўтирган бошилик телефон дастагини олиб: «Эшигаман!» («Лаббай» эмас) дейини билан нотанин овозни эништади.

— Азиз дўстим! — дейди аллаким дилга ғулғула соладиган даражада сирли ва вазмини оҳангла. — Сиз билан шаҳарнинг бообрў, ҳаммага отининг қашқасидай маълум ва манхур шаҳселаридан бири гапланияпти. Ислом-шиарифимни билинингиз шарт эмас, деб ўйлайман. Ҳабарингиз бор, кечак тасарруфингиздаги туманда жиндек фавқулодда ходиса юз берди. Ана шу иш билан шаҳсан ўзингиз шуғулланиб, уни чет эт маиниаси ҳгалари фойдасига ҳал килиб беришингиз доғзим. Умуман, бу ишини ими-жимида «ёнди-ёнди» килган маъкул, деб хисоблайман. Тегинчи улушишизни ёртага фалон соатда туманингизнинг фалон иукгасида йигилларимиз оркали олишингиз мумкин. «Накадар баҳаво жойлар-а, дўстим!» — деган гапга юборган ишончли одамингиз: «Имасини айтгасиз, оғайни, жаннатининг ўзгинаси!» — деб жавоб кайтарини керак. Илтимосимизни бажо келтирмасангиз, ўзингиздан кўринг: бир хафта ичида ишдан хайдаласиз, нировардидида кечаси данғиллама ховлингизга ўғ кўйиб кетишади!..

«Манаман» деган жасур одамнинг хам ўтакасини ёрадиган бунака кўнғироқдан кейин бошлиқ қандай карорга келиши мактаб боласига хам ўз-ўзидан аён, албатта.

Оқ «Жигули» текис асфальт йўл оркали яна бир довонни ошиб ўтгач, адир бошланиб, ўнг томонда атрофи темир панжара билан уралган кабристон кўриди. Мозордан уч-тўрт чакирим нарида эса, томинга туңука ёки сопол конлама ёнилган қагта-кичик замонавий уйлар кўзга ташланар, чамаси, улар тоғ қипилокларидан яна бирига етиб келлиганди. Қипилок якинидаги ям-янил адирликда бир-икки болакай кўй бокиб юради.

Кизыл «Тойота» билан миринаси ўзлари билан ўзлари андармон бўлиб колишиди, чамаси, анча оркада колиб кетишганди.

Асад мозорга тикиларкан, ўзи учун хам куттимаган карорга келиди.

ҚАБРИСТОНДАГИ СИРЛИ МУЛОКОТ

Навбатдаги муюлишдан ўтиб, яна юкорилай бошлаган «Тойота» худди кўзи ёрий болилаган аёлдай бамисози тўзганар, пинкирар, аммо ортиқ канча харакат қиласини, тезликни оширолмай, «фигони» фалакка ўрлар эди.

Тезрок хайдасанг-чи, кизталок! – тўнгилади Болта ёнида ўтирган кенжя укасини жеркиб. – Бос газни!..

– Намунча тошибакадай имилламасанг?! Оёғингда жонинг борми ўзи?! – кесатди Теша оркадан дўриллаб.

– Клапанлар созланмаган. Насосга кум тиқилган кўринади, тортмаётган бўлса, нима килай, ахир? – жавоб берди Ўроқ йиғлагудай ахволда ғижиниб.

– Онангни...лар, худди хира нашшадай ёнишиб колишиди-я, мингиллади яна Болта нешанасини тириштирғанча оркани кўрсатувчи ойнакка кўз ташлаб. Шартта отиб ташлардим-у, иш чувалашиб кетади-да.

– Отмаслик керак. Ишқал бўлади, – деди Теша, кейин жонланиб кўпимча килди: – Машинани бирпас тўхтатсанглар, иккаласининг хам ўлаксасини чиқариб роса дўппослардим.

– Уйдай кијисак, қанийди, лекин анавинини... – укасига ишора кијиди Болта, – мегажинини кўздан йўқотиб кўйишимиз мумкин-да. Шундок хам тошибака юриш кијиб, оркада колиб кетдик ўзи...

Бу пайтта уларга анча яқишиләниб қолған «Москвич»даги миришаблар асабларини әгөвлаб, узлуксиз «бип-бип»лата боплашди.

- Жоң ака, тұхтайлик! – деди Тенін күзларыда ғазаб учкуныари чақнаб. Шұнақашың күлим қичиб кетяптики!..

- Шонилма, ука, мунитланишында үшінрасан ҳали...

Айни шу өзінекінде текисрок йүйге чикиб олған «Тойота» тезлигини ошириб, ғизилаб олдинга иштілди-ю, «Москвич»ни яна анча орқада қолдирған кетті.

Олдинга кара!.. – деди Болта бирдан сергак тортиб.

Оқ «Жигули» бу ердан иккі чакиримчы наридаты накшини жи-лолар берилған кагта дарвоза тарафға караб бурилған әди. Унча кагта бўлмаган турфа-туман панжаралар билан ўрайған кабрлару қандайдир кагта-кичин мақбараларга тўла сокин мозористонига ги-килишаркан, учала ака-уканинг кўнгилларига бирданига тұнтула тушиди.

Мен мозорга кирмайман, – деди Ўрек қатъий оханды. – Сизларга ҳам маслаҳат бермайман!..

- Нега әнди? – сўради Болта ажабланиб.

- Чунки мен песс-мохов бўлишини истамайман!

Вой қизгалог-е! – кулади Болта. – Мозорга кирған одам песс-мохов бўлади, деб ким айтди сенга ўзи?

- Қабристонларда ҳар хил авлийларнинг кабри бўлади. У ерга ёмон ният билан кирған кини шунақа касалға чалинади, дейиннади.

- Оббо сен-е! Бизда ёмон ният йўқ-ку? Аксинча, сен учун савоб иш қилмоқчимиз, холос.

- Нияти пок одам бунинг учун уйига совчи бўлиб боради.

- Э, бас қил сафсатани! – ўшиқирди Тенін орқадан. – Жонга тегди. Мозорга етмасдан тўхтаб, анати искерларнинг бир додини берсақ! Хира нашшалик қанака бўлишини бир кўрсатиб қўяйлик!..

- Боника иложимиз йўқ, – деди Болта ҳам бир қарорга келиб. – Лекин, барибир, мозорга киришимизга тўғри келади, – шундай дейинни билан унинг ошкозонида яна кучли оғрик турди-ю, беихтиёр инграб, бикинини чангалилади. Худди ўзига-ўзи ганираёттандай оханды: – Бўпти, мозорга кирмаганимиз бўлсин! – деган захоти оғрик ўз-ўзидан босилди. Нега бундай бўлгани хусусида бош котириб ўтиришга фурсатлари йўқ әди.

Қабристонига ярим чакиримчы масофа қолғанда:

- Шу ерда тўхтат! – деди Болта күзларыда ғазаб ўтлари жилваланиб. – Аввало, уларни куролсизлантириш керак. Кейин

дүйнөслаймиз. Мабодо отишима бопшланиб қолса, ўлдирмайдыган килем мүлжалыг олинглар.

– Яхши! – деди Теша хурсанд бир кайфиятда кафтларини бир-бирига ишқалаб. Эски шаҳардаги маҳаллий тұда орасыда «Бозор» деб лакаб олған бу йигит уруш-жанжалы пулға сотиб оладынлар тоифасидан өди.

«Тойота»нинг орқасидан кетма-кет тұхтаган «Москвич»дан миршаблар отилиб тушишінде, уларшың бири түшінчеси шишини ака-укаларга түғрилаганича бакирди:

– Битта-бынға күлларингни күтарыб тушишлар!

Бириңи бўлиб Болта әшқини очди. Кўзини кўтартганча шошия-май миршаблар турған тарафға ўтиришини билан ёнига етиб келган кориндор лейтенант унинг чаккасига түшінчесин тақаб:

– Ерга ёт! – деди лагдана билан. – Секин! Кимир ясанг, оғаман!..

Болта яшин гезлигіда энгалиди-да, унинг корнига зарб билан бир муниг тувириган өди, миршаб йўл ёкасидаги темир-бетон устунга бориб урилади. Шу заҳоти кўлидаги түшінчеси хам учыб тушиш-ю, ўзи «шизиқ» этиб обждан кулади. Айни маҳалда манинадан ўқлай отилиб чиккан Теша билан Ўрок иккинчи миршабини «карат» усу-лида икки-уч генқиланды юмалоқ-ёстик килинди.

Болта бамайлихотир қадини ростраб, чононининг барини көкиб ташлар экан:

– Энди бу қызталоқтарин машиналарига ўткизив кўйини керак. Токи кўрган одам улфатчилук килишшынты, деб ўйласин, – деди ами-ронга оханды.

Унинг ушбу буйругини хам ака-укалар саноқын дақикалар ичіда бажаришди.

Улар яна машинага ўтириб, энди шошия-май мозор тарафға жи-лишаржан, илк бор қабристонни кўрганларида кўнгилларида пайдо бўлған ғузигула тобора кучайиб бораётгандай өди. Ҳозир хеч ким мозорга киришини ўйламас, ўзаро келишиб олмаган бўлсалар-да, учовлари хам «курбон»ларини ташкарида кутнишга карор кишиниган ўзи.

...Айни шу дамда пештоқига зархал харфларда «Авиё Ҳожа Арс-лон Мавлоний» деб ёзилған хийза катта мақбара олдида хотин ва бола-чакаси билан тиз чўккан Асад тиловат ўқишини тутатиб, яхни пиятлар килиб, юзига фотиха торған-да, ўрнидан турди. Дилбархон билан кизлари хам «омни», деб кафтларини юзларига суриб, обекка калқыпти.

Ажабо, худди шу он Асал бизан хотинин хайрат ва хаяжонга солған ғаройиб вокеа юз берди. Назира азбаройи хурсанд бўлиб кетганидан секин қарсак чалиб:

– Вой Худойим, каранглар! Авлиё бува кўриндилар! – деб шивирлади.

– Ҳа-я! – деди Наргиза ҳам суюниб. – Ана, қабртони устида ўтирибдилар!

Кўн гапиришини хушламайдиган Нафисанинг ҳам ўзида йўқ хурсандинги кўриниб турарди.

–Худди Шайх Тохир бувамларга ўхшарканлар! – деди у жилмайиб.

Қизлар кетма-кет:

– Ассалому алайкум, буважон! – деб салом берниди.

– Вой, алик олмаянгилар-ку? – деди Наргиза хайрон бўлиб.

– Нимагадир хафа кўринянилар, – деди Назира шивирлаб.

Қизларининг қандайдир бўшиликдаги кўзга кўринмас аллақим билан «музлокот»ларидан аграйнуб козиган ёр-хотин ҳарчанд синичклаб тикилнимасин, рўнаразарида қаккайиб турган кабр тошидан бўлак хеч нимани кўринимасди.

– Яна боиланди! Галлюцинация... – деди Асал Дишибархонга овозини насайтириб.

– Қўйинг-э, мөддиончилигинигини... – койиди Дишибархон. – Нимадир бор. Даҳрий бўлиб кетганимиз-да, бизга кўринмайди.

Кутнгмагандаги Назира кичқириб юбораётди.

– Вой, каранглар, авлиё бува нимадир демокчилар чоги?..

Бирдан киз ўиг кўлни хавода силкиб, ўнгдан чанга бамисоли алланималарни «ёзини»га киринди. Айни пайтда, кўзлари юмилиб, овоз чикариб ўкий бошлади:

«Эй меҳрибон нурийдиларимиз! Бизни тиловат айлаб, шафоат килганиларингиз боис сизларни Изи азза ва жаъла ёрлақасун. Сизларга сидқидилдан ташаккурим лурдай ёғулсан. Сизлар Парвардигори олламишимиз сари кетгучинизлар. Ердаги ёмонликларга Олиоҳдан наоҳ тилант. Сиз бандай ожизларни ушбу зиёратгоҳга йўллаб, Парвардигорининг ўзи огоҳ айламиликим, равон йўлингизда ғанимлар бордир. Алар шайхтони лани малайлари киёфасинда Иблиснинг чиркии режаларин амалга ошурмокни ният қилимушлар. Каминаи ожиз шундан хавогурдамен. Макбара ёқалаб юрсанглар тошлиқ йўл бор. У йўл қабристоннинг кунчиқар томонидаги ўзга дарвозасига туташур.

Ана шул дарвоза оркали тунрок йўнга ўтусидурсизлар ва бу йўл сизларни, иннилоҳ, катта йўлга бошлагучидур. Сафариғиз бехатар бўлгусини Оллоҳи каримдин илтижо килурмен. Илло, Парвардиго-ри оламнинг улуглиги – анинг лозими, буюклиги – анинг тўни, азиз ва саҳийлиги – анинг гўзаллиги, гўзаллик ва улуглиги – анинг мар-табасилур. Илоҳим, ғанимларингизга кирон келгуси. Бильякс, ёвуз шайтоний килмишлари ўзиарининг бошларига тўкмок бўлиб тушигу-сидур. Эй Парвардигоро, жинлардан ва инслардан, бизларни йўлдан адаштирганларини кўрсатгилки, биз аларни қадамларимиз ости-га олайлик, токи алар энг наст хўрланганиардан бўлсинлар! Омин! Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар!

Каломи эхтиром ила сиз – нури дийдаларимизга ҳамина сиҳат ва саодат тилаб колувчи · Хожа Мавлоний бинин имом Шайх Жумо-бий».

Назира кандайдир илоҳий йўл билан қабул килиб олган ушибу номани ёшитган Асад билан Диљбархон оқариб-бўзариб, ҳайкалдек котишган, ҳайрат ва гаажжубдан лом-мим дейининга ҳам чоғлари колмаганди. Ҳаммасидан кизиги, эски ўзбек тилини умрида на ўрганганд ва на ёшитган Назира бамисоли шунаканги шариллатиб ўқиган ёдики, унга ғойиблан аллақандай ахбор келганига ҳеч кандай шубҳа колмаганди.

– Ё тавба! Нималар бўляяни ўзи? – шивирлай олди, ниҳоят, Диљ-бархон кўркув аралаш эрининг пинжига тикиларкан.

– Худонинг каромати бу! – деди Асад зўрга тили гаңга айлациб.

Бирдан у авлиёнинг қабртони олдида кескин харакат билан тиз чўқди-да, кафтларини фотихага ёзиб, титрок овозда хитоб қилди:

– Эй Парвардигоро! Шудақикалардан эътиборан сен қалбимга ўз буюк муҳаббатингни солдинг! Ибтиносиз ва интихосиз эканинга энди заррача шубҳам қолмади! Бизни шунчча йил даҳрий килиб тарбияла-ганларнинг кўзи кўр бўлсин! Эй меҳрибонларнинг меҳрибонроги, илтижо килиб сўрайманки, энди менда Сендан бошқа зикр ва қайfu бўлмасин! Меҳригиге авлиёнинг Хожа Мавлоний ҳазратларининг пок руҳи ҳаки касамёл қиласанки, нуридийдаларим бўлмиш фарзанд-ларимни кўз қорачигимдай асраганим бўлсин! Шу ондан эътиборан Сен менга шундай буюк кудраг ато килдингки, жигарбандла-римнинг баҳт-саодатига чанг солишига уринган баттој ғанимларни оёкларим остига олиб яичишига ҳам тайёрман! Эй Парвардигоро... –

шу ерга келганды Асаднинг миясидан ўз-ўзидан куюлиб келаёт-
ган сўзлар гизмаси нохос узилди, зорланиб, мук тушиб йигларкан,
кандайдир осмоний бир лаззат ва изтироб отани борялик вужуди-
ни камраб олган, овози хирқираб, танаси худди бешикдай тебрана
бошлагани.

Кўркув ва саросимада оғзини очганча унга тикилиб турган Дил-
бархон әри тарафга отилди.

– Ачақжон! Ўзингизни босинг!.. – дерди у йиғламсираб йигит-
нинг елкаспидан кучокларкан. – Ўзингизни босинг дейнман!..

Сал ўзига келган Асад ҳамон титрок овозда ноласини давом эт-
тириди:

– Парвардигоро! Жигарбандларимни ўз хифзинига олишининг
сўрайман! Ахир, уларда нима гунох бор?! – дей ояди-ю, беихтиёр
ўкириб юборди.

Отасининг бу аявчли ахволи а учала она-сингига ҳам чираб ту-
ротмади. Узвос торганча улар ҳам уч томондан югуриб келиб, ота
багрига кириши.

ТАЪҚИБ ДАВОМ ЭТАДИ

«Авлиё ота» қабристони дарвозасидан беш-олти газ наридаги
йўл ёкасида турган кизиг «Тойота» атрофида ивириеб юрган ака-
укаларнинг дақика сайин фигонлари ошиб борарди. Айникса, Бол-
та бойвачча асабий ҳолда у ёқдан-бу ёқка одимларкан, ғазабкор
нигоҳини бот-бот мозор тарафга қадар, у ёқдан хеч қандай садо
чикмаётганини кўриб, бешбаттар хуноби ортарди. Ок «Жигу-
ли» қабристоннинг анча ичкарисига кириб борган ва аллакайен
сагананинг яқинида қарийб бир ярим соатдан бери кимир этмай
турар, машина эгалари ўса қабр ва макбаралар ортида умуман
кўринмай кетишганди.

Тоғ йўли эмасми, унда онда-сонда ҳар хил юқ машиналари
кўриниб қолар, улар ҳам мозорга яқинлашгандага юзларига фотиҳа
тортиб, ака-укаларга эътибор ҳам бермай ўтиб кетишарди. Улардан
бир чакиримча нарида миршаблар машинаси қакқайиб турар, унда-
ги икки жамоат тартиби посбони ҳамон бехуш ўтишишарди.

– Нима бало, тухум босишаитими булар?! – тўшнгиллади Теша
оғзини катта очиб эснаркан.

Бу кызталокларининг оркасилда бир куниң ўлдирдик хисоб, – миңигирләди Болта тобора асаби күзиб.

Эсиз, канча соккадан қолиб кетдик, – деди Теша.

– Караплар! Манина жойндан жиңиди!.. – деди Ўрок бирдан жонианиб кабристон дарвазаси томон юаркан.

– Ие, ичкарига хайдаянти-ю, сүтак? – деди Теша ҳайрон бўлиб.

Қабристонининг нарғида ҳам дарвоза борга ўхшайди. Манина га ўтиришлар! Айланниб ўтамиш, – буюрди Болта сал ховуридан туниб, тез эшикни очаркан.

Ўрок ҳам ўринга ўтириди-да, қалитни буради. Лекин, ажабо, манина ишламас, стартёр ғириллаб кучнапар, инакирларди-ю, мотор ўз олмайтианди...

– Бензин борми ўзи? – сўради Болта ижирганиб ёнили мөърини кўрсатувчи асбобга кўз гашларкан.

– Ярим бак! – деди Ўрок шона-ниша акасининг яна бир даққини олдини олиб.

– Итариб кўреак-чи?.. – тақлиф кириди Теша.

Қайта манинадан туниб, уннинг тара бошланиган эди, кабристон дарвазаси рўнарасинда унинг олди гилдираги арикка тушиб кетди. Чамбаракда ўтирган Ўрок, барибир, сўкин эшилди.

– Кўзми ё пўстакнинг тешигими?! – дей ўнкириб берди катта ака хуноби чишиб.

Учаласи ҳам барзанги йинчилар эмасми, машинанин бир канотини кўтариб, амаллаб ғилдиракни ариксан чиқарниди.

Ака-укалар яна машинанин таринига тушиб кетдилар.

Лаҳза ўтмай, арикка тушиб кетган ғилдиракнинг ёрнлани мавзум бўлди.

– Эй, нима Худо урди ўзи бу машинани?! – тўнгизлади Болта бешбатлар жигтибийро бўлиб, кейин укасига ғазаб ила тикилди: – Кечакунидуз бўридай изтийвериб, абжагини чиқарган әкаисан-да, ўзиям! Машина деганга мой-пой куйиб, сал бундек караш керак-да, ахир!..

– Қўзинг ҳам роса нас босганга ўхшайди, Ўрок, – деди Теша юхонави очиб асбоб-ускуналарни тушишаркан. – Эрталабдан бери ишнимиз юришмайди-я...

– Менини ҳали фаришта-ку, лекин ҳозирги кизлар чаток, – деди Ўрок тап мавзунини бошқа ёкка буришга уриниб, дами чиккан ғилдиракни «Г» ҳарфи шаклнадаги калит билан ечишга киришаркан. Ўиничи синифдан бузилиб кетиниянти.

Уларни сизларға ўхшаган хүрөзлар бузали-да, кизталок, яна ўтқирди Болта укаларининг ғимирслапидан баттар хуцоби опиб. – Хотинлардай ивиремасдан, чакқон-чакқон қимирласаларинг-чи! Алавилар ҳам аллақачон жуфтакин уриб бўлишиди.

– Каёкка кетишди улар? – сўради Ўрок хавотирга тушиб. – Уйгами?

Шўрлик кенжек ука яна балога колди.

– Каёкка бўларди? Албатта, энаснинкига-да! Улар мозорга, буваларини зиёрат килгани келганларига ҳафтафаҳм ақлинг етмадими? Энди, сенларнинг бу қимирлапилариниг бўлса, эрталабгачаям қувиб етолмаймиз.

Ўрок билан Теша гилдиракни обдан маҳкамлаб, дами чиккан базлон, қалит ва бошқа асбоб-ускуваларни юхонага жойлашиди. Яна «итар-итар» боилинаркан, Болта негадир хафсанисиз оҳангда:

Коплонбекка бир кириб ўтишимизга тўғри келади энди, – деди бурнини жийириб. – Базлонни таъмир килмасак бўлмайди. Алавиларни, барибир, қувиб етолмаймиз энди...

– Айтмоқчи, Коплон акам шу ерлик-ку! – хитоб киёди Теша жонланиб. – Ўзи бошида уни шинга солсак бўларкан. Мозорга ҳам тўғри кириб бораверарди. Миршаблар билан ҳам начакилашиб ўтирмасдик.

– Суйганичини қўлдан бой берлик хисобми? – сўради Ўрок қовок-туминуғини осилтириб.

Намунича бурнингни осилтирмасанг, кизталок?! – яна ўтқирди Болта. – Бугун бўлса – бугун, бўлмаса, эртага висолига етасан ўша қанжикининг...

...Улар амаллаб жойидан жилиб, мозорни айланиб орқага қайтишганида, миршабларнинг бирин энди хушига келганди. Галати бир ажнозда кўзларини ширинрагиб ёнидаги шеригига тикишларкан, у ича гарангсиб турди-да, бирдан хушёр ториди. Ўнг бикини зиркираб отрир, мияси караҳтэди. Шундагина уч барзаниги йигит билан муштлашгани ёдига тушди-да, шу заҳоти шеригининг юзига шапатилаб:

– Ўрток лейтенант! Ўрток лейтенант! Тура кояниг! Тўда кочибди... — дея уни ўзига келтирилла кирияди. Шуниси кизик элики, улар бир кишлоқда ўсиб, бир мактабни битирган, болаликдан дўст бўлсалар ҳам бир-бирларига «ўртоқ», леб мурожаат килишарди.

Аблаклар, түнпопчаларимизни олиб кетишибди-ку, – деди ўзига келган шериги инкилаб кўзларини укаларкан.

– Хужжатларимизни ҳам... мавъосланиб кўшимча килди ҳамрохи.

– Энди қаёкка кетишиди экан?

– Худо билади, ўртоқ лейтенант.

– Уларни «тўда»дан деб, ҳали оқ «Жигули»даги йигит айтудви-я...

– Нима бўпти? Ўзимизнинг маҳаллий тўда... танини керак уларни. Кошонбекни биласан-ку?

Билгана кандок! Ҳамшинамиз-ку!

– Кетдик бўлмаса ўшанинг олдига. Машина раками ёлинидами?

– Қизил «Тойота»да, янгишмасам – 11 - 00 ТИС.

– ТИС миршабларини-ку?

– Ҳа, энди соддалигинг колмади-да, ўртоқ сержант!..

Улар кинилок чеккасидаги улкан кинилок боғига тутани ан оқ тунука томзи, икки қаватни даннинглама ҳовли ёнита стиб келинганди, катта темир дарвоза олдида ҳалигина ўзлари кувлаган... қизил «Тойота»ни кўриб, аввал эхоналари чикиб кетди. Нича ўзларини босиб олгач, вазиятни юмишатиш маъносиди, барибир, ичкарига кирингина жазм килишди.

– Оқ «Жигули» хайдовчиси бизни бежиз огоҳлантиргмаган кўринади, – деди сержант есқинтина.

– Сен нима деб ўйловдинг! Сал ҳовликмалик қилибмиз чоги. Улар бевосита Кошонбекнинг сардорлари бўлиши хам мумкин, – жавоб берди лейтенант дўлига гузгула оралаб.

Улар дарвозадан кириб боришилари билан ичкаридан худди машҳур хонанда Висоцкийнинг овозини ёслатувчи йўғон ва бўғик товуш ёшигиди:

– Э-э, келсинлар, келсинлар! Тартиботимиз ҳомийларига шонишарафлар бўлсан!

Шундагина миршаблар улкан ҳовли этагидаги ям-яшил дараҳтлар курсовидаги ёғоч чорнояда кўрича устидаги кўк болишига ёнбошлиганича обёкларини узатиб ўтирган девкомат йигитни пайкашди. Унинг ёгнида кора чарм куртка, чац қўлининиг ўрта бармогида олмос кўзли тиши узук. Дастурхонда ярмидан кўпи ичишган ўрис ароги, ярми тишланган тузланган бодринг ва бир дона пиёла турарди, холос.

Қоплоннинг ашаддий каллакесарларидан, Шамсиддин, – деди лейтенант ҳамрохига аста шивирлааб.

Шамсиддин бир чайкалиб ўрнидан турди-да, оқсоқланаб, лапанлаганича меҳмонларнинг истиқболига қараб юрди.

– Ассалому алайкум! – ўнг кўлини кўксига кўйинди миришаблар.

– Ваалейкум ассалом! – деди Шамсиддин улар билан бир-бир кўл олишиб сўрашаркан. Қани-қани! Чорпояга марҳамат. Якка ўзим зерикиб ўтирувдим. Бир улфатчилик киладиган бўлдик. Собит! – кичкирди у ичкарига қараб. Шу заҳоти айвон тарафдан ўн саккиз ёнилар атрофидағи жинси шим, жинси куртка кийган дароз йигитча етиб келиб, миришаблар билан салом-алик килди.

– Собит, ука, чорпояга дарров дастурхон туза! – буюрди Шамсиддин яна лапанглаб жойига ўтираркан. Меҳмонлар ҳам унинг ёнидан жой олиб, ўзларига фотиҳа тортишиди.

– Қалай? Саломатлик? Болга-чака дегандай...

– Шукур, – деди лейтенант ўлганининг кунидан жилмайиб. – Ўзларидан сўрасак? Қоплонбек яхшимимар?

– Ҳа энди, гузук, сояларида юрибмиз-да, биз ҳам. Кеча шаҳардайлим. Бигтага тушиб кайедим. Шунинг аламига ичинб ўтирибман.

Битта бу юз мингми? – сеқин сўради лейтенант.

Э-э, ака, қалла борми ўзи? Бир миллион!

Бу гапдан иккала миришабнинг ҳам нафаси ичига тушиб кетди.

– Шаҳарда зўр устаси фаранглар чиқкан. Ёшлилардан. Кўзингни шамғалат қилиб туриб, бирнаса тинкангни куритади. Э-э, акалар, биззики шунаقا: гардкам! Гоҳ ундоқ, гоҳ бундок...

Собит ўртадаги дастурхонни тўғрилиб, ион-ион кўйиб кетди.

– Ичкарида меҳмонлар борми? – сўради лейтенант ўсмоқчилааб.

– Ҳа-да! – деди Шамсиддин катта бир сирни очаётгандай овозини пасайтириб. Жуда нозик меҳмонлар! Шаҳардан бир иш билан келишган экан. Чамаси, нимадир юз берган. ЧП! Кайфлари тиррик. Машиналарининг битта ғилдираги дами чиқиб кетган экан, ямагтириб бердим.

Шу пайт ичкаридан ғўнғир-ғўнғир овоз эшитилиб, энгик очилди. Ундан аввал паст бўйли, миқтидан келган, бўйи юмалоқ қалласига бамисоли тўғридан-тўғри уланиб кетгандай кўринадиган Қоплонбек чиқди. Кетма-кет... миришаблар не кўз билан кўрсингларки, ҳалигина ўзларини обдан дўлтослаган уч барзанги кўринди.

– Ийе-ийе! – хитоб кииди Қоплонбек чорпоядагиларга заҳарханда нигоҳ ташлаб. Мехмонлар ташириф буюришибди-да! Айни сизларни кидириб кетаётувдик ўзи! Кўккисдан у аччик қаламиир чайнаб қўйгандай вожохатта кириб, ўдагайлай кетди: – Сизлар нима иш килиб юрибсизлар ўзи-а?! Нахотки мана шу кизил япон манинасини танимаган бўлсангиз? Энангни эмтурлар, иккى милионлик бутуни бир шаҳар танийди-ку, уни?! Тинчгина хизмат килиб юрини жонларинта тегди, шекилли? Тумандаги бошлиқларингга битта қўнғирок билан суробларингни тўғрилаб қўйишим мумкин. Ё хозир козига айтиб, безоризикларинг учун каматтириб қўяйми? Ким айтади сизларни хукumat хизматидаги одамлар деб?.. Ҳе сиздака... – бу ёнига Қоплонбек шунаканинг куракда турмайдиган сўзлар билан бўралаб сўёка кетдики, лейтенант билан сержант ер ёрисаса-ю, ерга киргудай ахволда эди.

– Бу кизталоқларни тез-тез шаҳарга, ўзимиздаги туниги малака омиришларга юбориб турни керак, – леди Болта истехъзо билан. – Шунда сал одамларнинг фарқига борадиган бўлишади.

Қоплонбек ҳезланиб, миршабларни яна бир бўралаб сўқди-да, кескин бурилиб, меҳмонларни ташкарига бошилади.

ДУНЁНИ ТИТРАГАН УНСУР

Асад машинани текис адир ёқалаб кетган йўлдан энди шоншилмай хайдаркан, айкаш-уйқаш бўлиб кетган фикрлари миясида чарх уриб айланарди. Бугун унинг шахсий ҳаётида чинакам инкилиб юз берган, кариib кирк йил мобайнида инакланган дунёкараанилари чилпарчин бўлган эди. У ва ундан ўн беш-йигирма ёш катта-кичик бутун бир авлодни боёча ёнидан моддияциончи, дахрий килиб тарбиялашган, окибатда бундан жамият шу қалар кўп зарар кўргандики, уларни санаб адогига етиб бўлмасди. Моддияончилик шундай соҳаки, у факат кўл билан ушлаб сезса ва кўрса бўладиган нарсларни, яъни биз билган мулки оламнингини тан олади. Биз билмаган, биз хали анилаб етмаган дунё-чи? Ваҳоланки, идеалистлар гаъкидлаганидек рухий ибгидо, рух – абадий ва демак, ўз-ўзидан равшанки, улар бирламчи! Моддияят эса ўткинчи, ўзгарувчан ва уларнинг абадий унсурларга дахли йўқ.

Аслида бу икки оқим -- моддіңчилик ва идеализмни бир-бірларига қарши күймасдан, ўзаро бир-бірларини тұлдирувчи, мөхияттан үйғун таълимотлар деб каралса, тадқиқ етілсә ва ривож-лаптирилса, нур устига аъло нур бўлиши мумкин эди-ку, ахир! Йўқ, коммунистик мафкура ҳомийлари бунга йўя кўя олмасдилар. Асло! Бунинг сабаблари жуда оддийлігини Асад яқинда тушуниб етган әди. Ган шундаки, бу фоний дунёда одамзод пайдо бўлганидан бўён ҲОКИМИЯТ деб аталмиш консираган, ёвуз ва зўравон бир упсур ҳам дунёга келган ва у минг йиллар мобайнида башариятни зир титратиб келар әди.

Ибтидой жамоаттар даврида - кабила бошилклари, жолугарлар, тош аери ва кейинги давларда - Иблис хукмидаги кулдорлар, феодаллар ва иншоят, подшолар, ўрта асрлар ва инквизиция даврида - мутаассиб рухонийлар, дин уламолари ҳокимият талашиб, ўз халкларининг бошига мисли кўрилмаган күлфатлар ёғдиришган, даққионусдан қолган бу шафкат билмас кураш ҳукамо, фирмка, гурух ва бошиқа ижтимоий тузилмалар ҳамда подполик таҳтига даъвогарлар ўртасида хозирги кунгача давом этаётган әди. Ҳокимият учун миқёс тунунчаси унчалик катта ахамиятга молик эмас: бир одам сенга тобе бўлса - Ҳокимият деб аталади, бутун дунё оёқларинг остида бўлса ҳам сен Ҳукмдор деб ном чикаардинг. Айни вақтда, Ҳокимият еб тўймас очкўз тўнғизга ўшиарли. Унга қаича кўп овқат ташласан; кўрдим демас ва яна кўшроқ талаб қиласверарди. Ахир, кўл остингдаги гўзал котиба киз зир титраб турса, ўшлаб, юзлаб, минглаб, иложи бўлса, миллион ва миллиардлаб одамлар сенга стги букилиб таъзим қиласа, шоҳона саройларда, Боги Эрамдай жанинат-макон қароргоҳларда яшаганинг етмағандай, «гаҳ» десан; истаган мөхитобон маъбуданг қўлининг таъзим қўнса, оғзингдан чикиши билан истаган тилагинг очил дастурхондай муҳайё қилинса, бундан ортиқ баҳт-икబол, бундан зўрроқ завқ-шавқ борми бу кўхна дунёда?!

Бизнинг асримизда дунёга келган Ҳокимият вакиллари коммунистик мафкурани ўзларига тут қилиб күттардилар. Улар гўё мустабид Ҳокимиятни ағдариб, «коммунизм» деб аталмиш гўё «озод» бир жамият барпо этмоқчи бўлдилар. Аммо кисқа давр ичидаёк уларнинг асл бащаралари очилиб, мустабидликда «манман» деган кирол ва шаҳаншоҳлар ҳам уларнинг олдида иш эшолмай қолишиди. Бироқ улар ўз сиёсаларини шундай маҳорат ва устомонлик билан

юритищдикі, хәёт уммонидаги миллион-миллион өдамлар уларнинг «коммунизм» деб тамғаланган ўткір қармокларига илинишди ва бу йўлда худди гўдаклардай ўйлааб-нетиб ўтиrmай, ўзларини ўттачукка уришди, хатто лозим бўлса, жонларини ҳам курбон килишиди.

Асад азбаройи хәёлга ғарқ бўлганидан аллақачон шаҳарга кириб келинганини ҳам найқамай қолди. Хотинининг жаврагани унинг хушини жойига келтирди.

— Ҳой, қаёкка? Ўнта юришимиз керак-ку!.. Ҳәслингиз қаёқда ўзи?

Асад машинани марказнің хиёбондан олиб чиқадиган кўк чироқдан ўнгта бураркан, «хўп, хўп», деди-ю, яна ўйга чўмди. Оғир ўйлар иссанжасидан шу топда дарров қутулиши амримаҳол эди.

Йигитнинг ўзи ҳам кўн йиллар ана шу коммунистик фирмка аъзоси бўлған ва миллионлар катори апа шу ёвуз қармоққа илингандардан эди. Бутина эмас, ёни файласуф олий илмгоҳда маддиончилик диалектника таълимогидан сабок ҳам берган, юзлаб талабаларнинг дунёкараши бир ёқлама ияқиланишида озми-кўпми ўз хиссасини кўнгланлардан эди. Йигит, айникса, бир нарсада ўзини сира кечи-ролмасди: исега у шу найтгача инсоният жамияти тадрижидан и ўзга мафкураларни, айтайлик, идеализм ёки диний таълимотларни терап ўрганмади? Коммунистлар бир овоздан (улар ҳамма масалаларни бир овоздан ҳал қилишарди): «Дин – афюн», деб ўзлон қилишган ва ҳар кандай диний қараниларга, жумладан, ислом маданияти таълимотига қақинаткич зарба беришга интилишарди. Улар яшаётган кулуғта аёвсиз таъқиблар ва тазиқларга қарамай, ислом таълимоги ва ислом маданиятини таъсир доираси бекиёс бўлиб, улар ҳалқнинг миллӣ анъанаю байрамлари, урф-одатиу үдумларига сингиб кетганди. Буни яхши тушунгандар коммунистлар даставвал ана шу анъана, урф-одат ва үдумларни, гарчанд уларнинг айримлари исломга алокадор бўлмаса ҳам, йўқотишга киришидилар. Ахвол шу даражага бориб етдики, катта-кичик амалдор зоти борки, кариндоширургларини кўмгани жанозага ҳам боролмай қолди. Чунки бу эзгу үдум ҳам (коммунистлар нуктаи назаридан) билъят, исломга хос жаҳолат эди.

Аслида эса, ислом – Овруто, Лотин Амрикоси, Австралия ва бошқа китъалар тафаккурини кунба-кун ўзига жалб этаётгандар мисли фикр, нозик фалсафа ва нафис шеърият тараққий этишига омил

яратган буюк маданият негизига күрилган рухий-маърифий таълимот эди. Коммунистларниң исломдаги ҳар қандай маърифатлы одам онғы учун тушунарлы бўлган ва нафакат маънавий билимлар, балки мавхум фикрлаш тарзи ва хайрли ният рағбати кўзгусидаги юкеак маданиятни кўрмасликлари мумкин эмас эди. Айни шу нарса уларга тинчлик бермас, ҳалто, айтиш мумкинки, жазавага соларди.

Чунки коммунистлар куч, зўравонлик ва қурол воситасида саклиб келадтган, чекланмаган имтиёзларга эга Ҳокимиятта кимдир даъвогарлик килиши мумкин бўлса, бу, аввало, ислом ва унинг фозил уламо ва хукамолари эди. Миллион-милион одамларниң онгни «заҳарлаб», коммунистик диктатурага қакиаткин зарба бера олинига қодир энг ҳавфли куч ҳам ана шулар эди. Иллю, коммунизм ҳочиийларига тарихий йилномалардан яхши мазъумки, ўтминида ислом Мухаммад пайтамбар агаимини бир оғизий «ҷӯнон» шахсига буюк цивилизация ўчони бўлмани бутун араб дунёсини бир бор забт утган ва башариятни «жаҳонат боткоғига ботирувчи» бу тарихининг яна тақрорланимаслигига хеч қандай кағолат йўқ эди.

Ваҳоланки, коммунистлар ҳаммаваки бир нарсанни ётиборларидан сокиг килиб келинганд. Ислом таълимотида ҳакиқий мусулмон ҳар қандай Ҳокимиятдан ташкаридаи инаже. У – факат Парвардигориниң кули (абд Аллоҳ) – ўз ҳаётини Худо «инни»га бағишлаган ишондир. Унин учун ҳозирги вакт ва келажак вакти, кечаси ва қундузги вакт бир хил кимматга эга. Мусулмон одаминин жамиғанимлари ҳар қанча юзесизлик билан унинг маконига бостириб кириши, ётиқоди тимсолларини яксон килини, мұғулмон аблларининг юзларидаги ҳәёп нардаларини юлқиб тапшалилари мумкин – булар барни унинг азалий дунёкарапи ва нүктай назарига хеч қандай нутур етказолмайди. У боинка ўчновдаги вактда яшайди ва унинг вактига, ёбости бўлган анъанавий тарих йўналишинига киришиниң икки йўли бор: бу – ё рухан исломни қабул килиш, ё унинг қадриятлари ва маданияттини чин дисдан тан олишдир. Ўзгача бўлиши мумкин эмас.

Асад машинаси, тиҳоят Ҳазрати Имомдаги кўк дарвозалари каршиисида тўхтаганида:

Худога шукур-эй, стиб келдик! – деди Диљбархон енгил тортиб, аммо бу танидан унинг суюнганини ҳам, хафалигини ҳам аниглаш кийин эди. – Куриб кеткурлар, уйнимизга бостириб киришмасмикин?!

– Намунича кўркасан?! – деди дилжир ҳабблари таркаб, пича тетикланишган Асад. – Мен ҳали ўлганим йўқ-ку!..



Вой, бунча нафасингиз совук?.. - койинган бўлди Диљбархон. –
Хавотир килади-да, одам..

Хавотир килма, - деди Асад ов милтиғини қўлига олиб. Некин машинадан тушибмай, бошини ним ўтириб, йигинширинаётган кизларини огоҳлантириди: – Назирахон! Наргизахон! Нафисахон! Ўнг қулок-чап қулоқларинг билан эпитетиб кўйинилар: бундан бўён уйдан менсиз ҳеч каёкка бир кадам ҳам жилмайсизлар! Эргадан бошлаб мактабга ҳам ўзим олиб бориб, ўзим олиб келаман! Уйда ҳам, мактабда ҳам бирор бегона одам билан гаштаптаганларингни ўчишсан, ўзларингдан кўринилар! Тўда йигитлари оркаларингдан тушибди! Уларнинг макеадлари ҳозирча менга қоронғи. Лекин... бунини бирор чораси тонилиб козлар... Сизларга бирдан-бир ваъзам шу!.. Додам билан ойимларига эса, бизни қувиштани ҳакида лом-мим деманилар. Кексаларни бехуда ташвишига солининиң ҳожати йўқ. Гушунарними, кизларим?

Она-синтиллар хомунингина бошиларини спикитиниди.

Улар келма-кет олихонага кириб келингандан Мунаввархон ая ёзиши оши дамлаётган ёкан. Кўти ўтмай мачитдан кечки намозини ўқиб кайтган Баҳром Шайх ота кириб келди.

Калай, болаларим? Сафар яхни ўтдими? – сўради у юкорига ўтиб ўтиаркан, соколини тутгалиб.

- Яхни, дода. Бироз чарчадик.

Гулниода бону кўнгирок килди, - деди қозониниң конкочини ёниб, уларнинг ёнига келиб ўтирган Мунаввархон ая. – Овозидан фахмладимки, бироз безовта. Назирахон домлагага ўқитиб, табиби гайдликни бўйинга олини керакмии. Бўлмаса, кўчирик бошли нарниш... Келининг билан сим қоқишиниги илтимос килди.

Фаромуни ўтирган Асаднинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

- Кўчирини нимаси?

- Шунака қадимий улум бор дейинида, - жавоб берди Мунаввархон ая.

- Шу киз ахийри афсунгар-фолбия бўлиб колмаса, леб кўркувдим-а, - деди Баҳром Шайх ота бошини сараклатиб.

- Бунинг нимаси ёмон? - сўради Асад журъатсизгини.

Фолбинишк, сехр-афсун - ислом динида кораланади. Фолбиниларга ишонмаслик ҳакида Расулуллоҳ куйидаги ҳадисин айтганилар: «Ман ато кохинан фасаддакаҳу бимо йакулул фекат кафара», яни: «Кимки фолбинга бориб, унинг айтган гашларига ишонса, у кофири

бўйнбди». Уларнинг фолбини таҳминий гаптаридан бонка нарса эмас.

— Баъзи фолбинлари инг башоратлари кўпинча тўғри чиқиб колади-ку?

— Улар фолбин эмас, Ҳудонинг карами ва марҳаматига эришган валийлардир.

— Демак, Гуллоҳда бону авлиё экан-да? — сўради Асад кизиксиниб.

— Йўқ, у аёл хакида мен бир нима дейлмайман. Авлоҳ-аждоллари ни билмайман.

— Онанинг кўчирик хакида гапларига нима дейсиз?

— Кўчирик ... бу синов. Парвардигор ўз меҳр кўйган бандасини хар кўйларга солиб, акл бовар килтас, оғир вазиятларда синовдан ўтказади. У баъзан даҳшатли окибатларга олиб келини хам мумкин.

— Масалан?

— Э, ўғлим, бу хусусда гап кўн. Агар хоҳласанг, ондан кейин сенга халиса оғиздан-оғизга кўчиб бигзача этиб келган Забихи Исмоил қиссасини гапириб бераман.

— Қанийди!... леди Асад нича дили ёришиб.

У отаси билан файласуф олим сифатида ислом дини ва унинг тарихи хакида жуда кам сухбатлашган, чунки даҳрийлиги туфайли ҳаммавакт уларга бенисандлик ва кибру ҳаво билан караб келган эди. Ҳозир бундан изл мартада дил-дилидан афсусланиб, зил кетди.

ЗАБИХИ ИСМОИЛ ҚИССАСИ

Ровийлар ривоят килурларким, қадим ўтмиңда яниаб ўтган Иброҳим пайғамбар алайхиссалом туш кўрибдилар. Тунида вахийдан овоз келиб: «Эй, Иброҳим, тур ва қурбонлик килғил» — дебди. Иброҳим тонг сахар тура солиб, юзта кўйни келтириб, қурбонлик берибдилар.

Иккинчи кечада яна туш кўрибдилар. Яна вахийдан овоз келибди: «Йа Иброҳим Кум ва карраб ал-қурбана». Иброҳим Халилулоҳ тонг бирла уйғониб, уч юз тута қурбонликка сўйдирибдилар.

Учинчи кечада хам айлан шу тунни кўриб, вахийдан яна ўша овозни эшигибдилар. Ҳайратда қолган Пайғамбар алайхиссалом кўркув ва саросима тўла пигоҳларини осмону фалакка кадаб: «Менинг қурбонлигим на туур ва мен нимани қурбон килайн?» — деб сўрабдилар. Бу сафар вахийдан: «Биздан кейин кимни севсанг, ани

курбон килиш! Избаҳ валадака!» деган жавоб келибди. (Ўғлинигни курбон киң.) Иброҳим пайғамбар чекеиз ғам-андуҳ билан ўғли Исмоилни курбонлик қилини кераклигини англаб стибдилар.

Эргаси кун жуфти ҳалоли Ҳожарға мурожаат килиб: «Бир азиз дўстим бор, ўғлингни бошлаб келсанг, бир кўрайин, деб тиляк билдириди. Энди Исмоилнинг бошини, сочини ювғил, анга ёлтгайн», – дебдилар. Ҳожар Исмоилни ювинтириб, сочларини тарабди. Сара ёғни-боши кийдиргач эса, ўғли тоят кўркам болага айланибди. Онаси Исмоилнинг юзига меҳр билан тикиларкан, ойдек юзин, кундек кўркин, қаламдек кўзларин, ақиқдек лабларин, инжудек тишларин, пистадек оғзин, кизил олмадек яноғин, силлик юзин кўриб бўйнидан кучиб ўчибди ва кўйидаги байтии айтибди:

Эй кўнгали овунчаси, ўғраб ўироққа бормагиз,
Ярниққа ёлеуз онатени бағрини ўртмагиз.
Ушибу кетмагидин ўлмакизни тилар эрсанг сан-а,
Ман ўнеунеда ўлайнин, сан ичимни ёндумагиз.

Иброҳим аркон билан пичок олиб, енг ичига сукибдилар-да, токка отлана бошлибдилар. Бундан ҳайрон бўлган Ҳожар: «Кўй келтиргани бормоқдамисанки, ип яна пичоқни не қилурсен?» – деб сўрабди. «Кўй келтиреам, келтирурмэн», – деб жавоб беридилар Иброҳим. Иброҳим йўлга чиқаркан, ўзлига: «Орқамдан келавер», – дебдилар. Исмоил отасининг изидан кетаверибди. Уларни пинхон кузатиб турган Иблиснинг сабри чидамай, одам қиёфасига кириб, Исмоилни қошига келибди-да: «Отанг сени каён бошлаб борур, билурмисан?» – деб сўрабди. Бола: «Дўстиникига олиб борур», – деб жавоб қайтарибди. «Янглишидинг, – деди Иблис. – Отанг сени Курбонлик қилиш учун олиб кета турур». Исмоил ишонмабди: «Қайси ота ўз фарзандини курбонлик қилиши мумкин?» «У Тангри фармони билан бу ишни қилмоқчи», – дебди Иблиснинг чехраси ёришиб. «Тангри фармони шундай эрса, менинг минг жоним бўлса, барини фидо қилдим», – дея розилик бериди. Иблис: «Бу ўғлонни эга билмадим, аёллар заифрок бўлади, Ҳожарга борайин», – дея пайғамбарнинг ишни ҳалоли кошига жўнабди. Унинг олдига келиб фарзандига берган саволларини такрорлабди. Бундан жахли чиқкан Ҳожар: «Эй ахмок, Тангри фармони эрса, минг жон фидо бўлсун», – дея қувиб солибди. Ноумид бўлган Иблис яна Исмоилнинг қошига келиб, уни васвасага сола бошлибди. Бола шунда отасига мурожа-

ат килишга мажбур бўлибди: «Бир нир келиб мани фусус туур». Иброҳим жаҳли чиқиб: «Ул шайтон туур, тош оттил, кетсун», – дебдилар. Исмоил етти тош олиб унга огибди. Ўшандан бери шайтонларга тош отмок ҳожийларга суннат бўлиб қолибди. Иброҳим ҳам етти тош олиб отибдилар. Сўнгра пичогини тошга уриб, йиглай бошилабдилар. Исмоил: «Нечук йиглаюрсан?» – деб сўраган экан, отаси: «Эй ўғилчам, мен тушимда кўрсам, сени сўйиб турибмен, кара, сенинг раъйниг қандай?» дебдилар.

– Эй ота, – дебди Исмоил, – Оллоҳ дўстлигини даъво қилурсан. Бундай даъвога эга одам ухлай олурми? Ухламасанг бу тушни кўрмагай эрдинг. – Кейин у кўшимча қилибди: «Аё ўшитмадингми, Оллоҳ таолонинг баъзи пайғамбарларига деганини: «Менинг муҳаббатимни даъво килган одам қандай қилиб кечаси кўзига уйку индира олади?» А ма самнига ма авҳа-люҳ гаъла ила баази анбийаъ ихи кайфа ман илдаға муҳаббати иза жаннаху ал-лайлу ганаму айнаху. Отасидан бир ун чикмаганини кўрган Исмоил: «Эй ота, – дебди қатъий. – Нимагаки буюрилган бўлсанг, бажар уни». «Иа абати ифъал ма туъмар». «Парвардигор фармони қандок бўлса, ўшандок қилғил. Сен ўғлингдан кечган бўлсанг; мен ҳам жонимдан кечдим, буюр ишингни!»

«Эй ўғлим, – дебдилар Иброҳим ғам-ғусса отанида ўрганиб, – ича сабр қилғайсан. Парвардигор истаса мени собирлардан қизғай. Сагажидуна ишталлоҳу мин ас-собирина»

«Эй ота, – дебди Исмоил афесус чекиб. – Нега буни менга аввалроқ хабар қилмадин? Онанинг оёқларига йикилиб, хайрмавзур қилиб, суюк дийдорин кўриб колгай эрдим. Аммо уч ваясиятим бор, бири шуки, кўл ва оёқларимни маҳкам боғлагил, токи пичоқ оғриғидан талпинсам, тўнинга қон тегмасун. Иккипчиси, юзимни срга қаратиб кўйгил. Токи юзимни кўриб, оталик меҳринг ўйгониб, пичоқ тебратишнингга таъсири бўлмасун. Учинчиси, кўйлагим билан сочимни мендан хотира сифатида онамга элтиб берсанг»

Бу гаплардан сўнг дунё кўзига коронги кўринган Иброҳим Исмоилнинг кўл-оёқларин боғлаб, юзини ерга қаратибди. «Фа ламма аслама ва таллаху лил жабини» Пичоқни бўғзига урибдилар, кучи борича торгибдилар, лекин пичоқ кесмабди. Баъзиларнинг ривоят килишларича, Иброҳим ўғлини боғлар экан, пичоқни торта бош-

лаганларнда, Исмоил кулибди. Иброҳим: «Не учун қулурсен?» – деб сўрасалар, ўғли хурсанд бўлиб: «Пичок узра «Бисмилохир роҳманир роҳим» битилиганини кўрянман. Эй, ота, суюнчини бер, пичокузра Таигри исеми битиклик бўлса, у бўғзимни қандок кесур?» – дебди. Яна баъзиларнинг ривоят қилинларича, Иброҳим пичокни ўғлининг бўғзига урмасларидан бурун Жаброилга фармон бўлибди: «(Бориб ет бандамнинг мададига) Тарк этгил, пичокнинг юзини тескари қил». Жаброил илоҳий дараҳтдан қанот қоқиб келиб, пичокнинг юзини тескари қилибди. Шундан сўнг Иброҳим Халилулоҳ етти марта пичок тортибдилар, ўтмабди. Охири қаҳрлари келиб, пичокни ерга улоктирибдилар. Шунда пичоқдан ун келибди: «Эй Халил, сен кесгил, деюрсан. Жалил кесма, деюр. Бунакада қачон киёмат куни бўлса, «команио биҳи ва саддакно», «Мухаммад умматини тамуғга киргизмаслар, Тамуғ ўти аларни куйдирмагай». Молик айтгай: «Нечук куйдирмассен?» Ўт айтгай: «Эй молик, сен куйдир деюрсан, аммо Маликул-мулук куйдирмагил дер». У ҳолда етти кат кўк эшиклари очилади. Фарингталар бу ҳолни кўриб йингланади, ариш билан кўк туашади.

Тағин ривоят қилурларким, фарингталар муножот қилиб айтдилар: «Охири замон пайғамбари Исмоил уругиндан бўлар деб, илоҳий Лавҳул Маҳфузда кўрармиз. У Мухаммаднинг ҳаққи ҳурмати бу улуг отага фараҳ бергил». Шунда ҳаводан ун келибди: «Эй Иброҳим, тушни ҳакиқат қилдинг! «Ва надайнаху ан йа Иброҳиму қад саддакта ар-ру'я». Сен сўзингнинг устидан чиқдими, биз ҳам тан бердик. «Инна казалика нажзи ал-мұхсенина», яъни албатта биз яхши амал қилувчиларни ана шундай мукофотлаймиз. Эпди жазо бундайдир. Бу кўчкорни олғил, курбон қилғил. Ўғлунг саломат колсун! «Ва фадайнаху бизиб хин азимин, яъни биз унинг ўрнига бир сўйишилик жонивор бердик». Шунда Жаброилдан ун келибди «Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар...»

Иброҳим кўкка караб, кўчкор стаклаб келаётган Жаброилни кўрибдилар. Дил-дилидан суюниб: «Ла илаҳа иллаллоҳу Аллоҳу акбар!..» – дея хитоб қилибдилар. Шодмон бўлган Исмоил ҳам: «Эй ота, қара, мен билан сени бу юмушдан Парвардигорнинг ўзи куткарди!» – дебди ҳаяжон билан. Исмоил кўчкорни кўриб, шукронлар айтибди: «Аллоҳу акбару ва лизлахи алхамду».

Хабар беришларича, кимки ҳайит байрами куни бу такбирни айтса, Жаброил амин, Иброҳим Ҳалилуллоҳ, Исмоил Забихий шафоат қилиб, уларга ризк-рӯз бергай.

Айтмишларким, ул қўчкор – Ҳобил қурбони, Исмоил учун жаннатда семириб турган экан.

Бу ерда ўз-ўзидан савол туғилади: ким жувонмард, отами, ўғилми? Баъзилар айтмишлар: «Ота жувонмард, чунки қурбон қилинган фарзанд доғидан оғирроқ ва қайгулирок нарса йўқdir». – Ўзгаларнинг айтишларича, «Ўтил жувонмард, аниңг учунки, ота ўғидан кечди, ўтил жондин кечди». Яна айтмишларким, «Исмоил қурбонлик килинса, Оллоҳга уланур эрди, аммо Иброҳим ўлгунча фироқда бўлур эрди». Тағин айтмишларким, «Иброҳим жувонмард, аниңг учунким, қурбон хигоби Иброҳимга келди, Исмоилга эмас». Яна баъзиларнинг айтишларича, «Исмоил қурбон килинса, қиёматга кадар бу суннат мўминларга вожиб бўлгай эрди, Исмоил бўгузлаимади эрса, мўминларга раҳмат бўлди».

Яна савол туғилади: «Пичок Исмоилга агалган эди, исчук Иброҳим йиглади?» Буниңг жавоби шундай: «Иброҳим фоний дўстидан айрилур эрди. Исмоил фоний дўстидан айрилиб, бокий дўстга уланур эрди». «Исмоил қурбон қилинаётган дамда Оллоҳ таоло нурлар кўреатди. Ул нур таъсирида Исмоил ҳеч қандай оғрик сесмади. Инчунин, Миср хотинлари Юсуф жамолининг нури таъсирида иликларин кесган бўлсалар-да, оғрик тўймаганлар-ку! Мўминлар учун ҳам шундай. Улар ана шу маърифат нурини излаб тонсалар, униң таъсирида ўнгайлик билан жон бергайлар».

Иншаллоҳу таоло, аллоҳумма ҳаввин айлайно-сакра-тай-мавти, яни Оллоҳ улуғdir ва хақиқий мактоб Оллоҳга хосдир.

УЛУСПИР БИЛАН УЧРАШУВ

Баҳром Шайх ота ошдан кейин чой устида ганириб берган бу ҳикоят хонадон аъзоларини ҳайратда қолдирган, айниқса, у Асадга қагтиқ таъсир қилган, бинобарин, бугун юз берган воқеалар билан ана шу ғаройиб ҳикоят ўртасида қандайлир боғлиқлик бордай эди. Бундай даҳшатли синовга қайси ота дони бера олади? Йўқ, бунга сира акл бовар қилмасди. Шахсан ўзи бопида қилич турган

такдирда ҳам бунга рози бўлолмасди. Бунинг учун чексиз ўтиқод ва иўландан ҳам мустахкам иродага эга чинакам пайғамбар бўлини керак!

Диний тарикатларда, инсон фоний дунёга Оллохнинг оғир синовларига чидаш, сабр-токат кўрсатиш учун келади, деган ақида бор. Иллю. Парвардигори олам, айниқса, ўзи танлаган, меҳр кўйган бандашарини каттиқ азоб-укубатларга душвор қиласди, тики улар бу дунёдаги ғам-туссалари эвазига боқий дунёда баҳт ва саодат-мандлик чашимасидан баҳра тоисинлар. Фалакнинг гардиши билан унинг жигарбандарини ҳам Олиоҳ таоло озми-кўпми ўз меҳр-муҳаббатига лойик топған бўлса-чи? Йўқса, уларининг мургак гўлаклик чоғлариданок бошлиланган ва хозиргача давом этгатган бу газали синовларда кандай маъно бор?

Асад куни кечака ҳам олий самовий тафаккур мавжудлигига жин-дек бўлса-да, шубҳа билан қаарарди. Иекин, бугун қабристонда юз берган файришуурый воқеа бу шубҳасини тумандай тарқатиб юборди. Отаси хозиргина сўзлаб берган ривоят ёса, унинг кўп саволларига жавоб бера бошилаган, кўп масалаларга ўзгача нигоҳ билан қарашга мажбур киласиганди. Буларининг ҳаммасини бир-икки кундагина ёмае, бир исчак ой, ҳатто бир неча йилда ҳазм қилиш ҳам анча мураккаб иш эди. Чунки унинг моддиянчиликнинг биқик кўрғонига ўраб-чирмаб ташланган онги бу нурсиз кўрғон деворларини ёриб чикиши учун маълум вакт керак эди.

Унга бир нарса алам киля бошилаган: отасига у шу вақтгача ислом ва ислом дини тарихининг катта билимдони деб хеч қачон жилдий қарамаган, у илгари ҳам унча-мунча айтиб берган пайғамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги ривоятларни оддий бир чўпчак, афсона деб ҳисоблаб келгани эди. Агар тўда йигитлари ва қабристон билан боғлиқ бугунги сирли воқеалар юз бермаганида, эҳтимол отаси хозиргина сўзлаб берган хикоятни ҳам беписанд қабул қилиган ва унга унчалик ўтишиб берниб ҳам ўтиргмаган бўларди.

Асад ётқоҳиасига ўтиб, ўринига ётаркан, мияси бамисоли ғовлаб кетган, париипон ҳаёллари бир тўхтамга келишига ҳалал берарди. Азбаройи ўйга ғарк бўлганидан ёнига қелиб ётган хотинини ҳам пайкамади. Дилбархоннинг олисан даги раётгандай:

- Жуда чарчадинигиз-а бугун... – деган овозидан ўзига қелиб, фикрларини жамлаб олишга уринди. Хотини яна алланималар деб ёўлдиради, Асад унинг бирорта гапини ҳам идрок қилмади. Ҳаял ўтмай муррок босиб, ухлаб колди.

... У катта түртбұрчак шаклидаги осмонпайванд әхромга кириб бораёттамини. Оёклари остидати шахмат тахтасыға ўхшаб ок-қора ранғызарға бўялган түшама ялт-юлт килармиши. Ўртада доира шаклидаги чигал шаффофф девор қад кўтарган, бу девор айланаси бўйлаб ёнма-ён тор дахлизчалар кўзга ташланармиши. Бу дахлизчаларниң ҳар бири қора темир эшикларга бориб тақалармиши. Аиа шу дахлизчаларниң бирига кира бошлаган Асад ичкаридан қизларининг йиғи-сиги овозларини ёнитиб, аввал жойида тахтадай котиб колибди. Кейин темир эшик тарафига югуриб, унинг бука шохини ўзлатувчи қабзасини жон-жаҳди билан ўзига торта бошлади. Охири уни ғазаб бишан тенгтан экан, эшик ичкарига очилиб, кариесида тағин бир доира шаклидаги шаффофф девор пайдо бўзибди. Бу девор айланаси бўйлаб яна бир канча дахлизчалар бошланар, энди уларниң поени кумуш эшикларга бориб тақаларли. Қизларининг йиғи-сигиси тобора кучая бошлаганини ёнитган Асад жон талвасада дахлизчалардан бирига ўзини урибди-ю, энди кумуш эшикни тортиб-итариб, тенгилашга тушибди. Эшик очилиши билан тағин бир айланаси девор кўринибди. Бу ердан қизларининг зор қақшаб йиглаётгайларни аник ёниятан Асад жону жаҳони ўртаниб, яна бир дахлизчага ўзини отган экан, онди гилла эшикка уришибди. Уни хам тенгилаб очиб, бир амаллаб ичкарига ўтиши билан қизларининг йиғи-сиги овозлари хам бирданинга тиниб колибди. Азбаройи зўрикканидан унинг танаси жиққа тер, бўйин томирлари бўртиб кетган, юраги кўкенини ёргудек ҳанрикканча гунишлаб тенар эди.

Асад зўр бериб ичкарига тикиларкан, ним корони үлкан хонани кўрибди. Бу ерда хам оёқ ости шахмат тахтасини ўзлатармиши. Ўртадаги үлкан юмаюқ шар устига ўрнатилган ҳайкалсимон алланияма дарров эътиборни тортибди. Якинрок бориб, унинг чинданам кўнол ва бадбашара ҳайкалларини, лекин танаси одам, боши ўрнига эса, очки калласи ўрнатилганини кўриб, донг котиб колибди. Яна ажабланарлиси шуидаки, очки калласининг ярим очик оғзи, шиннасимон кўзлари ва иккى бурни катагидан ожигина бинафшаранг нур таралиб турар ва у киши калбидан аллакандай ёкименз бир безовталик, ғузгула хиссенинг уйғотар эди. Ҳайкал олдига баланд олтии курси кўйилган, ундан хам ожиз сарчиш нур тараляп эди.

Афтидан, Асадни кўзга кўринмае кимлардир аллакандай катта, шум бир ўйинига таклиф қилаётгани кўриниб турарди. Йигит энди

сархун бир холга түнгиз, кизларининг ҳозиргина эшилган йиғи-
сигисини ҳам тамомила унутғанди.

Кутилмаганда бу ғаройиб хонанинг деворлари ёрқин нур гарата
бошлабди, улардан нур бамисоли фавворадай отилар, айни вактда,
хаво тандирдан чиккан ховурдай кизиб бораётгандиши. Лекин Асад
бу иссикдан кийналмае, аксинча, лаззат олаётгандай эди.

Шу пайт остидан етти марта момакаидирокка ўхшаш гулдурак
овоз келиб, чўчиб түнгиз Асад беихтиёр тиз чўкканини ўзи ҳам сез-
май колибди. Бугина әмас, у намоз ўкиётгандай энгашиб, шахмат
тўшамага бош кўйибди ва шу заҳоти юзига урган иссик ховурдан
сесканиб кетибди.

Асад бошини бироз кўтариб, хайкалга қараганини билар-
миш, «очки»нинг оғзи, кўзлари ва бурун катакларидан шалоладай
отилаётган кучли алланга оқими нигоҳини камаштириб юборибди.
Ё тавба, у кўзларини юмиб, қайта очганини билармиш, шу ондаёк
хайкал ўрнида келингизан ёш бир йигит пайдо бўлибди-да, шар усти-
дан сакраб тушибди. Елкасида корамтир канотлари бор, кошлари
худди томири тортишиб коландай ҳаддан зиёд чимирилган эмиш.
У бир ҳатлашдаёк Асадини тенасига етиб келиб, елкасига қўлинни
кўйиб экан, йигит севинч ва изтироб, хувивактлик ва ғамгузорлик
уйгуналаниб кетган ғалати бир хиссий оғушига чўмибди. Шу ондаёк
онгининг аллакайси бир чеккаси билан бу - ёш йигит киёфасидаги
Улуснир лақабли Ер со Камонистон шами шайтон ва инс-жинслар
рахнамоси Иблис жаҳраларини айсан ўзлари эканини чукур
хурмат ва ифтихор ила англаб етибди. Бирдан унга нисбатан меҳри
жўш уриб, вафодор итдай унинг обёкларига йиқилибди.

Улуснир унинг елкасига қўлинни кўйиб, оғтин курсига ўтиришини
буорибди. Лекин Асад ўрнидан туриб унга ўтирган заҳоти курси
уни икки газ тенага улоктириб юборибди. Ажабланарларни шунда-
ки, у шахмат тўшамага худди мушукдай енгиз ва ўнгай ағдарилиб
тушибди ва бирор жойи лат ҳам емабди.

Бундан жаҳли чикибдимн, Иблис курсига қараб алланималар дес-
ган экан, Асад думалаб ётган жойидан учганча яна курсига бориб
ўтирибди. Улуснир унга яқинлашиб, яна елкасига қўлинни кўйибди-
да, дона-дона килиб гапира бошлабди. У Ер юзида кенг тарқалган
яхудо ва будда, насроний ва ислом динлари ҳакида қаҳр-ғазаб би-
лан узок сўзлабди. Унинг фикрича, ўтмишнинг котиб колган чир-
кин сарқитлари бўлмиши бу динлар Ер деб атальмиш сайёрадаги
миллиоилаб афкор омманинг онгини асрлар мобайнida заҳарлаб

келаёттанинин. Нисон ва бошқа ҳар қандай олдай тафаккур өгаси-ни Парвардигор ҳеч качон күлім деб хисебламаган, умуман, инсон зоти ҳеч кимга құл бўлмаслиги керак эмиши. Ҳамма тараққий этан сайёralарда бўлгани каби Ерда ҳам ҳакикий демократия тўла жорий килинини, байирият ҳар қандай қулилк занжирларини парчалаб ташлаши лозим эмиши. Мухими, мусбат ва манфий кутблар ўзаро уланимаса, чирок ёнимаганидек, инсоният жамияти ва Коннот миқёснда ҳам ўзаро қарама-карши, мухолиф кучлар мавжуд бўлнини чинакам ҳаёт ва тараққиёт гарови эмиши. Нима учун севиниганлар, ҳатто ўнишаёттаниларида ҳам бир-бирларини тишлаб олинга иштилиниади? Чунки, эзгулик билан ёмонликни худти эта битган тирниоқдек бир-бирларидан ажратиш мумкин эмес. Парвардигори олам бу дакки оламда нимаини бунёд этган бўлеа, ҳеч бири бежиз эмес, ишло. У – бу бебонивоқ замонда тобора айтиб, руҳан тубашлашиб бораёттган одамзодни тўғри йўлига солинида Улуснир ва унинг шонзи сафдошлиларига катта умидлаир боягланмоқда. Ерканинномлари зикр этилган динларга ўхшаган бемавин таълимотлар манфий кутблар бўлеа, уларга карини кураш олиб бораёттган мусбат кучлар вазифасини у ҳомийлик киляёттани ва Коннот миқёснда канот ёзиш улуғ таълимот оқими бажараёттанинин. Кўхна тарихга эга бу муросасиз кураш киёматтана давом этарманин ва ниҳоят, киёмат кунини Улуснир ва унинг сон-саноқсиз маёлакдонилари абадий талабани кўлга кириштармини.

Яна ислом, айникеа, насроний ва яхудо динлари ва уларининг муқаддас китоблари ҳакида таинин давом этирига Улуснирининг қаҳр-ғазабдан муштлари туғилиб, кўзлари чакиаб кетибди. Лекин дарров ўзини кўла олиб, фикрини бошқа мавзуга бурибди.

– Эди тан бундай, иним, – дебди Иблис потоҳ унга тозма-юз туриб. Асад унинг конилари бенибат гар чимирилиб, кўзларида қандайдир хайрихоҳлик ифодаси найдо бўлганини пайкабди. – Кизларингиз бўй чўзиб, кўзга якин бўлиб колинди. Биз бундан хурсандмиз, албатта? Аммо уларнинг атрофида бемавин самовий кучлар тобора кўпроқ илашимоқдаки, бу бизни бағоят ташининг солмоқда. Биз қизалокларингиз бирёқлама, руҳан поғирон эмес, балки ҳар жиҳатдан уйнув камол тонгап инсонлар бўлиб етишинларини истаймиз, холос. Ган шундаки, иним...

Шу найт қаердадир намоз ўқиляёттани кулокка чалинибди-ю, Улуснир негадир саросима ичра ўргалаги улкан шар устига ютуриб

чикибди. Шу захоти танааси одам, калласи эчкига ўхшатан кентавр - хайкалга айланиб, яна оғиз-бурни ва күзларидан фавворадек алланга чикара бошлабди. Қаердаңыр «Оллоху акбар, Оллоху акбар...» деган овоз келибди-ю, хайкал бир сониядаёқ тит-инти чикиб, портлаб кетибди.

...Гумбур-гумбур овозлардан уйғониб кеттән Асад құшни хонада отасининг наст овозда «Аллоху акбар, Аллоху акбар...» дәя намоз үкіёттәнини жасырыған холида пайкаб олди. «Е! тавба! - ўйнарды хөзиргина күргән гаройиб туни таъсирида кыздары ётган хонага отланаркан. - Тушимми ё ўнгимми бу ўзи?!»

Кыздар ёттан хона жимжіт, улар субхандамининг ширии уйқу наңысасини суринимоқда өди.

- Бу даражадағи аник, аммо, өхтимол, тимсоли мазмунига оға туң хам бүлар әкән-да? - ўйларды Асад қүнгли хөтиржам торғиб. Асад аввалилари күргән түшіларининг аксарайтыннан уйғонған захоти унтутиб юборарди. Бу түшнин әс, худи кипотасмадағыдай ҳар бир икір-чикиригача ёлда саклаң қолди. Түш замырдан Асад үлкән ҳақиқатни анылаб еттән, нотинчлик, ешсей-ижтимоий дәймізмі, рухий ёки маънавий дәймізмі, кураш түфендері Ер қозигатына әмас, Коинот мікәсінгә ҳам ёйилганини билип олғанди.

Лекин шүрлік ёші ота нима учун норасида кыздары фалак гарлишининг бу кагта, әзгу, айни дамда, калтис ўйинларига араланиб колғанини сира түшүнпомасди.

«Қисмет деб шунни айтсалар керак-да», - ўзини ўзи овуған бўлди Асад.

Лекин у ҳали ҳам ғафлат уйқусида, яқин истиқболда ўзи, онласи ва фарзандларини накадар дахнитли синовлар кутаёттәнини тасаввурига ҳам сиғдиролмас өди.

ЗУЛМАТ АХЛИ ҚУРУЛТОЙИ

Улусири зулмат амирларидан бўлмиш ўз ноиблари Баал Забуб, Астарот ва Малахга қурултой мажлиси чакириини буюрган захоти (Коинотда вакт ва фазо түшунчалари буткул ўзгача мазмун қасб этади әмасми) Асад түшида күргән чигал әхромга ажынао алвастилар, кора девлару ёвуз нарилар, шайтонлару инс-жинслар бирин-кетин судралиб, сузиб, югуриб, учиб, осилиб кела бошлапди.

Зудмат ахли деб атапмииш зотларининг Кониг миқёсидағы бу уюн-
маси милялон йиллар изгари, одамзод пайдо бўлган даврлардаёқ
таникл тонгандан ва ўзининг ғаройиб тарихига эга эди. Қадимги юнон
асотирларнга кўра, Момо Ҳавонинг Кониг исемли ўғли Одам Атодан
эмас, гўё Иблисдан туғисланган ва ундан жуда кўн авлодлар тарқалган
эди. Ҳунёни сув олини – бу Парвардигорнинг Кониг авлодларини
йўқ килишига каратилган олий ғазабининг бир ифодаси эди, холос.
Лекин Конининг зурриётларидан бўлмиш Нухнинг ўғли Ҳомга тур-
мушга чиккан хотин корнида боласи билан тоғли ҳудудларининг би-
ридаги горда ўзини тўғондан саклаб қолинига муваффак бўлган эди.
Шу тарика Конининг кони дунёни сув олганидан кейин ҳам янги
пайдо бўлган башариятга ўтган ва унинг авлодлари кейинчилик бу-
туни Конигта гаркалиб кетган эди. Кониг авлодларининг кейинти
тарихи ҳаддан зиёд афсонавий мазмун қасб этиб, ҳар қандай инсо-
ний хулқ-атвор ва одоб-ахлоқ доирасида ташқарида экани туфайли,
биз хурмагин ўкувчимизни ушбу тағсилотлар билан таништиришга
журъат ҳтмадик.

Ўша даврлардаёқ Улуспир Кониг миқёсида шайтонга
сигинувчишлар уюшмасининг Олий Ҳукмдори қилиб сайланган ва
унга юкорида номлари зикр этилган учта ионб тайинланган эди.
Астаратнинг Мелитта исемли хотини ҳам катта арбоблардан бўлиб,
унга, айникса, Осиёда минглаб одамлар сиғинишганди. Шу тарика
Улуспир идораси доирасида иккала жинедан ҳам вакиллар бор эди.

Халигина номлари зикр этилган уч арбобга 72 нафар иккичи да-
ражали амалдор бўйсунар ва улардан ҳар бирининг қарамоғида юз-
лаб, минглаб шайтонлар ўрдалари мавжуд эди. Бу амалдорларнинг
ҳар бирининг ўз исми, унвони ва хизмат вазифалари бўлган. Улардан
кўшиари ўрга аерларда кечиган жодугарлар, афсунгарлар ва шайтонлар
билан бевосита мулокотта кирган одамлар устидан ўтказилган терлов
ва ҳукм чиқариш жараёнларида бот-бот иштирок этишганди. Жами
шайтоний кучлар, Ўрдаси – 6666 та, ҳар бир ўрдада бирор жинсга те-
гиили 6666 шайтон хисобда турар эди. Демак, дўзах аҳлининг амал-
дор ва раҳбарияти билан биргаликдаги умумий сони 444355633 тани
ташкил киларди.

Курултойга, одатда, улардан 100 га яқин вакил таклиф этилар-
ди. Курултойни кўпинча читал эҳромдаги тилла курсида ногаҳоний
пайдо бўладиган Улуспирнинг ўзи бошқарар ва у пайдо бўлгунча

йигилган ноиблар Асад тушида кўрган ғалати жараёни тўла бошларидан кечиришарди. Мажлиси айрим холларда, масалан, Олий Ҳукмдор сафардалиги пайтларида Баал Забуб ўтказиш хукукига эга эди, холос. Булар иккаласи ҳам йўқ бўлганда эса, бошқа амалдорларни тилла курси ҳар сафар ўтиришилари билан осмонг а улоктириб ташлайверарди ва мажлис кейинги чакириққача, албатта, қолдириларди.

Улуспир курсида пайдо бўлиб, ҳаммаёк тинчиб, эхромга сув сенгандек жимлик чўккач, ноибларга шахмат тўшамадаги ҳар бир катакка ўтиришини таклиф килар, ўзи эса ўринидан турарди.

Шайтонга сиғинувчиларнинг Олий Ҳукмдори қурултой учун ронпа-роса ўғтиз уч дакика вакт ажраттан, кун тартибидағи масалалар ҳам ана шу вактга мосланган бўлиши керак эди. Агар бирор масала шу фурсат ичидаги кўриб улгурilmаса, ўз-ўзидан кейинги қурултойга қолдириларди. Умуман, Иблис азбаройи ишлари кўплиги туфайли ҳар қандай расмиятчилик ва коғозбозликни жини ёқтирамас, хафтагиб мажлис ўтказадиган ерлик амалдорлардан фарқи ўлароқ, иш вактини жуда кадрлар ва ҳар бир лаҳзадан унумли фойдаланаарди. Ўттиз уч дакикадан сўнг бонг урилиши биланоқ у туманга айланиб, кўздан ғойиб бўлар, уни чигал эхромнинг бирор бурчидан излаб тошишга интилиш тамомила бефойда магнуглот эди.

Бу сафар ҳам Улуспир курсида пайдо бўлиб, ноибларга ўтиришини таклиф этганида, эхромга сукунат чўккаанди. У сакраб ўринидан турди-да, қаддини ростлаб, шу заҳоти гап бошлади:

– Салом, ҳамкаслар! Кун тартибида: Ердаги ижтимоий-рухий аҳвол. Мен қисқача ахборот бераман.

Маълумингизким, Кониготнинг бошқа мингтақаларидан фарқи ўлароқ, Ердаги ижтимоий-рухий аҳвол кун сайин мураккаблашмоқда. Бу сайёрадаги жами башариятни озодликка олиб чиқини ва ўз йўригимизга солиш борасидаги ишларимиз олға жилиши ўрнига тобора орқага кетмоқда. Ҳозирги кунда узоқ йиллик сермаҳсул фаолиятимиз шатижасида дахрийларга айланиб, биз томонга юз бурган миллионлаб одамлар ёнпасига динга ружу қўйиб, Парвардигорга сиғина бошламоқдалар. Парвардигорни олий мақсади факат бугина эмаслиги энг каллаварам шайтонга ҳам яхши аёшлигини ҳаммамиз биламиз-ку, ахир! Айникса, мусулмонлар, насронийлар (ган шу ерга келганда яна Улуспирнинг муштлари тугилиб, кўзларида ғазаб ўтлари чакнади) бемаза қовун уруғидай ой сайин, кун сайин кўпайиб, баркарор салтанатимизга хавф солиш даражаси-

та бориб етдилар. Тұғри, айрим фаолшаримизнің саъй-харакатлари туғайлы Ердаги баъзи мухим худудларда турли миссиялар да диний низолар, тұқнашувлар, ҳатто, қонли уруушлар ташкил этишга муваффак бўлаётганимиз ҳеч кимга сир эмас. Лекин булар ҳали денгиздан томчи ва агарда биз буюк салтанатимиз худудларининг бутун Ер курраси миқёсига ёйилишини истасак, бундан минг чандон, миллион чандон, миллиард чандон (шу ерда у яна қаҳр-ғазаб ўтида ёниб, ёнидаги тилла курсининг сүяңчигига зарб билан мунит тувириди) қўпроқ пешона тери тўкипимиз, кеча-куплуз меҳнат қилишимиз керак! Кўп амалдорларимиз, Ерга биринчирилган аксарият расмий аъёнларимиз ишончимизни оқлаш у ёқда турсин, арзимаган юмушларимизни эплаб бажаролмаятилар, қалтабинлик билан хато устига хатога йўл қўймоқда. Оқибатда уларнинг нала-партиш, хом-хатала ишларига шахсан ўзим аралашишимга тўғри келмоқда.

Азиз биродарлар! Биз, ахир, Мирриҳда озмунча ғалабаларни кўлига киритмадик. Ойни ва Зухрони голибона забт этганимиз ҳали ҳаммамизнің ёдимиизда-ку! Муштарийда ва, ҳатто, Сомон йўлидаги буржларда ҳам фаолшаримиз оламшумул ишларни амалга ошира бошладилар. Шундоқкина ўзимизга бақамти Ерга келганда, лаңда-вурлик қисқас, бизнинг шайтонлигимиз қасрда қолади, ахир??!

Мен ҳаммавакт таъкидлаб келганиман ва бундан бўён ҳам алоҳида таъкидлайман: бизнинг фаолиятимизда ишнинг кагта-кичиги бўлмайди. Хоҳ бутун бошли сайёрада тўғтириш уюнтириш бўлсин, хоҳ кичик бир оиласининг осойишталигига шутур стказиш бўлсин – биз учун бирдай мухим! Бильъакс, ўша кичик оила вақти келиб бутун бир мустакил мамлакат, ҳатто, катта бир сайёрани жупбишга келтириши мумкин! Чингизхон, Наполеон, Гиглер, Сталин каби буюк ерлик шахслар ёдинизздадир? Ерда қанақанги қонли урушлар, қанақанги оламшумул тўс-тўполонларни юзага келтиришмади, шоввозлар. Бугунги кунда – шон-шарафга буркантурларнинг бу ишларига бутун Коинот тан бермокда. Тўғри, булар бари бизнинг йўл-йўриғимиз билан иш тутишган ва ҳаётларини буюк салтанатимиз шон-шукратини юксалтиришдек мукаддас ишга бағишилашган. Лекин Ерда, аксинча, яъни салтанатимиз пойдеворларини чил-парчин қилишга интишган ва бу борада кўп ёвузликларга эришган сохта «улуғлар» ҳам оз ўтмаган. Ҳозир ҳам барҳаёт улар!.. Эндиги вазифамиз айнан шундай шахслар камол топаётгандан оиласардан эҳтиёт бўлмоғимиз, уларга доимо кўз-кулоқ бўлиб турмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Бу курултойнимизда биргина мисол билан чекланмоқчимиз: Шарқдаги күп миллион одам истикомат киладиган катта шаҳарлардан бирининг марказида Баҳром Шайх деган бир кимсаннинг зурриётлари вояга етишашапти. Аждодларининг аксарияти ёвуз ва қултабиат авлиёлар ўтган бу лъяннати оила шу кетишида бутун шаҳар, бутун худуд у ёқда қолиб, жами мусулмон дунёсини ҳам йўлдан уриши мумкин. Чунки, ўша Шайхнинг уч нафар мишики невараси ҳалитдан шунаканги кароматлар кўрсатмоқдаки, уларни кўрган ҳар қандай шайғонинг лабига учук тошади. Модомики шундай ёкан, биз хозирданок уларнинг шаштини қайтаришимиз, лъяннати аждодлари кўллаётган ўша тирмизак қизларнинг бошига ит азобини солишимиш керак. Бу ишда ҳамма имкониятлардан, айникса, маҳаллий жиноятчи тўдалардан унумли фойдаланмок жоиздир. Айникса, олатасир ва бебошвок замон тақозоси билан дунёга келган бу беминнат дастёрларимиз фаолиятига тўғри йўналини бермок ҳар бир шайтони лайннинг муҳим бурчидир.

Кутилмаганда Улусипир сакраб тияла тахтга бориб ўтириди-да, курултой катнашчиларини бирма-бир чакчайган нигохи остидан ўтказди. Кимларни дир жазолаш фурсати етганини аниглаган ноиблар ўтирган жойларида қурбонликка сўйилажак қўйлардек тинирчилаб козишиди.

— Аммо-лескин, — ганида давом этди Улусипир ғазаб билан овозини баландрок кўтариб, — орамизда шундай хизматчиларимиз, ҳатто, амалдорларимиз борки, уларнинг азбаройи ландавур ва тенса-тебранмасликлари боис бу учала ожиза ҳар гал қўлимииздан чишиб кетмоқда. Бу иш билан охири ўзим шахсан шуғулланинг мажбур бўйдим. Қизларнинг отасини уйқусида йўлдан уриб, пича гарбиялашимиға тўғри келди. Ҳалакит беришмаганда, ўша эътиодсиз йигитнинг тамомила бошка одам бўлиб уйғонишига ишончим комил ёди. Лескин ҳозир гап бунда ҳомас. Ҳозир мен ўша учга ношуд хизматчимизнинг телба-тескари ишлари хусусида тўхталмоқчиман. Гап кимлар ҳакида бораётганини ўзлари яхши билишади. Қани, туринглар ўринларингдан!..

Катта хонанинг у ер-бу сридаги кора катакларда ўтирган Нуж, Нут ва Яос кўрқа-писа ўринларида туришиди. Улар Иблиснинг қўлидан кўз кўриб, кулоқ энитмаган ҳар қандай ёвузлик келишини яхши билишар, шунинг учунми, бутун вужудлари худди безгак тутган одамдай қалтиради.

- Ҳамманғызға оттинің қашқасидай яхши таниш бу зоттар шаҳаринің әнг құдратлы тұдаларидан бириңінг йигитлари күмаклаштынларыға қарамай, үзларинің ўта лаёқатеңін әзірлеудің көзінде күмаклаштынлардың қызынан күділділар. Боз үстіга, маҳаллій миришаблар билан ишқаллік чикариши-ю. бу дастёрларимиздан хам жудо бўлишимизга бир баҳя колди.

Улусипир чап билагидаги чет әл соатига шоцинишіч кўз ташлаб кўйди-да, сўзлари маромини янада тезлатди:

- Сизларга дўзахнин гўри қандай бўлишини бир кўрсатиб кўймокчи әдим, афсус, вактимиз қолмабди. Шунинг учун жазолаш кейинги курултойгача қолдирилади. Лекин сизларни сўнгти бор огоҳлантираман; шу бир хафта-ўн кун ичида (Ер вакти билан – биринки йил) кизларга нисбаган узил-кесил бирор чора кўрмасанлар, унда ўзлариніндан кўринишлар!..

Шу пайт курултой поёнига етиб, бонт урижини биланок Улусипир ўтирган таҳтида тумандай әриб, кўздан ғойиб бўлди. Шайтон ва инсенислар, алвости ва ёвуз дөв-нарилар бамисоли елкаларидан тог ағдарилингандай сингиз торғиб, турр этиб ўриниларидан кўгарилишиди.

Асад ўша куни кўрган ғаройиб тушини хеч кимга айтмади. Чunksи у ойнесидан, әрқак киши тушини сувга айттиши керак, деган ақидани кўп бор энніттан, бунинг маънисига тушуниб етмаса-да, ботиний тарзда унга риоя килинин лозим топганди. Бирок йигит шу-шу одамови ва камган бўлиб қолди. Қабристондаги воеа унинг Олий Коинот Тафаккурига бўлган шубҳаларини узил-кесил тумандай тарқатиб юборган бўлса, отаси сўзлаб берган Забихи Исмоил киссани унда ўзтикол ва имон тушунчаларига нисбатан чексиз хурмат уйғотган, ўша кечаси кўрган ғалати туши эса, яна унинг ўй-хаёлларини остин-устун килиб ташлаган эди. Бинобарин, сирсиноат пардасига ўралган бу машъум тушда киши кўнглини мафтун этувчи шайтоний аллахима бордай эди. Лекин Асад бу учала воеа ўртасида аллақандай боғлиқлик мавжудлигини ботинан хис киларли-ю, аммо сира калаванинг учини тополмасди.

Ўйлаб ўйининг охирига етолмаган Асад пировардилда бир хуло-сага келди. Энди у диний таълимотлар, айникса, ислом фалсафесини чукур ўрганишга киришади. Айни вактда, ўзини жисман ҳар томондан чиниктиришни хам ойдига олий максад килиб кўйди. Парвардигорға сидкидидаи ишонган одам куч-кудратга эга бўлиши

ва ўзини химоя кила билиши керак. Шунда уни Худо ҳам күлтайды. Бу - Шарқ мумтоз кураши фалсафасининг энг низик нуктасидан бири эди.

Йигит ҳар куни өрталаб индамай кизларини мактабга өттиб күйр, сўнгра ишга бориб, фалсафадан шогирдларини иштиёкениз маъруза ўкир, ўргада яна мактабдан кизларини уйига ташлаб, гағин одий илми оғла шопшиларди. Қарийб бир ойдирки, тўда йигитлари кизларини тавқиб қилинин тўхтатилиган, шунинг учун кўнгли нача хотиржам гортианди. У ўзи ҳам тушибниб етмаган холда бу қалинг тавқиб ҳакида хеч кимга лом-мим демасликни лозим тонган, ҳатто козихонада кагта амалдор бўлиб ишилайдиган акаси унинг ранги синикиб колганини кўриб, таажжуб билан ҳол-ахвол сўраганида ҳам «сир»ни очмаганди. Ваҳоланки, ўна акаси Болга бойваччани яхни танир, чунки иккичу ой одини киминицдир маъракасига нахорга онга борганилариста, улар Болга билан рўнара келиб колдиган, шунда акаси билан иззат-эхтиром ила кўл ошишиб, куюк сўралиган эди. Ўшанда Асал акасияг матъмурият одамлари каби акасининг ҳам шахардати тўлаларга аллакандай кўз изламас ишлар оркали боғлиқлик жойи борлигини шуурий пайкаранди. Йигитнинг назаридада улар хотир шундай алғов-далғов ва нарокаада бир даврда яшаттган энгарки, ҳатто ўз туганинг акашдан ҳам ҳар базони кутиши мумкин эди.

Асадининг Афғонистонда урушида кагнашиб кайтган Раҳматилла иемли синифдои дўстги бор эди. Унинг бослагигидан карот, дзюдо билан шуғуллануб юрининин яхни биларди. Туш кўрган кунигини өртаси аёб унга сим кокиб, учрашивга тактиф этди. Улар ўша куни кечкуруп Раҳматилланин шитимоси билан «Осиё» меҳмонохиасининг ертўласидаги шинам қаҳвахонада кўринишнди. Бу тўда йигитлари тўнланадиган жой бўлиб, Раҳматилла уларнинг дезяри ҳаммаси билан танин, аюқ-чапок экан. Асад дўстига аввал дилидаги бор ҳасратларини тўкиб солинин ўйлади-ю, бу ҳам килемат экан чори, қаҳвахонадаги вазиятни кўриб, фикридан кайтди. Собиқ синифдошинг аллаканстай ачишини билан тикиларкан, «анча ўзгарибди», – деда хаёлидан ўтказди. Бу орада Раҳматилла билан чайир, барзанги, бақувват йигитлар бот-бот келиб, куюк саломалик килиб кетишар, Асад билан ёса бенисанд, кўл учидагина сўрашишарди.

Раҳматилла баланд бўйли, (мактабда унга Раҳматдароз деган лакаб ҳам беринишганди), кўл-оёклари узун, чорпаҳил йигит эди.

Хозир у таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган, кўзлари кинига худди қонсираётгандай ўткир бокар, хатти-харакатларида ҳам кучли довул олдидан денигизда зохир бўладиган осойишталикка ўхшаган бир шима бордай ёди. Лекин у болаликдаги самимияти ва хушичақчақлигини сақлаб қола олганди.

Маълум бўлишинча, дўсти уч йил аввал Шарқ кураши усуллари бўйича ўқув курси очибди, унда, асосан, турли тўдаларнинг йигитлари шуғулланишармиш. Шунинг учунни, Афғонистондан хокисоргина қайтган бу собик жангчининг онди ҳаётда шахдам одимлар билан ўзига тўқ яшаётгани кўриниб турарди.

– Кўринмаганимизга ҳам минг йил бўяди чоги-ёв, Асадвой? – деди у самимий жислмайиб.

– Охиригина марта Афғонистондан келганингда йўқлаб борувдим, – деди Асал хозиржавоблик билан..

– Эҳ-хе! – хитоб қилиди Раҳматилла. – Шундан кейин ҳам қапча сувлар оқиб ўтди. – Бу танида аллакандай афсус-надомат, айни вактда, ўзига ҳаљдан зиёд ишонган одамниш эркакларча магрурлиги бор ёди.

– Кариганимда қадими Шарқ кураши усулларини ўрганинга карор қилдим, – деди Асад кулемсираб.

– Нималар десясан, ўзи?! – дарров ўтироҳ билдириди дўсти. Сен билан биз қаришимизга хали анча ковуни ишнинг бор. Ўтгиз беш ёшда қишининг онги ҳам, жисми ҳам ўзининг камолот чўққисига эришган бўлади. Ҳар ҳолда, Шарқ кураши таълимотларида шундай дейилган. Беҳазил ганир янман.

– Қайдам... – деди Асад тусмолланиб. – Буни кўштимига Худо солди чоги, ўзим ҳам тушунолмайман.

– Яхши ўйлабсан, – деди Раҳматилла бирдан жонланиб, кейин атрофла ўтирган хўрандаларга ипора килиб, давом этди: – Анави-ларни, гашнинг очиги, хушим ёқтирмайди. Сенга ўхнаган дўстларим кўпайса, менга ҳам яхши.

Асад ёш боладай суюниб кетди-ю, лекин буни ташига чиқармади.

Умумат, спорт файласуфга ҳам, этиклўзга ҳам ҳеч қачон ҳалақит бермаган! – фикрига нукта қўйди Раҳматилла, сўнгра шу заҳоти мавзуни ўзгартирди: – Хўш, нима буорамиз? Бу срда яхши фаранг конъяги бўлади. Кейин киевча котлетни ҳам дўндиришпайди. Ё порин шўрва ичамизми?

Асад болалик дўстини қайта топганидан шунаканги хурсанд эзики, бенхтиёр юзига майин табассум ёйилиб:

– Онасини эмсин, айтганларингнинг ҳаммасини буюрамиз! – леди столига сигил мушт тусирикаркан.

– Қойилман! Кўнглимдаги гапни айтдинг. Одам ҳаётга бир марта келади. – У бирдан маъюс охангда давом этди: Беҳазил гапирияпман, ҳаётнинг қадрига биз – кон кечиб, ҳақиқий уруш кўрганилар стамиз! Лекин анави... – истехзо билан яна секин атрофлагиларга ишора қилиді дўсти, – шайтоннинг малайлари... тўклика шўхлик килиб юришибди.

– Нега унда уларга домлалик қиласан? – сўради Асад юмшок охангда унинг кўнглини оғритмасликка интилиб.

– Э, дўстим, халиям соддалигинг колмабди, – кулди яна Раҳматилла. – Халқимизда, «Лўлининг эшагини суғориб – пулини ол» деган мақол бор. Лекин тепамда Худо турибди, менинг вижлоним пок: чунки уларга Афғондагига ўхшаб пингза, яъни одам ўлдириш санъатини ўргатмайман. Буни факат сенга ўргатиним мумкин. Чунки сен ҳеч қачон одам ўйдирмаслигингни биламан, беҳазил гапирияман...

Шу пайт уларнинг тенасисига олдига ок фартук тутган ёш, хинча йигит келди. Раҳматилла унга овқат ва ичимлик буюрди.

Асад кутилмагандага ўйчан қиёфага кирганди. У дўстига синовчан тикияркан, кўккисдан сўради:

– Мабодо... ўйдирсам-чи?

Раҳматилла унга энди ҳайрат аралаш боқаркан:

– Ҳазиллашмаяпсанми? – деб сўради хаҳолаб юборишдан ўзини зўрга тийиб.

Асад пича сукут саклаб турди-да, қатъий жавоб берди:

– Йўқ!

Овозидан темир совуғини туйган дўсти яна жилмайиб, бошини саракиятди.

– Э, оғайни, энди мени бу авантюрага ҳеч ким тортолмайди. Беҳазил гапирияпман, Афғонда бир марта нажас еганим бутун умримга мана мундоқ... – у кафтини бўйнига кўндаланг қилиб қўрсатди, – стади!..

Олдига фартук такқан йигит уларнинг столига катта ликопда ҳар хил сабзавотлардан дид билан тайёрланган газак, иккита

юмшоқ обинон, икки шине сув ва фарант конъяги күйиб кетди.
Рахматилла коңыякни очаркан:

- Ичиб турасанми? – деб сўради ўсмокчилаб.

- Ароқми?.. Гоҳ-гоҳда, туғилган кун, тўй-ҳашамларда, ака-укалар йигилишганда жиндек-жиндек қилиб туралариз. Отамиздан яши-ринча, албатта.

- Айтмоқчи, бобой қалайлар? Ақаларинг яхши юришибдими?

- Худога шукур. Додам бардам-бакувват, ақаларим ўзларига тўқ, билсанг керак, уй-жой килиб чиқиб кетишган.

Қадаҳларни чўқиширишаркан, Раҳматилла:

- Яна учранганимиз учун! – деди қандайдир дўстона бир меҳр билан.

Яна биттадан қадаҳ кўтариб газак қилиншгач, иккала дўстнинг хам кўнгли чигиллари ёзилаб, сингл самовий бир кайфиятга кириши.

- Биласанми, Асадбек, – деди Раҳматилла кўнсли бўшашиб, мен дўстларниң жуда кўпини кўрдим. Айнисса, Афғонда, садоқатлиларниям, сотқинларниям... Лекин болаликдаги бегубор дўстликка ҳеч нарса етмас ёкан. Ёдингдами, мактабда мана сен... они яхни кўрган дўстларимдан бири эдин! Бехазил гапиряпман, жуда лилиниг нок эди! Сенинг тиришкоқлигини; аўлочилиниг билан доим фахрланардим. Ҳатто, бирор муаллим бирон фандаи сенга «тўрт» кўяман деса, баъзан, иега «бен» эмас, деб жанжал хам килардим.

Рахмат, дўстим, раҳмат! - деди Асад хам тобора кўнгли тўлиниб бораркан. – Ўшандо менга сенинг дангалингни; адолатиарварлигинг жуда-жуда ёкарди. Сени негадир хамиша ўзимга қандайдир хомий деб хисоблардим. Мактабдошларимиз билан ҳар йили тўн ўйнаганларимиз ёдингдами? Бутун синф бир эди-ю, сен бир эдин! Койилмақом тўн сурардин: Марказий хужумда ўйнарлинг-ку, обғимга конток тушса, бўлди, сенга ошириш пайида бўлаверардим...

- Эҳ, болалигимиз, болалигимиз... – чукур хўрсинди Раҳматилла. – У энди ҳеч қачон қайтиб келмайди. Бехазил гапиряпман...

- Шоиртабиатлигинг ҳалиям қолмабди, койил!.. - Энди Асад шиншани кўлига олиб, тез-тез қадаҳларни тўлдириди. – Кел, сен учун бир ичайлик, дўстим! Сен билан юз кўришганимдан жуда-жуда хурсандманс! Қон кечиб, даҳшатли уруш кўрганингта қарамай, калбингда болалик туйгуларингни асраб қола олганинг учун!

Улар қадаҳларни яна чўқинтиришиди. Лекин кутилмаганда собиқ жангчининг кайфияти бутунлай ўзгариб кетган ёди.

– Минг раҳмат, дўстим! – Раҳматилланинг беихтиёр кўзлари намланди, кўлидаги қадаҳни бир кўтаришда ютди-да, хаяжон билан ганида давом этди: – Бу менга осон кечди деб ўйлайсанми? Бехазил ганириман, урушда одам зодининг дийдаси котиб, ёвузланиб кетаркан. Баъзан вужудингни шунаканги бир ҳайвоний хире чулғаб оларканки, инсонлигингни тамом унугиб, рўиарангдати ғанимингни, у ёшли, кексами – катъи назар, арслондай ғажиб ташлагинг, канадай қонини сўргинг келиб коларкан. Бир воқеа сира ёдимдан чикмайди, дўстим. Бир куни навбатдаги хужумдан кейин биз тог йўли бўйлаб оркага кайтаётгандик, бирдан корним бураб колди. Жарга тушиб бўшадим-да, шерикларимнинг ортидан ёнди югура бошилашимни биламан, ердан чикдими, осемондан туидими, жарлик ёкасида биз тенги бир аффон йигити рўпара келса бўладими! Унинг кўйлаги кон, чамаси, ярадор бўлиб кочоюмай козгаплардан ёди. Шопча-ниша автоматимнинг ислини уига тўғриладим. Лекин ракибимнинг кочини пияти йўқ, кўзларимга дангал тикилиб турарди.

От, лаънати, от! – деди уларий тилида нафрати кўзиб. Мен дарийсини ҳам, пуштусини ҳам унча-мунча ўрганиб улургандим. – Мен-ку, она ватаним, киндиқ қоним тўкингай мана шу мукалитас тупрок учун ўламан! Лекин сен нима учун ўласан??!

У менга шундай чекенз нафрат билан тикилардики, бехазил ганириман, кон талашиган катта-катта кўзларидан отилаётгани қаҳрғазаб учкушлари вужудимга худди тикандай санчишар ёди. Мен нима қилишимни билмай, унинг рўпарасида хайкалдай каккайиб колгандим.

– Кўриб турибман, мусулмон боласига ўхшийсан, – давом этди ганимим ҳамон ўша дангал охандга. – Лекин сен кофирсан ва дўзахийсан! Чунки шайтонга малайлик қилиб юрибсан! Худо сенингни хеч қачон кечирмайди!..

Бехазил ганириман, унинг ҳар бир сўзи миямга ўтқир пайзадай қадалар, мен ўзимни тамомила йўқотиб кўйгандим.

– Сен хозир мени отасан! – ҳамон юрагимга найза санчишда давом этарди у. – Лекин хомтама бўлма, сен ҳам итдай ўлиб кетасан! Жасадингни кузгуналар талайди! Лекин қайси олий маслагинг учун ўласан? Босқинчи кофирларга, шайтонга малайлик қилганинг учунми, а?

Мен шу даражада ўзимни йўқотиб қўйгандимки, беихтиёр автоматимни чеккага улоқтириб, қарисида тиз ҷўкканимни биламан. Бехазил гапирялман, дўстим, авваллари кўп дуч келганим бунақа вазиятларда мен ҳеч нарсани ўйлаб-нетмай, кўз илгамас харакатлар билан душманимни бир-икки тениб, тубсиз жарга учирив юборардим. Ҳозир эса...

Бирдан ғанимимнинг гап оҳанги ўзгарди.

– Вужудингда мусулмон кони уйғонганидан хурсандман, – деди у гўё менга раҳм-ишафқат қиласидай хотиржам бўғилганча, пастликка тушиб кета бошларкан.

Ўша кимсасиз тоғда якка ўзим караҳт бир ҳолда то у кўздан гойиб бўлгунча қараб турдим. Кейин кафтларимни юзимга босиб, бор овозим билан хўнграб йиғлаб юбордим.

Орага оғир жимлик чўқди. Бу аянчли ҳикоядан бағри-дили эзилиб кетган Асад фам-ғуссаға ботган дўстига қашдай тасалли беришини ҳам билмай қолғанди. Боз устига, унинг миясига аффон жанг-чисининг «шайғон малайи» деган айилботар сўзи могам куйидай маҳкам ўрнашиб олган, бу сўз тобора катталашиб, атрофида чирни рак бўлиб айланана бошлаганди.

СИРЛИ БИТИМ

– Ҳай, майли, – деди ниҳоят Раҳматилла чукур хўрсиннб. – Бу гапларни қўяйлик. Илойим, бунақа күпларни Худо ҳеч кимнинг бoshiga солмасин. Қўй энди.

Дарров ўзига келган Асад дастурхондаги қадаҳлардан бирини дўстига узатди.

– Бу кора күплар ҳеч қачон қайтиб бошимизга тушмасин! – деди у титрок овозда.

Дастурхончи йигит столга икки коса порин шўрва қўйиб кетди.

– Хўш, энди ўзингдан гапир, – деди сал ўзига келган Раҳматилла. – Уйлангандирсан! Бола-чақанг нечта?

Асад аввал ўйламай:

– Учта қизим бор, – деди-ю, ногаҳон ичидан зил кетди.

– Э, қойил! Менда эса учта ўғил бор. Ҳаммаси қаратис. Куда тугинсак бўларкан! – деди собиқ жангчи яна хурсанд кайфиятда.

Лекин энди Асадниң қовоқ-тумшуғи осилиб кетган эди. Ичкилик таъсириданми, унчалик мулоҳаза ҳам қилиб ўтирумай, дилини ёзди.

– Сенга бир гапни айтмокчи эмас эдим-у, лекин хечам ўзгармаганинг, ўша-ўши мард, таитилигинги кўриб, фикримдан кайтдим. Биласанми, дўстим, айтгаман-у, аммо бир шартим бор: ортиқча савол бермайсан.

– Осон әкан-ку, – деди Раҳматилла кулиб. – Розиман.

– Хуллас, учта қизим бор. Учаласи ҳам аломат. Ноёб хислатлари, башоратчиликлариям бор.

– Табиби ғайбми? – сўради Раҳматилла яна кулумсираб.

– Бу ҳақда сенга кейинрок гапириб берамаи. Катта қизим Назира якинда ўчинчига кўчади. Сал кўзга яқинрок.

– Хўш-хўш? – сал жонланди ҳамсухбати.

– Сенга айтсанам, дўстим, бир ойдан онди: унинг орқасидан тўда йигитлари тушган.

Рахматилла бирдан кайфи тарқаб кетгандай, жилдий киёфага кирди.

– Қайси тўда? – сўради у ташвиши оҳангда.

– Бунисини сенга айтмайман.

– Нега онди? – хайрон бўлди собиқ жангчи.

– Чунки истамайман!

Энди ҳамсухбатининг иешонаси тиришди.

– Хўш-хўш?

– Бизнинг оиласиз, ўзи бир «тўда»лигини яхши биласан. Яъни, саккизта акам бор, уларнинг ичида қозиси ҳам бор, шоири ҳам, кегебенинги-ю, ҳатто бокечиси ҳам... Хуллас, ҳаммаси шаҳарда обрў-эътиборли одамлар. Лекин, мен улардан ёрдам сўрамоқчи эмасман. Чунки майда-чўйда гап-сўз килиб, қизимнинг шаънига доғ тушириш виятим йўқ.

– Тушундим. Искин мен...

– Гапнинг бўлганим учун бир кошик қонимдан кечасан-у, лекин ўша тўдага қарши бир ўзим курашмоқчиман.

Рахматилла энди қандайдир саросимали киёфада қаддини ростлади.

– Сени огохлантириб кўйишим керак, дўстим, – деди у катъий. – Жудаям ҳавфли ишга бел боғлабсан!..

– Ҳавфлими, ҳавфлимасми, бу ёғи менинг ишим, тушуняпсанми?

– Тушуниб турибман, оғайни, лекин сенга беҳазил гапиряпман...

– Мен ҳам беҳазил шундай катъий қарорга келдим.

- Улар сени суваракдай янчыб тапшашлари мүмкін, ахир! - деди Раҳматилла азбаройи куюнганидан товушини піча баланд күтариб.

- Хамма фожиа шундаки, улар мени хакорат кізшиди, аңғасынми, шахсемнә ғегишиди! Энди мен уларға өркәжесига ўзим, у овозини баландрок күтарді. Факат ўзим муносиб жавоб кайтарышын керак!

- Яхни, дүстүм. Мактабда мұаллимдар биләп талапнадын кезлардагы ўжарлыгынг ҳалиям көлмәді. Лекин, сен нима учун менинг ёрдамимдан фойдаланишин иетамаясан?

- Сенинг ёрдамында жуда-жуда мухтожман. Лекин сен ўйларат йўл билан эмас...

Қандай йўл билан бўлмаса? Ахир, мен уларни ишта юрибман. Деярли хаммасини бен бармоғымдай танимай. Бир оғиз илтимос килсан бўлди, ҳар қандай ишни тичитишади!..

- Буни тушунаман. Лекин, ган тантлик устидага кетаянган. Шу бир ой ишида хаётимда жуда катта ўзаринштар юз берди. Мен жуда кўн ўйладим. Охири шу хулосага келдим.

- Бехазид танирланман, ногути хулосага келибсан! - бакириб юбораёзи хамеухбатинин ўжариншадан жаҳли чиқа бошлаган сабик жангчи.

Нотурги эмас! Мен энди сен ўйларат бечора бир файласуф эмасман!..

Об-бо, ким сени бечора дегити?

- Устимдан күтма, хамма, ҳатто туғиңгап ақаларим хам шунака дейди. Баъзи оғайншларим хотиним нукул киз түвшинин хам юзимга солған.

Рахматилла бенхтиёр яна күдүмсиради. Асаднинг бироз кайфи бор эмасми, бундан бешбагтар кизикконлиги тутди.

- Ана, энди сен хам күлисан.

- Ўлай агар, кулинимни хам, йиелашимни хам билолмай келдим. Жои оғайнин, менга қара, кизишма! Худо хайринши бергур, сал ўзиншни босиб один.

- Овкатта қара, дүстүм, норин шўрва хам совиб қолди. - деди у энди оталарча юпатадиган бир оханды. - Кани ол, Худо хохласа, хамма ишлар жойнда бўлини учун...

- Худлас, ган шу! - деди у собик жангчинин кўзларига тик караб. - Менга өртаданоқ нииза машюарини ўргата бошлайсан!

- Баш устига. Лекин, жоң дүстим, шүрвадан ичгис.

Бирдан Асад хотиржам тортиб, пахта гулли косадаги норин шүрвани олдига тортади. Беш-олти кошик уришладақ уни ичиб күйди-да, косаны кескин нари сураркан, күшини столни йиғиншитираётган дастурхончи йигиттә үтирилиб:

- Ҳой, онайни, бигзаг яна яримта ичимлик! - деб бакирди.

- Балки стар! - деди Рахматилла тағын кулумсираб унга савол назари билан тикиларкан.

Йўқ, ичамиз ҳали! - деди Аса нинг хисобимдаи. Агар билсаны, лўшунақанги хурсандманки!.. Сени м колди, деб ўйлама. Аклим соатдайлик килишта розилик берганинг ру

Ҳамеуҳбатининг бу тапидан эн

- Осмондаги ойни олиб бер десманикларини ўргатмайман! - деди

- Нима, танингни кайтиб олдинми, а! Ҳозиргина рози бўлувдинг-ку?! Биласаними бунин нима деб аташади?

Биламан! Сен учун майли, олти к. ҳам бўлай! Лекин тушунсанг-чи, - куюниб танида давом этди собик жангчи, одам ўлдириши накадар даҳнатли шилгини, ахир, мен кўриб келдим-ку! Бўғзингтacha гунохга ботиб кетасан! Бехазия таирялман, бу шунаканги мараз, шунаканги кабих ва чиркин бир ишки, курбонларининг арвоҳлари кейин сени бутун умр таъкиб кизишиади. Кечалари билан алаҳсираб, ухлоимай чиқасан. Ўлганингдан кейин, нарити дунёда ҳам улар сенга гинчлик беринимаса керак, деб ўйлаб қоламан баъзан...

- Сизлар бегуноҳ одамларни ўлдиргансизлар. Лекин ҳаётда шундай одамлар борки, уларни ўлдириш тирт савоб! Эди ўзинг тасаввур кил: бўйи сігсан жигаргўша қизишгни кандайдир бир ипириски кимсалар харобазорга олиб бориб очинтиреа, номусига тегмаган тақдирда ҳам, аъзойи баданини мўматалюқ килиб кўкартиреа, сен нима килган бўлардин? - бўғилди Асад қаҳр-ғазаб ўтида ковуриларкан.

Рахматилланинг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилиб кетди.

т кесиб. - Факат ме-
шлан кўришганимдан
етказди. Кайфи ошиб
ибди. Менга ҳалифа-
чиб юборди, холос.

ла кизишиб кетди.
ї, лекин сенга нинза
т столга мунит туши-

Хали иш шу даражага бориб етган дегин? - деди у бенхтиёр муштлари туғилиб.

- Бу хали холва, - деди Асад жиғибийрон бўлиб. - Сезиб юрибман, хали бешбаттар бўлиши мумкин. Тезда бунинг олдини олмасам, порасида қизининг бошига яна қанақанги баъзлар ёғилишини ёнгиз худонинг ўзи билади, дўстим...

Сўнгти жумлани йиғламсираб, товуши титраб ганирган Асаднинг елкасига заливорли кафтини кўяркан, Раҳматилла қатъий бир карорга келгани кўришиб турарди.

Ҳамма гашларинта тушундим, оғайни! - деди у босиюпик билан. - Эди менинг ҳам сенга бирмунча шартларим бор...

- Ҳамма шартларинги айтмасингдан кабул килдим, деб хисоблайвер! деди Асад ўжарлик билан унинг ганини бўзиб.

- Биринчи шартим: уч ой мобайнида чекмайсан, ичмайсан, чашга-ўнга юрмайсан!

- Бош устига! Бу ишларга ўзимнинг ҳам унча ишқибоззингим йўқ.

- Яхши. Иккинчиси: фақат мен буюрган гаомларни ейсан. Айтиб кўйай, каердан бўлмасин тоинб, изон, титратикан тўшти ейшинингта ҳам тўри келади.

- Мен ҳамма нарсага гайёрман деб айтдим-ку!..

- Уч ой мобайнида ҳар куни - шанба-якшанбадан ташкари, кечки саккиздан ўн биргача ўзинингни тўла менга, яъни машқларга бағишладисан!

Асад кўлинин кўкесига кўйди.

- Бажонидил!

- Унда қулоғишнинг бер, охирги шартимни айтаман, - Раҳматилла бўйининг чўзиб, стол устида энгашган кўйи дўстининг кулогига алланималар деб шивирлагач, овозини қайта кўтариб сўради: - Хўш, келишдикми?

- Келишдик! - деди Асад қатъий оҳанида бутун суҳбат давомида шік марта мамнун жилмайиб.

- Эди бу мавзуга боинқа қайтии йўқ!

Шу, чоқ уларнинг тепасида барвастакомат, кизғиш яргок боини чирок нурида ялт-юлт қилаётган дароз бир йигит пайдо бўлиди-да, Раҳматилла тага кучоқ очди.

– Э-э, устоз, сұхбатлариз жа қуюқ әкан, халақит бергім келмади. Биза әнди камтар одамлармиз, бир құлиззі обкетай дедім, – у собиқ жаңғанини елкасидан қучоқлаб, кейин құлни олиб маңкам қисди. Сүнгра столдаги конъякка ишора килиб құшиб қўйли: – Дастанхон пули тўланди. Бу ёғи бехавотир... Нима хизмат бўлса, бир имлаб қўйсайиз, бас, юмалок-ёстиқ қиласми!..

– Э-э, шунакасизлар-да, әнди, – деди Раҳматилла ўзини хафа бўлгандек кўреатиб.

У Асад билан сўрашишни ҳам ўзига эп кўрмади. У кеттагач, Раҳматилла дўстининг орқасидан ҳайрон бўлиб қараб турғанини кўриб:

– Тунги шаҳар ҳокимининг қўрикчиси, жуда йирик каллакесарлардан, деди овозини насантириб.

– Тушундим, – деди Асад маъноли бош иргаб.

Собиқ синфдошлиар ўша куни туи яримлаб колганда аноқ-чанок бўлиб, қучоқланиб хайрланишиди.

Вой, Ачака, шунакаям ичадими одам? Умрингизда қистмаган иш-а!.. – деди коронгида гандираклаб турған әрини дарвазани очиб кутиб олган Дијбархон гиналаб. Додам билан ойимлар хавотир ола-ола ҳозиргина ётишиди. Қизларингиз ҳам, дадам тўданинг қўлига тушиб қолмадимикан, деган хавотирда ҳалиям ухламай ўтиришибди. Сал ўйламайсизми? Уларам катта бўлиб қолиши, ахир!..

– Ти-ш, ҳ-хотин! – шивирлари Асад жойида чайқалшанча қўзларини сузиб. – Ишлар-р зўр-р! Худо хоҳласа уч ойдан кейин... қизларимга кўз олайтири-рған иблислар-ринг энасини Учқўрғондан кўр-рсатаман!..

– Вой, нималар деяпсиз, дадаси? – деди Дијбархон әрини қўлтиғидан олиб ичкарига бопшларкан. – Озгина ичиб олсангиз ҳам қаёқдаги гапларни гапирасиз-а?

Асад гандираклаганча хотинининг орқасидан уйга киаркан, бармоғини лабининг устига босиб:

– Тш-ш!.. – деди. – Бошқа ҳеч нарса сўр-рама! Бу ёғи сир-р!.. Қизларимга айтиб қ-қўй: бемалол ухлайверишсан! Мен бор-рман! Керак бўлса, улар-р учун... жонимни ҳам кур-рбон қиласман!..

– Вой, дадажониси-ей, – деди Диібархон йинламасираб. – Яна одамнинг юрагини ўртайсиз-а!.. Ахволимиз қапака-ю, ичиб юришингизни қаранг!..

Диібархон бир амаллаб Асадни ечинтириб, жойига ёткизгач, хабар олгани кизларининг олдига кирди. Учаласи хам сирли бир тарзда нимкада ёнма-ён китоб ўкиб ўтиришганини кўриб, жаҳли чикиб кетди.

– Соат бир бўйди-я, исега ухламайсизлар? Эргалаб еттида қанака қилиб уйғогаман, ахир?!?

– Биз ўзимиз уйғонамиз, ойижон! – деди Назира одатдагидек хозиржавоблик ила. – Сиз ухлайверини!

– Даңданг келдилар. Ҳалиям ухламай ўтирганингни кўрсалар, хафа бўладилар. Ўзи шундоғам бўлганларича бўлиб юрибди...

– Биламир, ойижон. Сизлар ухлайверинилар. Биз хозир ётамиш!..

– Бўни, тезрок ётинглар. Яхни ухланглар, – дея онаси эшикни ташкарнидан беркинди.

Назира эшикка югуриб, оналарининг даҳлиз орқали ўз ётокхоналарига кириб кетганига ишонч хосил кизгач, чирокни ўчириди-да, ҳадаҳа тўшакка ўтиаркан, синигиларига шивирлади:

– Бўлди! Ўринига ўтинглар! Улар хозир келишади!

Кизлар нимкадта юзланинча кўриларига чўккалашиди. Назира тиловат кила бошилади.

Хона коронитлик оғушига чўмган, ҳарир парда тўсилган дераза орқали тўлин ойнинг сутранг ёдусида чўмилётган сирли осмон ўзининг сои-саноқениз юлдузли кўзлари билан уларга гўё имо килаётгандай, ўзининг ҳадсиз-худудсиз кенгликларига чорлаётгандай туяларди.

Тиловат тутагач, кизлар «Оллоҳу акбар», дея юзларига фотиха тортиб, омин килишди. Орага сув кўйгандек жимлик чўқди. Назира илкисда ғалати ахволга тушиб, карахт бир кайфиятда кўзларини юмди. У кўзларини тиззаларига қўйганча, худди ҳазин бир куй тинглаётгандай оҳиста тебранар, алланималарни тасдиклаётгандай бот-бот оҳиста бош ирғар эди. Чамаси, у Коинотнинг руҳий алоқа оқимига уланиб, гойибдан ахбор ола бошлиганди. Бир неча фурсатдан кейин киз ўзига келди-да, синигиларига «ҳисобот» берди:

– Буваларимиз шу якин орада зарур иш билан банд эканлар. Яна ўн дақиқадан кейин ташриф буюришаркан.

- Қанака зарур иш экан? - сўради Наргиза ҳайрон бўлиб.
 - Яна шу якин орадами? - ажабланди Нафиса негадир сесканиб.
 - Яхши тушунолмадим, - жавоб бсрди Назира. - Гулшода бо-нунинг номини тилга олишди... Унга кандайдир янги хислат беришмоқчишишми-ей...
- Бизга кўироқ срдами тегсин, дсган мақсаддадир-да?
 - Албатта. Лскин унга қам кимлардир, чамаси, тўда хужум бошлаганга ўхшайди.
 - Буваларим шундай дсийшдими?
 - Йўқ, мен буни ўзим пайқадим.
 - Қаидай килиб?
 - Билмадим, лскин бу қаёқдандир кўнглимга кслди.
 - Дадамнинг маст кслганларини билишибдими?
 - Бу қақда қам гаииришди. Аммо, бундан хафа бўлмаслигимизни илтимос қилишди. Дадам ортадан ичкилик ичишни умуман йи-і иштиармишми-сй...

ИЛJу пайт деразада уч нафар чизиқсимон нур пайдо бўлди-да, улар ёнма-ён ҳолда иммкас тарафга ўқдай учиб ўтишди.

- Вой, кслишди! - сскин шивирлади Нафиса ҳаяжон билан.
- Опа-сингиллар бараварига:
- Ассалому алайкум, буважонлар! - дея хитоб килишди ссвинчларини яширламай.

Нимкатда пайдо бўлган учала бувалари хам баравар алик олишди. Ҳол-ахвол сўрашишгач, гапни одатдагидек Шайх Тоҳир бувалари бошлади.

- Она қизларим! - дсди у дона-дона гапириб. - Биз сизлардан қаттиқ ташвишдамиз. Чунки аввалбошиданок бсжиз хавотирланмаган жанмиз. Лаънати Иблис осмону фалак аҳлидан яширин ҳолда ўзининг чиркин рсжаларини амалга оширишга киришмуш. Узининг ашаддий шайтони лайнларидан бўлмиш бир гурух собиқ дўзахий махлуқотларни ишга солиб, аларни сизларга қарши бирбиридан қабиҳ ва чиркин қилмишларга йўлламуш. Парвардигори оламнинг сизларни йўқлаб туришимизга ижозаги бўлмаса эрди, биз ҳам аларнинг бу қилмишларидан бехабар қолаверар эрдук. Уз разил мақсадлари йўлинда алар, ҳатто Ердаги қаттол жиноятчиларни ҳам ишга солмушдирлар... Лекин сизлардан ўтиниб илтимос

килдурмизки, нурилийдаларимиз зинхор хеч нарсадан күркманглар. Ҳаёт синовларига мардана кучок очинглар. Бонларингда нима күргиликларинг бор эрса, бу тақдири азал, кисматингиздур...

Энди гани Шайх Ҳожа Асрор бувалари давом эттири. У кизларни ортикча ташвишига солтаслик учунми, хотиржам сўзланига уринаёттани кўриниб турарди.

– Жигарбанларим! Назира бону! Сезиб турибмен, миянгизда айтанаётган савол сизга тинчлик бергуси келмас. Сиз айтмоқчилурензки, нега энди Парвардигори олам кўра-била туриб, бу номақбул ишларга йўл кўйиб бермиш?

Назира жопланаб боши нрагди.

- Буям мен учун тамомила янги гап бўлди! - деди Асад ёш боладай суюниб, кейин ўта мухим азланимадан қурук қолаётгандек, тошилиб яна сўрок беришида давом этди: Навбатдаги бешинчи дунё қандай аталади?

Карлик ёки Сабаб ва Окибат дунёси. Унинг моддияти – Қуёш гравитацион майдонидир. Бу олам бутун Қуёш буржини камраб олган. Уларда яшовчи мавжудотларнинг аксарияти Ердагилардан анчамунча фарқ қиласди. У ерда одамзод яшанин кийин. Янаям латифроқ дунёларнинг бири Интуитив, яъни Шуурый оламдир. Асосий конуни тадриж, шуурий англаш бўлгани учун ҳам уни шундай деб атанинди. Кўпгина алиблар, рассомлар, санъаткорлар бу дунё билан мулоқотда бўлиб туришади. Галактикализминг гравитацион майдони ушбу дунёнига моддиятини ташкил қиласди ва унинг сарҳадлари бутун Галактика бўйлаб чўзилиб кетган.

Бапоратчи аёлнинг бу гаройиб фикрларидан хайрати дакиқа сайин ортиб бораётган Асад бот-бот: «Ёпирай!..», «Ё гавба!..» – деб кўяр ва ўзича куюниб:

- Ахир, бу гаплар бирорта ҳам дарсликда йўқ-ку? Бугина эмас, мистика, уйдирма, деб ҳаммасини йўқка чиқарганимиз! Мана энди ўз ёғимизга ўзимиз қовурилиб ўтирибмиз!.. - дер эди.

Илҳомланиб кетган Гулшода бону энди еттиичи олам ҳакида сўз бошлиганди.

- Севги дунёси – асосий оламларнинг бири. Унинг моддияти -Коинот гравитацион майдонидир. Бу – озгулик, раҳм-шафқат ва ижод дунёси. Бу оламда ўтмиш ажодларимиз танирилар деб ном берган мавжудотлар истикомат килишади. Гарчанд унда олий дараҷада камол ташкан тафаккур өгалари яшаса-да, Ерда биз билан бирга яшовчи инсонлар ҳам баъзи-баъзида унга ўтиб қолишади. Коинот гравитацион майдонини ўлчайдиган асбоб ҳали сайдрамизда кашф этилмаган. Аммо бу дунё тебранишларини қайд қиливчи бирдан-бир асбоб – инсон юраги. Ундан мукаммалроқ асбоб хозирча Ерда йўқ.

- Менга қаранг, Гулшодаҳон она, боя қандайдир буларга қарама-қарип олам мавжудлиги ҳакида ҳам гап очгандингиз... – деди Асад гапни ўзига керакли йўналишга буришига интилиб.

– Модомики, эзгулик ва раҳм-иафқат олами мавжуд экан, қарама-қаршиликлар қонуни бўйича унга тамомила тескари сифатларга эга дунё ҳам бўлинни керак, албатта. Бу дунё Коинотда бузилган, чириган баъзи моддиятларни кайта ишлаб чикарин ва йўқ қилини вазифасини ўтайди. Боз устига, у тўсиклар кўйиш ва тадрижий ривожланишини тезлатишга қаратилган рафбатлантирувчи омили сифатида ҳам муҳим ўрин тутади...

– Демак, бу дунё ёзувликнинг айнаи уяси экан-да? – сўради Асад яна сабри чидамай.

– Шартли маънода шундай. Бинобарин, бу бутун Коинотга ёйниб кетган ва унинг асосий сайёраси Ер хисобланади. Бигининг сайдрамиз Коинотдаги курашлар марказидир, шунинг учун ҳам унда тезкор ўсинг ва тезкор инқирозга юзтубан бўлинни учун етарли шартшароитлар бор.

Шу чоқ боядан бери уларнинг гапига жимгина қулок солиб ўтирган Назира кутилмаганди:

– Динда, баъзи адабиётларда «лўзах» деб аталувчи жой ҳам маъна шу оламда бўлса керак-а? – деб сўради нохос миясигта келган бу фикрдан ўзи ҳам ҳайратга тушиб.

Ақлингизга балли, Назирахон! Умри тугаган моддият ана шу дунёда кайта ишлаб чиқарилади ёки йўқ қилинади.

Шундай гаройиб сұхбатнинг узилиб қолишини Асад асло истагас мас’ди, албатта. Шунинг учун ҳам имкон туғилини билан яна ган қистирди:

– Сиз ҳозир еттига дунёни санаб ўтдингиз. Қолғанлари-чи?

– Булар асосий дунёлардир. Яна бешта оралиқ дунёлар ҳам бор. Инстинктив (туғма майл), жисмоний (соматик), тафаккур, шуурий ҳатти-харакатлар ва ниҳоят доинимандлик дунёлари ана шулар сирасига киради...

Бирдан Гулшода бону хаҳолаб куларкан:

– Қалай, қулок, ўзингизга ҳам керакми ёки жаврайверайми? деди истехゾ аралай.

Асад ҳам, Назира ҳам беихтиёр кулиб юборишиди. Улар шутариقا қизгин гурунглашиб, Сайрамга кириб келгандарини ҳам сезмай қолишиди.

ХОЖИ ОТА ҲУЗУРИДА

Сайрамнинг жануби-шаркй қисмида жойлашган Оқсув қишлоғига стиб келишганда, Асад машинани Аҳмад Яссавий кўчасига қараб бурди. Бир неча фурсатдан кейин чорраҳадан чашга қайрилди-ю, «Жигули»ни ўнг томонда қатор турған турфа-туман маниналарнинг охиргисига тақаб тўхтатди. Асад маниналарнинг белги ва ракамларига қараб, уларнинг Тошкент, Ўш, Душанбе, Барновул, Рига каби турли шаҳарлардан келганини пайкади. «Оббо, кечгача навбатда турамиз шекилли?» — дёя ҳәёлидан ўтказди йигит кўнгли ғансизниб.

— Мана, кўзлаган манзилимизга ҳам стиб келдик, — деди Гулшода бошу мамнуният билан, кейин Асаднинг фикрини ўқигандай сирли бир оҳангда қўшимча килди: — Лекин биз навбат кутмаймиз, ҳозир кўрасизлар.

Буни қаердан биздингиз? — сўради Асад ҳайрон бўлиб.

— Ҳожи отани тирик авлиёлардан десаям бўлади, ҳамма парсанни олдиндан билиб туради. Бизнинг ташрифимизни ҳам аллақачон сезган. Ўтган гал, уч ойча олдин келганимда ҳам кизини чикариб, навбатсиз киритганди.

Чинданам, лахза ўтмай, ҳаворанг дарвозанинг ёнидаги кичикроқ энлик очилиб, остоңада оқ шоий рўмол ўраган ўн ети ёшлар атрофидаги хунбичим, истараси иссиқ киз найдо бўлди-да, уларни имлаб ичкарига тақлиф этди.

Кўлдош Али Ҳожи отанинг қизик одати бор эди. У ичкарида ўтириб ҳам ташкарида ким келиб-кетаётганини бамисоли кўриб турар ва навбатидан катъи назар, кимни лозим топса, шунни қабулига чорларди. Нопок, фирибгар, ёвуз ёки фаразгўй одамларни уйининг олдила найдо бўлишилари биланоқ ботинан ажратиб олар ва уларни тамомила эътиборсиз қолдиради. Буцдай кимсалар остоңасининг тагида кута-кута, охири уйларига қайтиб кетишинг мажбур бўлишиарди.

Асад Гулшода бошу билан қизи Назирани олдинга ўтказиб, катта ҳовлига кириб келишганда, ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлипди. Ҳовли ўртаси турли-туман гиёхлар, қишини-ёзин ўсадиган анча катта гулзор-иссиқхона, баҳор эмасми, ушиниг усти ҳозир очиб кўйилган ва шунинг учунми, остона ҳатлашилари биланоқ турфа-туман ўт-ўлашлар, жамбилиу райхонларнинг муаттар ва антика бўйлари гун

үтіб димоғларига урилди. Ҳовли юкорисига узун айвоцли шинам ва күркем уй қурилған бўлиб, чорнояга тўшилған атлас кўриачада Қўлдош Али Ҳожи ота чордана қуриб ўтиради. Қордай оғшок соқоли кўксига тушган, кумушранг қуюқ қошлиари остидаги катта-катта кўзлари кишиига ғоят сермаъни боқувчи, барваста қоматли бу одамнинг борлик вужудидан бамисоли нур ёғилиб турарди. Ҳозир унинг каршисида азбаройи озгинлигидан танаси ҳилвираб қолган, кўзлари ич-ичига ботиб кетган чуваккина бир мўйсафид болишга бемажол ёнбошлаган, чолнинг орқасида – ерда эса, ўғли бўлса керак, ўғиз ёнилардаги хипча йигит турар, у негадир эчки етаклаб олганди.

Оқ инойн рўмол ўраган кизча Ҳожи ота ўтирган чорноя яқинига кўйилған стол-стуллар ёнида тўхтади-ла, меҳмонларга қўлини кўксига кўйганча ўтира туришини таклиф этди. Сўнгра ўзи ховлининг ўнг тарафидаги ошхона сари йўналди.

Ҳожи ота улар билан бош иргаб негалир совукқина сўрашиган бўлди-ла, кутилмаганида Асадга мурожаат қилди:

– Ташрифингиз ҳақида ахбор олганимга уч кундан ошиди. Жуда кечикиб кетдингизлар-ку, болам? Бундан бўён шундай кезларда ҳар қандай зарурий ишларингни йиғиштириб, дарров келиб-кетишни одат қилишлар! Сиз билан биз бир шажараданмиз, ахир!..

Бу гаплардан лол колган Асад нима дейинини билмай, ағрайганча қўлини кўксига кўйиб, ўрнидан турди. Ҳожи ота ҳамон ўша гинаомуз оҳангда гапида давом этди:

– Бу ерда ган Назирахон ва унинг сингилларининг ҳаёт-мамоти устида бораяпти! Агарда улар кўқдан юборилған кўчириқ синовларига дош беришолмаса, бутун умр ногирон ва бедаво одамларга айланнилари мумкин, ахир?!

Асад қўлини кўксига кўйганча, кимтиниб жавоб берди:

– Бизни маъзур тутасиз, таксир! Кизимнинг имтиҳонлари бор эди. Шулардан кутулгач, йўлга чикишта имкон бўлди.

– Имтиҳонларни муддатидан илгари топширганда ҳам, барибир, «беш» олиши тайин эди. Иншооллоҳ, қизларимизнинг билимлари ўзларига старли...

Асад турган жойида яна қўлини кўксига кўйиб, бошини қуий солди.

– Тақсир...

Хай, майли, -- деди у энди «ўтган ишига салавот», дегандай охангда. Эзгуликканинг кечи йўқ, лейдилар. Ҳозир манави бобойни кўриб кўяй, кейин бафуржа гаплашамиз. - Шундай деся у энди болинига ёнбошлаб ўтирган мўйсафиднинг ортида очки стаклаб турган йигитга мурожаат қилди: - Болам, отангизнинг касали бедаво. Уни ҳозирги тиббиётда каркинис ёки канцер, леб аташади. Ўзимизнинг тилимизда — саратон. Лекин ҳозир унинг касали Нарвардигор иро-даси билан аниви очкига ўтиб колади.

Ҳожи ота уч марта: «Оллоҳу акбар!» — деб юзига фотиҳа тортди-да, шаҳдам ўрнидан туриб, беморнинг тенасига келди. Лабларини кимирлатганча аллақандай дуони пичирлаб ўқиб, улкан кафтларини мўйсафиднинг боши устида юргизаркан, бир исча бор «куф-суф» деся кўлларини очки тарафга караб силтади. Ажабо, лахза ўтмай, мўъжиға юз бериб, ёнбошлаганча ҳолсиз ётган чолга жон кира бошлади. Аввал унинг кўзларига нур инди. Сўнгра мажолесиз кўлларини кимирлатиб, сескин-аста қаддини ростлади. Айни вактда, настда турган очки тиширчилаб, гандираклай бошлаганди.

Ҳожи ота энди пичирлаганча «Ааъла» сурасини ўқиб, «Омин!» деся юзига фотиҳа тортди-да, яна жойига чордана куриб ўтиаркан, меҳмонлар беморнинг тамомила ўзига келгани, очкининг эса, ўта ҳолсизланиб, кулаб тушганининг гувоҳи бўлишиди.

Бу гаройиб воқсанни жимгина кузатиб ўтирган Назира муолажа вактида Ҳожи отанинг кўлларидан аллақандай тишиларанг ёрқин нур чиққанини, бу нур аввал мўйсафиднинг ози ин танасини бамисоли обдан «пайнаслаб», сўнгра очкига йўналтирилганини куппа-кундуз бўлишига карамай, аниқ кўрди. Асал ҳам, ҳатто Гулшода бону ҳам бу ғайриоддий нурни пайқашмаганди.

Мўъжизавий йўл билан соғайиб колган чол кафтларини ёзиб, Ҳожи отани узундан-узоқ дуо қилди. У ўрнидан туриб настга тушаркан, табиби гайдан:

- Эчкини нима қиласайлик, таксири? - деб сўради.

- Ҳаром ўлмасидан уни сўйиб, гўштини ҳайвонот бодигига элитиб беринглар. Унинг касали арслон-йўлбарсларга юқмайди, - деб жавоб берди Ҳожи ота.

Ота-бала унга раҳмат айта-айта, аранг одимлаётган очкини судрагудай килиб олиб чиқиб кетинди.

Ҳожи ота бу пайтда меҳмонларнинг олдига чой дамлаб келган оқ шойи рўмолли кизига қаратаг:

– Шаҳноза бону, ҳозиргина бир ҳомиладор аёлни олиб келишиди. Тез шунин чакиришт: Қолғанларга жавоб берсіб юборишт: Ҳаммаси ўғри, норахүр одамлар. Бугун бошқа ҳеч кимни қабул қилмаймиз, – деди.

Қизи зудлик билан ташқарига отланиб, қорни дүңпайган ёшгина бир аёлни, эри бўлса керак, шляпа кийган дароз бир йигит билан бирга бошлаб келди. Ҳожи ота уни қарнисиға ўтқизиб, бир неча фурсат ўнг кўл томирини ушлаб кўрди. Жимгина унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб ўтирган Назира энди табибининг бармоқларидан чиқкан нур нағжувон аёлнинг томирлари орқали унинг асосий ички аъзоларини «сийналаб» чикканини, ҳатто она ҳомиласидаги гўдакнинг ҳам у ёғ-бу ёғини «пайпаслаб» қўйганини пайқади.

Лахза ўтмай Ҳожи ота хонтахта устида турган қоғоз-қаламни олиб, алланималарни чизишга киришиди. Ажабо, қоғоз саҳифасида бир зумдаёқ аёлнинг ички аъзолари худди ренитен суратидагидай ўз аксини тонганди.

– Кўраяпсизларми? – деди Ҳожи ота суратни ёш аёл билан шляпали йигитга кўрсатиб. Ошкозон соглом. Ўнкангиз ҳам тоза. Мана бу – болакай, булбулни илғаяпсизларми? Ўғил экан! Эслаб колинг: роппа-роса бир ойдан кейин кўзингиз ёрийди. Ана энди бу ёкка карашлар: чап буйрагингиз бироз шишган. Бу ташхисимизни энди иридоташхис йўли билан тасдиқлаб оламиз. Қани, кўзларингизни каттарок очинг-чи. – Ҳожи ота каёқдандир қўлида пайдо бўлган қабариқ линзани ковоқлари орасига қистирди-да, кизнинг кўзларини бармоқлари билан каттароқ очиб, бир-бир синчиклаб кузатди. – Ин-шиоолло, ташхисимиз тасдиқланди. Чап буйрагингизни даволаш керак. Чап бикинингиз доим совқотиб туради. Қийналиб ёзиласиз. Тўғрими?

– Тўғри, – деди ҳомиладор аёл унга ҳайрат ва саросима аралаштиклиб.

Кўлдош Али Ҳожи ота энгашиб, ёнидаги мигти жомадонга қатор терилган ихчам қоғоз қутичалардаги гиёхлардан бир жуфтини олди-да, нағжувон аёлга узатди.

Мана бу дорини бир чойнак кўк чойга бир қошик аралаштириб дамлаб, кунига уч маҳал тамадди қилишдан ярим соат аввал ичасиз. Уч кунда касалдан фориг бўласиз. Саломат бўлинглар!..

Шлянали йигит табибга раҳматлар айтиб, юз сўмлик узатган эди, Ҳожи ота унинг қўлини игарди.

– Керак эмас, ўғлим. Ўзи энди оёққа туроётган ёш оила экан-сизлар. Худо хоҳласа истикболингиз яхши. Ўғилча кўрганингизда, бирор суюнчи ташлаб кетарсизлар. Ҳозир - мен рози.

Ҳожи ота «ган тамом» дегандай, ёшига ярапимаган чаққонлик билан ўрнидан турди. Кейин ошхона тарафга қараб:

– Шахноза бону, меҳмонларни уйга олиб киринг, – деб буюрдилада, ўзи намоз ўқигани ичкарига кириб кетди.

Орадан бир неча фурсат ўтгач, улар хийла катта меҳмонхонада дастурхон ёзилиб, мева-чевалар кўйилган хонтахта атрофида гурунгланиб ўтиришиар, Шахноза бону дастурхонга хали қанд-курс, ниширик, хали чой-пой кўйиб кетар эди.

– Жуда зўр табиблигига энди ишондингизми? -- пицирлади Гулшода бону Асадга маъноли тикиларкан. – Рентгеннинг кераги йўқда, шундай караб, бутун ич тузилишингизни чизиб беради.

– Қойил! – деди Асад ҳамон ҳайрат оғушида.

– Бармоқлари оркали беморнинг аъзоларига нур юбориб, хаста жойларини ана шу нур воситасида даволаркан, – деди Назира секин гапига кўшилиб.

– Бўлиши мумкин, – деди Гулшода бону. – Унинг ин усулини кўнам тушунмайман. Лекин Худо берган лаёкати бор. Ҳалиги чолнинг касалини эчкига ўтказганини кўрдингиз-ку!..

Бўлмасам-чи! – деди Асад кўзлари чакнаб. – Гирт фантастика! Ўз кўзим билан кўрмаганимда, ўла колсам ишонмасдим...

Меҳмонлар ташқарида оёқ товуниларини эшишиб, жим бўлишиди. Намоз ўқиб бўлган Қўлдош Али Ҳожи ота кириб келаётганди.

КОИНОТ ОЛИЙ ТАФАККУРИ

– Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотух! – деди у ўзининг йўғон овозида дўриллаб дастурхон тўридаги бўш жойга ўтаркан. Меҳмонлар ҳам ўрипларидан туриб, салом беришди. Ўтиришгач, Ҳожи ота таомилга кўра хамма билан бирма-бир холахвол сўрапниб чиқди.

– Гулшода бону, омонисиз? Сиз билан кўришмаганимизга ҳам анча бўлди. Тоинкан тинчми? У ерда ҳозир нулининг орқасидан

кувган хар хил учар табиблар, экстрасенслар ёмиридан кейинги кўзикоришилардай кўпайиб кетган дейишади, – деди у истехзоли кулемсираб.

– Ҳа, энди одамлар нуј топаман деб, нималар қилишмаяпти, – деди башоратчи аёл афсус-надомат ила бошини сараклатиб.

– Тунов куни ғалати бир туш кўрдим, деди Ҳожи ота бирдан жиддийлашиб. – Узун оқ ридо кийган, салласи ҳам, кўксига тушган соколи ҳам қордай оппок бир нуроний бобо шундок рўпарамда пайдо бўлди-да, менга гинаомуз тикилиб тураверди. Мен унга тавзим бажо келтириб, салом бересам ҳам индамайди. «Бу – Хизр бува шекилли? Нима гуноҳ қиувудим-а?..» – деб бошим котиб турганди, кутилмаганда мўйсафи ботиний тарзда фикрларини ўз-ўзидан миямга узата бошилади.

– Тошкентдаги тукканларингдан хабар олмай қўйдинг; – деяётганди у негадир миясидан паға-паға булут парчалари отиб. – Кизинг Нодирахон касал ётиби. Куёвингнинг ишлари ҳам бироз оркага кетган. Эрта-индин ҳузуринта яна бир олисерок уруғларинг ташриф буюради. Уларни башоратчи шогирдинг Гулишода бону бошлаб келади. Улар ҳам катта бобонг Ҳазрат Аҳмад Яссавий шажарасидан, олийнасаб оиласа мансуб одамлар. Уларнинг кизи Назира бошуға Парвардигор улуғ боболарингиз назарини тушириб, каромат бахшида этмуш. Аммо у ва унинг икки синилисига қарни шахсан Иблиснинг ўзи шайтони лаинларини ишга солиб, кабиҳ ишлар бошлимиш. Ҳозир улар сенинг химоянгга бағоят мухтоҷ...

– Бош устига, пиrim! – деганимни биламан, ҳалиги бобо худди хосхона деворига сингиб кетгандай зумда қўздан ғойиб бўлди. Эргасига ўрнимдан турдим-у, хотиним билан ўғлимни қизимдан хабар олгани Тошкентта жўнатдим. Ўзим бўлсан, кизим Шахноза бону билан бирга уч куидан бери қўзларим тўрг бўлиб сизларни кутаман.

– Назирахон кўп оғир савдоларга йўлиқди, – секин гап бошлиди Гулишода бону ташвишли оҳангда. – Чинданам ўша лаинати Иблиснинг шайтони лаинларидан бўлса керак, каламушга ўхшаган, қоп-кора қўйруғи бор бир-икки ине-жинс орқасидан тушган. Қизни тезрок жувонмарғ қилиш мақсадида улар, хатто ашаддий жиноятчи йигитларни ҳам ишга солишган. Бу орада менинг ҳам роса тинкамни қуритишди... Назирахонни-ку, сўрамай кўя қолинг...

– Айтмасангиз ҳам мен буларни яхши тасаввур қиласман, – деди Ҳожи ота ўйчанлик билан соколини тутамлаб. – Шайтонлар

раҳнамоси Улусирниң шахсан ўзи бу иш билан шуғулданаёттан экан, демек, бу кизимизды гап күп!

— Ана шуулар бойс Назирахонни яхшилаб ўқиб, бу ёғига унга нирлик күлсанғыз, деган яхши пиятда хузурингизга келүвдик.

— Бу хусуеда гап биттә, Гүлшода бону, — деди Ҳожи ота катъий оханды. — Аслида мен сизларни күп йиллардан бери кутаман. Бу хакда кейинрок бафуржа гапланамиз, албатта. Ҳозир эса. Парвардиор продаси билан мен уни ўз ҳифзимга оламан. Шу бугундан өзгіборан кизимизды Ментал дунёда яшайдыган мусулмон девларимдан бирини күшиб бераман. Турлар бало-казолардан химоя килиб юрады.

«Умрингиздан барака тоениң, устоз!» деди Гүлшода бону миннандорчылык билди.

«Мусулмон дев» сүйини эшиттә Асад күзлари кинидан чиққудай бўлиб. Гүлшода бонуга маъноли караб кўйди. Башоратчи аёл биллиар-билинимас кулумсираб, йинитга кўз киеди. Мехмонларининг ажабланаштырни сезди, шекилди. Ҳожи ота дарров изоҳ берди:

— Менинг хизматимда еттига мусулмон девим бор. Улар ўзимни кўриклаб, беморларни даволаш ишларимга ёрдам бериб юришади.

Асаднинг ўзига ишонкирамай караб турғанини кўрган Ҳожи ота ишдамай ўринидан турди. Жавондан иккى кийикча олини-ла, уларниң бирини Асадга узатаркан:

Чинданам девларим борлигига ҳозир ўзингиз ишонч хоси киласиз. Мана буни уч кайта туғуцлаб бойланг, — деб илтимос киляди.

Асад иккиланибгина кийикчани олиб, боғлашиб киришиди. Иккита, кейин учта тугуни килиб, иккى учини тортаркан, Ҳожи ота:

— Бор кучингиз билан торғани, курбингиз етмаса, гиниларингиз орасига олинг! — деб буюорди.

Асад кийикчани йиртишиб кеттуладай маҳкам боғлаб бўлгач, Ҳожи ота унга иккичи кийикчани узатди.

Этии уннан манавинга яхшилаб ўрангла, орқангиздаги дераза тоқасига олиб бориб кўйнинг, — деб илтимос киляди.

Асад ҳаммасини у айтгандай уздалаб, жойига кайтиб ўтиргач, Ҳожи ота гапида давом этиб:

— Ана энди девларимни ишга соламан, — деди-ла, кўзларини юмганча аллакандай афсун ўқинига тушиб кетди. Яна бир сониядан сўнг у бармоқларини кийикчалар турған тоқча тарафга йўналтириб (Назира яна унин бармоқларидан отилиб тугунга урилаётган нозик нурларни аник кўрди), у ёк-бу ёкка айлантирган бўлди-ю, яна Асадга мурожаат қиляди.

– Ана энди тугунни очишингиз мумкин.

Асад кийикчани кўлига олиб очди-ю, унинг ичидағи ўзи уч қайта маҳкам боғлаган матонинг ечилиб ётганини кўриб, оғзи очи-либ колди.

– Мана буни гапингизнинг чинакам исботи деса бўлади, – деди Гулишода бону мамлун жилмайиб.

– Тугунларни девларингиз сайдими? – сўради Асад ҳамон тааж-жуб билан.

– Ҳа-да, – деди Ҳожи ота кулумсираб. – Уни ўз қўлингиз билан бойладингиз. Тоқчага кўйганингиздан кейин бошқа ҳеч ким ёнига ҳам йўламади.

– Тўғри, – деди Асад ўйчан киёфада. – Демак, Ментал дунёдаги мавжудотлар бемалол бизнинг уч ўлчовли дунёмизга келиб-кетиб юришаркан-да?

– Ҳа, уларнинг имкониятлари бизнидан анча кенгрок.

Шу пайт эшик очилиб, Шаҳноза бону патинисда бир неча коса шўрва кўтариб кирди-да, бирма-бир меҳмонларнинг олдига қўйиб чиқди. Асад ўз олдига кўйилган косани Ҳожи отага узатган ёди, у қўлини кўтариб эътироҳат билдири.

– Мен гўшти овқат емайман. Менга алоҳида овқат тайёрланган...

Миясида Ҳожи ота хозиргина кўрсатган кароматлар билан боғлик саволлар ғужрон ўйнаётган Асад уни қандай гапга солишини билмай, истихола қилиб ўтирганини кўрган табиб иегадир мийиғида кулумсираб, ўзи гурунг бошлади (у чинданам авлиёсифаг бир одам эди).

– Гап шундаки, азизларим, курраи заминимизда найдо бўлган хаёт йўргакдаги гўлакдай ҳали жуда ёш. Шунинг учун биз Коинот, Олам ва Инсоннинг ўзи ҳақида ҳали кўп парсаларни билмаймиз. Ваҳоланки, Инсонни билмай туриб, Коинот тузилишини тадқик этиш мумкин эмас. Айни вақтда Коинотни ўрганмай туриб, Инсонни билишга уриниш – фойдасиз. Инсон ўзлигини англаш орқалигина дунёни билиши мумкин. Чунки Одамзод – дунёнинг митти бир заррачада мужассамланган тимсолидир. Дунё қандай конуниятлар асосида барпо этилган бўлса, Инсон ҳам худди шундай яратилган. Шу маънода Инсон Коинотнинг кичик бир заррачага жамланган бўлагидир.

Шунинг учун бизнинг барча аъзоларимиз ва тармоқларимиз са-мовот кучлари билан узвий боғлиқ.

Шу пайт Шахноза бону косада тариқ донидан шиширилган бүткәни Ҳожи отанинг олдига кўйди-да, унесизгина одимлаб яна орқасига қайтди. Косадаги овқатга назар ташларкан, Асад беихтиёр бот-бот илон ва тошибака гўпти тановул қиласидиган дўсти Раҳматиллани эслади. Унинг ҳам ўз ғаройиб дунёкараши, ўз эзгу фалсафаси бор эди. Лекин шунга қарамай, Ҳожи ота ҳам, дўсти ҳам аслида тамомила ўзгача одамлар эди.

- Кани, овқат совимасин, - деди Ҳожи ота кумуш қошиқда бўтқадан тановул қиларкан. Мехмонлар ҳам шўрвага уннаб кетишиди.

-- Менинг бир дўстим бор, Ҳожи ота, - деди Асад косани олдига сураркан. - Шарқ мумтоз кураши фалсафаси билан щугулланади. Шу йигит, балки менини гашимга тегиши учундир, аслида инсонини ўзи - Худо, дейди. Мознийда ўтган баъзи авлиёлар, масалан, Шайх Мансур Ҳалилож ҳам ўзини Худоман деб даъво килтган-ку? Бунга нима дейсиз?

- Бу сиз билан биз ўйлагандан анча мураккаброқ масала, болам, - деди Ҳожи ота чуқур ўйга толиб. У шундай оҳаннда гапи-рардики, бамисоли овоз чиқариб ўзи билан ўзи баҳслашаётгандай эди. - Хўш, Худо Ким ўзи? Биз Унинг моҳияти ҳақида қандай тасаввурга эгамиз? Биз Унинг баъзи хусусиятлари, олий даражадаги донишмандингию ибтидоси ва интиҳоси йўқ мангур Зот эканлигини биламиз, холос. Унинг нақадар мукаммал ва тўла-тўқислигидан ҳайратга тушамиз. Унинг борлиқ оламга Ҳукмдорлигини эътиборга олиб, Унга сифинамиз. Биз Унга сўзсиз бўйсунувчи бандалар сифатида сифинамиз. Чамаси, кўр ва кар одам турфа-туман ранглар ва антиқа овозларнинг умуман фарқига бормаганидек, биз ҳам Парвардигори оламнинг Коинотни бошқариш йўсими, хис қилиш, дунёдаги ҳамма нарсаларни кўриб-билиб туриш тарзини ҳеч қачон англаб етмасак керак... Бинобарин, Худонинг ҳукми, меҳрибонлигию қаҳр-ғазаби, Коипотдаги ҳамма нарсаларни ва савоб-гуноҳ ишларни доимо кўриб-эшитиб туриши, яхши ишлардан шодмон бўлиши, ёмонлардан нафратланиши ва жазога мустаҳик қилиши бўлмаса, Унинг табиат, тақдирни азал, метафизик зарурият каби тушунчалардан фарқи қолмас эди. Дўстингизнинг ўзини гўёски Худо деб даъво килишига келсақ, бунинг бир уни мозийдаги оламишумул таълимот - тасаввуфга бориб тақалади. Мутасаввифларнинг эътиқодларича, Илоҳининг ўзи - муҳаббат, унинг учкунлари, зарралари олам узра тағалган; билим, маърифат ва ҳикмат ҳам, дину эътиқод ҳам Ипп

туфайлидир. Илохиёт олами беҳудуд, чекенз бўлгандай, Ишқ ҳам ҷегарасиз, унинг ўтмиш, мозийси йўқ, у доим истиқболидир; ақилар қарийди, жисемлар эскиради, хислар сўнади, аммо Ишқ ҳамма вакт нақирион. Ҳакиқат ва Эзгуликнинг ўзидай абадий. Шайх Мансурнинг фалсафий ахкомига келсак, унинг мушоҳадаси, орифлик мартабаси шу қадар юксакки, у факат бағдаларини рўзи маҳшарда жазоловчи, тоат-ибодат килганига неъмату мағфират ато этиб, ёқмаган, итоатсизларини дўзах азоби билан жазоловчи Худони эмас, балки Олий бир Ҳакикатни, моҳиятлар Моҳияти бўлган жавҳар Зотни пазарда тутар, Уни оламининг асоси ва инсон қалбининг эгаси, деб хисобларди. У тасаввубнинг амалий-ахлоқий сулукини босиб ўтиш билан кифояланмай, шуур кучига таянган маънавий камолотининг авжи илҳомида вужуд таълимотини таҳлил ҳаророк: модомики, инсон Мутлак Рухнинг бир бўлаги экан ва у тана-жисем билан курашиб, тозалана бориб, аслига қайтар экан, демак, ориф инсон билан Илоҳ орасида гўсик, фарқ колмайди, улар бирланшади, яъни инсон Худо (Ҳак)дир, деган фикрға келиб, буни ўлига ишён отади.

Бу масалаларда каминанинг фикринга келсак, дунё курилмаси гизимида кимки Худони кўра олинигача етса, ўша олим комусчи дараҷасида билимга ёринишан бўлади ва у яратган фаний канфиёғлар ҳам оламиумул ва тўлаконлидир. Шахсан мен, Коинот Олий Тафаккури – бу самовий тафаккурнинг муайян боскичлари чўккиси, та мујассамланган Худонинг ўзгинасидир, деб хисоблайман...

Бу ажойиб сухбатдан руҳи тобора кўтарилиб, самовий бир қайғиятга кирган Асад файласуфлиги тутиб, беихтиёр Ҳожи отанини залворли фикрларини ривожлантиришга киришди:

– Баъзи сўнгти фаний маълумотлар бўйича, Коинотдаги биздан кагтарок ёшдаги цивилизациялар башарият учун илохий ибтидо вазифасини ўтаганинари рост бўлиб чиқаётти-ку, ахир! Ерда биздан олдин яшаб ўтган инсон аждодлари учун ҳам айнаи шу цивилизациялар Тангри тимсоллари тарикасида намоён бўлишган ва турли динларининг дунёга келининга омил яратишгай. Улар табиий асосга эга ва демакким, чинданам мавжудцирлар.

– Борақалло, болам! – хитоб қилди Ҳожи ота хурсанд бўлиб. – Бағоят гўзал фикр!..

Гулипода бону ҳам, Назира ҳам бу марокли сухбатни мирикиб тингланашар, чехралари ёришиб, бамисоли нурланар, кумушранг тусда жилвалашар эди.

ОЗОД РУХ ХОТИРАСИ

Овқатдан сўнг Шахноза бону бўш косаларни йинишириб олгач, нахта тулти чоррок чойнакларда кўк чой дамлаб келтирди-да, тилла суви югуртиришган ишёлаларга бир-бир куйиб, ҳаммага узатиб чиқди.

Асад иссик чойдан шошилмай хўйларкан, мароқсли сухбатни өрталабгача хам давом эттиришга мойиллиги кўриниб турарди. Шунинг учун яна саволлари билан Ҳожи отани «қитиклаб» қўйинига жазм этди. Лекин, савол беринига ултурмади. Ҳожи отанинг яна да «очишиши» учун шу истагининг ўзи кифоя кильди.

— Э, яна нимаям дердим, болам, — деди табиби тайб ўйчаплик билан рўярасидаги бир пунктага тикиларкан. Чекланган онгизмиз абадият сир-синоатларининг энг сўнгги жумбокларини хам ўзлаштиришга кодир эмас. Чексизликнинг чеклананини исботлани мумкин эмас-ку, ахир!. Еки мана, кизингиз Назирахонини кароматлари билан боғлик жумбокларни олайлик. Бу киз тақдирни учун бободлар руҳи нега бунча безовта бўлнишадиги? Нега ўзи шахсан Иблисенинг ўзи унинг оркасидан тушсан? Нима, унни бутун Коиногда боинка кизалтиган иши йўқми? Тавба-тазарру кила-кила инсофга кириб, такво йўлига ўтган жинларни айнан шу кизни леб нега яна йўлдан ураяти? Бу саволларга, хатто мен хам тўла-тўқисе жавоб беролмайман. Ваҳоданки, буларини барини мен хам бошимдан ўтикаланман. Кароматларим туфайли ўз вактида бир йил камоқда ўтириб чиқканман. Вактида жиннихонага хам тикинган. Гапнинг сирасини айтганда, кўчирик нима, кўкдан юборилувчи синов нималиги менга бешкўлдай аён-да...

Ҳожи ота кунгилмагандан Асадга синчков тикилди.

Энди, болам, мана, сиз файласуф экансиз, айтинг-чи, бу мурракаб саволларга анчайни таҳминий бўлса-да, сиз нима леб жавоб берган бўлардингиз?

Бутун вужуди бамисоли кулокка айланни Асаднинг неционаслик тер чиқиб кетган, шунинг учуми, нима дейинини хам билмай, хаяжон ичилади бир нима леб тўлдирашга ўзи оғиз жуфтлаганди, отасини бу онир ахволдан Назира куткарди.

— Бу ерда таърухларининг абадийлигига эмасмикин? — деди у майнин овозида Ҳожи отага ер остидан нигоҳ ташлаб.

Э, боракалло, она қизим! — хурсанд бўлиб кетди табиб. — Фикри ожизимча, ҳамма таърухларини аллакачонлар оламдан кўз юмган ўтманин аждодларимизнинг озод руҳларида!

– Уларнинг етти марта эркак, етти марта аёл киши танасида яшашлари ростми? Баъзи рухий мулокотчилар шундай дейиниалику?

Э, нимасини айтасиз! Ҳар сафар рухга янги тана бериларкан, у ўзининг янги-янги қирраларини кашф килади. Унинг учун иромда эркинлиги муқаллас саналади. Ҳаёт гирлоблари уни ўз қаърига тортар экан, озод рух тоҳиғи учади, тоҳиғ шодмон бўлади, тоҳиғда тубсиз жарга қулаб, тоҳиғ кудратли ҳаёт оқимиға қарии сузиб кетади. Аксарият ҳолларда озодлигини кўз-кўз килмоқчилик ҳар сафар ўзига-ўзи бетакрор йўл ташлайди. Ҳар бир одамнинг тақдири түё пешонасига ёзилгандай бошқа хеч кимникига ўхшамаслиги, ҳар ким қиёси йўқ кисматта душвор бўлиши ана шундан.

Рухлар бизнини ҳаётимизга янгилик олиб киришади. Бу янгилик, фикри ожизимча, ўз навбатида, ўта қадимий билимлар, сирсиноатлар ва қаифиётлардан таркиб тонган. Парвардигор одамзодга бир вакилар ўзи ортирган бебаҳо маънавий бойликларни шу тарика – рухлар орқали қайтариб беради.

– Жуда ажойиб тап! – бсихтиёр ганига қўшилди хушвакт бир қайфиятда ўтирган Гулшода бону. – Баъзи одамларда юриб-юриб бирдан ғалати хислатлар пайдо бўлиб колици шунданцидир-да. Маълум шарт-шароит юзага келиши натижасида рухлинг хотираси фавқулодда уйғониб кетса керакки, одам ўзгариб колади.

– Яшанг, Гулшодаҳон оға, – деди Асад мамнуният билан кафтларини бир-бирига ишқаб. – Бугина эмас, бирор кўхна шаҳарга бориб колсангиз, ўзингизни нуқул уни қачонлардир илгари кўргандай, ўша тошлок кўчаларда аввал ҳам юргандай хис қиласерасиз. Рухнинг хотираси уйғонгани мана шу эмасми?..

– Боракалло, болам! – Ҳожи отага ҳам бу сұхбат хунн ёқиб тушиётгани кўриниб турарди. – Фикри ожизимча, ирсият ҳамиша уйғунашшиб боради. Унинг янги-янги зарралари курашлар ва қарама-каршиликларга тўла ҳаёт уммонига сочиларкан, табиий равишда сараланаверади. Рухларнинг қадимий билимлари ҳам ўзлари келиб тушган навбатдаги ҳаёт сарчашмалари билан шу тарика омухталашади. Бу омухталиқ ҳаёттаги ҳақиқатга айланишиб, кундалик турмушга сингиб кетгунинга қадар синовдан ўтиши, тобланиши кепрак. Буни «рухий тадрижий тараққиёт» деб атап мумкин. Бу жараён минг йилларни ўзига қамраб олади. Ўлмас санъат обидаларининг буюк тимсоллари, табиатни бошқариб турувчи конуниятларининг

оламинумус коялари шу тариқа кайта туғилади. Рухлар бизга улар-нинг қарийб сўнаёзган нурини япгитдан тиклаб беришади...

– Кечирасиз, Ҳожи ота, рухий тадрижий тараккиётининг табиий моддий тараккиёт билан муносабати ҳакида нима дёя оласиз? – сўради Асад узинг бир зум сукут сақлаганидан фойдаланиб.

– Рухий тадрижий тараккиёт бизнинг онг савиямиздан анча юксакда туроди, шунинг учун уни биз кўпам тушувавермаймиз. Фикри ожизимча, рухий тадрижининг на ибтидои ва на интихоси бор. У улкан бир дарёга ўхшайди. Бу дарёни рухий кувват сарчашмалари озиқлантиради.

У ўз ўзанида улугтворлик билан вазмини оқаркан, анъаналар мустаҳкам бўлиб, ёруғ рухлар эзгу ишларини қиласверишиади. Айни вактда бу дунё бирор хаётгий шарт-шароит туфайли шалолага айланиб, гувиллаб пастга отилиши ёки маънавий қадриятлар тақчилиланганда, аксинича, курий бошлаган кичик ирмок шаклига кириши ҳам мумкин.

Бутун башарият хаёти ана шундай шарт-шароитлардан ташкил топган. Ҳалклар турмуши ва маданияти ҳам, урушлар ва фаровон ҳаёт ҳам, динлар ва имон-эътиқод ҳам ана шулар сирасига киради. Кўн нарсалар ўзимизга боғлик. Биз ўз кўлинимиз ва аклинимиз билан яратган хилқатлар асрлар оша инсониятнинг рухий тадрижида ўз аксиини тонади.

– Ҷемак, ком фирмачиларнинг: «Ҳеч ким ва хеч нарса унутилмайди», деган гапларида жон бор экан-да? – савол қистирди Асад ўзини тутолмай.

– Жуда жон бор! – хитоб қилди илҳом тулиорига миниб, тафаккур осмонини кучаетган Ҳожи ота. – Мен айтган ҳолат, эҳтимол, минг йиллар ёки юз йиллардан кейин содир бўлар. Аммо баъзида рухлар ва жинларнинг бир дақиқада ўзга танага кириб олиш қобилиятиари ва бошка амаллар эътиборга олинса, эзгу ишларимиз ёки ёзвуз килемшаримиз амалда жуда тез, бир зумдаёк намоён бўлиши мумкин.

– Қойил-э! – деди Асад ҳаддан зиёд хушнуд бир кайфиятда ўзини кўярга жой тополмай. У, чамаси, олис бир кишлоқ жойда шунақа до-нишманд инсонни учратаман, анчадан бери ўзимни кийнаб келаётган кўп саволларга жавоб топаман, деб хаёлига ҳам келтирмаганди. Шунинг учумми, мароқли сухбат узилиб қолишидан ҳадиксираб, табиби ғайбни яна «қитиқлаш»га тушди:

- Биласизми, Ҳожи ота, якинда мен «Сирли олам» ойномасида масковлик таникли олим ва фантаст-адиб Владимир Шчербаковинин галати бир кашфиёти ҳакида макола ўқиб колдим. У Ер юзидаги жуда кўп қадимий «ўлиқ» шахарлар ўриндаги археологик қазилмалар ҳакидаги тадқикотларни жиҳдий ўрганиб, кизик хуносага келган. Масалан, Мисерда олис ўтмишда курилган гаройиб ёхромлар ундан бир неча минг йил илгари Амрико китъасида аллақандай қабилалар томонидан ҳам буйёд очыган, Атлантика уммонинин ҳар иккى томонида Колумбгача ҳам неча минг йиллар аввал мавжуд бўлган тошдаги иероглиф матнлари, конқоқли узкан точи саркофаглар, тунж ва тунж ойнаклар, жасадни умумий мўмиёллари йўсенилари ва хоказо ўхшишникларга сира акл бовар кильмайди. Ахир, уларнинг ўргасида бекибे жарлик – бир неча минг йиз вакт ётади-да! Бу давр ичизда ҳар қандай анъана йўқ бўлиб, ҳар қандай қашфиёт минг карра унуглиб кетади. Шчербаковнинг қашфиёти шундан иборатки, ана шу анъана, билим ва санъат сирларини минг йиллар она ўша сиз айтган руҳлар етказиб бераркан. Мезморчилик анъаналарни ва шаклларининг асрлар она Ер куррасининг турли цукталарида турли даврларда тақрорланиши ана шу туфайли экан.

Ҳожи ота мамнуният билан бош ирради.

- Жуда доно одам экан, ўша олим. Яхши топибди. Фикри ожизимча, кўхна дунё билан кейинги даврлар маданияти, мезморчилик, санъатини ўзаро бօғловчи бирдан-бир хотира – бу руҳлар хотираси. Боя айтиб ўтганим руҳий кувват сарчашмаларидан оника олувчи ларёдаги узкан шалола ва баҳайбат ғирдобларни, уларда тажассумини тонган антика тоялар, тасаввурлар ва тимсоллар мажмуасини биз тушишиб етишига интилинишим керак. Унинг сонсанокеиз ирмоклари бор. Минглаб, миллионлаб руҳлар бу ларё ва ирмокларнинг иланг-билинг ўзанларида олга интишишаркан, ботбот оркага, бизнин оламга кайтиб келишади.

- Айни вактда, биз ҳам уларга озиқа берсак керак-а? – деди ажойиб сухбатни қўюклари динг бўлиб тингизётган Гулновда бону устозига савол назари билан тикилиб.

- Балли, кизим. Фикри ожизимча, руҳлар жасадга эга бўлгунларнига қадар руҳий кувватга муҳтоҷлик сезишади. Ана шу кувватни уларга биз берамиз. Донишчик ва билимлар билан бойинган ёркин, кучли, пок руҳлар руҳий тадрижий тараккиётининг асосий бойилги хисобланади. Борди-ю, уларга биз узагайтган кувват ёвуз

табиатга эга бўлса, рухлар безовта бўлишади ва табиийки, баҳоли кудрат бизни тартибга чакиришига уринишади.

– Улар бизни кай йўсинда тартибга чакиришлари мумкин? – сўради Назира тортинибгина.

Масалан, одамзод ҳаддан зиёд рухан жунбанига келган худудларда Парвардигор иродаси билан зилзилаларни юзага келтиришилари, сув тошкини ёки вулкан отилишини «уюнтиришилари» мумкин.

– Ё тавба!.. Демак... улар ўч хам олишаркан-да?

– Бўлмасам-чи! Умуман, рухлар учувчи голландияликка ўхшаб гоҳ найдо бўлишиади, гоҳ йўқолиб кетишади. Бу ерда одамлар ичидан улар кўп нарсаларни ўрганишиади, айни вактда, баъзан ўзлари билан бирга ажойиб билим дурдоналарини хам олиб келишиади. Матърифатга эришган рухнинг сир-синоат сандиги баниарият минг йиллар мобайнида сайқал берган жавохирларга тўла.

Рухлар срга ташриф буюншаркан, илоҳий билимлар ва инсониятнинг кўни асрлар тажрибаси каймоганини бига ўз-ўзидаи осонги на хадя этиимаса керак, ахир? – деб сўради Асад.

– Йўқ, болам. Бунинг учун, аввало, биз уларни иззат-икром билан кутиб олишимиз, тушунинимиз ва мулоқотга кирмогимиз керак. Биз шундай киласанимизми? Афусеки, йўқ. Аниқроги, камдан-кам холларда шундай киласиз. Рухларнинг ўзлари эса, бизга «очилишиолмайди». Бу тайёр чизма ёки лойиха эмаски, биз дарров талқик этиб, ўрганиб олсак. Рухлар вакт-соати етмагунча орамизда ўзларининг тилсимланиган асрорини онкор этмай юраверишиади. Уларни англаб этиш зарурати туғилмагунча... Вакти-соати етгач эса, ҳаммаси тезда содир бўлади. Даҳо олимлар ва улуғ адилларга илҳом париси келиши, уларнинг миясида оламшумул кашфиётларга йўл очувчи ноёб фикрларнинг тўсатдан, чақиндай саноқли лахзалар ичидан найдо бўлиши бежиз хол эмас-да! Мен миянинг аллакайси сирли нукталарининг ногаҳоний ёринувини назарда тутаянман, албатта.

– Баъзан киши миясига яшиндай «ялт-юлт» килиб гаройиб фикрлар келиб қолади...

– Боракалло, болам! Фикри ожизимча, рухларнинг «очилгани» худди мана шу...

Шу пайт Ҳожи ота ғазати бир таклиф киритмаганида, ушбу гурунг яна алламахалгача чўзилиши табиий ёди.

ҮЙГА ШУУРИЙ ТАЖРИФ

Дарвокс, рухлар одамзоднинг кирдикорларидан бозовта бўлиб, уни тартибга чакиришлари боисидан хозир бир ибратли тажриба ўтказишими мумкин, Асаджон, – деди Ҳожи ота бирдан Назира га пича хавотир аралаш нигоҳ ташлаб. – Айтайлик, кизларингизнинг ортидан тушиган ўша қаттол тўда йигитлари билан боғлиқ медитация амали ўтказсан...

Боядан бери сукут сақлаб ўтирган Назира бу гаидан кимдир устига совук сув нуркагандай есеканиб тушиди. Чунки у Мастон буви билан бирга Астралми ёки Менталми дунёга сафари вақтида ўша жиноятчи йигитлар онаизорининг рухини ўз кўзлари билан кўрган ва унинг ўша дамдаги мудхиш ахволини эслашининг ўзи кизни ҳали-хануз даҳшатга соларди. «Ҳожи отага бу шафқатеиз тажриба амалининг нима кераги бор экан?» – дея хаёлидан ўтказган захоти табиб аввал кизга, сўнгра Асад билан Гулшода бонуга бир-бир синовчан назар солиб, хотиржам оҳангда гап бошлади:

– Бир нарсадан сира хавотир олмасликларингизни истардим. Бунака амалларни дастлаб ўтказган вактларимда ўзим ҳам кўркиб кетгандим. Тажрибадан аввал нима учун бунака рухий таъкидоттарга жиддий киришганимниң сабабини айтиб ўтишим лозим. Назирахон қизим, бу, айникса, сиз учун муҳим. Шу сабабли гапни бироз узокдан бошлашимга тўғри келади. Мен асли Тошкент вилоятида туғиянман. Отам манихур ҳалқ табиби ўтган эмасми, шу туфайли Тиббиёт олий билимгоҳини муддатидан илгари – уч йилдаёқ тугатишга муваффак бўлдим. Сўнгра кўнгиллилар каторида урушга отгаандим. Ўша вактда мен ўн тўккиз ёшда эдим. Бир йил ўтмасданоқ куршовга тушиб қолдик ва гестапочилар томонидан асирикка олиндим. Қарийб бир йил мобайннида Бухенвальдда, кейин Маутхаузен концлагерларида «яшадим». Асирик вактимда акл бовар килмас ҳиссиятларга йўлиқдим. Мен учун хамма парса ўз кимматини йўқотган, вужудимда мутлақо ҳеч нима қолмаган, ҳаммаси янчиб, топталиб, йўқ қилинган эди. Ана шу узлуксиз даҳшат ва ёвузыллар жараённида иттифоко мени кейинчалик яшаб қолишими га ёрдам берган аллақандай ички кенгликлар ва кучларни илгадим. Урушдан кейинги йилларда аввал Фарбий Олмонияда, сўнгра Амриконинг Бостон вилоятида истиқомат қилдим. Чунки бир турух собиқ асирилар ватанга энди етишдик деганимизда бизни «халклар отаси»нинг буйругига биноан, чегарадаёқ

ўкка тута бошлашган ва биз лой-батчиқقا беланганча әмаклаб, судралиб яна орқага қайтиб кестишга мажбур бўлгандик. Аммо бу юргиларда на ўзимнинг дўхтиригимдан, на оиласдан ва на тижоратдан қониқин ҳосил қилмагач, аввал Мисрга, сўнгра Ҳиндистонга жўнадим-у, сўфийликка берилем. Айни шу даврда тақдир мени Она тахаллусли бир ажойиб инсонга йўлиқтирдики, бу тақводор ва жўги аёл менинг ширимга айланди ва кўн ўтмасданоқ борлиқ дунёкарашларимни остин-устун қилиб юборди. У мени Ер юзи қиёфасини ўзгартиришга қодир буюк Сир бўсағасига бошлади, ОНГ буюк куч эканини англатди. Онага мен беш йил шогирд тушилим. Бу давр ичиди Инсон ва унинг тафаккури, Коинот, умуман, ҳаёт ҳакида оламшумул холосалар ясашга мушарраф бўлдим.

Биз замонавий фан ривожи шарт-шароитида дунёга келганимиз ва ундан ҳеч қаёққа кочиб кутулолмаймиз, деб ўйлаймиз. Бизларнинг бирдан-бир умидимиз – ҳаётимиз жабхаларига қундан-кунга чукуррок кириб бораётган машиналар деб хисоблаймиз, чунки фикри ожизимизча, улар биздан яхширок кўришади ва аникроқ энитишади, биздан тезрок хисобланади ва мукаммалроқ даволашади ва шировардида бизга нисбатан яхширок яшашади, дея хом-хайлар қиласиз. Ваҳоланки, биз даставвал турфа техника восита-ларимизга нисбатан ўзимиз яхширок харакат қилишимиз, ҳакикий куч дастагини кўлга киритган ҳамда бу улуғ хилқатни донишманд тадқиқотчи сингари юрагимизга тўла жо этган тақдиримизда, бизни бўғиб ётган ўша даҳшатни машина қандай бунёд этилган бўлса, худди шундай суръатда чилварчин этилиши мумкинлигини англаштишимиз керак.

Шундан кейингина чарх ҳазили боис илмий-техника инқилоби асри деб аталган йигирманчи асримиз руҳият масаласида тош асри эканлиги, жами фанларимизни ўёки бу даражадаги тараққиётига қарамай, биз ҳали чинакам ҳаёт фанига кириб бормаганимиз, дунё ва ўз-ўзимизнинг устимиздан ҳукмронлик ўрнатиш масаласига эса, умуман яқинлашолмаётганимиз ва нихоят, олдимизда ҳаётнинг мукаммал, уйғу ва гўзал уфқлари энди намоёни бўлаётганини англашетамиз.

Она билан узундан-узун турунгларимдан менга шу нарса аён бўлдики, сўнгти юз йилликда руҳият соҳаси одамзоддаги жин ва алвастиларни уйғотиш ва уларнинг яқдил ҳаракатини юзага келтириш билан шуғулланди. Кейинги аср эса, инсон қалбида Тангрини уйғотиш, яъни устозимнинг тили билан айтганда, «инсонда ва

моддиятда Рухни уйғотиши» ва «Ерда илохий ҳаёт барно этиин» аспи сифатида майдонга чыкади.

Күлдош Али Ҳожи ота түсатдан сукутга чўмди-да, ҳам-сұхбатиарини бир-бир ўзишинг ўйчап никохидан ўтказди. У азбаройи илхомга кирганиданми, кумушранг қуюқ кошлари остидаги катта-катта кўзлари бамисоли порлар, нурафшон бир тўлкинлар тарататтандай эди.

– Сўзимнинг узундан-узок дебочаси билан сизларни зериктириб кўйган бўлсанам, мени маъзур тутишлар, болаларим, – деди у оталарча бир илтифот билан. – Бу иинни атайин, ҳозир ўтказалиган тажрибала-римиз сизларга яхширок тушунарди бўлиши учун кийдим.

Шундай леб Ҳожи ота кафтларини ёзди-да, алланималар деяничирлаб, юзига фотиха тортиди. Бошқалар ҳам беихтиёр «омин» килишиди. Сўнгра табиб ўрнидан туриб, хонанинг ўртасига ўтди-да, Назираин рўярасига келишга таюниф этди.

– Яна озгина изоҳ бераман, – деди у тез-тез ганириб. – Сен ҳозир руҳий тажрибамиз, яъни медитация жарабёни учун қарийб тайёрсан, Назирахон. Ҳозирча инсоннинг бир неча кисмлардан иборат мавжудот эканини билмайсан, холос. Маълум маънода биз – мен-гал асаб толалари, жисмоний одатлар ва бошка турли кўнукмалар кўйқасимиз. Ўн саккиз ёнимизгача истасак-истамасак, ана шу одат ва кўнукмалардан ясалган мармар қобик ва пўлат қолилларга мумлаб ташланамиз. Эндиги вазифамиз ана шу қобик ва идишларни чилларчин килиб, ҳаётий тебранишларнинг биргина туриши илгай оладиган калтабин аклимиз ташқарисига нигоҳ ташлашни ўрганишимиз лозим. Шундагина одамзод ҳаётнинг ранго-ранг чекенз тебранишларию дунё ва одамларни улар аслида қандай бўлса, шундайлигича кўра олиш, ўзининг ментал савияда англай олмайдиган бошка ички «Мен»ини кашф этиши имконини кўлга киритади. Сен, она кизим, фалакнинг гардиши билан ана шу кутлуг йўлга илж қадамлар кўйган инсонсан. Шу пайтгача сенниң ўзга ички «Мен»ини аллақандай тасодифлар, Астрал ва Ментал дунё вакилларининг сабий-харакатлари сабаб юзага чика бошлаганди. Ана энди ичинингдаги ана шу оламшумул кучларни ўзинг бошқаришинг ва шу йўл билан ўзигини ва моддий ҳамда руҳий дунёларни идора ва обод килишинг учун фурсат етди! Парвардигори олам сени каминай ожизнинг ҳузурига ана шу мақсадда йўллаган эди!..

Илхомга кирган Ҳожи ота турган жойида зумда ҳайкалдай котди-да, бирдан кафтларини ёзиб, уларни худди локаторлардай

кызга йўналтириди. Рўнарасидаги Назира шу заҳоти беихтиёр боинни қуий эгиб, кўзларини юмди. Улардан кўз узмайтган Асад билан Гулишода бону гўё бошка бир дунёга тушиб қолгандай ағрайиб ўтиришар, Ҳожи отанинг теран ва доно гапларию ғаройиб хатти-харакатлари йигитни ҳам, башоратчи аёлни ҳам лол қилиб қўйган ёди. Шу чоқ Назирага табибнинг вазмин овози олис-олислардан ўни гилаётгандай туюлди.

— Она қизим, — дерди у ҳаяжон аралаш, — энди сен ичи ақл-заковатга тўла шиша идишга айланаяпсан. Аста-секин... Ана, кўраяисанми, у хира тортган! Чунки унга ақлининг иланинг изтиробларини; бемаъни ва тажовузкор одамлар билан боғлик чиркин ҳодисаларнинг қўйка тутуни ўринашиб колга! Сен улардан кутулишини; покланишини керак! Идишни тубигача тозалаб, уни илохиёт замзами билан тўлдирмогни лозим... Балии, она қизим! Ҳозир сен мутлак сукунат қаърига интиляяпсан. Ана энди тамомнила осуда, хотиржам мавжудотга айландини! Биз медитация амали ўтказаётганимизни ёдиндан чикарма! Чунки бунинг хавфли томони ҳам йўқ эмас. Миянгда, айникса, унинг орқа қисмida гайриоддий босим найдо бўлаётганини сезаяисанми? Гапир, она қизим!..

Назира шу маҳал отаси билан башоратчи аёлни бешбаттар ҳайратта солиб, охиста бош иргади-да, буткул ўзгача – хиссийётдан холи ҳазин ва заиф овозда жавоб қайтарди:

— Ҳа.

Асаднинг назарида унинг лаблари ҳам зўрға очилиб-ёпилгандай эди.

— Боракалло! Демак, сен Умумкоинот Тафаккур майдонидан қувват ола бошладинг. Бу шундай кудратли кучки, у сенинг борлик вужудингни ўраб-чирмайди, янада поклайди, уни маърифат ёғдуси билан тўлдириб, иродангни муқимлаштиради. Миянгдаги қаттик оғриқдан хавотир олма. У – ўткинчи. Инсон танаси ўзи шунака. У ташқаридан кирган ҳар қандай таъсирга аввал тиш-тирноги билан қаршилик кўрсатади. Уни маъқул топгачгина қабул қилиб олади. Сен тўртта хилқатдан иборат ғаройиб мавжудот эканингни яна эслатиб ўтаман: булар – руҳини; онгинг; жисминг ва ҳаётий куч-қувватинг. Ана энди дунёнинг узвий бир заррачаси сифатида бевосита Коинотга уландинг. Бу билан илохий зот – олий одамга айландинг. Сен энди нафақат хотиржамсан, балки Ҳаётни ва Моддиятни ўзгартиришинг, эзгу кучларни бирлаштириб, табиатга янгича рух ато этишинг мумкин!..

Асад шу чоқ кизининг чехрасида майин бир табассум пайдо бўлиб, қаддини ҳам беихтиёр ростлаётганини пайқади. Ажабо, у кўзларини катта-катта очганча, Ҳожи отага савол назари билан тикилиб туради.

– Майли, эътирозим йўқ! – деди табиб бирдан бош иргаб. – Сингилларингдан хабар олиб кела қол! Фақат эҳтиёт бўл! Ҳозирча улар билан мулоқотдан қоч. Чинакам озод қушга айланған рухингни, ҳеч курса, дастлабки дақиқаларда авайланимиз ксрак. Илло, сингилларингга нисбатан чексиз мұхаббат билан лиммо-лим рухинг моддий дунё билан ҳали старлича уйғуплик ҳосил қилмаган.

– Вой, улар дарс тайёрлашпайти! Наргиза Нафисага физикавий масалани ечишига ёрдамлашшайти! – деди Назира ҳамон ўша ғалати овозда юзида илик табассум ўйнаб.

– Онанг нима қиласяпти?

– Опам ошхонада чой дамляптилар!.. Вой, ана, бувим ҳам кириб келдилар, «Илоё, ўғлим билан неварам сафардан эсон-омон қайтиб келишсин», деб дуо ўқияптилар.

– Танифингни сингилларинг пайқашмаяптими?

– Ҳозирча йўқ. Мен девор орасида турибман-да. Лекин Наргиза ҳам, Нафиса ҳам негадир бозовгаланиб колишиди.

– Рухингдан таралястган латиф қувватни сеза бошилашди-да. Астрал ёки Ментал дунёга улар ҳам бемалол саёҳат қила олишлари мумкин...

– Бир кўриниш берсаммикин?

– Йўқ, она қизим. Бу – рухингнинг илк сафари, уни жиндек бўлса-да, хавфга қўймаганимиз маъқул. Боз устига, олдинда яна бир сафаримиз турибди. Энди орқага қайт!

– Яхши, Ҳожи бува! – Назира шундай дейипти биланоқ туйқусдан худди уйкудан уйғонгандай пича киприкларини пирпиратиб, зумда ўзига келди.

Улар худди ўн йил қўришмаган ота-боладай ҳаяжон ва севинч оғушида бир-бирларининг истиқболларига қараб интилишди...

ИККИ ЖАҲОН ОВОРАСИ

Иккинчи қисм



ИЛОХИЙ ТОШ СИРИ

Асад хам, Гуяшода бону ҳам ҳайрат ва хаяжонга түшишган, аллакандай самовий бир севинч оғұшида жилмайшаркан, бамисоли ота-боладай самимий күчкөлашаётган Ҳожи ота билан Назирадан никохларини узинолмасди.

— Боракалло, она қизим! Кутганимдан ҳам зиёда ажойиб тажриба бўлди! — деди Ҳожи ота ҳам кўтариши бир кайфиятда Назира ни кўлтиғидан олиб жойига ўтқизаркан. — Энди шу дакикалардан эътиборан сен билан биз то охираттагача ота-бода тутиндик. Худога беадад шукурки, ўн йилдан бери излаётган фарзандимни топдим!..

Яна тўрдаги жойига келиб ўтирган табиб меҳмонларнинг ўзига ажабсиниб тикилишаётганини кўриб, дарров галига изоҳ берди:

Гап шундаки, азизларим, бундан роппа-роса ўн йил бурун худди мана шу хонага ярим кечаси узун ошпок чопон кийган, ок саллали, кумуш соқоллари кўксига тушган чўнг бувам Аҳмад Ясавий ҳазратларининг руҳи цоклари ташриф буюриб, камина билан ботиниан мулокот бошлидилар. У зот камини ожизга ўн йилдан сўнг Назира бону исемли бир киз хешлари билан бирга хузуримга келиши, бу ожиза Ҳазрат шажарасининг сўнгги авлоди вакилларидан экани ва унинг ёрдамга ғоят муҳтож бўлишини аёни килдилар. Камина у зотга таъзим бажо келтириб, ҳар қандай хизматга тайёр эканлигимни Парвардигор шоҳидлигига баён этдим ва байзи саволларни берган эдим, у киши тасаввух таълимоти ва руҳий муроқаба амалларини ўрганишим зарурлигини билдириб, хосиятли бир яним тошини кўлимга тутқиздилар, уни ўша қизга беришим лозимлигини уқтиридилар-да, кўздан ғойиб бўлдилар...

Шу пайт Ҳожи ота одатига кўра вазмин ўрнидан туриб, чапдаги эшикка кириб кетди-ю, лахза ўтмай, кўлида антика бир қора тош кўтариб қайтиб чиқди. Тош ёш боланинг муштидай бўлиб, бамисоли курраи заминнинг митти бир нусхасига ўхшар ва азбаройи тиниқлигидан биллурдай ялт-юлт қиласди.

— Мана ўша тош, — деди Ҳожи ота уни Назираға узатаркан, бамисоли слкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортиб. Қиёмат қарзимдан

кутулыш шу бугунга насиб этган экан, каминаи ожиз бундан бағоят баҳтиәрман!

Назира тоини кағғида у ёқдан-бу ёкка айлантириб, уни худди гирик мавжудоттайдай силаб-сийпалаганча Гулномда бонуга узатди. Уни күзига олган баппоратчининг, аёл кини эмасми, кўзлари ёниб кетди. Уни Асадга бераркан, негадир ранги ўчинқираб, лаблари титраганини, баҳтига, ҳеч ким пайкамади.

Бу жуда кимматбаҳо тош, азизларим, – деди Ҳожи ота бирдан жиддийлашиб. Чунки Коишот тафаккури тизилмалари, курраи замини катламлари ва инсон мияси кобиги бир-бирларига томчи сувдек ўхшаганлари каби, бу тош ҳам уларнинг янаем миттирок бир шакли саналади. Нарвардигори олам яратган бу мўъжизаларнинг бари икки ярим шардан таркиб топган, уларнинг барида бир хил биофизик, физиологик, кимёвий ва ҳоказо ҳаётий жараёнлар кечали. Сўнгти йилларда олимлар, Ер курраси ҳам худди инсон каби тафаккуррга эга жонли мавжудот, деган ҳулосага келишиётир. Худди шунингдек, маనави тош ҳам фикрлаш кобилиятига эга, дей фараз юритишимизга ҳамма асослар бор. Шу боис ҳам у илоҳий тош! Шу боис ҳам унинг баҳоси йўқ! Худо кўрсатмасин, ундан жиноятчи тўдалар хабар тонса, шу заҳоги ўғирлани найига тушади. Бу йўлда улар ҳар кандай ёвузликдан тойишмайди. Шунинг учун, Асаджон болам, уни жуда-жуда асрар-авайлалашларнинг истардим. Бу хусусда чўни бувамнинг рухи ноклари сабаб тўрт-бен кини хабар топган очаммиз, боника ҳеч кимса зинҳор билмагани маъқул.

– Тунундик, Ҳожи ота, – деди Асад энди ял-ял товланаётган тоини тавоф килиб лаблари ва пенонасига сурттар экан.

– Унинг нима хосиятлари бор экан ўзи, буважон? – сўради Назира ногахон гаңга аралашиб.

– Э, фикри ожизимча, буништагароматлари кўп, она кизим, – деди табиб негадир бошини аста сараклатиб. – Уларниш аксаријати, ҳатто каминага ҳам қоронги. Лекин ҳали сенга яша бир рухий сафаримиз бор леканимда, мана шу тошнинг хосиятидан баҳраманд бўлишини назарда туттандим. Мен ўн йилда атиги икки марта уни синай олдим, холос...

– Гаройиб натижалар олгандирсиз, ахир? – сўради Асад тадқиқотчилиги тутиб.

– Ҳа, натижалар куттапимданам ажойиб бўлди. Камина шундай ҳулосага келдимки, бу — ўрга асрларда ал-кимёгарлар бунёд этиш-

ни орзу қылған фалсафа тоши, таркибига муқаддас рух жо этилган ўта поёб бир псымат. Фикри ожизимча, у табиат оқимини созлаш, хаёт уйғунлиги ва гўзалликларини тартибга солиш учун хизмат қиласди. Лекин унинг хавфли томони ҳам бор!..

– Хўш-хўш? – сўради Асад кўзлари чақнаб.

– Агар янглишмайтган бўлсам, – деди Ҳожи ота негадир чукур хўрсиниб, – у рухият дунёси, латиф олам ва ҳоказо ўн икки дунёга саёҳат қилишга қодир инсон рухи ёрдамида келажакда кечадиган воқеа-ҳодисаларни ўзгартириш, ҳатто чаппасига айлантириб юбориши қудратига эга!..

– Ё тавба! Ахир, бу жаҳоншумул буюк кашфиёт маҳсули-ку! – деся хитоб қилди Асад яна нигоҳини бенгалиштиёр хонтахта устига кўйилган тошига қаратиб.

– Қанақа тажриба ўтказдингиз ўзи, буважон? – сўради яна жимгина сұхбатга қулок солиб ўтирган Назира. Унинг ҳам ҳаяжонга тушигани қўриниб турарди.

– Жуда оддий. Гулшода бону яхши билади, янгангизнинг ҳам унча-мунча отинлиги бор. Тошини унинг кўлига тутқаздим-да, муроқаба ҳолатига тушириб, Тошкентдаги олий тиббиёт билимгоҳида икки жиянинг ўқийди, шуларнинг ҳолидан хабар ол-чи, деб илтимос қилдим. «Вой, дўндиқлар, – деди у бир лаҳзадан кейин. – Ойсара билан Гулсара катта сув бўйида юришибди. Ҳаммаёқ қумлик...». «Ёиларида бошқа хеч ким йўқми?» – деб сўрадим. «Атрофида талаба дўстлари бўлса керак, яна бир неча йигит-қиз ҳам бор... Ана, улар ечина бошлашди... Чўмилишмоқчи шекилли. Қизи тушмагур, Ойсара шўх-да, биринчи бўлиб сувга тушаяпти... Ёпирай! – деди янгангиз бирдан ҳаяжонга тушиб. – Унинг рўпарасидан катта илон сузиб кслаянти! Қизи тушмагур, ҳалиям кўрмади уни!.. Нима қиласай, хой, дадаси?» – сўради болаларнинг онаси зорланиб.

Шу пайт денг, миямда яшиндай бир фикр чақнаб кетди-ю, тошиниг асл вазифасини англаб етгандай бўлдим. Ўйлаб ўтирмай: «Қайтар уни! – деб хитоб қилдим. – Илон яхшиликка олиб келмайди! Тошдан илтижо қил: ҳайдасин уни!..» Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, янгангиз қўлидаги тошини кўзларига суртиб, илтижо қила бошлаган заҳоти илон орқасига сузиб кетибди. «Ўзингга минг катла шукур, – деди завжам тошини бағрига босиб. – Орқасига бурилди, жувонмарг...»

Мәҳмөнләр ғалати бир ривојт әшитгандай яна ҳайратта тушишган, дастурхон устида ҳамон төвләниб турган тоңига энди ҳаяжон ва хавотир аралаш тикилишарди.

– Кейин қызларга нима бўлганини аниқладингларми? – деб сўради Гулниода бону журъатсизгина.

– Ҳа-да! – жавоб берди Ҳожи ота жонланиб. – Ҳаммаси тўғри чиқди. Нодира қизим келин бўлиб Тошканга тунганини сизларга айтувдим, чоги. Ойсара ҳам, Гулсара ҳам ўипаларникида яшашади. Ўша куниёқ Нодираникига сим коқдим. Аксига олиб, телефон ишламай қолганми, сира тушолмадим. Эртасига эрталаб зўрға уландим. Дастакни олган Нодира қызлар кечча чўмилишга боришганини, кечқурун Ойсара шамоллаб исигтаси чиққанини, лекин яқинда ҳеч нарса кўрмагандай ўрнидан туриб, ўқишига кетганини айтди.

– Ё тавба! – кафтини тиззасига урганча беихтиёр ўрнидан туриб кетди Асад. – Демак, жияннингизнинг тузалиб кетишига мана шу тош сабабчи бўлибди-да?!

– Ҳа-да! жилмайди Ҳожи ота, кейин шу заҳоти жиддий тортиб, кўшимча қилди: — Билган одамга тош эмас, курдатли қурол бу! Сизга уни бежиз кўз қорачигидай авайлаб-асранг, демаянман-да!..

– Ҳожи отажон, энди иккинчи тажрибагизнинг ҳам тафсилотларини айтиб бермасангиз, кизиқишидан тарс ёрилиб ўламиз, – деди Асад ярим ҳазил-ярим чин оҳанида кулуумсираб яна жойига ўтиаркан.

– Албатта айтиб бераман, болам, – деди табиб янада жиддийрок қиёфага кириб. – Сизларни ўп йил кутиб, энди юз кўришганимизда, ичимда бу ажойиб тош билан боғлиқ битта-яримта сирни саклаб қоладиган бўлсан, қабри нурга тўлгур авлиё бобомнинг руҳи кечирмайди мени!.. – Ҳожи ота пича нафасини ростлаб, писладаги совук чойдан бир-икки хўплади-да, шошилмай гапини давом эттириди: – Хулласи қалом, камина жиянлар билан боғлиқ тажрибадан кейин тош устида бошқа синов ўтказишга анча вактгача журъат қилолмай юрдим. Чунки у, аввало, Назира бонуга аталган. Қизнинг иштирокисиз ундан фойдаланишга маънавий хукуқим бормикин, деган андишага бордим. Ундан кейин, яна ким билади дейсиз, Парвардигорнинг бирор мўмин бандаси устида тажриба ўтказсам-да, уни билиб-билмай оғир қисматга душвор этиб қўйисам, гуноҳга ботаманку, дея истиҳола қилдим. Шу алфозда йиллар ўтди. Сандиқдаги илохий яшил тошини унугтаётдим. Бундан бир неча ой аввал яна

түшнімға Хизр бува бўлса керак, соколлари ҳам, салла-чопони ҳам кумушдай ялтироқ нуропий бобо кирди. У каминага гинаомуз тикилиб, ўнг кўлинин олдинга чўзган эди, нурга йўнрилган ялтироқ кора тошни кўриб кўзларим қаманиб кетди. Ўйғондим-у, тоинги отганини, хонада хеч ким йўклигини пайқалим. Кечгача мазам кочиб, ўйлапиб юрдим. Кўнглим ғашланаверди. Ўна куни беморларни ҳам кабул килмадим. Охири хуфтон иамозини ўқиб бўлгач, сандикни очиб тошни олдим-да, ошхонада ивирешиб юрган болаларнинг онасиши чақирдим.

— Менга қара, Нодирахон, — дедим унга нохун кайфиятимни билдирамасликка уриниб. — Манави тоининг хосиятини яна бир сиаб кўрайлик-чи. Кўлинингта ушла уни. Назира бонунинг ахволидан бир хабар олиб қўйиппимиз керак.

Қайси Назира бону? — сўради хотиним ҳайрон бўлиб.

Тошкандаги узокрок тўқканларимиздан, — дедим танин чува-лавитиришини истамай. — Сен кўрмаган бўлишинг мумкин.

Хулласи қалом, завжамни мурокаба ҳолатига солдим-у, ажабо, ўз-ўзидан оғзимдан шу тан чиқди: «Тошга ялиниб-ёлвор, Назира қаерда бўлса, сени ўша ерга элтесин!» Хотиним илоҳий тоинни кўзларига суртиб, бир нималар деб илтижо қилиган эди, шу захоти манзилга етди чоғи:

— Вой шўрим! — деб юборди қўркув ва саросима аралаш. — Қиз шўрлик ташландик бир уйда хуисиз ётиди! Олифтга кийинган, сочи узун бир йигит уни счинтираяти!..

Энди камина ҳам кўрқиб кетган эдим.

— Ҳайда уни! — дедим жон-ноним чиқиб. — Тошга ялин!..

Завжай ҳалолим яна тошни кўзларига суртиб, ажланималар деб илтижо қилди. Сўнгра тагин гапга тушиби:

— Жувонимарг бўлтур, қизни кучоклаб ўпавериб, баданини кўкартиришга улгурди. Ана, энди олазарак ҳолда эшик томонга караб ўрнидан турди. Кейин ташқарига коча бошлали. Сал нарида ётган қора чоюнини эгнига ташлаб, қирмизи машина сари югураяпти. Яна иккита шериги ҳам бор экан. Каллакесарларга ўхшайди, куриб кеткурлар...

Буни қарангки, каминай ожиз ҳам беихтиёр буйруқ берарканман, тилимға сўзлар ўз-ўзидан қуяйлиб келарди:

Тошдан илтимос қилиб, машинанинг ичига кир.

- Кирдим. Жувоимарглар жуда төз хайдаппаяпти. Машинасыда телефони ҳам бор әкан.

- Ҳалиги олифта йигиттинг миясига қүй: миршабларга күнғирок килиб, жиноят содир бўлганини, ташландик уйда чала ўзик қиз ётганини айтсин.

- Кўнғирок килаяпти. Йериклари жанжал бошлиши. Кағтаси «кизталок», леб болохонадор сўкинаяпти.

- Миршабхонага ҳамма гапни айтиб улгурдими?

- Хайрият, улгурди. Тащландик уй манзилини айтиши билан чамбаракда ўтиргани телефон тұгмасини босиб кўйди. Орка ўриндикдаги каттасининг оғзидаи боди кириб, шоди чикаяпти.

- Ҳаммасининг падарига минг даънат! – дедим бутун ғазабимин гўё ана шу сўзларга жамлаб. – Бўлди, оркага қайт онди, онаси!

Завжай ҳалолим ўзига келгач, тинкаси куриб, хонтахта ёнига тўшалган кўриначага чўккаларкан, халиям хаяжони босилмаган эди.

- Шўрлик қиз қуриб кеткурларга нима ёмонлик килган экан?.. – деди у нафрат арапаш.

- Жуда солласан-да, Нодирахон, – дедим мен афеус оҳангиди. – Ёмонлик нима килсан унда?! Гулдек қиз экан, шайтон макрига учиб, нафсларини кондириш учун қасрдандир ўғирлаб олиб кочишган-да.

- Киздан яна хабар олсак бўлармиди, – деди болаларнинг онаси куюнчаклик билан. – Уйига дарагини стказиши керак, ахир!

- Ҳожати йўқ. Бу ёғига кўнглини хотиржам бўлсии. Миршаблар уни бир соатга қолмай, уйларига олиб бориб кўйишади, – дедим мен комил ишонч билан.

Бу ғаройиб ҳикояни эшитган Асаднинг ҳам, Гулиода бонунинг ҳам кимир этишга холлари колмаган, ўйчан юзларига ҳайрат, саросима, ўкинч ва нафрат ифодалари соя ташлаган эди. Лоладай кинизарид кетган Назира бошини қуий солгаңча, мис этмай ўтиради.

Орага чўккан оғир сукунатни Асад бузди. У шахт билан ўрнидан турди-да, мўйсафидининг карцисига тиз чўкаркан:

- Ҳожи ота! -- дей хитоб килди титрок овозда. -- Рухсат этинг, мен ҳам сиз билан ота-бола тулинсанам!..

Табиб униниң оёқлари сари интилган боинин юқори кўтариб, сл-каларидан кучокларкан:

- Бони устига, болам! Бони устига! – деди беихтиёр ҳаяжонга тушиб. - Биз ҳаммамиз бундан бўён то ўла-ўлгунча ота-боламиз энди! Сизларга юрагимниң энг тубидан чиккан эзгу ниятлар билан оқ

йўл тилаб фатво бераман! Назира бону нуридийдамизни эса, кўз корачигимиздай асраб, баҳтиёр хамда уйғун ҳаёт сари бошлаяжакмиз! Эҳ-ҳе! Олдинда қиласиган ишларимиз ҳали бисёр, болаларим! Табиатнинг инсон аталмиш мўъжизалар уммони барҳаёт экан, зиддиятлар, курашлар, изтиробларнинг ўркач-ўркач тўлқинлари уни ҳамиша жунбишга солаверади. Шунга қарамай, камина истиқбол уфқуларида у асрлар мобайнида орзу қилган рисоладагидай нурафшон ва умидбахш илохий ҳаётнинг юзлаб, минглаб гулгун кемаларини кўраяпман! Бу кемаларга даргалик қилингеск шарафли, аммо оғир қисмат сен билан бизга ўҳшаган илми илоҳ ёғудусига вобаста одамларнинг пешоасига битилиган, Назирахон қизгинам!..

Хонага пахта гулли чинни лаганда буғи уфуриб турган ош кўтариб Ҳожи оташинг қизи Шаҳноза бону кириб келганида, мезбонинг ҳам, меҳмонларининг ҳам кўзларига маржон-маржон ёш томчилари калқкан ёди.

ТАФАККУР ТҮҒЁНЛАРИ

Инсон ҳаёти ҳамма даврларда ҳам ғайритабиий ҳодисалар, сирсиноатларга бисёр кечган. Улар баъзан шу даражада акл бовар қилимас бўладики, «Ўйқудаги тафаккур даҳшатли маҳлукотларни дунёга келтиради» деган машҳур ибора беҳтиёр ёдга тушади. Аммо, тафаккур билъякс ухламайди. Энг замонавий асбоб-ускуналар билан қуролланган мутахассислар мўъжизалар тумани илиа ҷулғанган қандайдир кўзга кўринмас қувватлар, ғайриоддий майдонлар, ажабтовур тўлқинлар ва яна алламбалолар мавжудлигини узлуксиз кайд қилишади. Коинотдаги ўзга ёхуд ёндош оламлардан аллақандай имо-ишпоралар, мавхум муждалар олишиади. Олам тузилишининг мактаб ёшиданоқ миямизга сингдирилган моддиюнчилик манзараси бундай кучли «хуруж» боис дарз кетмаган тақдирда ҳам, жиддий таҳрирга кучли эҳтиёж сеза бошлайди. Сир-синоатлар омборида аллақачон тўлиб-тошган ҳаётий, ҳаёлий ва ижодий дастурлар онгимизга турли фаразлар ва моҳиятлар мажмуасини ишлаб чиқишига туртки беради.

Сўнгти ойларда ўзи, қизлари ва, умуман, оиласи бопнидан ўтаётган ваҳима ва саросимага тўлиқ кечмишлар боисми, Асад ҳаёт ва унинг таҳайюлотга тўлиқ, сержило кирралари хусусида бот-бот ўйга толадиган одат чиқарди. Мана, ҳозир ҳам ўз «Жигули»сида

кизи Назира ва Гулшода бону билан бирға Сайрамдаң чиқиб, шошылмай Ташкенттә йўл соларкан, ўйларининг охирига столмасди.

Хожи ота билан бўлиб ўтган сухбат, бир томондан унинг чекланган оғигини ҳайрат туйғуларига буркаган бўлса, иккинчи томондан, жигарбандларининг келгуси ҳастига ёруғ умид ҳиссини уйғотган эди. Башарти Иблис ва унинг малайлари яна ўз «каромат»лари ва ҳийла-найрангларини бошлашмаса, суюкли қизларига тақдир хозирданоқ илоҳий омад эшикларини очиб берадигандек туюларди унга. Лекин бунгача ҳали кўп қовун пишиғи борзигини ҳам у ботиний бир туйғу или аввалдан сезаётгаңдай эди.

Ҳа, Ҳожи ота кўп масалаларда унинг кўзини очган, айни чоғда, дунё ва инсон ҳакидаги тасаввурларига ҳам маълум маънода ўзгариш киритган эди.

Ҳозирги кунда оғизга тушган ва жуда кўп ёзилаётган турфа-туман ҷайритабии ҳодисаларининг ҳаётий дастурлари уларнинг чинданам мавжудлигига тўла-тўқис исбот бўлолмайди. Йескин, мантиқ нуқтаи назаридан уларни мутлақ маъқулот (аксиома) тарзида қабул килиш ҳам мумкин. Ахир, олий тафаккур - бу олам ҳодисаларини қалб кўзи орқали ҳиссий кўра билиш эмасми?

Қизи Назиранинг биз яшаётган моддий дунёга бегона ўзга олам вакиллари или Коинот миқёсида, ўзга ўлчовларда рухий мuloқотга киргани аник, ўзга дунё тафаккурининг Ерда доимо мавжуд бўлиб келгани эса, Коинот тараққиёти жараёнининг ўзидан, латиф, ёндош ва бошқа оламларнинг чексиз даражада кўплигидан келиб чиқади. Маъқулотлар ҳам баъзали ўта мураккаб бўлишиши нега унтишишимиз керак энди? Аммо булар – маъқулотлар. Бинобарин, илм-фан даҳолари Жордано Бруно ва Исаак Ньютон бир вақтлар: «Жуда кўп оламлар мавжуд ва ҳадсиз-худудсиз Коинот худудларида Ер одамзод яшайдиган бирдан-бир самовий жисм эмас», деб таъкидлашган эди. Бу масалада улар ҳам биринчилардан эмас эдилар. Башариятнинг нозик сезгилари Коинот келгинидлари мавжудлигини доимо шуурий пайкаган.

Асад яқиндагина бир ойномада ўқиганди: ҳозирги замон фани фаразларига кўра, бугунги кунда инсон кузатиш ва тадқик қилиш имконига эга бўлган Метагалактикасинг ўзидағина 600 миллиондан 1,5 миллиардгача тамаддун (цивилизация) мавжуд бўлиши мумкин!

Бундай вазиятда тараққий этган онг факат бизнинг сайёрамиздагина мавжуд ва факат бизларгина Коинотдан кимларнидир излаб

топа оламиз. деб ўйлап соддалиликтан бошқа нараса эмас. Бизнинг Еримиз самовотга нафақат яккаю ягона эмас, балки яна хам аниқрок айтганда, хали йўргакдаги, эди атак-чечак қилаётган ўта ёш анъанавий тамаддуп ўчоқларидацdir. Боника юлдуз буржларидан бизниг сайдрамизга иисбатан анча шигарирок найдо бўлган ва табнийки, ўз тараққиёт даражалари бўйича биздан анча оллишлаб кетган сайдрамизлар бор. Демак, биз уларни эмас, балки уларниг бизни кидириб топиш имкониятлари анча бисёрроқ... Улар учун биз аллақачон топилғанмиз ҳам! Сон-саноқсиз самовий тафаккур оғаларининг бизга тааллукли сабабларга кўра, ўзларини таништирмасликка уринаётганлари эса, буткул бошқа масала!

Кўнчиллик олимлар кўллаб-кувватлайдиган яна бир измий гоя бор. Унга биноан, ҳаёт абадийдир ва ўзининг маълум тараққиёт чўккисига эришгач, у ёки бу сайдрамизга кўчиб ўтади ва ўши ерда янги тамаддун барнио этади. Ҳозирги кунда молекуляр иренят соҳасидаги анжуманларда ҳаёт учун озиқа бўлувчи мухит вазифасини ўтовчи органик бирикмалар ҳакида янги-янги матдумотлар ўзини килимокда. Бундай ҳаётий озикани самовий мөдда ўзига тажассум этган. Бундан келиб чиқадиган хулоса Ѣнуки, худти мөддият сингари Коинотдаги ҳаёт ҳам абадийдир. «Самовий мөддият» нима ўзи? Бу – муаллак холатдаги турфа-тумап бирикмалар, заррачалар, жилемлар, Коинот тўзони, астероид шарчалари ва ҳоказолар.

Агар биз ҳаёт ибтидоси бўлмиш органик бирикмаларнинг бир сайдрамизига кўчиб юрин гоясини қабул килсак, узок давр ўтиши билан ўши маконларда олий онг шакллана бошланишини ҳам тан олишимизга тўғри келади... Ҳар қалай, биз табиат тараққиётининг тинимесиз олга ҳаракатини тўхтатоғмаймиз. Аввал физик ҳаракатлар тури, сўнгра кимёвий, биологик, кейин рухий ҳаракат ва нихоят, тарихий жараён – улкан ҳалқ оммаси ҳаракати юзага келади. Рухий ва тарихий тараққиёт моҳиятни маънавиятнинг, онгли мавжудотлар фаолиятининг яхлит қагламиши ташкил этади. Академик Вернадский ўз вактида уни «поосфера» деб атаган эди.

Асад сўнгти пайтларда Коинот ва олам тузилиши муаммолари ҳакида ўйга толаркан, унинг онгида бенхтиёр дин, Худо ҳакида янги-янги саволлар туғиларди. Ҳаммага ва ҳар кимга Худо борлигини исботлаш мумкин бўлмаганидай, Унинг йўқлигини ҳам далиллаш мумкин эмас. Йигитнинг назарида, бу саволлар ҳамиша

очик қозаверадигандай эди. Чекланған онгимиз абадият сир-синоатшарининг энг сүнгти жумбоксларини ҳам ўзлаштиришига кодир әмас. Чексизликниң чекланғанligини иеботлап мүмкін әмас-ку, ахир! Бунда куйидаги холат мұхим ўрин тутади: чексизлик ҳамина чекланған хилкатшардан таңқыл топади. Қошқача бўлини мүмкін әмас! Шунинг учун Парвардигор масаласида биз ҳамина имон-ътиқодимизга таяниб иш туғамиз.

Менделеев жадвалинин 92 унесури ва бопка ташқыл этувчилари бекіёс улкан миқдордаги комбинациялар мажмуасини барно этади, аммо бу тизимлардан таркиб тоңган дунё чекланғандир, уларни айёвий нфодалап шакіллари ҳам ўз сархалшарига өтә. Айни вакіда бу шакіллар тараккij әтадиган мухит – фазо ва вакт бундай чегараға өтә әмас, улар абадийдир. Коншот эса, сон-саноқсиз бопка самолар каторидати кичик бир мингакадир.

Бу чексизликда ҳамма нараса чексиз марға тақрорланини мүмкін. Агар бизнинг Еримиз мавжуд экан, у холла чексиз Коншот худудларыда худди шундай ва шу тартибдаги самовий жиесінде ҳам сон-саноқсиздир. Шундай нааронгда биз ўзға сайдералик олий онг әгалари бўлмиш оға-чиниларимизсиз қандай яшашимиз мүмкін, ахир? Улар доимо шу ерда. Улар башариятни йўқдан бор қизишган. Нима учун оламлараро очик мулокот йўқлиги эса – бопка масала. Бунинг учун башарият, аввало, маънан пишиб етишин керак. Лекин бундай мулокот бир кун бўлмаса, бир кун, эҳтимол, яки истиқболдаёт амалга ошиви тайин.

Латиф оламлар, руҳлар дунёси билан мулокот эса, аз алдан зохир бўлиб келаетган поёб ходисалардандир. Бу масалага кўн жихатдан аклиминг етмагани боис, биз уни ҳамиша инкор килингта бехуда уриниб келганимиз. Мавжудлиги худди осмондаги Күёшнинг мавжудлигидай аник нарсани қандай инкор килиш мүмкін, ахир! Ўзга дунёлар – чинданам ўзга, бегона дунёлардир. Улар турфатуман. Вакти-вакти билан ўзларини бизга эзгу, ҳазилкаш ва айни дамда хавфли жихатлари ила намоён килишаркан, улар ёрдам беришади ва ҳастимизни тадқик этишади, бизни пималардандир огоҳлантиришади ва қўққисдан одамларни даҳшатта солишади. Асаднинг фикрича, бу масалаларга жуда қадим замонлардан илми нужум сохиблари ва космологларга яхши маълум бўлган, асотирлар ва халқ эртакларида мужассамини топган жами дастурларни, шунишгеск, замонамизнинг оламшумул қашфиётлари, жумладан,

А. Чижевскийнинг инсон аъзоларига Коинотнинг қулратли ва бетиним таъсирига оид қашфиётини уйгушлаштирган ҳолда ёндашиш мақсадга мувофик.

Инсоният, айтиш мумкинки, ҳозирча ўз ортидан кимдир ўзини худди йўлбарс ўрмонда Дерсу Узалани кузататгандай, диккат билан узлуксиз кузатиб турганинг кунба-кун гувохи бўлмоқда. Лекин ўша кузатувчи бу ишни эзгу ниятда килаяптими, ёвуз мақсаддами – бу факат Парвардигоргагина аён...

Асад сўнгти ойларда бир нарсага узил-кесил ишонч хосил қилганди: Назира ва бошқа қизлари билан боғлик гаройиб воқсаларнинг моҳиятини ашаб етиши, маълум маъниода уларнинг олдини олиши учун худди ўша ўзга оламлар, рухлар дунёсига оид катта ҳақиқатларнинг мағзини чақиши, улар билан боғлик жами иммий фаразларни жиддий ўзлаштириб олиши зарур эди. Олдинга турган ғовнинг нималигини билмай туриб, уни сиғиб ўтишга интилиш ёки унга қарши кураини кўр ва кар одамнинг таваккалига улкан дарёни кесиб ўтишга чоғланганидай бир гап-да, ахир.

Машинанинг орка ўриндиғида мудраганча ўз ўйларига ғарқ бўлиб ўтирган Гулшода бону кутилмаганда унинг хаёlinи бўлди:

– Асаджон, ҳозир чапга бурасиз-а, мени уйимда қолдириш ёдин-гиздан чиқмасин тағин.

Асад машинасини дарров йўлнинг чапрогига оларкан, хаёл билан бўлиб, бошқа ёкка кетиб қолаёзганини пайқади. Лекин буни билдирамасликка тиришиб:

– Бизникига юра колинг, овқатланиб кетарсиз, кечроқ ўзим олиб бориб қўяман, — дея сўз қотди.

– Раҳмат, укажон, чарчадим. Уйда бафуржадам олай.

Йигит кўк чироқ ёниши билан чапга бурилди-да, машинани Қора-каминига қараб ҳайдади. Шаҳарга оқшом кўна бошлаган, машиналар ҳам анча сийраклашиб қолганди. Кўча четлари ёқалаб ҳар йигирма газ масофада қад ростлаган темир-бетон каҳрабо таянчлари юқорисига – оппоқ сопол қандилларга осилган неон чироклар асфальт йўлни бир текисдаги майин сутранг нур билан чулғаганди.

– Қалай, сафаримиздан хурсандмисиз энди? – сўради Гулшода бону ўсмоқчилааб.

– Бўлмасам-чи! – деди файласуф мамнунилик билан. – Ҳожи ота жуда улут одам экан! Таништирганингиз учун раҳмат сизга...

– Э, нимасини айтасиз! Бундай зотлар юз-икки юз йилда бир туғилади... Ҳақиқий соҳибкаромат...

– Ҳа, авлиёсифат одам экан.

– Ўзимизга узоқ қариндошиликлари ҳам бор экан-ку? – гап кўшиди Гулшода бошуниңг ёнида ўйчан киёфада ўтирган Назира.

Тўғри, – деди башпоратчи аёл тасдиқлаб. – Сизларнинг бобока-лонингиз Шайх Ҳожа Асрор бува Ҳожи оғанинг бобокалони Аҳмад Яссавийга қайсиидир авлодлари орқали хеш бўлган дейишади.

Бир нима ёдига тушди чоғи, Гулшода бону бирдан жилдий тортиди. Қоцлари хиёл чимирилиб, кўзларида сезилар-сезилмас макр учқуни йилтишлагандай бўлди.

– Дарвоке, Асаджон, – деди у негадир гап оҳангига хавотир иниб, – яним тошни жуда авайланглар. У ҳақда зинҳор бирор билмасин. Акс ҳолда, оқибати ёмон бўлиши, жуда ёмон бўлиши мумкин.

– Сиз... нимани назарда тутаяпсиз, опажон? – сўради Асад ҳам ҳушёр тортиб.

Гулшода бону негадир чайналиб жавоб берди:

– Худо кўрсатмасин, у... бошимизга оғат ёғдирмаса гўрга эди...

Хавотири дақиқа сайин ошиб бораётган Асад энди ича асабий оҳангда сўз қотди:

Опажон, илтимос, аниқрок гапирсангиз!

– Э-э, нимасини айтай, ука, шу тош ҳақида ўйласам бўлди, дарров кўнглимини ваҳима босади, ўзим ҳам тушунолмаямсан.

– Бунинг сабаби бордир, ахир?

– Бунинг аниқ сабабини билини учун муроқаба ҳолатига тушиб, тош устида баъзи тажрибалар ўтказишимиз керак.

Асад машина чамбарагини яна чапга буаркан:

– Тажриба ўтказишимиз учун ким бизга ҳалақит беради, она-жон? – деди кескин оҳангда.

Башпоратчи аёл қониқин билан бош иргади. Унинг лабларига сезилар-сезилмас маккорона бир табассум кўниб ўтди. Лекин буни ним қоронғида Асад ҳам, Назира ҳам яна пайқашмади.

Машинани четга олиб, Гулшода бону яшайдиган тўрт қаватли ғишин бино ёнида тўхтатган файласуф ортига ўтирилиб, орқада ўтирган башпоратчи аёлниңг кўзларига тик қаради:

– Шунчалик хавотирда экансиз, бизникига кетдик, тажрибани хозироқ бошлиймиз.

– Ҳаммамиз чарчаганмиз, Асаджон, – деда сохта кулумсираб ўтироz билдиришга уринди Гулшода бону.

– Шахсан мен чарчамаганман! – яна гапни чўрт кесди Асад.

– Мен ҳам! – деда отасини қувватлади ҳамон ўйчан ҳолда ўтирган Назира.

Башоратчи аёл ўзини пича иккиланган кўрсатиб, уйига бир караб кўйди-да, охири бош иргаб розилик билдириди.

– Бўлмаса, мен уйдан бир хабар олай. Юз-кўлимни ювиб, тахорат ушатиб, тезда чикаман.

АЖРИМ

Улар машинада Ҳазрати Имомдаги кўк дарвоза кошида тўхташганида, коронги гушган, турфа-туман газ ва чаинг-тўзошлардан хира торған шаҳар осмонида юлдузлар аранг милилийлаб кўзга таниланар, эски шаҳар кўчаларидаги шовкин-сурон тиниб, чор атрофдаги тор ҳовлилардан катта-кичик итларнинг бозовта хуригани кулоқка чалинарди, холос.

Қўши тавакали катта кўк дарвозани очиб ичкарига киришаркан, уларни Баҳром Шайх ота боғчилигидаги хонадан инод-хуррам кутиб олди. Оша-сингиллар бирнасда ачомлашиб, бир-бирларини худди бир йил кўрмагандек ялаб-юлқаб кетишиди. Асад ота-онасига сафар таассуротлари ва Ҳожи ота ҳакида мароқланиб ҳикоя килиб берди.

Кечки овкатдан сўнг Асад Гулшода бонуни Назира устида муодажа амали ўтказишини баҳона қилиб, меҳмонхонага бошлади.

Ичкарига киришгач, Гулшода бону дарров жиловни қўлига олди.

– Асаджон, сиз нимкатга ўтиринг, – деди хонада қиблага орқа ўтириб тураркан. – Сиз эса, Назирахон, рўпарамига ўтиб, қиблага караб туринг. Ҳозир медитация амалини бошлаймиз.

Хосиятли тошни қўлига тутган Назира башоратчи аёлдан бир неча қадам нарида тўхтади-да, саросима аралаш унинг кўзларига тикилди.

Гулшода болунинг нигоҳига қўққисдан хавотир ифодаси балқиди. Алланималар деб афсун ўқиб, калима келтирди-да, кафтини юзига тортиб, фотиха килди. Сўнгра кўзларини юмиб, ғалати

тарзда аста бошини сарақлатар экан, муроқаба ҳолатига кира бошлиди. Сүнгра кафтларини худди елинигичдай Назирага йўналтириб, кўзларини катта-катта очганча, ҳазин овозда гап бошилди:

- Она қизим, сен покланаяпсан, хаёт қуйжалари, изтироблар ва ғам-ғуссалардан холи бўлаяпсан. Энди сен Умумкоинот Тафаккур тармогига уланаяпсан. Кўлингдаги тошдан илтижо қилиб, сени олий одамга айлантиришини сўра. Балли, қизим!..

Бу пайтда Назира ҳам муроқаба ҳолатига ўтиб, худди кам-пирлардек буқчайди, кўзларини юмиб, қўлидаги тошни юзига яқинлаштирганча, лаблари билан алланималар деб пи chirлашга киришди.

Ногаҳон қиз қаддини ростлаб, кўзларини катта-катта очганча, Гулпода бонуга савол назари билан бокди. Унинг хушбичим чехрасига табассум ингандай бўлди.

- Хурсанд бўлишга шошилма, қизим, сен билан биз хозир ёқимсиз воеаларнинг гувоҳи бўламиш чоғи. Анави лаънати ака-укалардан бир хабар олишимиз керак, кўнглим безовта: яна қандай ёвузликни уддалаш пайида экан улар. Тошдан илтимос қил: рухингни улар изғиб юрган маконга бошиласин. Фақат адашиб кетма: рух учун латиф оламда фазо ва вакт тушунчаси нисбий маънода мавжуд-у, лекин у маконни тан олмайди. Шунинг учун у истаган жойида наидо бўла олади, истаган жойига зумда кўчаверади. Тошга ялиниб-ёлвор: рухий мулоқотга йўл очсин... Худойим сенга омад берсинг...

Шу чоғ Назиранинг вужудига енгил титрок югуриб, даҳшатли воеаларнинг гувоҳи бўлаётгандай сесканиб кетди. Лекин шу захоти ўзини кўлга олиб, роботларга ўхцапи хиссиз овозда бир ма-ромда ҳикоя килишга киришди.

...Гира-шира оқшом палласи. Икки қаватли, пишик ғиштдан курилган, қора темир дарвозали данғиллама уй ёнига қирмизи «То-йота» машинаси келиб тўхтайди. Унинг ҳеч қандай давлат рақами ва белгилари йўқ.

Машинадан Болтабой тушади. У шошилмай бориб, дарвоза қўнғирогини босади. Дарвоза ўртасидаги бир одам сигарли эшик гийқиллаб очилиб, оstonада ўн беш ёшлардаги қиз бола кўринади.

- Собирбойни чакириб юборсангиз, – дейди Болтабой у билан мулојим саломлашгач. Қизининг унга аллақандай шубҳа аралаш безовта караётганини кўриб, энди кулумсираб сўз қотади:

– Собиқ синфдош оғайниларингиз келишибди, денг! Чойхонада ош килаётувдик, пича дам олгач, яна келтириб қўямиз.

Бироз снгил тортган қиз ичкарига кириб кетади. Болтабой дарров эшикни ёпади. Сал ўтмай вазмин одимлаб, Қора Собир чикиб келади. Эшикни очиб, остоңада турган Болтабойни кўргач, саросимада орқага тисланади. Лекин у лом-мим дейинига улгурмай, Болтабой ушинг бикинига тўппончасини пинҳона тираганча, тишлари орасидан:

– Машинага ўтири, қизталок! – дейди кўзларига қон қуйилиб. – Тўппончам сассиз отади, қилт этсанг, тинчитаман!

Собир қўрқувдан совуқда қолгандай қалт-қалт титраб, беихтиёр олға юради. Шу заҳоти «Тойота»дан чиқкан барвастакомат укаси Тешабой ушинг чаш ёнида пайдо бўлади. Иккови Қора Собирни машина орка ўрициғининг ўргасига олиб, ўзлари икки томондан ўтиришади. Чамбаракдаги Ўроқ машинани ўқдай учириб ҳайдаб кетади.

– Йигитлар, қаёққа кетаямиз ўзи?! – дейди Собир тишлари тақизилаб. – Ахир, мен айтдим-ку, ҳаммасини эртага етказиб бераман. Ўлай агар!

– Бу «эртага»ларнинг чек-чегараси кўринадиганга ўхшамайди, – дейди ёнидаги Болтабой истехзо билан. – Бугун сенинг пича «сухбатинг»ни олмокчимиз.

– Менга қара, Болтабой, онамни ўртага қўйиб қасам ичаман: эртага ҳаммасини оласизлар! Худо урсин!.. – хитоб қиласи Собир бутун баданини совук тер босиб.

– Сенам Худони биласанми?! – дейди Болтабой баттар кесатиб. – Ҳар хил товламачиликларингни ҳам Худо йўлига қилсанг керак, ҳойнаҳой?! Қачон қарама – эртага, эртага, леб сайрайсан, тўтикуш бўлиб кет-э, қизталок!..

Бирдан у боини орқага ним буриб, важоҳат билан бакирди:

– Яна бир марта «эртага»ни оғзишта олсанг, тишларингдан айриласан, манжалаки!..

Улар шахар чеккасидаги довруғи бутун юртини тутган бойваччалардан бирининг хилват чойхонасига етиб келишгач, Қора Собирни ўртага олиб, ичкарига бошлишади.

Чойхонанинг юқори хоналаридан бирида уларни эллик бепп ёшлилардаги, залворли нигоҳи кишига тешиб юборгудек боқувчи оқсоқ кимса кутмоқда. У турфа-туман ичимликлар ва газаклар қўйилиб,

дид билан ясатилган дастурхон тўрида савлат тўкиб ўтиаркан, «Малборо» сигаретини мирикиб тутатади.

Болтабой бошлигидаги йигитлар оркасига икки-уч тенкилаб, ичкарига олиб киришган Қора Собир ранг-рўйи бўзрайиб, букчай-ганча Амирга рўбарў келади.

Нима, «Форд»да тараалла бедод қилиб юриш жонингга тегди чоги?! – дейди у ҳар бир сўзни чертиб-чертгиб ганираркан «мехмон»га тениб юборгудек ўткир нигоҳ ташлаб. – Билиб кўй: сен биз учун ҳаддан зиёд майда сувараксан! Сени янчиб ташланига манави жимжилогимнинг ўзиёқ етарли! Сенинг ишнинг билан жуда-а катта одамлар илтимос қилишгани учунгина шугууланаюмиз, тушуняпсанми, сўтак?! Бўлмаса, сендақа пандавакизлар билан гаплашиб хам ўтирмаes эдик!..

Собир ўлганинг кунидан илжайиб, базур бошини ликиллатади. Чойхона сохиби аста ўриидан туриб, вазмин одимлагапча, ўз «курбон»ига бурни-бурнига теккудай юзма-юз келади.

Товламачиликни қачон йигиштирасан?! – бақиради у Собирнинг кўзларига тик қараб. – Қачонгача ёшларни ласиллатиб тирикчилик қиласан?! Газет-назет ўқийсанми? Телевизор кўрасанми? Замон ўзгариб кетаяти, ахир! Ҳамма ўзини тижоратта урашти! Биздек бообрў зотлар хам пул топишнинг қонун доирасидаги йўлларини ахтараймиз! Ҳатто, сиёсатга хам аралашаямиз! Узлуксиз изланаямиз! Сен бўлсанг, ўша-ўша алмисокдан қолган «касбинг»ни кўймайсан! Алдайсан, зино қиласан, напиа ческасан! Сендан сўраяман, сўтак!.. Ганир-р!.. Охирги марта кимнинг ўғлини ўмардинг?..

Қора Собир тили зўрга калимага келиб: «Амирхон ака, мен...» дече ашланималарни ўлдираган эди, Амир газаб отига миниб, похос сўлақмондай мушигини ишга солади. Бурнидан тирқираб қон келган Собир гумбурлаб деворга боши билан урилиб, ўтириб қолади.

Амир кўулларини белига тираганча, унинг устига энгашади.

– Ганимни ўнг қулоқ-сўл қулогиниг билан эшит, сўтак! Эртага – якшашба. «Форд»нинг хам, «ГАЗ-31»ни хам машина бозорига олиб чикасан. Сен билан Болтабой, кийин анави иккита йигитимиз хам бўлади. Машиналар кечгача қанчага кетса, шунчага тепасанлар! Ёш бола эмассан, нарх-наво қандайлигини биздан яхширок биласан. Пулини жаримаси билан тийин-тийинигача санаб, Болтабойга берасан! Умуман, эртага кеч соат олтигача қарзингдан кутулмасанг, жа-

нозангни ўқийвер! Уйингга кечаси ўт кўйиб, бўйга стган кизчангни олиб қочишади, ўзингни чаваклаб кетишади!.. Буни мен – Амир ганираянман, уқдингми, галварс?!

Кора Собир конга булғангган дастрўмоли ила оғиз-бурнини артганча, илтижоли нигоҳда бош иргаб, розилигини аён қилади...

ИЛОҲИЙ МЎҶИЗА

Назира рўнарасидаги Гулшода бонуга қўркув аралари савол назарни билан тикилади. Кўлидаги япнини энди авайтаб қўксига босади.

Рухий мулокотчи аёл ҳам пича саросимага тушгандай. Лекин у кизни хотиржам кишиш учуним, вазмии оҳангда сўз котади:

– Ака-укалар ҳозирча бизга дахли бўлмаган ўз тирикчиликлари билан машғул экан. Аммо, уларнинг мияларида кизимиизга карши ёвуз режалар ҳам йўқ эмасга ўхшайди. Энди ана шувларни билиб олишимиз керак. Тошдан эса яна илтижо қилиб, авлиё боболаринг руҳи покларини мулокотга чакирипни сўрашимиз керак.

– Жуда тўғри! – башоратчи аёлни қўйлаб-кувватлади нимкатда улардан кўз узмай ўтирган Асад. – Агар чинданам бунинг иложи бўйса, хеч курса, уларнинг маслаҳатини оламиз!..

Гулшода бону ва Назира аввалгидаи йўсимида юзма-юз турганча, яна муроқаба ҳолатига кирдилар. Назира кўзларини юмтанча, аста бошини тебрагиша тушди.

Назирахон қизим, яшм тошдан азиз-авлиё бобокалонларинг жойлангган маконга элтишини илтижо кил, – деди Гулшода бону кафеларини кизга йўналтириб.

Назира кўлидаги хосиятли тошни юзига яқинлаптирганча, аллапималар деб шивирлади-ю, туйкусдан ҳайкалдек қотиб колди.

– Вой, яна Туркистонга, Ҳожи бувамнинг уйларига келиб колдим чоғи? – мингирлари киз аранг товуши чиқариб. Руҳи бопика маконга учиб кеттани боисми, ушинг юз киёфаси совуқкон, локайд, овози ҳам ҳар қандай хиссисётдан холи эди.

– Ҳемак, боболарингнинг руҳи поклари ўша ерга ташриф буюришибди-да? – сўради Гулшода бону ҳам негадир ҳазин овозда.

– Ҳа, – секин жавоб берди Назира. – Улар Ҳожи бувамнинг сл-калари узра ёндош фазода мажлис қуриб ўтиришибди. Шайх Тохир

бобом. Шайх Ҳожа Асрор бобом, Тилла Шайх бобом... Яна бир нотанини бува ҳам борлар.

– Ҳизр бува эмасмикинлар? – ўсмокчилаб сўради Гулшода бону.

– Билмадим... Лекин Ҳожи бувам ўтирган хонтахта атрофида ҳам яна уч одам бор. Уларнинг бирори – чуст дўпили, оқ яктақ кийган, саксон ёппалардаги алиқомат мўйсафид, иккинчиси – унинг ўзги бўлса керак, эллик бени ёшлиардаги, соchlарининг чаккаларига кумушдай оқ оралаган, оқ-сарик юзли басавлат одам. Ҳожи буванинг ёғинасида эса – мўйсафиднинг певараси бўлса керак, унга худди томчи сувдек ўхшаган ёш йигитча ногиронлар аравасида ўтирибди.

– Буваниг бемор кўраётган ёканлар-да?

– Ҳа. Йигитчанинг кўл-оёклари фалаж бўлган кўринади. Бувам негадир унинг ўнг билагидаги шохтомирини бош бармоғи билан босганча сукутга толған. Чамамда, ташис кўймокчилар.

– Йигитчанинг яхшироқ кўриб ол. Кўнглим сезаяти: унда бир гап бор!..

– Зодагон, асилизода одамларнинг фарзандига ўхшайди: йигирма ёшшарда, хушиқомат, дароз, қора конилари худди териб кўйилгандай, теран нигоҳи негадир маъюс... Ё тавба, унинг хушсуврат юзи шунаканги таниш, шунаканги дилимга яқинки, бамисоли у билан минг йилдан бўён синанита яшагандаймиз. Ҳожи бувам энди йигитчанинг қўлини кўйиб юбориб, меҳмонларига юзланди:

– Ишооллоҳ, фарзандингиз Сайдбек шифо топғуси. Буни Худо дилимга солаяти.

Шундай деб, Ҳожи бувам оят ўқинига тушдилар. Унинг елкаси онча мажлис куриб ўтирган авлиё боболарим ҳам кўз очиб юмгуича настга учебиб ўтиб, йигитчани ўраб олишди. Устига энгашиб, худди ташрих (жарроҳлик) қилаётган шифокорлардек хатти-харакатларни бошланди. Энг мухим инши, билишимча, ўргада турган ноганиш бобо бажараётир. Ҳожи бувам эса кўзларини юмганча, оҳиста тебришиб, оят ўқинида давом этаркан, вакти-вакти билан йигитчанинг юзига нафасларини пуркаб, «куф-суф» деб кўярдилар. Айни шун нафаслари оркали Сайдбекнинг миясига ёркин нур дасталари шаклидаги самовий қувват ёнирилиб кираётганини илғадим. Хонтахта атрофида ўтирган барвастакомат мўйсафид билан соchlарининг чаккаларига кумушдай оқ оралаган одам унга ҳайрат ва ҳаяжон билан тикилишаркан, латиф оламда туриб ташрих қилаётган ав-

ли ё боболаримни кўрмайтганлари аниқ. Уларни, ҳатто Ҳожи бувам ҳам кўрмас, лекин муолажа амали ўтказаётганларини ботинан ҳис қилаётган бўлишлари керак.

Бир маҳал бувам кафтлари билан юзларига фотиха тортиб, бемор йигитчага қаратса амр қилдилар:

– Қумм би-иззи Аллоҳ! (Худонинг изни бирла кўнгил! – муаллиф). Омин! Аллоҳу акбар!

Шу пайт чинакам мўъжиза юз берди. Бемор йигитнинг қўл-оёкларига фавқулодда жон кириб, маъюс кўзлари ўтдек чақнаб кетди. У шошилмай, кўрка-писа ўрнидан турди.

Шу заҳоти буваларим ҳам аста-секин ҳавога сингиб кетгандай қўздан ғойиб бўлиниди.

Вой, ногаҳон Тилла Шайх бувам рўнарамдан маҳсус кимёвий суюклиқда энди ранг ола боилинг фотосуратдай сузид чиқдилар. Ўркачдай опиоқ булут устида чордана куриб ўтирганча, каминага ҳавотир аралаш меҳрли нигоҳ ташладилар.

Мен шоша-пиша эгилиб, салом бердим. Бувам алик олгач, дароров асосий гапга ўтдилар.

– Она қизим, анави бемор йигитча ва аниңг ота-бобоси ҳам ўзимизнинг шажарадин, бизнинг авлодга қуда бўлмиш Бухорои шарифлик Сайд Азим Шайх авлодларидин, – дедилар бувам ўзларини хотиржам кўрсатишга уриниб, айни дамда, алланималардан безовталиклари ҳам кўриниб турарди. Яхшилаб таниб олғил. Ҳализамон бир оғиз гап айтгали уйингизга ташриф буюрмоқчи эрдик, кўришганимиз айни муддао бўлмиш. Биз барча саргузаштларингиздин боҳабармиз. Қўлдош Али Ҳожи отанинг маслаҳатларига минбаъд кулоқ тутгайсиз. Яшм тошини кўз корачигингиздай асангиз. Шайтони лайн ҳам андин ҳабар топмиш ва эмди хосиятли тошни кўлга киритмоққа қатъий чоғланмиш. Худо кўрсатмасин, ул баттол ўз ниятиға етур бўлса, яна ҳалиги ёвуз уч оға-ини жиноятчини ишга солиб, бошишгизга кўши касофатларни ёғдиргуси. Ҳозир зарур или или Сомон йўли монтакасига шошилмоқдамиш. Ҳали яна кўришурмиз. Бағоят эҳтиёткор бўлғайсизлар, сизларни Худо ўзи паноҳинда асрасун, она қизим, ҳозирча хайр!

Шундай дея Тилла Шайх бобом ўзлари чордана куриб ўтирган булут парчаси билан бирга бамисоли ҳавога сингиб кетгандай қўздан ғойиб бўлдилар.

ЗУЛМАТ АХЛИ ҚАРОРИ

Улуспир зулмат амирларидан бўлмиш ўз ноиблари Баал Зебуб, Астарот ва Малахга навбатдаги қурултой мажлиси чақиришни буюрган заҳоти «борса-келмас» чигал эҳромга ажинаю алвастилар, кора девлару ёвуз парилар, шайтонлару инс-жинслар бирин-кетин судралиб, югуриб, учиб, сузиб, осилиб кесла бошлиши.

Чигал эҳром тўридаги тиља курсида шайтонга сифинувчиларнинг Олий Ҳукмдори ногаҳон пайдо бўлганида, мажлислар бўлмаси унинг муриллари ва издошлари билан тўлиб-топиган, эҳромда сув сенгандек жимлик ҳукм сурарди.

Тахтининг ортидаги девор ўртасига таңдирга ўхшаган маҳобатли кора ўчок ўринатилган, бир неча одам бемалол сиғадиган бу митти жаҳанинамда гуруллаб жавлон ураётган аланга бўлмадаги зулмат аҳли вакилларининг ўтакасини ёриб, дилларига вахима ва ғулув сонастиданди.

Иблис сакраб ўриидан турли-да, ноибларга оёқлари остидаги шахмат тўшамага ўтиришга ижозат берди. Қурултой аҳли шоша-ниша тўшамадаги ҳар бир катакка чўкка тушишгач, дарров асосий масалага ўтди. Улуспир азбаройи ишлари кўплигидан ҳар қандай расмиятчилик ва қоғозбозликни жини ёктирмас, ҳафтараб мажлис ўтказадиган ерлик амалдорлардан фарқли ўлароқ, иш вактини жуда кадрлар ва ҳар бир лаҳзадаи унумли фойдаланарди.

-- Салом, ҳамкаслар! -- дэя гап бошлади у. -- Бугунги кун тартибимизда яна Ер юзидағи ижтимоий-рухий аҳволига қайтамиз. Ками на кисқача ахборот бераман.

Коинотнинг ўзга олис минтақаларидан фарқли ўлароқ, Ердаги аҳвол сиз билан биз ўйлагандан анча мураккаброқ. Жорий йилда биз ушбу сайёранни чинакам демократик ва озод минтақага айлантириш ва башариятни ўз йўриғимизга солиш борасида маълум ютуқларни қўлга киритган, айни шу йўлда Ернинг турли худудларида турли миллий ва диший низолар, тўкнашувлар, ҳатто, қонли урушлар уюштиришинга эришган бўлсак-да, лекин ишларимиз хали-ҳануз нала-партици ва ўлда-жўлда, расмий топшириқ билан турли худудларга жўнатилган аъёнларимиз ўтакетган калтабинлик билан ландавурларча иш тутишмоқда.

Хабарингиз бор, шопли фарзандимиз Коинотнинг зурриёти Дажжол ср вақти билан 1995 йили ўттиз уч ёнига тўлиб, ушбу сайёрада

фаолият бошлаганди. Биз унинг ҳокимиятни кўлга олиш учун уруш бошлишига хар томонлама омил яратгандик. Лекин, ипни юришмади.

Гап шу ерга келганда, Улусиернинг муштлари туғилиб, чақчайиган кўзларида қаҳр-ғазаб ўтлари чакнади. Шахмат катакларида ўтирган зулмат ахли вакиллари бўри оғалаган кўйлар подасидек жунжикиб, типирчилаб қолишиди. Пича нафасини ростлаб олган Улусиер оғзидан тунук сачратиб, гапида давом этди:

- Оқибатда шонли авлюдимиз Дажжол яна маҳфий фаолиятга ўтишга мажбур бўлди. Лекин бундай «фаолият»нинг бизга кераги йўк. Ҳозир инхона иш тутадиган давр эмас. Эндиликда Ер юзида ошкоралик қанот ёзиб, башарият ҳам очик куранилар, очик фитналар учун айни пишиб етилган. Унга сал туртки берилса бас.

Кўриб турганингиздек, буларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг ўз гуноҳкор баидаларига атаб кўйган жазоси. Айни вактда, булар Унинг бизга атаган маҳобатли тухфаси ҳамдир. Энди мияларинингни ғимирлатиб, сал ўйлаб кўринилар: Ер юзида ҳокимиятни тўлиқ кўлга олишимиз учун бизга бундан-да кулайроқ, бундан-да жўялироқ яна қандай шарт-шароит керак? Бундан-да ортиқроқ яна қандай мадад истайсизлар, ахир??!

Иблис сўнгти жумлани азбаройи куйиб-пиниб, фиғон чекиб айтганидан оғзидан ўт чиқиб кетди. Бу ўт шу заҳоти узун алангага айланиб, шахмат тўшамада ўтирган зулмат ахли вакилларининг устига қуондай ёнирилди. Олдинги қаторда ўтирган инс-жинслар – Нуж, Нут ва Яос оловдан оркага тисарилиб, ерга қаниниб қолипди.

Улусиер сўйлоқ тинсли оғзидан олов пуркаганча, уларнинг теспасига келди. Унинг овози ҳам янада баландроқ ва таҳликалироқ янгради:

- Янглишимасам, ўтиган курултойда мен лашдавур, кўркоқ ва мўттибоз айрим фаолларимизни жазоланига улгурмай қолган эдим. Ана энди интиком соати етди! Гап кимларни жазолашни ҳакида бора-ётганини ўзлари яхши билишиди. Қани, туринглар ўриниларингдан!..

Шахмат тўшамага қапишиб қоян Нуж, Нут ва Яос титраб-кашиб ўринларидан туришди. Улар Иблиснинг қўлидан кўз кўриб, кулоқ эшифтмаган ҳар қандай ёвузлик келишини яхши билишар, шунинг учуними, бутун вужудлари худди бенгак тутгандай қалтиради. Улусиер оғзидан чиқаётган аланга ховурини пасайтириб, ганини давом эттиради:

— Яна эслатиб ўтаман: ҳаммангизга отниңг кащасидай яхши таниш бу нокаслар шахарнинг ёнг кудратли тўдаларидан бирининг жасур йигитлари кўмакланганларига қарамай, ўзларининг ўта лаёкатсиз ва бебурдилкларини намойини килишиди. Боз устига, маҳаллий хукумат тартибот посбонлари билан ишнеклик чикаришди-ю, бу беминнат дастёрларимиздан ҳам жудо бўлишпимизга бир баҳя қолди. Ана энди билиб қўйишлар: бу оламда хеч бир килмиш жазосиз қолмайди!

Улусипр шунлай дея нохос кўлида пайдо бўлган узун арконга ўҳшаган ёрқин нурнинг бир учини яшин тезлигида «гуноҳ»га йўл қўйган уч нафар инс-жине сари улоқтириди. Нур худди илондай уларнинг бўйнига ўралиб, бўта бошлади. Калласи улкан шатлангкулук қаламуини, танаси коп-кора от куйрганини ҳелатувчи Нуж оғриқданми, бўғик овозда чийилдай бошлади. Жундор кора мушук киёфасидаги Яос ҳам бор овози билан гингшиб интрашга туниди. Кўзойнакли илонга ўҳшаган, лекин биқинида ёлдор канотчалари ятираб турган Нутгина миқ этмас, аммо унинг шишадай совук кўзлари кинидан чиккудек олайиб кетганди.

Иблис нур-арконнинг кўлидаги бир учини кескин силтаган эди, унини иккичи учи айбордor инс-жинсларни зумда юкорига кўтариб, курултой қатиашчиларининг бошлари узра чирнирак қилиб айлантира бошлади. Эсхоналари чиқиб кетган зулмат ахли вакиллари бу даҳнатли манзарани бўйинларини кисиб, жунжикиб, вахима ичидатитраб-кашаб томоша қилишарди. Бирдан улар даҳшатга тушиб, кичкириб, чийиллаб, ув тортиб, ўкириб,войвойлаб юбориниди. Кўн овозли ўзим симфонияси бамисоли ёнг юксак, ёнг авж нардаларга кўтарилигандай бўлди. Улусипр энди Нуж, Нут ва Яосни нур-аркон ёрдамида тилла тахт ортида гуруллаб ёниб турган жаҳаннамий аланига оғунияга улоқтирганди.

Ландавурлар! Эшинаклар! — дея оғиздан кўпик сачратиб бакиради у қаҳр-ғазаб ўтида ковуриларкан. — Сенларга дўзах ҳам хайф! Сен иандавакиллар ўчоқда куйиб кул бўлишга ҳам арзимайсанлар!

Инс-жинслар ёлкин ва учқунлар сачратиб, гуруллаб ёнаётган аланга кўйнида кабобдек қовурилишар, жизғанак бўлиб ёнаётган танаалари илондек буралиб-эшиларди. Иблис: «Амримни бажармай, измимдан чикканларининг қандай ахволга тушишини, мана, кўриб кўйинглар!» — дегандай курултой қатиашчиларининг рўнарасида

күзларини чақчайтириб, важохат билан у ёқдан-бу ёқка одимлар, зулмат ахли вакииларининг ўтакасиши ёриб, кўлидаги нур-арконни энди ўз танасига ўраганича, турған жойида кўккисдан чирпирак бўлиб айланади.

Яна кутилмагандан у айланашдан тўхтаб, ўчоққа юзланди. Танасини ўраб олган нур ҳам шу заҳоти ғойиб бўлди.

– Бас! Етарли! – дейа кичқирди Иблис куйиб кулга айланашгандан айблорларга юзланиб. Сўнгра чап кўлини бир силтаган эди, таналари жизганинг бўлиб кетган Нуж, Нут ва Яос бирин-кестин ўчқодан отилиб чиқиб, курултой қатнашчиларининг олдига таппа-тапна ағдарилишибди. Инес-жинесларининг куймаган жойиари қолмаган, фақат митти кўзларигина совук ва аяничили йилтишлар эди.

Улусипир бир сакраб уларнинг тенасига келди, у энди анча ховуридан тушган, бу эса жазо маросими деярли поёнига еттапидан далозлат берарди.

– Аслида сен иокасларга на бу дунё ва на у дунёдан жой бермаслигим, кулларингни кўкка совуриб, руҳларингни совуқ Коинот бўшликларига кераксиз чиқинцидай улоқтириб ташлашим керак эди. Лекин кароматларингни сўнгги бор, яна бир карра синаб кўришга қарор килдим. Энди тан бундай: Ўрга Осиё ҳудудидаги катта шаҳарлардан бирининг марказида Баҳром Шайх деган бир кимсанинг зурриётлари вояга етажтани, улар Куръони каримда катъиян ман этилган фолбилик, кушиночлик ва яна алламбалолар билан шуғулланишаётгани, инчуин, ўша тирмизак қизларининг бошларига ит азобини солишимиз лозимлигиги ўтган курултойда алоҳида таъкидлаб ўтган эдим. Ўша ҳудудда фаолият юритаётгандай айғоқчи гуманиталариминг хабарларига кўра, лаънати уч опасингил ўзларининг узоқ кариндошлиари бўлмиш яна бир муттаҳам табиб бувалари билан тил тошишиб, оғиз-бурун ўшиша бошлабди. Беморларни алдаб, қаллоблик йўли билан бойлик орттираётган Кўлдош Али Ҳожи исмли бу кимсага бир вактлар Аҳмад Яссавий деган... – (Улусипир бу улуғ мутасаввифига нисбатан ҳам ҳакоратли сўз ишлатмокчи бўлди-ю, лекин сўнгти лаҳзада фикридан қайтди. Набийлар ва Яссавий каби азиз-авлиёларга тил теккизишга, ҳатто Иблис ҳам журъат қиёлмас эди) – бир хеши шировардида ўша қизларга бериш шарти билан илоҳий яшм тошини тухфа этган. Бу – аслида тоин эмас, даҳиятли курол бўлиб, унинг ёрдамида келажакда кечажак воеа-ходисаларини олдинцап башорат қилиш, ҳатто, уларга таъсири кўрсатиш мумкин! Тасаввур қиласясизми – бу нима дес-

тани? Бу деган гап, агар биз ўша хосиятли тошни күлгө киритсак, унинг ёрдамида истаган режамизни амалга оширишимиз, истаган кароматларимизни янада юксакрок микёсларга күтаришимиз мумкин!

Улуспир шахмат тўшамада ҳамон жизганак бўлиб, тутаб ётган инс-жинсларни ўзининг чакчайган цигоҳидан бир-бир ўтказаркан, уларнинг тепасига келиб чўнкайди. Йўл-йўлакай чап кўлидаги хориж соатига шоилинч кўз югуртириб кўйди.

Эди сизларга, азизларим, – деди у сал юмшаб, – ана шу тошни кўлга киритиш вазифасини тошираман. Сўшра анави кароматтўй кизларни расвойи жаҳон қилиб, жиннихонага жўнатасизларми, исловотхонагами, буни мияларингни сал ғимирлатиб, ўзларинг хал килларинг! Шахар чеккасида истикомат қиладиган ўша жиноятчи тўда вакиллари хизматингизда бўлади. Сенларнинг тенса-тебран-мас ва бебурдликларинг боис бу ишга ҳам ўзим бони қўшишимга тўғри келади. Тўла раҳнамоларига ўзим йўл-йўрик бермасам, барча саъй-харакатларимиз чипнакка чикиши хеч гапмас. Вазифа тушунарлимӣ?

Нуж, Нут ва Яос чалиак бўлиб ётган жойларида қўрқа-писа куйиб, коп-корайиб кетган бопларини аранг ғимирлатиб, ҳамма гапни уққанларини билдиришди.

Улуспир баъзи бир ҳукми мутлақ, ўзи хон, кўланкаси майдон ерлик раҳбарларга ўҳшаб, мажлисларда факат бир ўзи гапирав, бошка хеч кимга сўз бермас, ўз мулоҳазаларини мухокама қилишга ҳам йўл қўймас, ҳар кандай эътирозни шу заҳоти йўққа чиқаради. Шу боис ҳам унинг ҳамма қарорлари зулмат аҳли томонидан ҳамиша «яқдиллик» билан бир овоздан қабул килинар, бунга ҳамма кўнишиб кетган эди.

Иблис бирдан қаддини ростлаб, олдинги каторда ўтирган ноиблари – Баал Забуб, Астарот ва Малахга юзлапди. Ҳозиргина обдан жазосини олган инс-жинсларга инпора қилиб, фармон берди:

– Анави гўрсўхтаяларни дўзахийлар шифохонасига элтинглар. Бир хафта даволаб, Тошкентга хизмат сафарига жўнатинглар.

Улуспир шу билан гап тамом дегандай, шахдам одимлар билан ўртадаги тилла таҳт сари юрди. У таҳтга ўтириши билан курултой поёнига етганини англатиб, бонг урилди, шу заҳоти Иблис ҳам тумандай эриб, кўздан ғойиб бўлди. Шайтои ва инс-жинслар, ажинаю алвастилар, қора девлару ёвуз парилар бамисоли елкаларидан тоғ ағдарилгандай снгил тортиб, гурр этиб ўринларидан кўтарилишиди.

БЕБОШ РУҲЛАР ЎЙИНИ

Нуж, Нут ва Яос шаҳар чеккасидаги ўша бизга таниш, болохонали шохона уй ёнида пайдо бўллишганида, элас-элас кўринаётган оппоқ тўшли пурвикор тоглар оши офтоб энди уфқдан бош кўтара бошлаганди. Шимолдан эсаётган ёқимсиз шабада баланд темирбетон девор ёқалаб экылган турфа дарахтиларининг баргларини тортқилиб-юзкилар, чор-атроф жимжит, ҳовлида ҳам, айтидан, қабристон сукунати хукм сурарди.

Инс-жинслар девордан ошиб ўтиб, бир лаҳзадаёқ гулзор ҳовлида, чеккароқда ўсан серноҳ ёнғоқ панасида пайдо бўлниди. Ҳовли саҳнидаги мевазор боғдаги кекса ўрик тагида, боғбои бўлса керак, ёскириб ягири чикқан бекасам чонон кийған, ёқисокол мўйсафида дарахтга суюнганча мудраб ўтиради.

Улар ўймакорлик усулида нақи берилган икки тавакали ҳаннаматли ёникдан кетма-кет унисизнина ичкарига киришиди-ю, азбаройи хайратта тушганиларидан остоңада ҳайкалдек котиб қолишиди. Кираверишдаги ҳайҳодай катта айвон шунаканги ағдаргўнтар қилинган, шунаканги тартибсиз холатга келтирилган эдикি, бундай ғайриоддий ишини одамзот амалига опирили мумкинлигинига сира акт бовар қилмасди. Айвон ўртасидаги гулдор сим дастурхон ёзилган хонтахта бамисоли устига юз нуд юқ келиб тушгандай мажаклаб ташланган, унинг атрофига тўшалган атлас кўричалар хоч шаклида бир текисда тарам-тарам киркилган, айвон тўридаги катта хориж нимкати начак-начак қилиниб, оёғи осмондан бўлиб ётарди. Токчаларга кўйилган туvakчалардаги ранг-баранг ва антиқа гуллар бетартиб сочилиб кетган, туvakлари эса чил-чил синдирилганди.

Шилдаги улкан сумалакларни бир-бирига улаб, жозибадор бе-зак берилган биллур қандилларга караб бўлмас, гўё кимлир уларни ўқлоги билан аёвсиз савалагандай увадаси чиқиб, тўкилиб кетган ва энди улар пати юлинган товуқдай мунгайиб кўзга ташланарди.

Ҳаммасидан қизинги, барзангига уч ака-ука Боятбой. Тешабой ва Ўрокбойлар полга тўшалган рашиго-ранг зрои гилами устида бесаранжом холда чалқанчасига юмалоқ, ёстиқ бўлиб, бехуш ётишарди. Тўрла мажаклаб ташланган хонтахта юкорисида кийким-кийким киркилган атлас кўрпача устида оппоқ соchlари тўзжиб кетган, мурдадай бўзарган, ранглар юзини тарам-тарам ажип боғсан шум

кампир чордана курғанча боини хам қилиб, хўнг тушиб йиғлар, ора-чора ўзи билан ўзи сўзлашаётгандай: «Болаларим-а, бу йўлдан қайтинглар, деб айтувдим-а... Худо ургани шу-да... Аммо булар хали ҳолва, энангизниң ахволини кўрмайсизми, ахир, энангизниң ахволини!..» – деда зориилар эди.

– Воажаб! – хитоб қилди Нуж юмалок кўзларини лўқ килганча улкан шаллангқулоқларини сараклатиб. – Бу қандай кўргилик? Бу қандай савдо??!

– Ҳа-я! – тўнғиллади Нут хам бикинидаги ёлдор канотчаларини кимирлатиб. Бу уйда киёмат қойим қўпган шекилли?

Буни фанда польтергейст ҳодисаси дейишади, – билимдошлик қилди баҳайбат қора мушукка ўхшаган Яос. – Бебош рухлар ўйини!

– Бебоши рухнинг ўзи хам шу ерда-ку! – деди Нут тўрда ўтирган кампирга қўйруги билан инора қилиб.

– Ҳа, – деди Нуж унинг гапига изоҳ бериб, – ака-укаларниң энаси у. Кўп ийллар аввал омонатини тошириган. Шўринг қурғур ҳалихануз моддий дунёдан кўнглини узолмаётган саргардон рухлардан.

– Нега энди бу ерда санғиб юрибди экан? – сўради Нут ҳайрон бўлиб.

– Ўзимиздаги алвастиларининг гап-сўзиарига карагаңда, ҳаётлигида мархума жуда шаддод ва сигилтак аёл ўтган экан. Аввал қози, кейин фирқа фаолларидан бўлган. Мотоциклда туманима-туман изғиб, ҳаммани зир титратган дейишидаи. Эр деган тўрсўхтадарни хам пайноқдай алманитирган. Учала фарзанди хам учта бошқа-бошқа эрдан бўлган. Сўнигти фарзандининг отаси билан Фарғонада бино-йидек яшаб турган-у, лекин корнида хомиласи билан туйкусдан бир кечадаёқ каёққадир жўнаб қолган. Кейинчалик маълум бўлинича, Тошкентдаги яна бир ўйнашиникига қочиб кетган экан.

– Моддий дунёда роса даврини сурган, қандини урган эканда, бу маликаи Турандот! – деди Яос жундор оғзининг танобини қочириб.

Каминанинг Худога ишонмаслигимниң боиси ҳам мана шунда-да! – хитоб қилди Нут юмалок кўзларини маъюс юмибочаркан. Агар У адолатли бўлганида, бизга ўхшаган бегуноҳ бандаларни қийнамай, айни шунаقا аёлларни аллақачон оёғини ерга теккизмасдан дўзахининг тўрига иткитиб юборган бўларди.

– О, нимасини айтасан, оғайни, – деди Яос ҳасрат-надомат билан. У дунёда ҳам, бу дунёда ҳам адолат деган нарсанинг ўзи йўқ!..

– Бўпти, сафсага сотишни бас қилинглар! – деди Нуж катъий оҳангда думалоқ кўзларини чақчайтириб. – Ишга киришишимиз керак. Нима қиласиз? Кампир билан мулоқотга киришга уриниб кўрамизми?

– Қийин-ов, – деди Нут шубҳаланиб. Ҳозир унинг қулоғига гап кирадиганга ўхшамайди.

– Ҳеч курса, бу срда нима тўс-тўполон юз берганини билайликда, ахир! – деди Нуж бўш келмай. Шундай дея у кампирнинг рўпарасига келиб, худли тиз чўккандай куйруғини гиламга қўйди.

– Салом, моможон! Нега йиғлајпсан?

Кампир унга эътибор қиласиди, лоақал бошини ҳам кўтармади. Баттар хўнграб йиғлашга тушди.

– Ҳой, моможон! – овозини баландроқ кўтарди Нуж. – Бу уйда нима ҳодиса содир бўлди ўзи?

Кампир яна жавоб бермади. У ич-ичидан куюниб йиглар, охноласи кўкка ўрлагудай эди.

Нуж унга янада яқинрок келди. Калта оёқлари билан кампирнинг елкасига чанг солиб, аста силкитаркан, янада баландроқ овозда сўз котди:

– Ҳой, кампир, нима бало, кар бўлиб қолганимисан? Сендан сўраягиман: бу тўс-тўполонни сен қилдингми? Фарзандларингда нима қасдинг бор эди, ахир?

Айни шу сонияда фавқулодда ҳодиса юз берди: кампир бирдан қаддини ростлаб, узун қўлларини олдинга чўзди-ю, ўsic тирнокларини Нужнинг қилтирик бўйнига босди (улар молдий дунёга ёндош оламда жойлашганиари боис бир-бирларига жисман таъсир қилишлари ҳам мумкин эди).

– Аблахлар! – жон-жаҳди билан қичкирди кампир чўккалаганча Нужни тагига босаркан. Ҳаммасига сенлар айбдорсанлар! Ҳаммасига!..

Бундай тажовузни кутмаган Нуж кўзларини олайтирганча, калта оёқчаларини типирчилатар, қора от қуйругини эслатувчи думи кампирнинг соchlаридай тўзғиб кетган эди. Воксанинг бундай тус олганини кўрган Нут билан Яос дастлаб нима қилишларини билмай, саросимага тушиб қолишиди. Кампир энди Нужнинг устига ўтириб олиб, бор кучи билан уни бўға бошлаганди. Айни вактда хирқирок ва манқа овозда:

– Маразлар! Галамислар! Ўғилларимни сенлар йўлдан ургансанлар! Уларни сенлар шайтон йўлига бошлагансанлар! – дея нола-надомат ческарди.

Калласи каламушикига ўхшаган инс-жинс эса, бамисоли мушкнинг чангалилари орасига тушиб қолган сичкондай тицирчилар, узун қуйруқларини потирлатиб, кампирниң буқчайган елкалари узра айлантириарди.

– Х... ҳой баччағарлар! Н-нега анқайиб турибсанлар!.. Олинглар уни... устимдан! – дея хирқирали Нуж шерикларига карата аранг товуш чиқариб.

Шуцдан кейингина ўзларига келган Нут билан Яос бирданига кампирга ташланишди. Унинг соchlаридан торткилаб, четга судрашиди. Аммо кампир ҳам бўш келмас, бургутдай чайир бармоқларини баттар қисганча, Нужни ҳам ўзи билан бирга судрай кетди. Яос бор кучи билан унинг ўзига чанг солганидагина у қўлларини бўшатишга мажбур бўлди. Орадан бир исча фурсат ўтгач, улар ўғилларининг ёнида узала тушиб ётган кампирниң қўл-оёқларини аркон билан қисиб боғлаб ташлангган, оғиз-бурни қонга беланган Нуж тенасида муаллақ осилганча уни сўроқ киларди:

– Эди тўғрисини айт, шум кампир, ким хонанинг тўстўполочини чиқарди?

– Билмайман.

– Ё ўзиг шундай қилдингми? Яхшиликча буни бўйнингга ол! Йўқса энантини Учқўрғондан кўрсатамиз!

– Мен эмас, бегона одам.

– Канака бегона одам?

– «Алқасосулимниналҳақ» дейдилар. Ўғилларимдан қасос олмоқчи бўйлан одам.

– Нега у қасос олмоқчи?

– Калла борми сизларда ўзи? Ўғилларим якинда уни асфаласо-филинга жўнатишган-да.

– Нега... жўнатишган?

– Нега бўларди, олди-бердиси бўлгандир-да, мен қаёқдан билай.

– Канака олди-берди?

– Мен қаёқдан билай? Бунча мижғов бўлмасаларини?!?

– Гапни айлантирма, шум кампир, тўғрисини айт! Йўқса нак Улуспирнинг ўзига рўпара килиб қўяман!

– Улуспиринг билан қўшмозор бўл, жувонмарг!

– Қарғама, дўзахи! Бу ганингни ўзи эшишиб колса, нак пўстингни шилиб, терингга сомон тикади-я!..

– Тўғри айтасан, мен дўзахи аёлман. Лекин сенлар у ёкка мендан аввалроқ борасанлар!

– Бекорларнинг мингтасини ебсан! Бизни ўзингга тенглаштирма, жодугар!

– Тенг тенги билан, тезак қони билан. Биз сизлар билан бир гўрданмиз.

– Хув, нафасинг ўчур! Ганини Чалғитма! Ўғилларингни ким хунидан айирди?

– Ўша қасоскор одамнинг арвохи.

– Ака-укаларнинг бола-чакалари қаерда?

Улар ҳам ичкарида бехуш ётишибди. Ағдар-тўнтарни кўриб, эхоналари чиқиб кетди, охири бир хонага бикиниб олишган эди, биокувватимни сарфлаб, ухлатиб кўя қолдим.

– Қасоскорнинг ўзи хозир қаерда?

– У кетди. Манави ағдар-тўнтарга бор куч-кувватини сарфлаб, ўзи адойи тамом бўлаётди.

– Қаёққа кетди?

– Миянг курсин, қаёқка бўларди, яна куч-кувват тўплагани энасиника гетди.

– У яна келадими?

– Албатта келади! Манавиларнинг, – у кўзлари билан гизламда ётган ўғилларига ишора килди, – Энасини Учқўргондан кўрсатмагунча у асло тиниб-тинчимайди!

– Уларнинг энаси ўзингсан-ку, шум кампир!

– Шуни айтаяманд-да, ковоқ мия!

– Ким ковоқ мия? Ҳой, лаънати, ким ковоқ мия?..

Ногаҳон ғазаб отига минган Нуж думини силтаганча, визиллатиб кампирни савалай кетди. Ака-укаларнинг онаизори баттар буришиб кетган юзини чапга-ўнгга олиб қочишига уринар, лекин йўргакланган гўдақдай сира бунинг улдасидан чиколмас эди. Нут билан Яос ҳам уни тенкилашга тушиб кетишиди. Кампир ҳар тенки тушганда дод солиб инқилилар, фарёл чекарди.

Охири хуши бошидан учди, шекилли, кампир кўзларини юмиб, жим бўлиб қолди. Инс-жинслар ҳам савалашни бас қилишди.

– Ўлдириб қўймадикми, инқилиб? – леди Нуж нафасини ростлаб шерикларига тикиларкан.

- Унинг ўзи мурда-ку, нимасини ўлдирамиз, – деди Нуж ҳам тез-тез нафас оларкан.

Жим бўлиб қолишиди. Аксига олиб учовининг ҳам миясига бирори жўяли фикр келмаётганди.

Нут хушисиз думалаб ётган йигитларга наришонхотир тикилди.

- Улар қачон ҳуашларига келаркин?

Яос унинг саволига савол билан жавоб қайтарди:

- Улар ҳуашларига келмагунча, биз нимаям қила оламиз?

- Биз бу ҳолда ҳеч нима қиёлмаймиз! – қатъий хулоса қилди Нуж. Кейин худди шерикларини имтиҳон қилаётгандай кўккисдан сўради: – демак, яна нима қила олишимиз мумкин?

У кўзларини чақчайтириб, аввал Нутга, сўнгра Яосга тикилди. Икковидан ҳам садо чиқавермагач, овозини баландроқ кўтарди:

- Хўи? Сизларда ҳам калла борми ўзи? Сал мияларингни гимирлатсаларинг-чи! – деди бирдан ғазаби кайнаб.

Ҳамроҳларининг жунжикиб, қаллаларини елкалари орасига тортишганини кўриб, баттар аччиғланди.

- Мен сизларнинг бошлиғингизман! Бу ёдингиздан кўтарилимагандир, ҳойнахой? – деди у энди дағдага билан. Ер юзидағи аксарият майда бошлиқтар, чиллаки амалдорлар каби у ҳам иккита одамга бўлса-ла, раҳбарлик қилишидан гердайиб, отағоздай ғўдайиб юрар, аслида ғирт тентаклинига қарамай, ўзини ҳаммадан донороқ ва ақллироқ хисоблар ва бу ҳақда зулмат ахли орасида зўр бериб мақтангани мақтанган эди.

- Ё буни ёдингизга солиб кўяйми? – кичқирди Нуж баттар жававага тушиб. – Мендай донишманд зотнинг қадрига етасизларми-йўқми? Ваҳоланки, мен ҳам Улусирига ўхшаб сизларни жазолаш хуқукига эгаман, ахир!..

- Тўғри, тақсир, тўғри! – дейишиди Нут билан Яос кўрқа-писа бошлиларини иргаб. Бу тентакнинг қўлидан ҳам ҳар бало келишини улар яхши билишарди.

Нуж энди ўзини худди Иблисга ўхшаб мағрур ва такаббурона тутгар, ҳавода муаллақ осилганча, куйруғини ликиллатиб у ёқдан-бу ёққа жадал бориб келарди.

Инс-жинисларини бу мураккаб вазиятдаң нохос яна ўзига келган кампир кутқарди.

- Қўл-оёқларимни ечинглар, ўғилларимни ўзим ҳушига келтираман! – деди у хаста овозда инкиллаб.

Зумда унинг тенасига учиб келган Пуж гумашталарига буюрди:
– Бўйнатинглар уни!

Кампир сиртмоқдан бўшаши билан ўридан турди-ю, чирпирак бўлиб айлана бошлади. Азбарой тез айланганидан яғири чиққан узун кора кўйлақдаги жасади аста-секин хира тортиб, кўп ўтмай буткул кўздан ғойиб бўлди. Бу аёл моддий дунёда кози, сўнгра фирмка фаолларидан бўлиб хизмат килгани билан, аслида жодугар эди. Ёшлигида дастлабки эрларидан ўйнашлари хузурига қандай қочиб қолганларини эслаб, рухлар ва инс-жипслар истиқомат килалигидан ёндош оламда ҳам илк марта жодугарлигини ишга солганди.

ДЎСТЛАР ГУРУНГИ

Асад Раҳматилла машқ ўтказадиган спорт бўлмасига кириб келганида, дўсти ёш йигит-қизларни атрофига тўплаб, алланималарни уқтираётган экан. У Асадни кўринни билан шогирдтарига яна пималарнидир тайинлаб, кетишга ижозат берди.

– Э, бормисан оғайн! Бунча соғинтирмасанг одамии! – дея хитоб килди у дўстини белидан маҳкам қучоклаб юқорига қўтараркан. – Беҳазил гапирайпман, кўришмаганимизга ҳам минг йил бўлди-ёв!..

– Ҳа энди, ўзинг таътил бердинг-ку! – деди Асад ҳам кўтаринки кайфиятда жилмайиб. – Ё бундаям мени айбламоқчимисан?

– Албатта-да, – кулди Раҳматилла. – Сенинг айбинг шундаки, худди ўрмонда бўрига йўлиқкан қўзичоқдай каминага қорним оч пайтда дуч келиб турибсан.

– Шуям муаммо бўлди-ю, Чигатойга кетдик, чинакам қўзичоқ іўштидан кабоб олиб бераман. Баҳонада юзта-юзта қилиб, тагин би-ир дардлашамиз.

Бирдан Раҳматилла маъюс тортиб, бошини қуи солди. Асаднинг юзидағи хупчақчаклик ўрнини ҳам бирпасда хавотир ифодаси эгаллади.

– Чигатойга борсак борамиз-у, лекин беҳазил гапириянман, мен юзта-юзтани тўхтатдим.

– Нега энди? Ишларинг яхшими ўзи? Уйда болалар тинчми? – сўради Асад сергак тортиб.

– Худога шукур, болалар тинч. Лекин... сенга бежиз таътил бсрмовдим.

Нима лекин? Ганирсанг-чи, ахир!.. – деди Асад токатсизланиб.

Рахматилла пича ўйланиб турди-да, дўстининг елкасига кўлини кўйиб:

– Кетдик, Асадбой, биномизнинг орка томонида маҳалла чойхонаси бор, хозир у ерда деярли ҳеч ким йўқ. Чой ичиб, бафуржа гапланимиз, – деди-да, уни ташкирига бошлади...

Чойхонада чинданам чойхоначи ва унинг ўн ёшлардаги ўғлидан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Улар ичкарига киришаркан, чойхона сохиби дарров кўлини кўксига кўйиб салом берди.

– Хуш келибсизлар, акалар, кадамларизга ҳасанот! – деди у ёкимли жилмайиб.

Улар бир чеккадаги мажнунтол тагига қўйилган чорпоя сари юринди, ундаги хонтахта атрофига юзма-юз ўтиришлари билан, чойхоначининг оқ халат кийган ўғли уларнинг олдига бир жуфт обинон билан бир чойнак чой келтириб қўйди.

– Хўши, гапир энди, – деди Асад нон ушатаркан собиқ синфодшининг кўзларига тикилиб. Раҳматилла унча-мунича нарсага бўйин эгадиган йигит эмас, афғон урушидан кон кечиб келганда ҳам кадди букилмаган, энди унинг бошига жицдий бир савдо тушгани кўриниб турарди. – Тинчликми ишқилиб?

Биласанми, дўстим, – дея секин гап бошлади Раҳматилла пиёлаларга чой куяркан. Халқда: смоқнинг кусмогиям бор, деган гап бор. Беҳазил гапирайтман, якинда мен жуда катта рухий ларзани бошимдан кечирдим. Бундан бир ойча муқаддам боя бўлмада ўзинг кўрган шогирдларим меҳмонга таклиф килиб қолишди. Фин хаммомида бир хордик чикарамиз, деб ҳоли жонимга қўйипмагач, оёғим тортмайгина бордим. Кўнглим бир ёмонлик сезган эканми, бора солиб хаммомга кираверишга ёзилган шохона дастурхонда роса меҳмондорчилик бўлди, аёллар аралашибди...

– Емоқнинг кусмогиям бор, деб боя бежиз айтмадим, – дея гапида давом этди Раҳматилла афсус-надомат билан хўрсиниб. – Беҳазил гапирайтман, бир исча фурсатлик хузур-халоватни деб касаллик ортиридим, йўл кўйган гуноҳим кон бўлиб бурнимдан чиқди, нешонамда бир умрлик кора тамға бўлиб колди.

– Ҳа, оғайни, дунё ўзи азалдан шунака нотакомил курилган пекилли, – деди файласуф ўйчан оҳангда унга жиндек бўлса-да, тасалли беришга кодир таъсирчан сўзларни ахтараркан. – Одамзод онгли мавжудот сифатида дунёга келибдики, нафс балоси ҳам

уни изма-из таъкиб қилади. Бу тўрт кунлик дунёда худди нариги дунёга ортмоқлаб кетмоқчидай ўлиб-тирилиб бойлик орғтиришга, шохона уй-жойлар қуришга, нафс балоси билан опинолик килишига бутун умрини сарфлайди. Ҳаётнинг мазмун-моҳияти фақат шулардан иборатдай, фоний умри тугаб бораётганига қарамай, чумолидек ҳамма нарсанни ишига ташийди, себ тўймас тўнғиздек ҳамма нарсанни жигиёнденига уриш пайида яшайди. Бу масалада сен «янги Амрико очдим», деб иргишламасанг ҳам бўлади. «Беайб – Парвардигор», деб бежиз айтишмаган, ахир!

– Дунёнинг потакомиллиги масаласидаги фикрининг мутлақо кўшилмайман, – деди Раҳматилла қатъий оҳангда. – У ҳайратомуз даражада мукаммал яратилган. Ҳом сут эмгани бандасигина уни худди олмага тушган куртдай гажин билан овора...

– Бу гапингда, умуман, жон бор-ку, – дея ёътиroz билдиришга уринди Асад файласуфлиги тутиб, лекин одамзод комил инсон даражасига кўтарилиб, Ҳакка стишгунинг қадар ҳаётнинг кўп чигирикларидан ўтиши, кўн азоб-уқубатларни бошдан кечириши шарт экан.

– Бу қанақа фалсафа?

Сўфий мистиклар фалсафасига кўра, имкониятдан амалиётгача бўлган йўлда етти водий мавжуд экан. Буюк мутасаввиф Ал-Ғаззолийнинг таъкидланича, мистик ҳақиқат изловчи Парвардигор висолига етишини ўйлида етти водийни ва руҳнинг ети тунини босиб ўтиши керак. Улар – билим, тавба-тазарру, тўсик ва кийинчиликлар, баҳтсизликлар, таҳдид ва таъкиб, чексиз умидсизлик ва ниҳоят, илоҳий омад.

– Бехазил гапирайман, диссертациянг тайёр бўлиб қолибди чоги? – деди Раҳматилла кинояли кулумсираб. Ноҳуш гапшардан бироз бўлса-да чалғита олганидан хурсанд бўлган Асад кувюқлик билан ҳозиржавоблик кўрсатди:

– Бўлмасам-чи, берган таътилинидан унумли фойдаландим-да.

– Унда сен билан биз ҳозир қайси водийдамиз?

– Чамамда, тавба-тазарру водийсида.

– Ўхў, ҳали олдинда бизни қанча баҳтсизликлар, таҳдид ва таъкиблар, чексиз умидсизликлар кутаётган экан-да?

– Бу – тасаввуф фалсафаси қонунияти.

– Бунақада илоҳий омадга эришгунича қариб-чуриб, адойи тамом бўламиз-ку??

– Масаланинг мохияти мана шунда-да! Бу дунё ташвишларига кўл силтаб, кийинчилик ва бахтсизликларни мардана енгтанларги на илоҳий омадга, яъни Парвардигор висолига стишиб, комил инсонга айланишади.

Рахматилла бир бурда ионни оғзига ташлаб, чойдан хўйларкан, шубҳа билан бошини чайқади:

– Биздан комил инсон ҳеч қачон чикмас-ов...

– Нега энди? Парвардигорнинг карами кенг. У кечиримли. Бутун умр гуноҳ қилган дўзахий одамни ҳам биргина улкан савоб иши учун айбларидан кечиб, жаннатга йўллаши мумкин.

– Унақа савоб иш қилиши бизнинг кўлимиздан келармикин?

– Менинг кўлимидан келмаса-да, лекин сен кўп савоб ишларга кодирсан, бунга ишончим комил!

– Раҳмат, дўстим, анча кўнглимни кўтардинг, – деди собиқ жангчи кўнгли тўлишиб. У Асаднинг исгадир маъюс тортиб, ўйланиб қолганини кўриб сергакланди. Энди собиқ жангчи дўстининг кўнглини овланига тушди:

– Ўзингнинг ишларинг қалай? Ўз дардим билан бўлиб, ҳолаҳвол сўрашини ҳам унутибман. Қизларинг тинчми? Шайх отанинг соглиқлари қалай?

– Раҳмат, ҳаммаси жойида. Биласанми, сўнгги пайтларда мени бир нарса хавотирга солаяпти. Сен билан биз-ку, шўролар даврида чала мусулмоң, чала кофир бўлиб улгайдик. Ёшимиз бир жойга боргачгина ҳақиқатни англаш йўлида тавба-тазарру боскичига амалтақал қилиб стиб олдик. Лескин, фарзандларимизниң келгуси ҳаёті қандай кечади? Масалан, менинг қизларим ҳали даствлабки билим водийсига стиб келмаслариданоқ қанча машъум ҳодисаларниң гувоҳи бўлишиди. Илоҳий омадга эришгунларига қадар уларни ҳаёт сўқмоқларида яна қанча тўғонлар кутаётган экан?

– Бехазил айтаянман, – деди Раҳматилла қатъият билан, – сен билан биз коммунистик мафкура тазики остида вояга стидик. Фарзандларимиз эса – бунга ишончим комил, дунёвий демократик жамиятда яшашади, тўғрироғи, улар инсон хуқуqlари ҳеч курса ноймол қилинмайдиган ана шундай жамиятда эмин-эркин ҳаёт кечиришади. Фарқи борми? Албатта! Ер билал осмонча фарқи бор! Демак, уларниң ҳаёт йўллари бизникига иисбатан анча енгил ва саодатли кечади, дейиш мумкин. Демак, уларни чинакамига бахтли келажак кутади.

— Сен уларнинг зохирий дунёс, яъни мулки одамдаги хаётини назарда тутаяпсан. Лекин кўзга кўринмайдигаи, фақат калб кўзи билан кўриш, маънавий юксалиш орқали англац мумкин бўлган латиф олам, рухлар ва фаришталар олами, Коинот ва илоҳиёт оламидаги хаёт-чи? Уларнинг чинданам мавжудлигини биз ўзимиз ҳам энди англай бошладик. Булар юзасидан олий ўкув юртларида ҳам, мактабларда ҳам, боғчаларда ҳам хеч қандай сабоқ берилмайди. Буларсиз эса Коинот ва олам манзарасини тўлаконли тасаввур қилиш мумкин эмас. Бундай билимлар билан куролланмаган ёшлиаримизни эса, чархи фалак ҳар кўйига солиши мумкин. Мен фарзандларимизнинг келажаги учун айни шу маънода қайғураяпман.

— Бехазил гапирайпман, масалани жуда чукурлаштириб юбординг, оғайни, — гапни ҳазилга бурди собик жангчи атайин ўзини хуничақчақ кўрсатишга уриниб. — Баъзи фикрларингга фарзаидларимиз колиб, ҳатто менинг ҳам ақлим етмаяпти. Кўяйлик энди бу гапларни! Бу ёруг дунёда шод хуррам яшаб, касал нималигини билмай, майшат қилиб юрганга хеч нарса етмас экан. Дилга якин одамларингни севмасанг, яшащдан не муддао? Бу мулки оламда хеч курса битта дараҳт экишдек, биргина етим-есирнинг бошпини силаб, биргина бева аёлнинг кўнглини овлашдек савоб ишга қўл урмасанг, бундай хаётнинг кимга кераги бор?..

— Мана бу — жуда хаётий, гўзал фалсафа! — хитоб килди Асад ҳам кўнглида чироқ ёнгандай кўтаринки кайфиятда. — Ичиц, чекиши, севиш... Лекин, ўзинг ичкиликни ташлабсан чоги?

— Э, нималар деяпсан! — леди Раҳматилла айёrona жилмайиб тиззасига шапати ураркан. — Охиригача даволтаниб олай, отамиз ҳали! Ўқдонда порох бор ҳали! Бехазил гапирайпман...

— Мана бу бошқа гап! Энди ўзингга ўхшадинг!..

Улар хаҳолаб кулишаркан, кўлларини кўттарганча, қарсилашиб кафтларини бир-бирига уришди.

ГОЙИБ ОТА МОЗОРИДАГИ УЧРАШУВ

Болтабой ярим кечаси ётган жойида кўзларини очди-ю, бир зум хеч нарсага тушунмай, ағрайиб қолди. Икки укаси эрон гилами устида маст одамлардай бессўнакай холатларда думалаб ётишар, бутун айвон худди даҳшатли зилзила юз бергандай ағдар-тўнтар килиб

тапланган эди. Шунда кече тунда бўлиб ўтган даҳшатли воқеалар зиммо ёдига тушиди. Тўс-тўполон ярим тунда ногаҳон томдан келлаётган тарақа-турук овозлар билан бошлианди. Ака-укалар аввал зилзила юз берди, деб ўйлашди. Сўнгра хе йўқ-бс йўқ, ўргада турган катта хонтахта ўз-ўзидан қарсилаб синиб кетди, унинг гиламга чалпак бўлиб ёпишиб қолганини кўрган ака-укаларнинг ўтакалари ёрилаёзди. Бамисоли кўзга кўринмас ёвуз бир кимса жавонлардаги чинни идиш-товоқларни шиддат билан у ёқдан-бу ёққа улоқтирас, атлас кўрпачаларни хафсала билан қийқим-қийқим қилиб қиркар, айвон токчасидаги турфа гулларни аямай гилам устига ағдарар эди. Ўша куни ака-укалар катта бир «иш»ни муваффақиятли якунлаб, одам ўлдиришган, сўнгра олган «мукофот»ларини ювишган ва хилватгоҳдаги чойхонада роса майшат қилиб қайтишганди. Уйга қайтиб ёстиққа бош кўйинлари билан бошлиган бу фавкулодда ходисалар боис кайфларидан бирпасда асар ҳам колмаганди.

Болтабой тирриқ кайфиятда ўрнидан турди-да, ташқарига йўналди. Эшикни очиб, остона ҳатлаб ўтди-ю, турган жойида таҳтадек котиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, ховлиси ўрнида улкан мозор пайдо бўлган, хаммаёкни катта-кичик саганалар, қабрлар, уларнинг устига ўрнатилган турли мақбарача ва ёдгорлик тошлари босиб кетганди. Сал нарида гўрков ёки мозор коровули бўлса керак, белкурак ушлаган баланд бўйли аллаким ивирсилаб юарди. Болтабой мармар зиналар оркали пастта тушиб, беҳихтиёр ҳалиги одам сари юрди. Ажабо, «Адидас» қалноқ кийган, коп-кора қошлари худди чимирилгандек юкорига кўтарилган, узун қора чопон ва чараклатиб мойланган чарм этиклиги бу кимсанинг юз киёфаси унга жуда-жуда таниш туюлди.

Болтабой унинг рўпарасида тўхтаб, салом берди. Қора чопонли кимса кўзларини чақчайтирганча унга тикилиб, истамайгина алик олди.

– Бу срда мозор қаёқдан пайдо бўлиб қолди, ака? – деб сўради Болтабой ҳайратини яширолмай.

– Нега у пайдо бўлиб колиши керак?! деди «гўрков» жаҳл аралаш ажабланиб. – Нима бало, кайфинг борми? Бу мозор пайдо бўлганига юз йилдан ошган, ука.

Болтабой баттар ҳайратга тушиб, тили аранг гаига айланди:

– Ахир, бу жой – менинг ҳовлим... менинг уйим-ку?..

– Эсингни едингми, ука, – деди «гўрков» энди очикдан-очик энсаси қотиб унга худди савдойилардек тикиларкан. – Қанақа уй? Қанақа ховли?

Болтабой орқасига ўгирилиб, ҳант-маш бўлиб қолди. Энди уйи ҳам ғойиб бўлган, унинг ўрнида эшиги ўймакорлик санъатининг ёнг нафис усувларида ишланган салобатли, гумбазли, баланд пештоқли дарвозахона шайдо бўлганди.

Атрофга олазарак аланглади. Шу чоғ сал наридаги бўйи ва эни таҳмишан ўн газ атрофидаги тепаси гумбаз қилинган сағана йигитнинг эътиборини ўзига тортди. Эски мусулмон гиштдан одам бўйи баландлигига қурилган бу макбаранинг олд томонида настта олиб тущувчи мармар зиналар бўлиб, зиналар тутаган майдонча охирида занг босган улкан темир эшик кўзга ташланарди. Унинг ичидаги кайсиидир азиз-авлиёнинг мармардан ишланган қабри жойлашган бўлса керак, хаёлидан ўтказди Болтабой. Ҳойнаҳой, бизга ўхшаган шоввозлар уни ҳам аяшмаган, нимани ўмарин мумкин бўлса, ўмарид, нимани бузиш мумкин бўлса, бузиб ташлашган, албатта. Айникса, шўролар давридаги болынавойларнинг бунака ишларга сяяги йўқ эди.

– Қизиқиб қолдинг шекилли? – Болтабой нохос қулоқлари остида янграган овоздан сесканиб тушди. Ўгирилиб, «гўрков» энди ўзи билан ёнма-ён турганини кўрди. Воажаб: унинг бошидаги «Адидас» калпоғининг тепа қисми худди икки шоҳи бордай юқорига туртиб чиққанди. «Нима бало, шайтонми бу?» – хаёлидан ўтказди Болтабой бадани жунижикиб.

– Ака, танишиб қўйайлик, – деди йигит унга қўлини узатиб. – Менинг исмим Болтабой.

– Хавогир қилма, Болтабой, – деди «гўрков» худди унинг фикрини ўқиётгандай. – Камина шу мозорнинг коровулиман. Ўлжабой деб атасинг мумкин.

– Ўлжабой ака, анави сағананинг ичига бир кириб чикишнинг иложи бормикин? – сўради йигит журъатсизгина. – Мармар қабрлар, мумиёланган жасадлар қолганимкин?

– Нима киласан у ерда? – жавоб берди коровул жаҳли чикиб. – Ўлган одамларнинг рухини безовта қилишнинг нима кераги бор?! Бу жой сенга музей ёки томошахона эмас-ку! Мумиёланган жасадларни эса, бекор тилга олдинг. – Ўлжабой ака худди муҳим бир нима ёдига тушгандай ўйланиб турди-ла, сирли оҳангда давом эт-

ди: – Дарвоқе, бундан күп асрлар аввали бу ерда ётган улуг авлиёнинг кабр тоши тагида илохий бир яшил тош хам сакланган, дейишиди. Жуда ноёб хусусиятга эга сөхрли тош! Уни қадимда яшаган мапиҳур ал-кимёгарлар бунёд этишган экан. Айтишларича, унинг баҳоси йўқ эмиш.

– Унинг нимаси ноёб экан? – сўради Болтабой ларров сергак тортиб.

– Унинг ёрдамида истаган ишигни амалга оширишинг, келажакда кечадиган воеа-холисаларни олдиндан билib туришинг мумкин, – деди қоровул бамисоли арзимас бир матоҳ ҳақида сўз юритаётгандай лоқайд оҳангда.

Болтабойинг кўзлари чакнаб кетди.

– Чинданам ноёб тош экан! У ҳозир хам шу ерда сакланадими?

Билишимча, йўқ, – деди қоровул атайнин ўзини гўлликка солиб.

– Бўлмаса қаерда? – яна сўради Болтабой сабрсизлик билан унинг чакчайган кўзларидан нигоҳини узмай.

Айтишларича, кейинчалик уни Хизр бува деган манигу яшовчи авлиё олиб кетиб, саклаш учун яна аллақайси бир авлиёга тоширган эмиш.

– У кайси авлиё экан? Яшм тош ҳалиям унинг кўлидами? – сўрок қилинди давом этарди Болтабой борган сари тоқатсизланиб.

– Йўқ, – деди қоровул, кейин товушини пасайтириб, яна сирли оҳангда изоҳ берди: – Ҳозир тош ўша сенга таниш уч опа-сингилнинг уйига япириб кўйилган.

– Қанақа опа-сингил?

– Дарров ёдингдан кўтарилдими? Уларнинг каттасини кенжеканг севиб қолгани, яқиндагина ох-воҳ килиб юрганини унугибсанда?

– Сиз мени қаёқдан танийсиз?

– Э, ука, шаҳарда, қолаверса, бутун жумхуриятда Болта бойваччани танимайдиган одам бор эканми??

Бу гапни эшитган Болта бойваччанинг беихтиёр оғзининг таноби кочди. У ғурур билан тез-тез нафас ола бошлиди.

Ўлжабой ака боши билан рўпараларидағи сағанага имо қилди.

– У ёқса яқин ўргада деярли ҳеч ким кирмаган, мумкин эмас! Лекин сен... нуфузли одамсан. Агар сағананинг ичига жуда киришини истасанг... марҳамат!

Шундай деб, у Болтабойни чаңг босған мармар зиналар орқали пастига бошлади.

Улкан темир эшик қийинчилик билан чийиллаб очилди ва улар ним қоронғи ертүлага қадам күйинди. Қоровул сал олдинда چүнтак фонари билан йүлни ёритиб борарди. Ертүла ичкарисига юрганлари сари кенгайиб борар, лекин бу ерда ҳеч қандай қабр тоши күрінмесди. Бирдан яна зиналар бопшланиб, улар тағин пастига қараб йұналишиди.

– Мендан ҳеч нараса сұрама; бу ерда савол-жавоб қилиш мүмкін змас! – деди Ўлжабой ака уни аста шивирлаб огохлантиаркан. – Факат томоша қыл, керакли гаптарни үзим айтиб бераман. Шунақанги ғаройиботларни күрсатаманки, унақаси стти ухлаб түннингта ҳам кирмаган. Үзингни йўқотиб кўймасанг, бўлгани, илқилиб...

Ўлжабой ака бу гаптарни уқтиаркан, улар азбаройи эскирганидан тўкилиб кетган зиналар орқали тим қоронғи ертүлага кириб келишиди. Деворлари эски мусулмон ғиитлардан қурилган ертүланинг баландлиги икки газча келарди.

Оёклари остида кўлмак сув шапиллади. Бу ернинг ҳавоси оғир, диккинафас эди. Ногахон чийиллаган овозлар әшитилиб, шундок ёнларидан девор ёқалаб баҳайбат қаламушлар галаси югуриб ўтди. Улар одамларга эътибор ҳам қилишмади. Шунга қарамай, бойвачча кўнгли айниб, қайт қилиб юбораётди. Ҳамроҳининг ахволини пайқадими, қоровул дарров унинг кўлидан ушлаб олди. Бу ишни у жуда вактида килган экан, чунки бир сония ўтмай Болтабой фонарь ёғдуси остида кўнгилни озлиргудек ўлгудай бадбашара махлуққа рўпара келди. У йигитта қаҳр-газаб билан тикилар ва улкан жағдор тишиларини ғижирлатарди. Азбаройи кўркиб кеттанидан Болтабой ўзини кескин четга олди, агар қоровул бўлмаганида, деворга урилиб, бошини ёриши аниқ эди. Ўлжабой ака секингина кулиб кўяркан, унга тасалли берди:

– Ҳечкиси йўқ. Дастлабки пайтларда кўршапалаклардан мен ҳам кўркардим.

Нихоят, улар узуңдан-узун бу мудхиш ертүланинг охиридаги маҳобатли темир эшикка юзма-юз келишиди. Қоровул анча-мунча куч сарфлаб эшикни очганидан сўнг, улар остона ҳатлаб, ярми ғиипт, ярми мармар бўлаклари тўщалган каттакон бўлмага ўтишди. Ертўладан фаркли ўлароқ, бўлма фавқулодда ёркин нурларга чўмган, деворларга ловуллаб ёниб турган улкан шамлар осилган-

ди. Уларни ким ва қачон ёкканини Ўлжабой ака изохлаб ўтиради. Деворлар ёқалаб кишининг дилига ғулгула соладиган даражада ялт-юлт қилаётган оппоқ устунлар қад кўтарганди. Улар йигирмага якин эди. Уларнинг бирига яқинланишган бойвачча шу заҳоти даҳшат ичида ортига тисарилди. Булар шиша тобут (саркофаг)лар бўлиб, ичига мумиёланган эркакларнинг жасадлари жойлантирилган эди. Уларнинг кийим-кечакларига караганда, бу одамлар ўрта асрларда яшаб ўтган жангчи сарбозларга ўхшар эди.

Шу найт мозор коровули бойваччанинг елкасига кўл ташлаб, бўлманинг ўртасига имо килди. Болтабой ўша томонга ўгирилиб, тоши сандиқни ёслатувчи улкан сунага кўзи тушди. «Сандиқ»нинг четларига ўймакорлик усулида жимжимадор гуллар сурати туширилган, копқоғининг сиртига сал-пал хитойчага ўхшаб кетадиган имлода аллакандай ноталиш ёзувлар битилган эди.

—Хосиятли яним тоши ўз лаврида мана шу сандиқда сақланган, — деди Ўлжабой ака йўлдошнинг кулогига шивирлаб. — Уни олиб кетмагунларига қалар бу ерни аждаҳога ўхшаган баҳайбат илонлар кўриклишган ва бу ерга ҳеч ким яқинлашоғмаган. Тоши олиб кетишибди-ю, бу жойнинг файз-хосияти ҳам қолмабди. Анави жасадлар ҳам кўриқчилар саналиб, бирор тошига яқинлашиса, шиша тоутларини ёриб чиқиб, ўғирликка келган одамнинг жонини суғуриб олишган эмиш.

— Ё тавба! — деди Болтабой хайрат бармоғини тишлаб.

— Лекин, сен қўрқма! — шивирлаб гапида давом этарди коровул. — Барибир, тошни кўлга киритишга харакат кил. Агар бу ишни уддаласанг. — Болта бойвачча буни, албатта, улдалайди, бунга ишончим комил, нафақат юртиш, балки жами мулки оламга хукмроиликни кўлга киритишинг мумкин.

Болтабой унга ағрайиб тикиларкан, айни кўнглидаги гани тошиб айтаётганидан баттар хайратга тушганди. Айни дамда хаёлидан: «Нима бало, чинданам шайтонга рўпара келдим шекили», — деган фикр ўтди.

Шу ондаёк коровул бикинига туртиб:

— Намунча мижғов бўлмасан! — дея хитоб килди сал товушини кўтариб, унинг аччиғи чиққани кўриниб турарди. — Мен ҳам Худонинг бир бандасиман. Лекин оддий банда эмас! Истасанг, авлиё дейишинг мумкин. Чунки мен дунёдаги ҳамма гаплардан хабардорман. Айтайлик, кеча кечаси сенинг уйингда бўлиб ўтган ағдар тўнтардан...

Болтабой тунги ғаройиб йўлдошининг жавлон уриб ёнаётган шам нурида аллакандай сирли, кўкимтири тусланаётгани совук башарасига янада синчиқлаброк тикиларкан, азбаройи кўркув ва саросимага тушганидан жағи осилиб колган эди. У тили зўрга айланниб, сўради:

- Сиз буни... қаёқдан билдингиз?
- Айтдим-ку, камина авлиёман ахир!
- Авлиёлар... турли қароматлар кўрсатишади, дейишади. Чина-кам авлиёлигингизни менга исботлаб бера оласизми?
- Жуда кўп савол бераяпсан, - деди қоровул энди аччиқ данак чайшагацдай афтини буришириб. - Бунинг оқибати яхши бўлмайди. Авлиёлигимни сенга аллакачон исботлаб бўлдим. Буни уйинига қайтганингда биласан.
- Йўғ-э?.. Уйимда ҳамма нарса яна ўз холига қайтди. демокчимисиз?

Савол беринини бас қил деяниман! Айтдим-ку, ҳаммасини ҳализамон ўзиниг кўрасан...

Шу пайт Ўлжабой ака жасад солинган шиша тобутларнинг бирига синчков тикиларкан, ранги бўздай окариб кетди. Болтабой ҳам ўша тарафга юзланди-ю, қичкириб юбораёзди. Жасаднинг тўсатдан киприклари кимирлаб, бесёнақай қалип лабларида заҳархандали кулгу ифодаси пайдо бўлганиди.

- Сенга неча бор айтдим-а, ана энди ҳаммаси расво бўлди! ҳитоб қилди қоровул афсус-надомат билан баралла овозда. - Жасадлар тирила бошлишди. Сенга авваидан ҳаммасини тушунтириб берсам бўларкан. Бу ерга кирган ҳар кандай ўғрининг миясида, яшм тош қаерга яцирингандекан, деган савол-ўй бўлади. Жасадлар ҳам ана шу савол-ўйга, умуман, савол биотгўлқинларига созланган. Бу тўлқинлар жасадларга стиб борини билан улар тирилиб, ўғрига хужумга ўтишади. Уларнинг биттаси жонланса, бўлди, шу захоти колган йигирматасини тирилтиради. Ҳай, майли, бўлар иш бўлди, мен уларни ҷалғитиб тураман, сен қочиш пайида бўл!

Шу пайт ҳалиги киприкларини кимирлатган жасад қўйилган шиша тобут қарсиллаб ўртасидан дарз кетди. Эхонаси чикиб кетган Болтабой кимирлашга ҳам ҳоли етмай, ҳайкалдек котиб тураркан, тобутнинг бир бўлаги тўкилиб тушди, айни дамда, ундан аччиқ ва ўлгудай кўланса тутун бурқсиб кўтарилганини пайқади. Тутун тарқалгач, шиша тобут тойиб бўлгани, унинг парчалари асирилик-

дан кутулиб чиккан сирли мавжудотнинг оёклари остида ётганини кўрди. Шу захоти жасад кўзларини очиб, аввал Болтабойга, сўнгра коровулга тешиб юборгудек ғазабнок нигоҳ билан тикилди. Бойваччанинг борлик вужудини аллакандай ибтидоий бир даҳшат хисси чулғади. Иккови ҳам жон-жаҳулари билан ўзларини эшикка отишга интилишар, лекин қандайдир шайтоний бир куч оёқларини занжирбанд қилиб қўйгандай эди. Шу чоғ Болтабой ўз хамроҳининг юзи кандайдир маънисиз, совук бир ифода касб этгани, кўуллари жонсиздай осилиб тушгани, у бамисоли бўғма илоннинг жодули нигоҳига дуч келган кўснчадай жасадининг истиқболига қараб юра бошлиганини кўрди. Ана шундан сўнг юз берган воқеадан бойваччанинг оёқлари акашак бўлиб, хуши бошидан учәёзди.

Мозор коровули худди сеҳрлангандай ўрта асрларда яшаб ўтган, айни дамда, ҳайкалдай котиб турган девдай ҳайбатли жангчи сари юаркан, боинқа шинша тобутлар ҳам қок ўргасидан қарсиллаб дарз кетиб, шипалари тўкилиб туша бошлигани, бўлмани улардан бурксиб чикаётган кўум-кўк ва ўлгудай бадбўй тутун тўлдирганди. Мана, ўлжабой ака даҳнатли маҳлуқ билан юзма-юз келди-ю... Во дариф! Бир сакраб унинг танасига сингиб кетди! Уни ўзига «ютиб» юборган одамхўр «дев» шу захоти жонланиб, олдинга бир қадам ташлади.

Ўтакаси ёрилаёзган Болтабойнинг оёқларини занжирбанд килиб турган кўзга кўринмас куч шу ондаёқ йўқолиб, у бир зум ҳам ўйланиб ўтирмай, ўзини ташқарига отди.

Қўркувдан эс-хушини йўқотгудай холатда бу Худо урган ертўладан юкорига олиб чиқувчи зиналар сари шаталоқ отиб югаркан, орқасидан гумбурлаган оғир қадам товушлари қулогига чалинди. Ортига ўтирилиб қарашга ҳам юраги дов бермай, баттар жон-пони чиқиб, бор овози билан чинқирганча янайам тезроқ юргуди. Мана, нихоят, ҳалоскор зиналарга ҳам етиб олди. Темир эшик остонасидан ҳатлаб ўтди-ю, уни бор кучи билан беркитди. Шу ондаёқ ичкаридан худди Фантомасга ўхниаб ваҳимали дўриллаган кулги овозини эшитди. Бу кинояли кулги шайтоний кучлар тантанасидан далолат бераётгандай эди.

Ўғриликни ўзига касб-кор килиб олган Болта бойвачча умрида газет-журнал ўқимаган, гирт маҳдуд йигит эмасми, ярим тунда кечган бу ғаройиб саргузаштларининг моҳиятини ҳаётининг охиригача англай олмай ўтади... Гап шундаки, «Сирли олам» ойномаси

яқинда бир иімій макола чөп эттән, унда ёзилішича, ўрта асрларда ал-кимәгарлар инсон танасининг бир неча аср яшай олишини таъминловчи модда кашғы кишишін, бу тажрибаларға розилик билдирган одамларнинг қони сүриб олиніб, унның ўрнига инсон жасадини смирилишідан сақловчы маҳсус суюклиқ модда күйишін. Бундан одам ўлмаган, ўзига хос муроқаба ҳолатига ўтиб, летаргик үйкуга кеттеган. Мозий олимлари ўзлари буйёд эттән ягона нұсқадағы илохий яшм тошини күрилдешіде, афтидан, ана шундай одамлардан фойдаланишін күринади.

Болтабой санғиб ўршидан турди-ю, ўзини яна уйида, катта айвонда күриб, сал күнгілі таскин тонди. Иккі укаси иккі томоннан алок-шалоқ думалаб ётишарди. Аландылаб ён-верига тикилди, ажабо: ҳамма нарса яна жой-жойида, кече тунда бўлиб ўтган түстүйполоннинг иси ҳам, изи ҳам қолмаганди.

«Қоровул чиңданам авлиә экан шекиилли?» – хәбелидан ўтказди у ўйчап киёфада тапикарига тикилиб. Гафлат уйқусидаги бу оми ва жохил үйгит шу бугун шайтонлар ва инс-жинслар раҳнамоси Улуспирнинг нак ўзи билан мулокотда бўлганини хәслига келтиришіга ҳам кодир эмас өди...

АЖДОДЛАР ЁДИ

Кўк дўши кийиб, мош-гуруч соколи ёйсимон шакида бир тесис тарарапланған барваста коматли Баҳром Шайх ота дастурхон ёзиғлик хонтахта юкорисида ҳаворанг болишилаб ўтирас, ҳозиргина пахта гулли ниёлага келини қуиб кеттеган кўк чойдан ҳўплаб, рўпарасидаги пастак жавонга қўйилган ойнаи жаҳонга тикиларди. Унда масковлик журналист дунё воеалари ҳакида сўз юритаётганди. Японияда яна кучли зилзила бўлиб ўтибди. Беш юзга яқин одам ҳалок бўлибди. Амрикодан Хитойга учайтган самолёт 300 нафар одами билан уммонга кулабди. Атиги ўнга яқин одамни куткариб қолинінга муваффак бўлишибди. Афғонистонда мухолиф томонлар келиншомай, ўзаро қонли урушни яна давом эттиришаётганимиш. Қаердадир Сибирда, Маринский якинида деди, шекиилли, нефть оргтан поезд издан чиқиб кетибди. Қайсиadir Африко мамлакатини сув босибди. «Ё тавба! – хәбелидан ўтказди Баҳром Шайх ота дилида нохуш безовталик ҳиссенни туйиб. Бу телевизорда иш-

лайдигашларгаям ҳайрон қоласан, киши. Нуқул даҳшатли фалокатлару фавқулодца ҳодисалардан гапиришади. Уни томонга қилган одам замоннинг нечоғли потинч ва қалқиб турганидан беихтиёр ваҳимага тушиб кетади. Дунёда яхши ишлар ҳам бўлаётгандир, ахир? Қандайдир улкан курилишлар, илмий қашфиётлар, миълий байрамлар... Ана ўналардан ҳам гапирса асакаси кетадими, буларнинг?! Айтайлик, мана, камина ўша 300 та одамнинг сувга чўккани ёки поезд ағдарилигини энгитиб, нима каромат кўрсата оламан? Уларга ачиниб, кайфиятим, асабим бузилади, холос. Фикри ожизимча, бошқалар учун ҳам худди шундай».

Ойнаи жаҳонда энди малла сочли ёнгина ўрис аёл аллакайси афсунгарми-ей, фокусчими-ей - ўтда ёнмайдиган, танаси арра билан қок ўртасидан қирқилсаям тирик колаверадиган гаройиб одам ҳакида хикоя қила бошлади.

«Тавба, сўнгти йилларда шунака антиқа одамларам кўпайиб кетди» ҳаёлидан ўтказди Баҳром Шайх ота энди ойнаи жаҳонга маънисиз нигоҳ ила тикиларкан. У ўйга толғанди. Раҳматли буваси Икром Шайх бобо болалигида афсун ва дуолар ўқиб, турфа-туман илоҳий мўъжиза ва кароматлар кўрсатадиган азиз-авлиёлар ҳакида хикоя қилиб бергувчи эди. Ўзларининг аждодлари орасидан ҳам шунака табаррук зотлар стишиб чиккан экан. Масалан, XIII асрда янаб ўтган боболари Шайх Умар Бөғистоний дуо ёрдамида қишда узум етиширган, айни саратон авжига чиқкан паллада дарёни музлата олган экан. У ҳақда ҳалқ орасида тарқалган қўйидаги ривоят то бизнинг кунларимизгача стиб келган:

*Нанайда қишида узум пишиди – тотиб кўрдик,
Ёзда Чирчиқ музга ботди – қотиб кўрдик.*

Лекин у зот ҳозирги фокусчилардан фарқли ўлароқ, ўз замонасининг йирик мутасаввифларидан бўлиб, илоҳиёт ва тариқат илмини мукаммал эгаллаган, илми зоҳирий ва илми ботиний сирсиноатлардан воказиф бўлған. Шайх Умар Бөғистонийнинг ўғли Шайх Хованди Тоҳур бува ҳам ўз илм захираси ва стуклиги жиҳатидан кароматтўй алломалар орасидан юксак ўрини згаллаган. Улуг инсоний фазилатлари ва кароматлари билан бутун Мовароуннаҳр ҳалқлари ва подшолари орасида улкан обрў-эътибор ва нуфузга эришган, олий мақом ва илоҳий сирлар орифи, фуқаро ва акобирлар нуштипаноҳи Шайх Ҳожа Аҳорор Убайдуллоҳ ҳам Шайх Хованди Тоҳур буванинг невараларидан эди.

Шўролар даврида бу буюк сулоланинг иқтидорли ўғлонлари кувғин ва таъкиб-тазиқ килинди, уларнинг баъзилари сургунга жўнатилди, айримлари хорижга кўчиб ўтишга мажбур бўлишди. Пировардида бу кароматгўйлик асрлар оша катта боболаридан сүяқ суріб, неваралари Назира, Наргиза ва Нафисаларга ўтган бўлса не ажаб. Аммо чинакам кароматгўй, чинакам комил инсон даражасига эришигунича олдинда ҳали қанча азоб-укубатлар, ҳали қанча синовлар бор экан? Неваралари қанча синовлардан ўтиб бўлишди, лекин, фикри ожизича, булар ҳали ҳамир учидан патир эканини Баҳром Шайх ога ботиний бир гуйғу билан сезар, бу хақда ўйласа, бўлди, кўнглини ғашлик чулғар, кўкси ғамга ботар эди.

Баҳром Шайх ота анча ўқимишли, маърифатли, ислом фалса-фасини теран тушуниадиган одам бўлса-да, Лавхул Махфузининг кўп ишларига тушунолмас, унинг баъзан акл бовар килмайдиган «ўйин»ларидан боши қотар эди.

Якиндагина Кўлдош Али Ҳожи деган олис аймоклари ва у бериб юборган ғаройиб яшм тоши ҳакидаги хабар ҳам уни лол қолдирган эди. 20-йилларда, кейинроқ, уруш даврида кўп қариндошлари Сайрамга, Шамайга, Афғонистон ва, хатто, Амрикога кўчиб кетганларидан хабари бор ёди. Лескин улар билан ҳеч қандай борди-келдилари йўқ, айниқса, сўнгти ўттиз-кирк йилда алоқалари буткул узилиб кетганди.

Ҳалиги башоратчи аёл Гулиода бонунинг бот-бот уйларига келиб, ўша сехрли тоши ёрдамида неваралари билан аллақандай муроқаба амаллари ўтказастгани ҳам отага хуш ёқмас, бундай муносабати баъзи қотиб қолган диний ақидалар онгига сингиб кетгани боис ҳар қандай башорат ва фол очишларни тан олмаслигидан келиб чиқкан эди.

Баҳром Шайх ота раҳматли бувасидан аллақандай сехрли фалсафа тоши ҳакида ҳам қизиқ-қизиқ ривоятлар эшитган, айтишларича, поёб кристалл таркибли бу тоши ёрдамида муроқаба ҳолатида ўтмишда бўлиб ўтган, ҳозирда ва келажакда кечувчи ғаройиб воқеа-ҳодисаларни кўриш, башорат қилиш мумкин экан. Ўрта асрларнинг машҳур алломаси ва файласуфларидан Ал-Хоразмийнинг ёзишича, бу тоши оддий ҳаво табиатига эга ва шунинг учун ҳам ҳавода кўринувчи ҳамма нарсалар унда акс этаверади. Баъзи бир мутасаввифларнинг фикрича, ҳайратомуз кўринишлар ва келажак манзаралари кристаллга кирувчи рух томонидан «намойиш» қилинади.

Рухни кристалл таркибига киритиш учун эса, ўзаро номутаносиб диний ва магиявий ифодалар қоришмасидан иборат афсундан фойдаланишар экан. Кўпинча кристаллга бир одам караб турар, иккинчи – «рух чорловчи» медиум эса, бир маромда афсун ўқиб, хамрохини мурокаба холатига киритарди.

Бувасининг эътирофича, келажакни башпорат қилиш билан факат сехргарлар ва афсунгарларгина эмас, балки эл-юрт орасида довруғ тараттан валийлар ҳам шугулланишган, илло, бунда улар дуолар ўқиб, Худога мурожаат қилишган ва «кора магия» билан шугулланиб, ёвуз руҳларни чорловчи сехргар ва афсунгарлардан фарқли ўларок, ўз кароматларини эл хизматига, эзгу ва олийжаноб ишларга йўналтиришган.

Ҳар бир одамнинг Худо пешонасига ёзгани бўлади, деганларидек, ота Лавхул Маҳфузда ўн саккиз минг оламда кечадиган ҳар бир воқсани олдиндан белгилаб қўйилгани, тақдирдан қочиб кутулиб бўлмаслигига ишонар, айни вақтда, инсонга берилган ирода эркинлиги, истак-ҳоҳиши ва қучли интилиш ёрдамида тақдир саҳифаларига таҳrir киритиш мумкинлигига ҳам шак келтиролмас эди.

«Хўн олатасир давр бошланди-да» хаёсидан ўтказди Баҳром Шайх ота ойнаи жаҳондан шигоҳини узмай. Зангори кўзгуда энди учта йирик давлат раҳбарининг Беловеж шартномаси тузганлари хусусидаги кўрсатув бериластанди. Ер куррасининг олтидан бир кисмини эгаллаган буюк салтанат парчалана бошилаган, зулм ва истибдод империяси даҳшатли тўлқинлар тўғонида ҳаста осилган чумолидай ўз мавқесини сақлаб қолиш учун сўнгти чора-тадбирларни амалга оширишга киришганди. Айни даврда турфа-туман фирмалар, «халқ» харакатлари бошланиб, кечагина «пролетарман», деб кўксига уриб юрган ялангоёклар бугун яна ҳокимият тепасига чикишга азму қарор қилишганди. Куни кеча фирманинг бўйчадай, юзлари қинқизил мағиздай амалдорлари бўлиб, ҳалқнинг конини сўриб юрган кимсалар эндиликда бир юмалаб демократларга айланишган, турли жамғармалар, қўшма ва кичик корхоналару ҳиссадорлик жамиятлари тушиб, яна дориламон ҳаёт кечира бошлишганди. Айни замонда, авваллари ўртамиёнадан наст олим, чала ҳаким, ўртамиёна шоир, бастакор ёки публицист бўлиб, жамиятда обрў-эътибор тополмай юрган бир гурух нафсониятга берилган, шуҳратнааст, учар ва товламачи нусхалар ҳам Горбачёв эълон қилган «қайта қуриш» сиёсатидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб колини фурсати етганини

аңглаб, ўзларини сиёсат майдонига уришган, шайтонга ҳай беришганди. Илгарилари марксизм-ленинизм асослари ва илмий коммунизмни кўкларга кўтариб, ёшларга маъруза ўқиб юргашлар бугун оғиз кўпиртириб капитализм ва буржуа жамиятининг афзалликларини мақташга тушиб кетишганди.

«Умрида хеч нарса кўрмаган, таг-зоти паст, кўзи оч подшодин Худо ўзи асрасун, - деяр эди доим марҳум буваси. Яхши подшо ўй-жой қуради, йўл қуради, ёмони – борини ҳам йўқ қилади». Ҳозир эса, айнан шундай ўтмиши қоронғи, ҳатто, моҳиятсан жинон-ий ишларга дахлдор кимсаларнинг кўнгли подшо бўлишни тусаб қолганди.

Хом сут эмгап бандасининг табиати ўзи шунақа. Унга салгинча амал курсиси тегса, ҳокимият «маза»сини озгинагина тотиб кўрса, бўлди, босар-тусарини билмай, кибру ҳавога берилади, ўзини буюк ишларга қодир санаб, янада баландрок «дор»га осилягиси келиб колади, аслида ўз ақлий ва маънавий савияси бўйича сариқ чакага ҳам арзимайдиган бу тоифалар нечоғлик майда одамлар бўлишмасин, ўзларини шунчалик юкорироқ даражага муносиб, деб даъво килишади.

«Ҳа, энди янги подшо бўлса, бўлибди-да, бунииг менга, оддий бир дехқон (ёки чўпон)га нима дахли бор, еримга ишлов берив, ҳосилимни ўриб, насибамни териб юравераман-да, кимдир таҳт талашлади, кимдир дунё талашлади, талаша-талаша, барибир, бир кун қабрга киради. Мен бўлсам, ҳалол меҳнатим, пешона терим билан ҳалқнинг қалбига кираман», деган қабилда фикр юритадиганларни Баҳром Шайх ота калтабин одамлар деб санаиди. Чунки ҳаётий тажриба шуни кўрсатдики, ҳар бир тайинланган ёки сайланган юрт раҳбари фаолияти ҳар бир фуқаро, ҳатто, ҳар бир ҳайвон, ҳашарот ёки ўсимлик тақдирида ҳам ўз инъикосини топиши мумкин экан! Хрупчёв ҳокимият тепасига келганда уй ҳайвонларини йўқ қилдирганди, натижада сут ва гўшт маҳсулотлари кескин камайиб, очарчилик бошланишига бир баҳя қолди. Ёки Хитой давлати раҳбари миллионлаб чумчукларни ёппасига кирдиргани оқибатида миллионлаб мева дараҳгалирга қурт тушиб куртлаб колгани кўпларнинг, айникса, кекса авлоднинг ёдидан кўтарилигани йўқ-ку, ахир!

Тарих сарҳадиарида биргина шахснинг ўрни нечоғлик буюклигини Баҳром Шайх ота яхши тушунар, «Эрни эр қиладиган ҳам, ср қиладиган ҳам хотин», деганларилай, «Юртни бўстон қиладиган ҳам, қабристон қиладиган ҳам подшо», деб хисобларди у.

Эшик очилиб, хонага негадир қовоғи уюлган Мунаввархон ая кириб келди-ю, отанинг хаёли бўлинди.

– Чойингиз борми? – деб сўради у чойнак қопкоғини очиб ичига нигоҳ ташларкан. Ярим чойнакдан кўпроқ чой борлигини кўриб, хонадон соҳибининг ёнига ўтириди-да, ноҳуш кайфиятда: – Ўғлинигиз яна Гулшода бонуни боилаб келди, қизларни олиб, меҳмонхонага кириб кетишди. Тош билан боғлик яна алламбало тажриба ўтказишармиш, – деди. Башоратчи аёлнинг бот-бот уйла-рига ташрифи унга ҳам хун келмаётгани кўриниб турарди.

Бахром Шайх ота ўйчан қиёфада аста соқолини тутамларкан:

– Алҳамдулилоҳ, охири баҳайр бўлсин ишқилиб, – деб кўйди.

– Бундек тузукрок ҳам гушунтириб беришмайди, – деди ая ноглигандай бўлиб. – Улар нима қилишимоқчи ўзи?

– Ўғлим, диссертациям учун тажриба ўтказаяпмиз, дейди. Алҳамдулилоҳ, Парвардигор мавжудлигини ғайридинларга илмий асосда исботлаб бермоқчи у.

Ё тавба! Олимларнинг ҳам ақли анча қуюлибди-да! Ҳаммалари азалдан нуқул Худо йўқ деб ташвикот қилишарди-ку!

– Лекин, айни замонда бунинг жазосини олишаяпти. Кўп олимлар, айниқса, домлаларнинг ишлари чаппасидан кетган ҳозир.

– Тавба, аввалиари яхшими-ёмонми, олимлардан бойроқ одам бўймасди.

– Буям Худонинг уларга юборған синови-да, онаси. Булар бари ўткинчи.

– Тўғри айтасиз, додаси, барибир, яхши ният қилган маъқул.

Бахром Шайх ота кўлидаги бошқарув ускунасининг тутмаларини босиб, ойнаи жаҳонни бошка дастурларга бирма-бир ўтказиб кўрди. Ҳаммаёқда рус тилида кўрсатувлар берилаётганди.

– Ўзбекистонда яшаб, ўзбекча кўрсатув томоша киломасанг, – деди Мунаввархон ая кинояли оҳангда қошларини чимириб, – бу қандай бедодлик?!

Иншооллоҳ, ўзбекча кўрсатувларни ҳам томонга қилиш наисиб отади ҳали, кўнглим сезиб турибли, тинчлик-омонлик бўлса, якин йиллардаёқ ҳаммаси жойига тушиб кетади. Юртбошимизга Худо узок умр берсин...

– Илоёй айтганингиз келсин! – деди ая юзига фотиха тортиб.

Айни шу пайтда ошхона эшиги очилиб, Асад кирди. У салом бериб, қозонда гўшт ковураётган хотинининг ёнига келди. Негадир у ташвишли қиёфада эди.

– Онаси, нохуш хабар бор, — деди қовок-лунжини осилтириб. Ҳозиргина ўтказган муроқаба амалимиз яхши чиқмади, ака-укалар яна куфр ишларини...

– Жувонмарглар, яна нима балони бошлишибди? – сўради хотини жон холатда бирдан кўл-оёқларидан малор кетиб.

– Яшм тошини ўтирашга жазм қилишибди! Бу йўлда улар хеч нарсадан тап тортишмайди.

– Анвар акангизга сим қокинг! Бирон фалокат юз бермасидан маслаҳатлашиб, олдини озайлик! – деди хотини эхонаси чиқиб.

– Хотин, – деди Асад асабини аранг босиб, – бу ганин ойимга ҳам, додамга ҳам айтиб бўймайди. Лекин сенга очигини айтаман: улар бугун тундаёқ уйга бостириб киришлари мумкин!

Нималар деяпсан?! Энди шу етмай турувуди ўзи!.. Мелиса чакириш керак, ахир!.. хитоб килди хотини йиғлагудай ахволда.

Асад тунд киёфада бошини ҳам қилиб, ича ўйланиб турди-да, бирдан катъий оҳангда тапирди:

– Мелиса ҳам чакирмаймиз, Анвар акамга ҳам сим қокмайман. Раҳматилла билан маслаҳатлашиб кўрай. Ҳозир мен Гулшода бошуни уйига ташлаб, дўстимнинг олдига ўтиб келаман. Додам билан ойимни ортиқча ташвишига кўймай, ҳозир қайтиб келади, леб қўя колгии.

Шундай леб, Асад жадал одимлар билан ташқарига отланди.

АМИРНИНГ ХУФИЯ РЕЖАСИ

Гулшода бону эрталаб Асадга сим қокиб, негадир кўнгли безовталиги, сехрли тош воситасида жиноятчи ака-укаларнинг «иш»ларидаи бир хабар олиш кераклиги ҳақидаги таклифи айтди.

Бир кун аввал эса, ўртанса қизи Наргиза ғаройиб бир сурат чизиб, отасига кўрсатди. Суратда кора чопон кийган ўша бизга таниш уч барзангি йигит жар ёқасида туриб, чарм куртка кийган жингалак сочли ёш йигитни тўппончадан ўкка тутишмоқда, яраланган йигит эса, жарга қулаётган лавҳа акс эттирилган, кора чопонли йигитларнинг бошлари узра соchlари тўзғиган, тирноклари қошиқдай ўсиб кетган, яғири чикқан узун кора кўйлакли кампир бамисоли фарёд чекиб парвоз киларди. Наргиза аввалилари ҳам ўз-ўзидан илҳомга кириб, кўп суратлар чизган, уларга аллақандай бўлажак воқеаларга

мавхум инора бор, лекин уларнинг аксариятини хеч ким тушуна олмае эди. Кизнинг сўнгги иши Асадни хам, унинг хотинини хам хайратта солди. Қора чопонли уч кимса, халиги уч жиноятчи акаука – Болтабой, Тешабой ва Ўрекбой эканлиги кундай равшан эди. Лекин, анави жингалак сочли ёш йигит ким? Уни нега катл килингани? Бу фожиа содир бўлиб ўтдими ёки энди кутилаянтими?

Сўнгти саволга кўзларини юмганча, сукутда ўтирган Назира ниш ўзи жавоб берди:

– Йигитни эртага тушдан кейин шаҳар чеккасида жарлик ёки дарё ёқасида тинчтишмокчи, – деди у сира иккиланмай.

– Каерда у жарлик? – сўради Асад асабийлашиб.

Бу саволга жавобан Назира сўласини кисиб, яна такрорлади:

– Чукур жарлик тагида сув бордай... Сал нарида юқори кучланниши каҳрабо тармоги таянчлари қад ростлаган...

Назира суратга синичкаброк тикиларкан, бирдан кўзлари чакиаб кетди:

Ахир, бу ўша... Сайрамда, Ҳожи отанин уйнда оёқ-кўллари шифо гонгандай йигит-ку! – деди хитоб қилди у.

Наҳотки? деди Асад хаяжонга тушиб. Чинданам ўша йигитми? Бухорон шарифлик Сайд Азим Ҳожи авлодларидан эди чоғи?..

– Худди ўши! – деди Назира катъий хулосага келиб.

– Унда, энди котиллик юз берадиган жойни аниқланни колди.

Боядан бери уларга кулок солиб, сукутда ўтирган Нафиса бирдан тилга кириб:

– Жойини балки мен айтгарман, – деди айвоннинг пастки бурчагидаги тошойнага кўзларини катта-катта очиб тикилганча. Шу захоти хамма ўтирилиб, ойнага каради. Лекин, хеч ким унда акс этган айвондаги лаин-лушлардан бўлак ҳеч цимани кўрмади. Чамаси, фактат Нафисагина унда алланималарни илгаёттандай эди. – Сув кўраяпман... Катта сув... Бу Чирчик дарёси шекилли... Унинг ёқасида тапиландик завод... Синган, ярим-ёрти темир-бетон тахталар, тўртбурчакли мигти пойdevорлар ва шлакоблоклар... Ундан сал нарида дарёга туташган улкан жарлик...

– Мен бу жойни биламан, – деди Асад жонланиб. – Тузел тарафда...

Назира билан Гулшода бонунинг яқиндагина яшм тоши ёрдамида ўтказган мурокаба амали вактида эса, қуйидаги ғаройиб воқеанинг гувоҳи бўлишиди.

...Болта бойвачча кирмизи «Тойюта»да укалари билан бирга шаҳарни айланасига ўраган ҳалқа йўлни кесиб ўтиб, икки қаватли дингилгама ховлиларнинг бирида тўхтайди. У қўидаги кейс билан машинадан бир ўзи тушиб, ўймакорлик усулида накшин жилолар берилган маҳобатли дарвоза юкорисидаги тугмани босади. Дарвоза чеккасидаги дарча очилиб, унда соchlари тап-такир қирилган бақалок бир йигитнинг ковоксимон калласи кўрилади. Аввал Болтабойга, сўнгра упинг ён-атрофига синчков нигоҳ ташлаб, дарчани беркитади-да, дарвоза ўргасидаги эшикни очади.

Болтабой остона ҳатлаб ўтиши билан рўярасидан чиккаи икки барзангийигит унинг чўнтаклари ва оёқларини пайиаслаб, куроли бор-йўгини текшириб чиқинигач, ичкарига ўтишга ижозат бериншади. Мармар зиналар орқали юкорига кўтарилиб, бўйи 30 газ, эни 15 газлик кагтакон айвон орқали қабулхонага киаркан, энди малла сочни гўзал бир аёл истиқболига чиқади. У Болтабой билан майнин жилмайиб саломлашгач, бир дақиқа кутиб туришни илтимос қилиб, ичкарига йўналади. Лахза ўтмай, эшикни очаркан:

– Марҳамат, Отахон сизни кутаяпти! – дейди ўзини четга олиб.

Ичкарига қадам ташларкан, хонанинг азбаройи нурафшонлигидан Болтабойнинг кўзлари камашиб кетади. Ана шу нурга чўмгац, ялт-юлт килаётган ранг-баранг хориж жавоилари ва нимкатлари билан тўла, оёқ остига жилватар форс гиламлари тўшалган ҳашаматли хонанинг тўридаги улкан олмои столи ортида эллик беш ёшлар атрофидаги, савлатидан от хуркадиган, залворли нигоҳи кишига тешиб юборгудай тикилувчи барвастақомат одам ўтирган жойида унга эринчиюқлик билан кўлинни узатади. Бойвачча шоша-пинса унинг кўлинни қисади. Унинг икки томонида, шахсий қўрикчилари бўлса керак, эшикдаги қоровул каби соchlари тап-такир қилиб олинган, шопмўйлов, спортчиларга ўхшаган келбатли икки йигит хайкалдай тўдайиб турибди.

– Ўтир, – дейди бутун ўрта Осиёга Амир лақаби билан доингтаратган хўжайнин рўярасидаги курсига кўзлари билан имо қилиб. Болтабой кейсни столга кўяди, курсига ўтириши билан хўжайнинининг юз қиёфаси куни кечга мозорда ўрта асрларда яшаган сарбознинг курбони бўлган қоровулга ўхшаб кетишини пайқаб, ҳайратга тушади.

– Ўтган гал ишни қойил қилолмадиларинг, – дейди у норози қиёфада қошларини чимириб. – Курбон бўлмасин, дегани-

мизга карамасдан яна бир одамни гумдон этдиларинг. Оқибатда миршаблар изимиздан тушиб,чувимиз чиқиб қолининг бир баҳя колди. Қонун бўйича сен хозир отилишинг, укаларинг эса, умрларининг охиригача зинданбанд килинишлари керак эди. Яхшики, уларнинг орасида садокатли итларимиз бор. Бу ишни ёнди ёнди қилини учун бир жомадон сармоямиздан воз кечишимизга тўғри келди. Бу аҳвол давом этаверса, иштонсиз қоламиз, ахир! Энди уни икки баравар қилиб тиклаш керак. Табиийки, бунинг масъулияти сенинг зимманигга юкланади, уқдингми, галваре?!

– Уқдим, отахон, – дейди Болтабой нафасини ичига ютиб.

Амир азбаройи газабга мингацидан ўриидан туриб кетади. Кўлларини шимининг чўнтакларига тиқканча, асабий ҳолатда у ёқдан-бу ёкка одимларкан, сукутга толади. Бойвачча бошини хам килганча, чурқ этмай ўтиради. Жўжайнин қаҳр-газаб отига минганида, қўлидан ҳар бало келини, жазавага тушиб тепкилай кетиши, столининг тортмасидан тўппонча чиқариб, нақ пенонасидан отиб ташлаши ҳам ҳеч гапмаслигини яхши билади. Болтабойнинг «Уқдим...» деган жавобини эшитиб, Амир яна жойига келиб ўтиради, сал ҳовуридан тушгандай бўлади.

– Хабаринг бор, биз «Озодлик» ҳалқ ҳаракатига аъзо бўлиб кирганимиз, – дейди энди у анча хотиржам тортиб. – Уни фирмага айлантириш учун корпорациямиз озмунча маблағ ажратмади. Бу иш учун сарфлаган сармоямиз жами низомий жамғармамизнинг кариб ўттиз фоизини таникли этди. Демак, фирмада биз стакчи овозга эга гурухлардан бўлишимиз керак. Бу – биринчи босқичдаги вазифамиз. Иккинчи босқичда эса, биз ноублар сайловида иштирок этишимиз, пировардила хукумат тизимида ҳам энг кучли фракциялардан бирига айланшимиз лозим.

Болтабойнинг ўта зерикарли маърузани тинглашга ўлганининг кунидан чираб ўтирган таълабадай анқайганча, ҳаммаси тушунарли, десандай ҳадсеб бош иргаёттанини кўриб, яна газаби қўзийди-ю, лекин ўзини босади.

– Аммо бизга бу залворли ишларимизда халакигит бергаётган ҳар хил ғаламислар ҳам йўқ эмас, – дейди у гумантасининг эътиборини кўпроқ тортиш учун овозини баландроқ кўтариб. – Майда бир олимча бизга қарши бош кўтариб, камина ва бошқа сафдошларимиз, жумладан, сенинг номзодингни ҳам ҳалқ ҳаракати тизимидан умуман чиқариб ташлаш учун қатъий кураш бошлаган. Чўнтағида

хемири ҳам йўқ бу гадойвачча профессор бизларни жиноят дунёсига дахлдорликда айбламокда. Ана шу галварснинг бир танобини тортиб кўйишимиз керак бўлади.

Бу гани эшитган бойваччага сал жон киргандай бўлди.

– Нима қилайлик, Отахон, асфаласофилиниг жўнатайликми ўша кизталокни? – деб сўрайди у ўтирган жойида қалдини ростлаб.

– Ҳозир ит өгасини танимайдиган алғов-далғов замон, шундай килсак ҳам бўлади-ю, лекин сал бошқачароқ йўл тутамиз. Ўша олимнинг арзанда бир ўғли бор, кўл-обғи шол бўлиб ётган экан, якинда бир табиб ёрдамида шифо топибди. Ана ўша болани ўтиргланаш керак. Шундай килсак, ўша галварснинг юрагини сугуриб олган бўламиз.

– Бу хизматни бизга кўйиб берасиз! – хитоб қиласи Болтабой беихтиёр муштларини туғиб. Бойвачча бундай «ин»нинг дарагини эшитишнинг ўзидан зудгар кони қайнаб, завқ-шавкқа тушгани кўриниб турарди.

– Керак бўлса, ўни ўғлининг оёқ-кўзларини қайта ишл қиласизда.

– Лекин боланинг ҳаётига ҳозирча сункасд қилмаслик керак. Уни ўтирглан заҳотинг дарагини етказсанг, профессор билан ўзим музокара бошлайман. Унинг исеми – Сайдбек Сайдмансур ўғли. Манзилини сенга йигитлар айтиб беришади.

– Марьул, Отахон! – деди Болтабой кўслини кўйиб.

Амир энди столдаги кейсга ишора қилиб, яна дагдагага ўгади:

– Анави келтирганинг тозасиданми, ишқилиб? Соҳта бўлиб чикса, нақ каллаиг кетади-я! – дейди унга кўзларини чақчайтириб тикиларкан. Бу нигоҳи бойваччага яна кечга тушига кирган мозор коровулини эслатади. Бундан батттар ҳайратта тушиб:

– Э, нималар деяпсиз, Отахон! – дейди шопа-ниша гинаомуз оҳангда. – Одам қуриб колгандай, келиб-келиб сизни алдайманми?! Биздаям озгина виждон бор, aka!..

– Бўйти! – дейди Амир сал юмшаб. – Санаб ўтирмайман, сенга ишонаман.

У ўнг томонида турган шахсий қўрикчисига бошини иргаб, бир ишора қилган эди, у кейсни қўлига олиб, зиммо ичкарига йўналади. Амир, «шу билан ган тамом» дегандай, столга кафтини уриб ўрнидан турмокчи бўлган эди, Болтабойнинг яна бир нима демоқчидай тарааддулланиб қолганини кўриб тўхтайди.

– Хүш, яна нима гапиңг бор?

Болта бойвачча сөхрли топи ҳакида хўжайинга айтсанми, айтмасамми, деган масалани ўзи билан ўзи муҳокама килиб, кечаси билан ухламай чикканди. Айтса – тош, янын дунёни забт этининг йўл очувчи топи хўжайнининг тасарруфига ўтар ва ўзи яна «ески ҳаммом, эски тос» билан колаверади. Айтмаса – кейинчалик Амир буни билаб қолса, ўзининг ҳам, укаларининг ҳам пўстини шизиб, терисига сомон тикини кундай равишни ёди. Ўйлай-ўйлай, охири айтининг карор қиласан, чунки Амирдай ёвуз ва шафкатсиз одам бунақа ишларни аслю кечирмас ёди.

Биласизми, Отахон, – лейди у гапни нимадан боинланини билмай туスマодланиб. – Мен бир галаги туши кўрдим. Кизталок, айтсан, ишонмайсан. Хуллас, тупнимнинг сизга учча кизиги йўқ, лекин... ховлимиз мозорга айланниб қолганими...

– Нима-нима? – лейди Амир дарров қовок-лунжини осилтириб. Номининг ўзиёк одамларининг кўнглига кутку ва ғулгула сојувчи, жиноят дунёсида улкан нуфуз ва обрў-эътиборга эга бу курдатли одам ҳам ҳар хил ишим-сиримлар, эскилик саркитларига сидқидиндан ишонарди. Жуда хосиятсиз туш кўрибсан!

Бу ёрини ўшигининг, Отахон, хуллас, ўша мозорда бир авлиё менга баҳоси йўқ ноёб тош қаерга яширилганини аён киёди.

Авалиёми ё... шайтонми? – сўрайди хўжайин кинояли оҳанига.

– Шайтон эмас, авлиё! – жавоб беради Болтабой қатъият билан. – Шайтон бўйнанида, бирорга ем бўймасди.

– Оббо, – лейди Амир энди ёнсаси қотиб. – Нима бало, тушингда уни ялмоғиз кампир ямламай ютиб юбордими? Тушинг ҳам ўзингга ўхшаган гирт бемашни экан!..

– Йўқ, ялмоғиз эмас, – боинин сараклатади бойвачча. – Лекин буларнинг ахамияти йўқ. Ҳамма гап ўша тошда.

Шундай деб, у тошнинг ноёблитини ўз билганича уқтириб беради.

– Мана бу кизик гап! – лейди Амир бирдан кўзлари чакнаб ўрнидан тураркан. – Шунака илохий тошлар ҳакида қасрдадир ўқигандим. У қаерга яширилган экан?

– Баҳром Шайх ота деган бир бобойнинг хоналонида, – зултар жавоб беради Болтабой.

– Баҳром Шайх ота?.. – лейди Амир рўпарасилаги бир нуктага тикилганча ўйчан қиёфага кириб. Кейин алланима ёдига тушгандай

юзи ёришиб, тез сўрайди: – Ҳазрати Имомда, мачитнинг орқасида турадиган Шайх отами?

– Тондингиз! – илжаяди бойвачча.

– Биламан, – дейди Амир жиддийлашиб. – Жуда бообрў оила. Ўғиллари ҳам бакувват йигитлар. Улар билан ўйлашиб муомала килиш керак бўлади.

Йўғ-э, – дейди Болтабой ишонкирамай. – Жа, унчаликмасдир. Кенжа ўғлини кўрганман, пачакқина йигит, қизталок.

– Сен нимани тушунардинг, – дейди Амир энсаси қотиб, пича сукутдан сўнг катъий бир қарорга келиб, ганида давом этди: – Бўлмаса, бундай килсак: сенга ҳалиги галварс профессорнинг манзилини беринади, у билан боёнлик ишни тинчитгач, олмосни кўлга киритиш билан шугуулланамиз. Шайх отанинг хонадонига тўғридан-тўғри хужум уюнтириш хавфли,чувимиз чиқиб қолиши мумкин. Шунинг учун бу хонадонинг якин одамини тониш керак, қўшиносим... кепжа ўғлининг ошиналарими... Ана ўшалар оркали... Тушунаясанми, уни ўраб-авраш, кўркмасдан катта нул ваъда беравериш керак. Зарурият туғилса, бу иш учун кўкидан икки-уч мингнинг баҳридан ўтишга ҳам тўғри келар.

– Шундай одам бор! – дей хитоб киласи Болтабой икки-уч мингнинг дарагини эшитгач, калласига келган ўйдан ўзи ҳам хурсанд бўлиб. – Гулшода бону деган бир фолбин аёл билан улар жуда якин, оғиз-бурун ўпишинади.

– Ишончли аёлми, иниклиб? Пулни яхши кўрадими?

– Яхши кўрганда қандоқ: нул турсан жойда онасини ҳам сотиб юборади, қизталок.

– Кейинчалик сотиб кўймайдими?

– Э, буёгини бизга кўйиб беринг, Отахон! Ўша аёл қўлимизда деб хисблайверинг! Буюрган заҳотингиз уни ўраб-чирмаб, мушукдай хузурингизга етаклаб келамиз!

– Матъул, – деди Амир ниҳоят розилик билдириб.

«Бўлмаса, менга ижозат, Отахон», – дей ўрнидан турган Болтабойни бу сафар хўжайниннинг ўзи тўхтатди:

– Ҷарвоқе, ёдимдан кўтарилий дебди. Сенга яна бир жамоатчилик топшириғиям бор. Аффоңдан жуда кўп йигитларимизнинг тесмир тобутларда жасадлари қайтаянти экан. Шу муносабат билан уч кундан кейин «озодлик»чилар намойиш уюнтиришмоқчи. Кичик бир шаҳарчадан бошлиниб, фирмка Марказқўми биноси ёнида

якун топади. Топшириқ шундан иборатки, тобут күттарған оломон орасыла юриб, күча-күйда дүч кесілган одамларни намойишчиларни күлшаб-куватлап дағырат атыш керак. Тушунаяпсанми, – у олдидеги алланималар ёзилған көзөзге күз ташлаб, гапида давом этди: – Йиглоқи овозда: «Фарзандларимиз бекінде побуд бўляяпти!», «Озги на Ватан туйуси борми, сизларда?», «Хукумат каёкка караяпти?!», «Вижданни борлар биз билан юрсинг!» - қабилидаги сўзларни айтиб, бақир-чакир қилиши керак.

– О, шуям иш бўлди-ю, Отахон! – дея яна хитоб киёлади Болтабой оғзининг танобини қочириб.

– Манави көзини ол! Бу ишига укаларининг, атрофиидаги болика йигитларни сафарбар қилининг керак бўлади. Эплайсанларми, ишқилиб?

– Шуниям энголмасак ўзибмиз-да, эиди, кристалок. Афғондан мениям бир жиянимнинг ўлиги кайтди. Шурликнинг абжанин чиқариб ташлади, ўзининг жасадими, бошқасиникими, мутлако таниб бўлмайди. Бу ёгини бизга кўйиб беринг, отахон, жиянимнинг рухи ҳакки боплаймиз бу ишни!

Амир жангари тумаштасиниш бу жавобидан кошикиш ҳосил қылганини билдириб, маъкул дегандай аста бош иргайди. Лекин ҳамон ковок-димоги уюлган бу одамнинг ўз киёфасидан хеч нимани англаб бўлмас, чунки у жилмайин нималигини умуман унугиб кўйган ёди.

СОХИЛДАГИ ФОЖИА

Асад ўша куни Раҳматиллани тополмади. Чирчиққа кетибди. Кечаси келармиш. Эртасига эрталабдан ишига бормасдан тўғри дўстининг ҳузурига отланди. У катта бўлмада мумтоз кураш бўйича ашилақандай китобни вараклаб ўтирган экан.

Назира билан Гуллода бону илохий тош ёрдамида мурокаба ҳолатида хабар топшигани бу воқеани ёшигтан Раҳматилланинг оғзи қийинайиб қолаётди.

– Ёнирай! Ҳаммаси худди ажабтовур фантастик кинодагидай, а? Бехазил гапирайман!

– Фожиа шундаки, бу с尔да хеч қандай тахайюлот йўқ, барни аччик ҳақиқат! Машъум бапорат бу!..

Собиқ жангчининг ковок-лунжи осилиб, кўзларига хавотир ифодаси балкиди.

- Агар бу таройиб тоидан Амир хабар топган бўлса, ишлар чатоқ, деди у жиддий киёфада. - У билан ҳазиллашиб бўлмайди.

- Мурокаба амалида нотўғри ахбор бўлиши мумкин эмас, - деди Асад қатъий оҳангда. - Чуники тош алдамайди.

- Намойиш бўлишидан хукуматининг хабари бормикин?

Хабарни бор, жавоб берди Асад. - Кечга ганиришаётувди. Катталарап саросимада...

- Ҳалиги шол бўлиб лифо топган йигитнинг маизилни билсанми?

- Биламан, Сайрамдан қайтгач, отаси билан билимхўҳда кўришувдик, ўнандада ёзб берувди.

- Болтабойнинг тўдаси гумдон килмасидан гезда огоҳлантирини керак уларни! Ҳозирок! Чуники буларга одам ўлдириши, тунургаңдай бир гап.

Жуда унчаликмаедир, шахар бедарвоза эмас-ку... иккизланиб-гина ўтироҳ билдириди Асад.

- Жуда ўшашалик! - деди Раҳматилла кескин унинг ганини бўлиб. - Беҳазил ганираяпман, салласини ој деса, калласини ола, диганлар тоифасидан узар.

- Сим коқсак ҳам бўлади, телефониям бор.

- Жуда соз! Ҳозирок сим коқ. Ана телефони!..

Телефон спорт бўлмасининг ўйи бурчидаги шастак столга кўйилганди. Асад жадал юриб унинг тенасига келди-ла, чўйтагидан олган дафтарчасига караб, керакли раками тера бошлади. Кетмакет ду-дулаган овоз ўнитилиб, сал ўтмай, тармокнинг нариги бошида дастакни кўтаришиди. Аёй кини жавоб берадиганди.

- Алло, салом алайкум, яхнисиз, янга? Сандмансур аканинг уйларими бу? Уйдамилар ўзлари? Якинда келадиларми? Оббо, чатоқ бўлди-ку. Ўғизлари-чи? Ҳа, Сандбек. Уям йўкми? Телефонда чакиришиди? Ким чакирди? Бир киз? Қанака киз? Собиқ синфодини оқаними? Алло, яхши ўнитилмаянти... Синфдошимае?.. Бўлмаса ким?.. Эски таниши? - Асад дастакни кафти билан ёпиб, ташвишини киёфада Раҳматиллага сўз котди: - Менимча, йигитчамиз копконга илниб бўйти!..

- Отаси келиши билан дарров бизга сим коқсин, айт! - деди Раҳматилла зултар унинг ёнига стиб келиб. Асад яна дастакка оғзини тутди:

- Яңгажон! Алло! Мен Асадман. Хүжайинингиз билан биз до-рилфунунда кўришувдик. Ўзингиз шифо топганидан хабаримиз бор. Домла айтибмидилар? Ҳа, балли. Яңгажон, илтимос, келишилари билан манави телефонга сим коқенилар, ёзиг олинг: 177-87-97. Ёздингизми? Нихоятда зарур ишлари бор экан, тезда сим коқарканесиз деб айтинг. Ҳўп, соғ бўлинг, хозирча хайр!..

Асад дастакни жойига қўяркан, Раҳматиллага юзланди:

- Сал кечикканга ўшаймиз, ўғлини яқинлагина бир қиз, кимлигини янга билолмаяти, телефонга чакириб, аллакасрга учрапшувга чорлабди. Бу – қонкон! - деди у ғамгиян киёфада.

- Беҳазил гапирайпман, тўғри топдинг! – хитоб килди Раҳматилла ҳам баттар хавотирга тушиб. – Ўргага ёш қизларни қўйиш - уларнинг обдан синалаган иш усули.

- Энди нима қиласми? Кутамизми ё... .

- Отаси... Сайдмансур ака дединг шекилиши? Қаёқда экан ўзи?

- Ноnlари колмаган экан, дўконга чикиб кетибди.

- Яна чорак соат кутайлик, сим қокмаса, қаерда бўлмасин уни топиб, ўшиа... Тузелга отланишимизга тўғри келади.

Лекин телефон узоқ куттирмади. Орадан ўн дақика ўтмай, у жиринглади. Асад сакраб бориб, дастакни қулоғига тутди.

- Сайдмансур ака? Салом! Бу - мен, Асадман. Эсладингизми? Раҳмат, раҳмат!.. Сизда жуда шошилипч гапимиз бор эди. Ўтилингиз масаласида... Йўқ-йўқ, хавотирга ўрин йўқ, янгага ҳам индаманг... Лекин, кўришинимиз керак. Иложи бўлса, хозирок!.. Яхши, ака-жон, биз, тахминан, ярим соатга қолмасдан ўша с尔да бўламиш!..

Орадан ярим соат ҳам ўтмай, улар учовлон Асаднинг ок «Жигули»сида Тузелга қараб йўл солишганди. Вакт тушига якинлашаётганди. Аксига олиб Пушкин кўчасида машиналар серқатнов, боз устига, тез-тез кизил светофор рўнарасида тўхташларига тўғри келаётганди. Пушкин майдонига етиб келишганда, кўчанинг ўргасида турган дароз миршаб йўл-йўл таёқласини кўтариб, умуман, кўча ҳаракатини тўхтагиб кўйди. Ҳаммасининг асаблари таранг, айниска, ҳамма гандан хабар топган профессор ўзини кўярга жой тоиолмаётганди. Беш дакиқадан сўнг аллакандай кора хориж машиналари сафи ўтиб кетиачгина миршаб йўлни очди.

Улар Тузелга етиб келишганда, кўшии айни тиккага кўтарилиган, бу ёқларда машина катиови ҳам анча сийраклашганди.

— Хуванави асосий күчани билдирувчи белги тагидан ўтишини билан ўнга буласан, — деди Раҳматилла олдинга тикиларкан. Дўстининг гап-сўзларидан у борилаётган манзилни яхши билиб олганди.

«Жигули» ўнгта бурилиб, икки томонига катта-кичик уй-жойлар курилган ва шагал ётқизилган торгина кўчага киришди. Орадан ўн дақиқа ўтмай, уй-жойлар тутаб, жўхоризор, сўнгра карам ўсган полизларни кесиб ўтишди. Яна бир неча сониядан кейин боғ-роғлар боғланиб, кўп ўтмай улар хосил бермайдиган ўрис дарахтлари — акас, эман, қайн экилган ўрмонга кириб боришди. Унинг ўргасидан хувиллаган, кимсасиз туирок йўл ўтган бўлиб, чамаси, у Чирчик дарёсига бориб тугашарди. Яна бир неча фурсатдан кейин яланглик такир майдон кўринди. Майдоннинг ўртасига пачакланган, занг босган ва эскириб увадаси чиқсан бир неча қингир-қийшиқ машина қалаштириб кўйилганди. Машиналарнинг ортида темир-бетон деворли кўп қаватли ташландик бино қад кўтарган, бинонинг чор атрофида турли ҳажмдаги темир-тош тахталар, тўртбурчакли ной-деворлар ва пилакоблоклар сочилиб ётарди.

Асад машинани тўхтатиб, ташқарига чиқди. Чунки бу ёғига тупроқ йўл ҳам тугаган, яланглик чеккасида эса, ўрмон яна давом этганди.

Рахматилла билан Сайдмансур aka ҳам машинадан тушниди.

— Бир вактлар бу жой темир-бетон курилма ва ускуналар ишлаб чиқариладиган завод бўлган, — деди Асад ташландик бинога ишора киларкан. Профессор бинога хавотир билан тикилди.

Дарё бу ердан узокми? — сўради Раҳматилла ўрмонни кесиб ўтган бир неча сўқмок йўлга нигоҳ ташлаб.

— Йўқ, — жавоб берди Асад, — янглишимасам, дарёгача яна бир чакиримча масофа бор.

— Ўҳӯ! — деди кўнгли ноҳуш алланимани туюб, дақиқа сайин хавотири ортиб бораётган Сайдмансур aka тоқатсизланиб. — Анчагина йўл экан-ку! У ёғига машина бормаса, тезроқ юрайлик бўлмаса!..

— Кетдик! — деди Асад жадал одимлаб уларни яланглик чеккасидаги сўқмок йўлга бошларкан.

«Профессор туппа-гузук одам экан-ку, сиёсий характератта кандай қўшилиб қолди экан?» — дея хаёлидан ўтказди Асад. «Озодлик»чиларнинг кўпини у яхши билар, уларнинг аксарияти иши юришмаган, ҳаммавақт бирорвлардан, айниқса, хукуматдан

нолиб юрадиган, хасалгуй ва ичи кора одамлар эди. Масалан, бир кўшиси Обид Ёркин деган шоир Ёзувчилар уюшмасида ойлик олиб ишларди-ю, бир амалдор халқ шоирининг шеърларини ўрисчага сўзма-сўз таржима қилиндан бўлак илии йўқ эди. Бу билан яна ўзи мактаниб юради. Касби-корининг тайини йўқ яна бир таниши бўйинбоғ тақиб, қора костюмда ясаниб юради-ю, нукул ўн сўм бериб туринг, йигирма сўм бериб туринг, деб қарз сўраб келларди. Аввалги қарзларини узишини жаҳангирга хам келтирмасди. Охири уни ҳайдаб кутулди. Мана шунака одамлар бир юмалаб «демократ»ларга айланниб колишиганди.

- Сайдмансур ака, сиз «Озодлик» халқ ҳаракатининг фаолларидан ёкансиз-да? - деб сўради Асад олға интиларкан, ортига ўтирилмай.

- Шундай! - деди профессор бош иргаб. - Халқимизнинг чина-кам озодлик ва истиқололга ёриниши учун сиз билан бизга ўхшаган зиёлилар курашмаса, ким курашади?

Гап оҳағигида ўта самимий куюнчаклик, дардманлик бор эди. Буни дарров илғаган Асад унинг фикрини кўллаб-кувватлади.

- Жуда тўғри! Ҳукуматга муҳолиф кучлар бўймаса, жамиятда тараққиёт бўймайди. Тамойил жиҳатидан шундай бўлиши шарт. Лекин мен бу ерда соғлом муҳолиф кучларни назарда тутаман.

- Фикриңизни уқдим, - деди Сайдмансур ака «коса тагидаги нимкосажи» дарров фаҳмлаб. - Биздаги ҳозирги сиёсий фирмалар энди атак-чечак қила бошлигар гўдакка ўхшайди. Уларнинг кўп ҳаракатлари бесўнакай, дуч келган жойда кокилиб, дуч келган жойда оёқдан қолини мумкин. Лекин қачондир, кимлардир бундай ҳаракатни бошилани керак-ку, ахир! Ана шу кимлардир сиз билан биз бўлсан, бунинг нимаси ёмон?

- Сиз мени нотўғри тунундингиз чоғи, Сайдмансур ака! - назо-кат билан унга ўтироҳ билдиришга уринди Асад. - Айтмоқчиманки, ҳозирги сиёсий ҳаракатларни тўлиқ маънода соғлом дейини қийин. Чунки уларнинг таркибига, хатто, юқори қенгашларига жиноят дунёсининг «шуфузли» вакиллари суқулиб кириб олган.

- Мана бу масалада юз фоиз ҳақсиз, дўстим. «Озодлик»нинг чинакамига ҳолис, асл маънода истиқтол учун курашётган вакиллари ана шундай салбий кучларга карши жанг бошилашган. Камина хам ўзимни ана шулар сирасидан хисоблайман. Лекин, таассуфки, ҳозирча бирон ижобий натижага эриши олганимизча йўқ. Қенгани-

мизнинг сўнгти мажлисида мен бу масалани яна бир карра жуда кескин тарзда қўйдим. Агар улар харакат таркибида «фаолият» қўрсатиб қолаверишар экан, шахсан мен уни тарк этажагимни билдирам.

— Аммо, бу чиқишиларингиз сизга жуда қимматга тушишини ўзингиз биласизми? Ахир, сиз «нуфузли»ларга карши кўл кўтараяпсиз-да?..

— Биламан, бош иргади профессор Асадга стиб юришига интилиб лошиллаганча одим отаркан. — Менга нисбатан ёмонлик қилишлари, хатто суиқасд уюшибиринилари мумкинлигини ҳам яхши биламан! Лекин, менинг ёмон бир одатим бор... Ҳа, «ёмон» деб янглишмаяпман, кейинчалик буни ҳаёт кўрсатди: адолатсизликка ҳечам тоқат қилолмайман. Ана шу одатим туфайли ўзимга ўзим кўп душман орттирдим. Менинг савиямдаги олимлар ҳозир Фанлар академиясининг вице-президенти, ҳакиқий аъзоси, ҳеч курса, мухбир аъзоси бўлиб юришибди. Мен бўлсам... Ҳаётда амал поғоналарида юкори қўғариламан десант, риёкор, суллоҳ ва лаганбардор бўлишинг, бошқаларни рањитиб қўймаслик учун улар ҳакидаги ўз фикрингни очик айтмаслигинг, хуллас, ҳамина никоб кийиб юришининг керак экан. Лекин бу иш ҳеч қачон каминанинг қўлидан келмаган, энди эса, ёшим бир жойга боргандга, бундай ишдан, айниқса, ҳазар киламан!..

Асад профессорининг куйиб-ёниб айтган бу гапларидан ташシリланниб кетди. Сочларининг чаккаларига кумушдай ок оралаган, ок-сариқ юзли, элийк беш ёшлардаги бу басавлат одам ҳақида дарров ўз хулюсасини ҳам ясад, рўйин-рост башиборат киљди: диёнатли, имон-эътиқодли, курашчан, ҳақиқат йўлида ҳар қандай қалтис ишга қодир бу олийжаноб одам «Озодлик» сиёсий харакатининг чинақам етакчиси бўлиши мумкин эди. Лекин у ташкилот сифатида уюшмаган, пароканда, жиноят дунёси билан чатишиб кетган бу амалнарастлар тўдасида узок қолиб кетмайди. «Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди», дейишади. У дастлабки эгилганидаёқ харакатни тарк этади. Бу унинг, мушук йўлбарс бўлишини орзу қилибди, деганларидек, кўнгиллари «пюднохлик» таҳтини ёки вазирлик курсиларини тусаб қолган ўша лўттибозларга қарши кураши, исёни бўлади. Пи-ровардида, Асаднинг бу башиборати ҳайратланарли тарзда ҳаётда ўз тасдинини топади.

Аммо ҳозир профессор ўрмон сўқмоги бўйлаб янизлаганича Асаднинг ортидан шошилар, ҳамроҳлари билан ўзини кутаётган даҳнатли фожианинг гувоҳи бўлиш, тақдирдан кочиб кутулиб бўлмаслигига яна бир карра имон кеятириш учун узлуксиз олға интиларди.

Уларнинг ортида жимгина бораётган Раҳматилла туйкусадан қоплондай сергак тортиб, дароз гавдасини чаңдастлик билан настга олди. Аллакаёдан ўқ овозини энниттандай бўлди-ю, шу заҳоти ўзини олис Афғонистон ўрмонларида душманлар курновида юргандай ҳис килди.

- Тўхтанлар! - олдинда бораётган ҳамроҳларига наст овозда шундай деб буюрди-да, қулокларини динг қилиб, атрофга алансла-ди.

Ўнг томондан аллакаидай шовкин-сурон бошнангандай ёди.

- Нима ган? Тинчликми? - сўради Асад тўхтаб ортига ўтириларкан.

- Ўқ овозини эннитмадингларми? - деди Раҳматилла ташвишини қиёфада саволга-савол билан жавоб қайтариб.

Асад билан профессор ҳам хавотирла атрофга жиддийрок қулок тутиб, сабик жангчи тикилаётган томонига қарашди. Ўқ овозини бу сафар улар ҳам эшигишди. Шу пайт Раҳматилла:

- Олдинга юраверинглар! - Ўнроқ томонга ўрмонни кесиб, ўқдай отилади. У кўз очиб юмгунча шерикларида эллик газча олдинлаб кетган, яна сал юурса кўздан ғойиб бўлиши турган ган ёди.

Яна бир неча фурсатдан сўнг дарё соҳилинга стиб келган Асад билан профессор даҳнатли воқеанинг гувоҳи бўлишди. Ўрмоннинг нариги чеккасидан ёввойи кийикдай отилиб чиқсан жингалак сочли ёшгина йигит чукур жарлик ёқасига етгачигина ўзини аранг тўхтатиб колди. Ортидан изма-из қувиб келаётган жинси шимли икки барзangi йигит уни ўққа тутишарди.

Жони ҳалкумига келган Сайдмансур ака йиғлагудай овозда:

- Ахир, бу ўтлим Сайдбек-ку! - дэя кичкирди-да, телба одамдай гандираклаганича улар томонга югуриб кетди. Асад ҳам ҳаллослаб унинг ортидан чопаркан, сўнгги сонияда юз берган воқеадан юраги орқасига тортиб кетди.

Қора куртка кийган Сайдбек ўқ тегибми-тегмайми, ўзини жарга улоқтирган, шу заҳоти унинг таъкичилари ортида пайдо бўлган Раҳматилла икки оёғини икки томонга ёзганча ўзини уларнинг

устига отди. Жанг узок давом этмади. Ҳар иккала «душман»нинг оғзи-бурни копга беланиб, сулайганча оёқдан ағдарилиши учун собиқ жангчининг икки-уч оёқ зарбаси кифоя қилди.

Уларни тинчитган Раҳматилла юргурганча жар ёқасига етиб келиб, пастга қаради. Сўнгра эсхоналари чикиб югуриб келаётган хамроҳларининг даҳшатдан ола-кула бўлиб кетган нигоҳлари остида тиззаларини букиб, кескин юкорига қўтарилиди-да, кўлларини олдинга чўзганча, ўзини жарга отди.

Асад хам, профессор хам қўркув ва саросима ичидаги қичқириб юборишиди.

Улар ҳалюслаб, ҳансираф, жар ёқасига стиб келишганда, ҳозиргина срда думалаб ётган жинси шимли таъкибчилар сирли тарзда қаёқладир ғойиб бўлишганди. Пастда, чукур жарликнинг тубида эса, асов дарё ваҳимали уюрмалар ҳосил қилиб оқар, у срга тушган одамнинг омон чиқини амримаҳол эди.

МАХФИЙ БИТИМ

Икки кундан бери Гулишода бонунинг кўнгли хуфтон, ўзини каерга кўйишни билмасди. Назира билан ўтказган муроқаба амалидан шу нарса аёи бўлдики, жин чалган ўша лаънати ака-укалар ҳадсмай упининг уйига бостириб киришилари керак. Куриб кеткурлар ҳалиги баҳайбат мушукка, шалпангкулоқ қаламуш, кейин кўзойнакли ёлдор илонга ўхшаган инс-жинсларини ҳам бошлиб келишлари тайин. «Ҳозирча бизнинг уйда яшаб тура қолинг», деб айтуди-я, Асад хўп десаям бўларкан. Мана энди осишга ҳукм қилинган, энди эса, ўлимини кутиб каталакдай тўрт девор орасида сарғайиб ётган маҳбусдай гам-қайғуга ботиб ўтириби.

Шу чоқ чўзиқ-чўзиқ телефон жирингини эшилган бону, Асад бўлса керак, деган умидда жон ҳовучлаб дастакни қулоғига тутди. Ундан эшилган овоздан юраги орқасига тортиб кетаёди.

– Менга қара, мегажин, – деди дастакдан эркак кишининг дўриллаган овози. – Ҳозир биз уйингга кетаянимиз. Қочишнинг фойдаси йўқ. Ер остида бўлсанг ҳам топиб оламиз. Эшикни қулфлай кўрма, сипдириб бўлса-да, очамиз. Миршабларга сим қоқиши эса хаёлингга ҳам келтирма. Улар бари – ошна-оғайниларимиз. Қизталоқлар ўзингни олиб бориб, каталакдек қафасга тикиб

күйиниади. Шундай экан, эшигингни очиб, тинчгина бизни кут. Ҳеч қандай ёмон ниятимиз йўқ. Ўзингга ҳам фойдаси тегадиган маслаҳатли бир гап бор. Келишдикими?

Азбаройи кўркиб кетганидан Гулшода бонунинг тили танглайига ёпиниб колгандай эди.

– Сендан сўраяпман, гапир, қизталок! – қичкирди дағал овоз бирдан ғазабга миниб.

– Ҳ-ҳа, – дея олди бону зўрга тили айланиб.

Шу заҳоти дастакда узук-юлук дудудлаган товуш эпитетилди.

Нима қилишни билмай буткул саросимага тушиб колиб Гулшода бону шаришонхотирлик билан дастакни жойига қўйди. Жувонмаргинг айтганини килмаса, буларнинг кўлидан ҳар бало қелади. Нима килса экан? Маҳалла фаолларидан ёрдам сўрасаммикки? Фойдаси йўқ. Улар маҳалла мишибига рўнара қилишади. Мишибларнииг каттаконлари билан эса буларнинг тили бир. Ўртада бутун маҳалла-кўйга гап-сўзу шарманда бўлгани қолади. Ҳа, айтмоқчи, хозирок Асадга сим қокади. Ҳамма гапни фақат ўша тушунади. Бирор чорасини ҳам топади.

У яна дастакни қулоғига тутди. Асадларнинг уйидаги телефон ракамларини терди.

– Ассалому алайкум, опоқижон! Яхшимисиз? Эсон-омон юриб-сизларми?.. Бу – менман... Ҳа, танидизми? Раҳмат. Асадхон уйдамила? Йўқмила?.. Э-э... – Гулшода бону унга айтиб қўяверсаммиккин, деб бир зум ўйланиб турди-да, лекин дарров фикридан кайтди, тез гапида давом этди: – Ҳай, майли. Келиб қосала, дарров менга сим қоқсингла. Жуда зарур иши бор экан деб қўйсангиз бўлди.

Бону яна дастакни жойига қўяркан, ташқарида машина овозини эшитиб, баттар вахимага тушди. Югура сола эшикнинг кулфини очиб қўйди. Пўлат эшик ясаттирганидан яна бир карра афсусланди. Лаънатиларнинг яна нима иши чиқиб қолди экан? Куриб кеткурлар, бир ишга киришишса, худди зулукдай ёпишишади. Яна кенжаси Назиранинг ишқида куйиб-ёнаётганига ўласизми? Куйиб-ёнмай гўрда чиригур, ишқинг тушган экан, одамларга ўхшаб совчи юбор! Совчига ўлим йўқ-ку, ахир!..

Ташқарида, энди бу сафар худди дсрассасининг тагида яна машина овози эпитетилди. Ака-укалар узок куттиришмади. Машина эшиклари ёпилиши билан лаҳза ўтмай эшик очилиб, Болтабой билан укаси кўринди. Кенжа укалари тациқарида колганди чоги.

Гулшода бонунинг обёкларидан мадор кетиб, беихтиёр ўзини
ёнидаги нимкатга ташлади. Ҳолсизгина овозда:

– Келинглар, – деди-ю, оғзига толқон солғандай жим қолди.

Болтабой унинг тепасига келди-ю, баттар аёлнинг ўтакасини
ёриб, кўйинидан тўўпонча чикарди. Уни аста кафтида айлантирас-
кан, иношилмай гап бошлиди:

Онажон, бу сафар сал бўлакча илтимос билан келдик. Бахром
Шайх отанинг уйида бир сехрли тош бор экан. Ана шуни қўлга ки-
ритишида бизга кўмак беришингиз керак!..

Бу гапдан жон-пони чикиб кетган Гулиода бону йиглагудай
овозда бутун вужудини титроқ босиб:

– Вой, нималар деяпсиз! – дея зорланди. – Ахир, у – илохий тош,
ёмонликка ишлагсак, Худо уради-я, хаммамизни!..

– Худо урадими, йўқми, бизга фарки йўқ, тош қўлими зда бўлинни
керак, вассалом! – кичқирди Болтабой бирдан жаҳолатга кириб.–
Бүғини бизга кўйиб берасиз!

– Жон ука, менга раҳмингиз келсин! Қўлимдан келмайди бу
ини!..

Бизда кўлдан келмайдиган ици бўлмайди! – кескин унинг гани-
ни бўлди Болтабой ва тўўпончасини чирпирак килиб ҳавода айлан-
тириб, шу захоти қайта илиб олди-да, сўнгра унинг совук нишини
яшин теззигида Гулшода бонунинг пешонасига никлади:

– Вой, ука... Вой, ука... Нима киляисиз? Ахир, мени ажалимдан...
беш кун бурун... – дея титраб-какшаб кўзларини жовлиратганча,
бойваҷчанинг ғазабдан кўкариб кетган юзига жонсарак тикилаётган
бонуга Болтабой яна ўдагайлади:

– Ўчирип овозингни!.. Агар таклифимни яна бир бор рад этсанг,
қизталок, унда тамом, ўзингдан кўр!..

– Жон ука, тўўпончангизни олинг! – энди кўзларидан дув-дув
ёш оқизиб йиғлашга тушди Гулшода бону худди безгак тутгандек
бутун вужудини титроқ босиб. – Товонимга коласиз... Ҳозир юра-
гим ёрилиб кетади!..

– Ўша иўк юрагингни ўзим ёриб кўя коламан! – газаб билан
бақиради Болтабой энди тўўпончасини унинг кўксига нукиб.

Бундан бешибаттар даҳнатга тушиган бону худди шайтон-
лаб қолғандай оғзини кагта очганча, кўзлари олайиб, жонсиздай
шалпайган гавдасини нимкатга ташлади. Айни шу чоғ юз берган
ходисани ғофил ака-укалар пайкамай колишиди. Осмонданми, ср-

данми, қаёқтандыр нохос пайдо бўлган шашланғулоқ қаламушимон инс-жинс ўқдай отилиб, Гулишода бонунинг оғзига кириб олди. Башоратчи худди тўлиғот тутаётгандар ҳомиладор аёлдек кучаниб, зўрикиб, танаси бамисоли илондай тўлганиар, буралиб-эшилар экан, кўзлари қинидан чиқиб кетгудай баттар олади. Пешонасидан совук тер сизиб чинканида, у сал ўзига келгандай бўлди. Лекин энди у буткул бопика одамга айланган, кўзлари шинадай совук йилтирас, афт-ағоридан қаҳр-газаб алансиги ёғилар эди. У Болтабойга заҳарханда билан тикиларкан, кўлидаги тўнпончасини бир юлқиб тортиб олди, кейин унинг ўқдюнидаги ўкларини бир-бир чикариб, ғанимининг юзига сочиб юборди. Бундай ҳолатни мутлако кутмаган Болтабой турган жойида тараша бўлиб қотиб қолганди. Чотлари орасига келиб тушган какшаткич тепкидан оркасига аўдариларкан, кўзлари ола-кула бўлини навбати бойваччага етганди. У авратини чангалилаганча бонни билан деворга бориб урилди-ю, ишилк этиб гилемга кулади.

Останала турган Тениабой бу манзарадан хайрат ва саросимага тушиб, ўзини Гулишода бонунинг устига отди, унини ўнг кўлида ишюк йилтирасди. Лекин башоратчи аёл енгил харакат билан унинг ҳам такимига тепиб, чап кафтининг кирраси билан йигитнинг курол тутган кўлига кучли зарба берган эди, ишоғи учиб кетди, айни дамда ўзи ҳам гиламга аўдарилди.

Иккала боскинчини ҳам хуисиз ҳолатга келтирган Гулишода бону ғайриоддий тарзда қаддини ростраб, опихона томонга ўтди. Лахза ўтмай, кўлида чўмич кўтариб кайтиб кирди-да, аввал Болтабойнинг, сўнгра укасининг юзига совук сув пуркади. Кўп ўтмай, aka-укалар кетма-кет ўзларига келишди. Болтабой турра бўлган бошини ушлаганча алланималар дэя мингирилаб ўриидан тураркан, Гулишода бонуга энди кўркув ва саросима аралаш тикилди.

– Машина настдами? – сўради у бойваччага кўз кирини ташлашни ҳам лозим топмай, кийим-кечак жавони ёнига ўтиб тан тортмай счина бопиларкан. – Сехрли тошни ўзим ҳам ўтирилани пайнда эдим, лекин ўйлаб-ўйлаб, сира бунинг йўлини тополмаётгандим. Сенлар баҳона энди уни кўлга киритамиз. Факат...

Худди иштонини хўллаб кўйган болакайдек бўзрайиб турган Болтабой: «Нима факт?» – деб сўраётгандай унга савол назари билан тикилди. Айни дамда, башоратчи аёл ичкўйлагини ҳам счиб узурган, яланғоч, билкиллаган опшок танасига жавондан олган

янги атлас кўйлагини кия бошлаганди. Бойвачча унга кўз узмай тикиларкан, беихтиёр тамшаниб кўйди. Ака-укалар оғизларини очиб хушсиз ётган паллада Иблиснинг гумашталари бўлмиш Нут билан Яос ҳам уларнинг вужудларига кириб ултуришган, бонунинг уйига йигилгандарнинг бари энди инс-жинслар ҳукмида, «песненесни коронгиди тошади» деганиларидек, уларнинг ўзаро тил топишиб кетишлари ҳам тупургандек бир гап эди.

– Факат, – деди гапида давом этди Гулшода бону атлас кўйлагининг этакларини коқиб текислашга уринаркан, – биргина тошнинг ўзидан фойда йўқ, унга қўшиб Назирани ҳам ўғирлаш керак. Ҳамма гап ана ўша лъянати қизда...

– Жуда соз! – хитоб қилди Болтабой тиржайиб. – Гарчанд бундай вазифа гарданимизга юкланмаган бўлса-да, керак экан, кизталокни ҳам ўғирлаймиз-да! Баҳонада Ўрокни ўша месажинга уйланитириб кўя коламиз!..

– Сенжамиз тоза хурсанд бўларкан-да!.. – деди Тешабой оғзининг таноби қочиб. Унинг танаси негадир илонга ўхшаб буралиб-эшилиб туарди.

Шу чоғ телефон чўзик жиринглади. Болтабой худди пилдираб югуриб қолишга шай мушуклек ғужанак бўлиб, ялт этиб телефонга қаради. Негадир унинг кўзлари ёнарди. Тешабой ҳам буралиб-эшилишдан тўхтади.

– Асад сим қоқаяпти, – деди Гулшода бону телефонга хушёр тортгандай тикилиб. Унинг вужудига ҳозир икки рух жойлашиб олган, уларнинг ҳар иккovi бамисоли бир-бирларининг билимлари ва сир-асрорларидан боҳабар, аммо ўзаро келишиб иш юритиши деск ишёб хислатдан буткул маҳрум эди. Биринчиси: дастакни олма, ўғрилар билан тил бириктирганингни Асад билса, сендан буткул кўнгли қолади, шарманда бўласан деса, иккинчиси: дастакни олда, Асадни алдаб-авра – тунов куни ўтказған муроқаба амалларида гувоҳи бўлишган мафия бошлиғи ва Сайдбекнинг дарёга чўккани билан боғлиқ воқеалардан кўрқиб кетаётгани, Назирани бир-иккни кеча ҳамроҳ бўлиб ўзиникида тунаб қолишига ижозат беришини илтимос кил деяётгандай эди. Бу икки рух ўртасидаги «баҳс» туга-гунча телефон овози ҳам ўчди.

Гулшода бону кўлларини белига тираганча, ака-укаларга амиров на киёфада тикилди.

– Машинангиз пастда бўлса, жўнадикми?

Болтабой мушукдек ялтоқланиб, унинг атрофида гирдиқапалак бўлиб қолди. Қирқ беш ёшлар атрофидаги хушкомат бу аёлнинг унга ёқиб қолгани кўриниб турарди.

— Опажон, жўнаш қочмайди, — деди уни ҳамон яланғоч ҳолда тасаввур қилишга уринаркан кўзлари сузилиб. — Аввал сал тамадди қилиб олсак бўлармиди. Ҳалиги... юзта-юзта... дегандай, а? «Ичинг қизимагунча ишиг қизимайди», деган экан бир донишманд.

У аёлга сук билан тикилди.

— Ҳо, ичларинг қизимай ўлсин! — деди Гулшода бону энсаси котиб, вужудидаги биринчи рух таъсирида, аммо шу заҳоти иккинчи рұхнинг «қўли» баланд келиб, дарров уни ўзига оғдириди: — Лекин уйда бўлиши керак. Раҳматли жазманим Пардабой ака бир вактлар уйимни ичкиликка бостириб таплаганди. Шунинг қолган-кутганларидан ҳозир топамиз!..

Улар бирин-кетин ошхонага ўтишди. Бону идиш-товорқ турадиган жавоннинг ичкарисидан ялт-юлт қиласётган ёрлиғига шайтон суврати битилган катта шиншани олди-да, Болтабойнинг кўлига тутқазди.

— Мана, ичларинг куйдиргиларингга, совитқичда газак ҳам бўлиши керак.

Бу ёгига Болтабойнинг ўзи хўжайнчилик қила бошлиди. Совитқичининг эщигини очиб, ундан тузланган бодринг, яхна гўшт олиб, ошхона деворига тиралган ихчамгина хонтахта устига кўйди. Тўлин ой шаклидаги шаффоф елим идишида тўғралган нон ҳам бор эди.

— Нондан ол, опа ўзимизники чиқиб қолди, — деди у хушчакчақ кайфиятда ортларидан изма-из кириб қелган Тешабойга. — Қани, опажон, келинг энди, озгинадан олайлик, бу ўткинчи дунёда факат мана шу маишат, хузур-ҳаловат кўрганинг қоларкан.

Айни вактда, хаёлининг бир чеккасида: зиммангга хавфли вазифа юкланган, аввал ишини битказиб, кейин истаганингча маишат қиласвер, деган фикр айланар, бошка бир овоз эса: ҳаммасига тупур, бу қалтис, ишинг барибир сен учун нафи йўқ, уни уддалай олиш олмаслигиндан қатъи назар, манави оқбилак дўмбоқча билан кайфу сафонингни суриб қол, дея йўлдан урар эди.

Гулшода бону бойвачча узатган пиёлани сал иккиланиб кўлига олди-да, уни худди бозор кўрган эски улфатлардек йигитларнинг пиёлаларига чўқишитираркан, таманно билан путк ирод этди:

- Азизларим, жуда мард, жангари йигитлар әкапсиз, тентак әканман, сизлардан бекор қўрқиб юрган әканман, танишганимдан багоят хурсандман. Ҳамма яхши ниятларимиз ижобат бўлсин, сеҳрли томни қўлга киритсан, ишларимиз жуда зўр бўлиб кетади. Анчадан бери кўнглимга туғиб юрган бу иш, барибир, ёнгиз ўзимнинг қўлимдан келмас эди, сизларни менга... Шайтоннинг ўзи етказди (Шайтон сўзини у ўз иродасига қарама-карши ўлароқ, бе-иҳтиёр тилга отди). Лекин бу нарса орамизда сир бўлиб қолиши керак, тушунарлами, укажонлар? Илоё режамизни Унинг ўзи қўлласин! Кани, олинглар!

Улар ииёлаларни бир синкоришида бўшатиши. Иккинчи кадаҳдан сўнг Гулиодда бонунинг кўзлари сузилиб, ракс тушиси келиб колди. Буни дарров пайқатан Болтабой радионинг кулоғини буради. Шу заҳоти ўзбекча валье янгради. Бойвачча чапдастлик иша бир қўли билан бонунинг белидан, иккинчиси-ла ёқасидан кучиб, ракс туша бошлиди. Хонада аёлли куй оҳангига мос ҳаракатлар билан оҳиста айлантириларкан, ширакайф нигоҳини аёлнинг сузук кўзларидан узмасди. Сал ўтмай мусика суръати жадалланиб, улар янада тезрок айланса бошлиашди. Тағин бир лаҳзадан сўнг куй тобора авжига миишиб, эркак ва аёл чиририлар бўлиб айланишар, ёрун дунёда, бутун Коиногда икковидаи бўлак ҳеч кимса йўқдай ҳамма нарсани унтишиган, шу тоңда дунёни сув босса тўникларига хам чиқмаслиги кундай аён эди.

Улар айланана-айланана, ётоқхона сари йўналишди, охири кўрпага-тўшаги саранжом йиғиштирилиб, устига настарин гулли ёнич ёпишган чорпояга устма-уст ағдарилишди...

МИСИ ЧИҚКАН ФИТНА

Жар ёқасидан дарёга ўзини отган Раҳматилла танасида яхдай сув совугини туйиб, шиддат билан бир неча газ настга шўнғиди, ниҳоят тезлиги бирдан камайиб, муаллак колди-да, курбақадай оёқ-кўлларини ликиллатиб, юқорига суза бошиларкан, сув остида кўзларини катта-катта очганча атрофни кузатди. Ҷар суви анча лойқа, тўрт-беш кулоч наридаёк ҳеч нимани кўриб бўлмасди. Сув сатхига сузиб чиқкан собиқ жангчи тигиричилаганча тўрт томонига аланилади. Ҳеч нимани илғамагач, бир кўтарилиб яна настга шўнғиди. Ҷар сиртдан шовқинсиз, вазмин жилаётгандай

күрингани биљан тагида сув шиддат биләп окар, оким йигинни ўртадаги вахимали уюрма сари суриб ғашлашыга уринарди. Бир неча дақиқадан сўнг у яна сув сатхига сузид чиқди. Қуйироқдан шалоңлаган овозни илғаб, күлочкашлаб ўша томонга суза кетди. Чинданам йигирма газча нарида, уюромага етар-егтас корамтир алланияма сув юзида тох кўришиб, тох кўздан ғойиб бўлаётганди. «Бу – ўна, Сайдбек!..» - дей хаёлидан ўтказган Раҳматилла бор кучи билан ўша ёкка интилди. Чинданам корамтир нарса – кора куртка кийган кочок йигитча бўлиб чиқди. У чамаси, хушидан айрилган, гайринихтиёрий равишда тох юкорига калкиб, тох сув тагига чўкиб, харакатеиз холда куйига окиб борарди. Раҳматилла жон холатда учини жингалак соchlаридан чангллади. Ҳаётий тажрибасидан яхин билардик, шундай килинса, чўккан одамнинг хуни жойига келарди. Нохос настдан чиқиб келган йирик оким уларни дарё ўргасига – уюрма томонга суриб кетди. Сайдбекнинг соchlари кўлидан чиқиб кегаётди. Шартта уни кўйиб юбориб, йигитчанинг кўлларига ёнишиди. Бор кучи билан торғанча қирғокка караб сузарди-ю, лекин оким уларни тўхтовсиз ўз гирдобига тортарди.

Бу пайтда айланма сўқмоқ йўл билан ошигич соҳиңга тушиб келган Асад билан Сайдмансур ака улардан кўз узмай, саросима ичида у ёқдан-бу ёкка югурга бошлациди.

Яна бир неча фурсатдан сўнг улар Раҳматиллагат Асад аллакаердан топиб келган узун ёточни узатнишди. Ёғочга чинпа ёнишган собиқ жангчи ортида Сайдбекни сулраганича қирғокка иштилди.

Уларни бирин-кетин соҳиңга тортиб чиқаришаркан, Сайдмансур ака эшонаси чиқиб, қимиrlамай ётган ўғлининг танасини пайнаслаб кўришта киришди. Унинг ҳеч қасри яратганимагани, узининг эса юраги уриб турганини пайқагачгина сал хотиржам тортиди. Раҳматилла тура солиб хушсиз йигитчага илк тиббий ёрдам кўрсатинига кириниди; аввал оёқтарини осмондан қилиб, ичига кириб колган сувни оғиздан қайтармоқчи бўлди. Сайдбек қаттиқ йўташиб, уч-тўрт бор дарё сувини кайт килгач, аста кўзларини очди. Собиқ жангчи билан Асад галма-гал унинг юрагини рисоладагидек усулда уқалашгач, у буткул ўзига келди. Аста ўринидан туриб, сал нарилаги сунасимон думалоқ тош устига бориб ўтириди-да, кузумсираб бошидан ўтганларини гапириб берди.

Ўша куни йигитчага бир киз сим кокиб, учрашувга таклиф килиби. Ҳаётида биринчи бор киз боладан бунақа таклиф олган

Сайдбек ҳовлиқиб қолибди, ҳеч кимга индамай, фақат онасигагина тусмоллаб бир нималар деб, келишган жойларига бир соат аввал бориб олибди.

Хадрадаги цирк ёнида айланиб, ҳали у қизга қарармиш, ҳали бу қизга... Ҳатто, гул құтариб, қийғоч күзларига сурма сурган, лабларини лоладек қип-қизил рангга бўяб олган бир қизга сўз ҳам қотибди:

– Синглим, сиз Насибахон эмасмисиз?

Қиз хира йигитлардан деб ўйлабми, унга кўзларини лўқ қилиб тикиларкан:

– Ҳа, нимайди? – деб сўрабди.

– Мени сиз учрашувга чақирудингиз-а?

Бу гани эшилтан қизининг энсадони қотиб, заҳарханда билан:

– Вой, сабил-эй! – дебди. – Подумаешь, учрашувга таклиф қилгани сендан бўлак одам қуриб қолибди-да, менга. Турқинта бир қара, тентак, от кўрсаям хуркиб кетади.

– Оғизга қараб гапиринг, синглим, туркимга нима қипти?.. – дебди Сайдбекнинг ҳам аччиғи қўзиб. – Мен сизни одам деб гапирсан...

Гул кўтарган қиз энди жазавага тушиб ўшқирибди:

– Ўчир овозингни, шиљқим! Сендақаларнинг кўпини кўрганмиз. Чўнтағида ҳемириям йўқ-у, ҳаммага гап отишига ўлайми! Қўриб турибман, йўл-йўлакай нечтасига қитмирлик қилиб ўтдинг. Лекин менга нўмиринг ўтмайди, билиб кўй!.. Мен порядошний қизларданман!..

Баттар жаҳли чиқкан Сайдбек дарров унинг ганини бўлибди:

– Нималар деяпсиз, синглим?! Ҳаддингиздан ошманг, мен кимга қитмирлик қилибман?..

Баттар жазавага тушган қиз яна бақир-чақир қила кетибди:

– Ҳой, ҳезалак! Мунча шилкимлик қиласан? Агар ҳозироқ бу ердан думингни тугмасанг, энаңгни Учқўргондан кўрсатаман! Понял? Қани, би-ир туёғингни шиқиллатиб қол-чи!..

Қизнинг бу ахмоқона гапларидан қизишиб кетган Сайдбек ҳам бўш келмай:

– Ҳой қиз, менга қара! – деся хитоб қилибди. – Осмондан тушган фаришта бўлсангам, сал ўпкангни босиб ол! Менам сендақа шаллақилярнинг кўпини кўрганман...

– Вой-вой-вой! Подумаешь, ҳали шаллақи бўлиб қолдикми?! – деся қичкирибди қиз отағоздай чираниб. – Шаллақи қанақа бўлишини ҳозир сенга кўрсатиб кўяман, галварс!..

Шундай деб, у қўлидаги гулдаста билан йигитни савалай кетибди. Сайдбек гулинни тортиб олиб, чегга улоқтириб юборган экан, қиз росмана дод-вой кўтарибди:

– Войдод! Ёрдам беринглар! Анави шилқим тегажоғлик қиласяти! Помогите!..

Шу найт срдан чиқдими, осмондан тушдими, жинеи куртка кийган икки барзанги икки томонидан келиб, чайир қўллари билан йигитнинг қўлтиғидан олибди. Буни кутмаган Сайдбекка ўнг томонидаги барзанги гинаомуз оҳаигда сўз қотибди:

– Сенда виждон борми, ука? Кунша-кундузи синглинг тенги қиз болага тегажоғлик қилгани уялмадингми?..

Бирпасла уларнинг атрофини томошаталаб бекорчилар ўраб олишибди. Гала-говур бошланибди:

– Вой сурбет-эй! Кунша-кундузи-я?!

– Нимасини айтасиз, ҳозирги ёшлиарда бст бор эканми?..

– Э, бўтда ёшлиар причём? Просто анавинака нахаллар кўнайиб кетган ҳозир!..

– Аглаҳлар!.. Отиш керак уларни!..

– Қани, кетдик! - дебди иккинчи барзанги уни олдинга судраб. – Сен билан энди тегишли жойда гашлашмамиз.

– Қаёққа? – дебди Сайдбек тихирлик қилиб. – Сизлар кимсизлар ўзи?

– Биз жиноий кидирув бўлимидашмиз, – дебди биринчи барзанги ҳаммага эшигтириб.

– Аслини олганда, мен эмас, аиави қизнинг ўзи хужум бошлади... Менинг айбим – исмини сўраганим бўлди, холос.

– Ҳа, балли, айбингни тан олдинг – ҳамма гап исмини сўрашдан бошланади-да! – дебди иккинчи барзанги мамнун бўлиб уни силтаб олдинга судраркан.

Шу чоғ уларнинг ёнгиналарига келиб тўхтаган қора «Волга»нинг орқа эшиги очилиб, унга Сайдбекни итариб киритишибди-да, икки томонидан икки барзанги жой олибди. Машина шу заҳоти зултар жойидан жилибди. Чамбаракда ўтирган шоимўловли бақалоқ йигитнинг буйруғи билан бир сониядаёқ унинг оғзига дўхтурлар ишлатадиган оқ елим латта ёпиштириб, кўзларини қора шарф билан тангиги боғлашибди.

Улар гоҳ тезликни ошириб, гоҳ камайтириб, гоҳ тўхтаб, анча-мунча йўл босишибди. Бу орада ўнг томонида ўтирган барзан-

ти радиотелефон орқали аллакимга сим қошибди. Боннициларидан бўлса керак, Болтабой ака деган бир кимсага, ҳамма ишлар режадатидай бораётгани, уни (яъни, Сайдбекни) кўлга тушириб, аввалдан мўлжаллаған жойларига олиб кетишаётгани хакида ҳисобот берибди.

Яна ярим соатча йўл босгандаридан сўнг анави ўрмончага, - Сайдбек кўли билан дараҳтзорга имо қилди, олиб келиб, кўзларига тангилган шарфни, сўнгра оғизга ёништирилган елим латтани счишибди. Йигитчани ўрмонча ичкарисида и, эски завод бўлса керак, кўп қаватли ташландик бинонинг ертўласига олиб кириб, камаб кўйинибди.

Машина хайдаб келган шопмўйловли бақалок йигит ҳалиги жинеи курткали икки барзангини коровул қилиб қолдириб, ўзи гашкарига отланибди. Бир одам аранг сиғадиган кичкинагина дарчали диккинафас ертўлада ёлигиз ўзи қозаркан, Сайдбек барзани йигитлардан бирининг норози оҳангда:

- Бу ерда биз яна қанча сарғайиб ўтиришнимиз керак?! - дей тўнғиллаганини ёнитибди. Унга жавобан чамбаракда келан шопмўйловнинг кўполлик билан:

Қанча керак бўлса, шунча ўтираверасанлар! - дегани, сўнгра унинг машинасини ўт оғдириб, шу заҳоти жўнаб кеттанини найкабди. Кейин ҳаммаёкка сув куйгацек жимлик чўкибди.

Миясида бири-биридан сирли саволлар ғужтон ўйнаётган Сайдбек хона бурчидә деворга суюниб ўтирганча ўйга толибди. У кимга, нима учун керак бўлиб қолди экан? Техника дорилғунунининг сиртдаи ўқийдиган оддий толиби илми, айни вактда, касал бўлгунита қадар тайроиддий, аномал ҳодисаларни тадқиқ этиб, улар хусусида «Сирли олам» ойномаси билан ижодий ҳамкорлик килувчи бир болакай кимни бунча қизиктира олини мумкин? Айтгайлик, айнан шундай ҳам бўлсин, у кимгадир жуда зарур бўлиб колган ҳам дейлик, лекин нега ўша «кимдир» тўғридан-тўғри унинг ўзини «овзламасдан», қандайлир шаллаки қизни ўртага кўйиб, унга сирли гарзда сим қоқтириб, кўчада тўс-тўполон уюштириди, найранг боз фитначиларча иш тутди? Борди-ю, уни отасидан катта пул ундириши мақсадида ўтиришган деса, бунга ҳам ишонини кийин. Чунки отаси нафакат шахарда, балки бутун жумхуриятда таникли олимлардан бўлиб, бисотида ҳемири ҳам йўқ, табиатан ҳар қандай мөддий бойликлардан нафратланадиган одам ёжанини ҳамма билади-

ку! Тўғри, бувалари, яъни отасининг ота-боболари жуда бадавлат, сармоядор одамлар ўтган дейинидаи. Лекин улардан қолтан ҳамма бойликлар шўролар хукумати томонидан азлакачон таюн-торож килиб бўлинганд-ку:

Шу ўйлар оғушида ўз ёғига ўзи ковурилиб ўтирган Сайдбек бу ахволга бир соатча чидабди. Касал бўлгупига кадар «Наҳтакор»нинг ўсмиirlар ва ёнилар спорт мактабида футбол тенгани, мактабда ўқиб юрганида, югуриш бўйича шахар чемпиони бўлгани ёдига тушиб, шартта ўрнидан турибди-да, энинки тақииятагибди.

Сал ўтмай, энинкинни нариги томонидан барзанилардан бирини:

Нима ган? – деган дағдағали овози эшигилабди. Хомтама бўлма, ёни кизларга тегажоҳлик килган сўтакларга бизда сув ҳам, овқат ҳам берилмайди.

– Энинки очинглар, мен ташкарига чикиб келининм керак, дебди Сайдбек унга жавобди.

Кичкинаси бўлса, ўна ерда тиичитавер, – дебди ҳалиги овоз.

– Каттаси, – дебди Сайдбек атаяни бетоқат овозда.

Барзани болохонацдор килиб сўкинибди-да, ёғоч тўсинни карсилатиб суриб, энинки очибди. Рўпарадаги эшигининг факат ўрни колган ёрикни кўреагиб:

– Аниви ерга кириб ёзилавер, бу ерда биздан бўлак хеч зоғ йўқ, – дебди бенисандлик билан.

Сайдбек атрофга аста кўз кирини ташлаб, яқин-ўргада шериги йўқлинига ишонч ҳосил кирагч, туйкусадан бор кучи билан барзанининг корнига тенки туширибди. Унинг «оҳ-воҳ» килиб, бир лаҳза букчайиб колганидан фойдаланиб, узун даҳлиз бўйлаб ташкарига караб ютурибди. Ҳовлига олиб чиқувчи энинки синдиригудай тарақлатиб очибди-да, ўзини ўрмонга урибди. Кўп ўтмай, ортидан барзанилар ҳаллослаганча қувлаб келишгаётганини пайқаб, қадамларини янада тезлатибди, беихтиёр йўлни дарё тарафга бурибди. Бу фавқулодда воқеанинг қандай якун тоигани эса, энди ҳаммаларига маълум.

Бехазил танираяиман, охири баҳайр тугади, – деди Раҳматилла жиққа хўл бўлган кўйлагини шониймай сиқаркан. – Лаънатиларнинг режасини чиншакка чиқардик. Лекин, энди бу ёғига эҳтиёт бўлишларингиз керак!

-- Тұғри, – деде ушинг фикрини қувватлади Асад Сайдмансур ақа-
та юзлапиб. – Сизге писбатан бу сиёсий фитналари фош бўлигач, улар
энди аламзадалик билан бундан баттаррок ёвузликка қўл уриинлари
мумкин.

– Шундай, шундай, – деди Сайдмансур ака йўчан қиёфага ки-
риб, у маъюс ҳолда пича сукут сақлаб турди-да, бирдан қизишиб
гапирди: – Камина уларга қарши сиёсий курашни тўхтатмас экан-
ман, уларинг хам тиниб-тичимасликларини яхши биламан.
Қўйиб берсангиз, ўз жиҳоятларини улар сиёсий фирмка ва халқ
харакатлари савиясига кўтариб, қабих режаларини ўшалар ниқоби
остида амалга оширишдан тойиннишмайди. Бу борада улар дастлаб-
ки қадамларини ташлаши ҳам. Лекин кайси виждонли одам улар-
нинг бу бошбопидоқликларини оддий томошабин сифатида кузатиб,
улкан қабоҳат бош кўтараётганига жимгина чидаб турга олади?
Ким нима десса дессин-у, лекин бундай мунофиклик, хатто, айтишим
мумкин: Ватанга бундай хоинлик каминанинг кўлидан келмайди!
Ҳа-ҳа, буни қиндиқ қонимиз тўкилган она юртимизга хоинликдан
бўлак ном билан аташ мумкин эмас! Чунки биз ҳали асл маъно-
даги хурриятни қўлга киритмай туриб, ана шундай баттол, амал-
нараст, очкўз, ўз манфаатлари йўлида опасини ҳам сотишга тайёр
нусхалар учун сиёсат майдонига йўл очиб берсак, шундоқ ҳам жа-
фокаш ҳалқимизни қонга ботиришга, унинг бошига кўшини аффон,
қолаверса, тожик ҳалқи қунини солишга йўл қўйган бўламиш...

Сайдмансур аканинг юрак қатларидан отилиб чиқкан бу ни-
досини эшигтан Асаднинг кўзлари чақнаб кетди. Гарчанд диа-
лектик моддиюнчилик ва илмий коммунизмдан талабаларга узок
йиллар сабоқ берган бўлса-да, у сиёсат билан амалда ҳеч қачон
шуғулланмаган, шунинг учун профессорнициг чинакам сиёсатчи си-
фатида қўйиб-ёниб айтган бу гаплари файласуфнинг ҳам юрак тор-
ларини чертиб юборганди.

-- Модомики, ўғлингизни гаровга олиб, сизни кўркитмоқчи
бўлишган экан, – деди у ғазабкор оҳангда, – сиёсий курашни
тўхтатмасангиз, энди улар сизнинг ўзингизга хужум ўюнтиришила-
ри ҳам ҳеч гапмас. Чунки сизнинг шахсингизда улар ўзларининг
энг катта дунпманларига дуч келишган кўринади.

– Шундай, азизим, шундай! – деди Сайдмансур ака ҳорғин
қиёфада бош иргаб. – Ўз ҳаром ниятлари йўлида улар ҳеч нарсадан
тап тортишмайди. Ҳукумат, ҳукукни муҳофаза қилиш идоралари

зудтар уларнинг танобини тортиб, ижтимоий-сиёсий ҳаёт жиловиги
ни кўлга олмас эканлар, улардан ҳар балони кутиш мумкин.

– Идоралар эса, ҳозирча ҳамма билан муроса қилишидан нарига
ўтмаяпти, – қўшимча қилди собиқ жангчи негадир заҳарханда би-
лан.

– Раҳматилла ҳақ ганини айтаяпти, – деда дўстиниң кўллаб-
кувватлади Асад. Янги чикқан «демократ»лар ойнаи жаҳондаям
ўз талаб ва шартлариши айтиб, бемалол «сайрай» бошлишиди. Улар-
нинг аслида кимлигини кўпчилик зиёллилар яхши билишади-ку,
ахир!..

– Демократиянинг моҳияти хам мана шунда, дейишади бъязи-
лар, – деди Раҳматилла янада жонланиб. – Аммо демократия – ит-
тагам, битгаям истаган номаъқулчилигини қилиш хукуқини бермас-
лиги керак-да!..

– Лекин булар бари вақтинча! – кескин упининг ганини бўлди Са-
идмансур ака. – Билишимча, ҳукумат доирасида яқин ойлардаёк
катта инилар бошиланади! Марказда ахвол нотинч, талатўилар, тўс-
тўполон кўтариладиганга ўхшияди. Хуллас, ҳалқимиз асрлар мобайнида
орзишиб кутган истиқлол виабадаси эса бошилагандек...

– Олинг-а! – сўз қотди Раҳматилла киноя аралаши. – Етмиш йил-
дан зиёд давр мобайнида кўпдан-кўни халқларнинг конини сўриб
келиган ёвуз салтанат осонликча жон беради деб ўйлайибиз, чони?

– Йўқ-йўқ, ишонинг, биродар! – деда хитоб қилди профессор
ўта самимий оҳангда. Юкори доирадаги саъй-харакатлардан ка-
минанинг сал-пал хабарим бор. Чинданам жиддий ишларга тараф-
дуд бошлаб юборилган. Яқинда мен Марказқўмнинг янги саркоти-
би номига мактуб ёздим. Айни шу жиноят дунёсидаги «нуфузли»
одамларнинг ҳокимиият поғоналарини өгаллаш йўлидаги муросасиз
курашлари ва бунинг қандай аянчли оқибатларга олиб келиши ху-
сусида.

– Бунинг оқибатларини тасаввур қилиш қийин эмас, – деди
Раҳматилла яна истехзо билан. – Ҳукумат ишларини етакчи
амал курсиларини эгаилаган бир гурух ашаддий жиноятчилар
бошқаришади-да, бунинг жабрини яна шўрлик ҳалқ торгади.

– Хўш, Марказқўмдан хатингизга жавоб олдингизми? – сўради
Асад сергак тортиб.

– Ҳа, улар каминани сухбатга чақиришиди. «Нуфузли»ларга
карши курашда ҳамкорлик қилишни таклиф этишиди.

- Тушунмадим. Улар сизин... ишга чакиришдими?
 - Ҳа, керак бўлса, бизга ўтиб ишланг ҳам дейишди.
 - Ўхў! -- хитоб қилди Раҳматилла кулумсираб. - Мухолифат ва-килларни ишга таклиф килинган бўлса, демак бехазил гапирайман, бизда ҳам демократия бошланибди-да!
 - Демократия ўз йўлига, лекин суҳбатдан мен бир нарсани аник тушундимки, ҳар хил фирмка ва ҳаракатларига илакишиб кириб олган жиноятчи унсурлар билан өнди ҳеч қандай муроса қилинмайди.
 - Улар баҳона солюм мухолиф кучлар ҳам жиноятчига чикариб кўйилмайдими, ишқилиб? -- сўради Раҳматилла кинояли жилмайиб.
 - Менимча, йўқ. Бу ва бошқа кўп иирик масалаларда янги саркотибининг ўз қатъий карашлари ва тамойиллари бор кўринади. Юратим сезиб турибди, чамамда, uzziб-тонтаглан жафокаси юртимизни айни шу одам истиқлолга етаклайди. Негалигини ўзим ҳам билмайман, лекин каминада жумхуриятимизнинг янги соҳиби улкан сиёсат майдониди ҳали ўзини кўрсатади, деган ботиний бир туйу бор!
 - Иллоё истиқлол шабадаси эса бошлагани ҳам, эҳимизнинг юртбошига ёлчигани ҳам рост бўлсан! -- деди Асад чукур хўрсениб.
- Бирин-кетин аста ўринларидан туриб, машина сари юришаркан, өнди ҳаммалари ўйга толинган эди.

ҚУЁШ САРИ ЙЎЛ

Таниш-нотанини, турфа-туман одамлар (улар жуда кўпчилик эди) унга ян-янги машина тухфа этишганниш. У шу даражада янги эдик, ҳали мойи кетмаган, кўрининши ҳам ажойиб: дунёдаги энг зўр хориж машинасидан ҳам кўркамроқ ва нафисорк эди. Сардор маниннанинг орка томонига айланиб ўтди-ю, беихтиёр афтини буриштирди: машина өнди шу даражада эскириб, занглаш кетгандай туюлдики, уни қайта таъмирланған мумкинлигини тасаввурга ҳам сиёдириб бўлмасди.

- Йўқ, -- деди Сардор қовоғини уйганча олди каторда турган одамларга мурожаат килиб. -- Бундай машинада мен йўлга чиқмайман.

- Нега өнди? -- бир овоздан сўрашди одамлар ҳайрон бўлиб.
- Чунки йўл олис, машина эса чириб кетган. Улинг тагига каранглар, ахир!

– Бўлмаса, янада янгиригини, таъмир талаф қилмайдиганини сошиб олайлик! – маслаҳат беришди одамлар.

– Йўк, – деди яна Сардор қатъий оҳангда. – Мен тайёрга айёр бўлишин истамайман.

– Нега ахир? – тагин сўрокка туғиши уни одамлар.

– Чунки бунинг оқибати чакки бўлишини яхши биламан. Ахир, Күшгача йўл анча олис-да!..

Одамлар энди таажжуб ва ҳаяжонга тушиди.

– Бўлмаса, манзилга қандай стиб борамиз ахир?

– Ўзимизнинг эски арава бор-ку?

– Хўши-хўши? – сўради юзини тарам-тарам ажин кошлаган котма одам унга юзма-юз келиб. Унинг ғазабнок нигоҳидан ишончсизлик ва шубҳа ёғиларди. – Яна оркага қайтарканмиз-да, унда?

– Ўша аравани бузмасдан, яхшилаб таъмирилаймиз. Унинг хамма бут кисмларини сақлаб қоламиз, айни дамда, аксариятини янгилиймиз, замонавий мотор, энг сўнгти тоифадаги асбоб-ускуналар ўрнатамиз. Шундан кейингина йўлга чиқишимиз мумкин.

Бу таклиф кўнчиликка маъқул тушди. Лекин жаҳли кўзиб, энсанси котганилар ҳам оз омас эди.

Хуллас, кўндан қуён кочиб қутулмас деганилариdek, эски аравани ҳаш-наш дегунича таъмирилаб, оёқка турғазишиди. Чириб кетган кисмларини янгилаб, энг замонавий техника воситалари билан жихозлашиди. Тамомила ўзига хос кўриништа эта ноёб курилма буйёд этилган, у энди Ер юзидаги биронта ҳам бошқа машинага ўхшиамасди.

– Ана энди чамбаракка ўтириб, бизни олга бошла! – дейишди одамлар хурсанд бўлиб.

Лекин Сардор сафарга отланишга негадир ҳалиям шошилмаётганди. У ниманидир айтишта истиҳола килаётгандай аста бошини кўтариб, аввал осмонинг, сўнгра ўзини куршиаб турган оломонга нигоҳ танилади.

– Нима, об-ҳаво айнишидан кўрқаяпсанми? – сўради юзини ажин босган котма одам яна унга бурни-бурнига теккудай якилашиб.

Лекин Сардор унга хотиржам тикилди. Жавоби ҳам вазмин оҳангда бўлди:

– Тўғри, осмонни қора булут қошлияпти, ёмғир, жала, сел, ҳатто дўл ёғиши ҳам ҳеч гапмас. Буларга биз тайёрмизми?

– Чумчукдан кўрккан тарик экмайди, – деди рўпарасидаги ҳамсухбати заҳарханда аралаш.

Халқда бошқа бир мақол ҳам бор: ўзини асраганинни Худо ҳам асрайди!..

Юзини ажин босган кишининг баттар афти буришиб, оркага чекинди, одамлар орасига сиягиб, зумда кўздан ғойиб бўлди.

Оломон ичидан яна бир одам олдинга чиқди. Бу қадди-қомати қайсиdir маънода болтани эслатувчи, қорамагиз юзида аллақандай сохталик, мунофиклик акс этган дароз кимса тажаниб бир кайфиятда сўз котди:

– У ҳолда ўзимизни Худога тошириб, йўлга чиқаверайлик-да, онди!..

– Албатта йўлга чиқамиз! – деди Сардор унинг гапини чўрт кесиб. – Лекин мен тўдангиз орасида инсон қиёфасидаги бўри ва қашқирларни, тулки ва күёнларни кўраяпман. Улар тезрок чамбаракни эгаллаб, бизни Күёшга эмас, балки «Борса келмас»га бошлишни ният қилишган. Бу жуда хавфли йўл!

– Хавфими, хавфли эмасми, лекин биз ҳадеб бир жойда тўхтаб туролмаймиз-ку! – деди болтага ўхшаган кимса қаҳр-газаб билан оғзидан тупук сачрагиб.

– Аравамиз тўғри бориб тубсиз жарликка қуласа, бунинг жавобгарлигини бўйнингизга оласизми? – сўради йўлбошчи унинг кўзларига тик караб.

Болгасимон гавдали дароз кимса бирдан кичрайиб, асл қиёфаси – бўйи ярим газли митти одамчага айланди-да, у ҳам оломон ичига ўзини урди.

Шу пайт чинданам шамол кўтарилиб, момақалдиrok гумбурлади. Кетма-кет шариллатиб жала қуйиб берди. Хайриятки, у селга ёки дўлга айланмади. Сардор вақтида отни қамчилаб, атрофидаги одамларга қаратса бор овози билан ҳайқирди:

-- Биз билан Күёшга отланадиганлар аравага ўтирсин! Олға, юртдошлар!

Ҳамма ўзини аравага урди. Инсон қиёфасидаги тулки ва қўёнлар ҳам биринчи катордан жой олишди. Лекин бўри ва қашқирлар инсонлик қиёфаларини йўқотиб, арава атрофида гирдиканалак бўлишар, Йўлбошчи ва унинг хамроҳларининг оёкларидан тишилашга уринишарди.

Шу чоғ зулмат кўйнига чўмган уфқ кўксисида ғира-шира нур сочэтган Күёш кўринди. Буни биринчи бўлиб Сардор пайқади.

– Ана, қаранглар! Истиқболимизда нур бор деб айтувдим-ку! – деде хитоб киалди у юзидаги кора булут пардасини аста очаётган Күштегі чексиз кувонч билан тикилиб. – Ишонгандирсизлар энди!

Йүлбошчи тишиң кайраб оёклари тағида үралашиб юрган бўри ва қашкирларга кўли билан Күшини кўрсатаркан, шартта арава чамбарига ўтирди. Уни ўт олдириб, жадал олға хайдали.

Уфқдаги конталаш рангдаги Куёш баркаши эса тобора ёриниб борар, аравадаги турфа-туман одамлар бошни узра ўзининг илк заррин нурларини соча бошлиганди.

СОВЧИЛАР ТАШРИФИ

Назира кўзларини очди-ю, онги пича караҳт ҳолда маънисиз нигохини шинга қадади. Ундан нур ила йўғрилган нақшин жилолар кизнинг хушини жойинга келтириб, хозиргина кўрган тушини зиммо ёдига солди. Ажабо: бу ғалати тушининг таъбири нима бўйдийкин? Уни факат... додаси изоҳлаб бериши мумкин.

Қиз икки ёнида ширин уйқуда ётган сингизлари – Наргиза билан Нафисага бир-бир кўз югуртириб, аста ўрнидан турди-да, ичкўйлагини ечиб, уйда киядиган узун чит кўйлагини эгнига танилади. Олд тугмазларини қадаганча, эшикка йўналди.

Ошхонада Мунаввархон аяғимиздан сингизларни тайёрлаётганди. Ваннахонада тезгина юз-кўлини ювиб, бувисининг олдига кирди.

– Ассалому алайкум, бувижон!

Ваалейкум ассалом, яхши ётиб турдингми, қизим?

– Беринг, мен ўзим чой дамлайман.

У Мунаввархон аянииг кўлидаги чойнакни олиб, бир кафт қурук чой солди-да, газда бикирлаб қайнаб турган човгумдаги сувдан кўйди.

– Сен чойни олиб кетавер, буванг кутиб қолдилар, узум билан каймокни ўзим олиб бораман, –деди бувиси совиткични очиб ичкарисига кўл узатаркан.

Назира ошхона рўпарасидаги чой ичиладиган хонага кириб келганида, буваси ойнаи жаҳон кўзгусига тикилганча, эрталабки янгиликларни томоша қилиб ўтирганди. Унга салом бериб, кўлидаги

чойиакни хонтахта устига күйди. Даарров нон ушатыб, бувасынча чой күйиб узатди. Кейин шоша-лишиң өрталаб күрган тушини гапириб берди.

Баҳром Шайх ота пахмок соколини тутамлаганча, бир зум ўйланиб турди-да, сал юзи ёришгандай бўлди.

– Бу тушингиз муборак ишлардан дарак беради, она қизим, – деди у мамнуният билан. – Ҳазрат Ҷониёл алайҳиссалом айтибдурларки, ҳар киши тушида офтобни кўрса, подшолик ёки вазирлик тоигай. Агар офтоб моҳи тобон равшанлиги билан жойида кўриниса, подшо ўз салтанатида мустаҳкам бўлгай. Бу дегани – сизни якни вакт ичиде хукумат идоралари истаб қолишлари мумкин. Яна, бизда кўшини мамлакатлардагилай талатўцілар ва урущ-жанжаллар бўлмайди, коп тўкишмайди, нурли истиқболга бузугчиликларсиз, тадрижий йўл билан бораармиз. Тушингизнинг таъбири мана шудир, қизалогим. Локин..

– Нима локин? – деб сўради Назира бувасининг оғзига сабрсизлик билан тикилиб.

– Тушингизда тулки ва қўёнлар, бўри ва қапиқирларни ҳам кўргансиз. Ҳазрат Иби Сийрийнинг айтишларича, булар – фитна ва фирибгарлик, пари ва инс-жинслардан чўчишдан далолат қилгай.

«Инс-жинслар» сўзини эшитган неварасининг ковок-димоғи осилиб, маъюс тортиб қолганини кўрган Баҳром Шайх ота унга тасалли берди:

– Хафа бўлманг, қизим, қамина шу бугуноқ шайтон ва инс-жинслардан асрайдиган «Муззаммил» сурасини кирқ бир маротаба ўқиб, аларни йўлдан адаштиарман.

– Яшанг; додажон! Лекин негадир жудаям кўркиб кетяпман! – деди Назира токатсизланиб, қўлларини мушт қилиб тугиб тиззаларага ураркан. Лъянати инс-жинслар яна бир кўргилик бошлишмаса гўрга эди.

– Хавотир олма, бошлишмайди. Алар дуолар кучидан ўлгудай кўркишади. Чунки ўша муборак сурә ёвуз жинларнинг руҳини парчалаб, буғ заррачаларига айлантириб юбориши ҳам мумкин.

– Раҳмат, додажон! Бу сурани мен ҳам, албатта, ёдлаб олишим керак экан...

Шу пайт эшикдан Мунаввархон ая кириб келди-да, столга бир ликопча кора кишиш узум билан бир писла қаймоқ кўйиб, нсварасининг ёнига ўтириди.

– Келинг, бувижон, – деди Назира дарров унга чой куйиб узаткан.

– Қани, олинглар, – деди Баҳром Шайх ота «бисмиллю» айтиб ондан таповул кила бошларкан.

– Дадам билан ойим ишта кетиб бўлинидими? – сўради Назира бувисига тикилиб.

– Йўқ, ёр-хотин барвакт туриб бозорга кетишди, гўшт-пўйт, мева-чева харид килгани...

Айни шу чор дарвоза қўнгироги жиринилади.

– Келинди, шекили, – дея Назира иргиб ўриндан турди-да, ташқарига югурди. Нахза ўтмай, бошини хам килганча кайтиб кирган киз энди негадир нича хижолатта тушгандай эди.

– Ким экаи? – сўради Баҳром Шайх ота унга синчков тикилиб.

– Икки нотанини аёл, – деди Назира паст овозда. – Бувижон, сизни сўрапашаётни...

Э ха, яна совчилар шекили, – дея ташвишли киёфада кўлларини кўриначага тираб, инкинзаганча ўриндан турди Мунаввархон ая. – Меҳмон отанглек улуг лейиниади, кизим, меҳмонхонага дастурхон ёзгин. Уларни ўнатта олиб кирамиз.

Назира истамайгина яна ортига қайтди.

Ая ичкари ховлига кираверишда тоғора кўтариб олган кирқ ёнилардаги икки сўлим жувонни кўриб, уларнинг истиқболига юрди. Бир-бирларининг сизаларига қокиб, бир-бирларининг ташларига қулок осинни хам лозим топмай, айни бир вактда бараварига сўраша кетишиди:

Вой, айланай!.. Омонмисиз-эсонмисиз? Эсонмисиз-омонмисиз?.. Омон-эсонмисиз, эсон-омонмисиз?..

Кўришиш «маросими» тахминан ўн дақиқача давом этди. Аёллар бир-бирларининг етти пунитигача жами авлод-ажъодлари, невара-чевараларининг ҳол-ахволини сўраб-суриштириб, бу «ишини обдан жойига қўйинигач, Мунаввархон ая меҳмонларни ичкарига бошлади.

Бу пайтда Назира меҳмонхонадаги дастурхонни хар хил нишириклар, ёнгок, хандон циста, бошка қуритилган мевалар билан тўлдириб қўйган, бир чойнак чой билан бир жуфт ион олиб кириши колганди. Аёллар уйга кириб, узундан-узоқ дуолар билан фотиха килингач, бу ишларни хам қойилмаком килиб зумда адо этди.

– Вой, ўргилай! Бўйгинангдан холаиг айлаисин, неварангиз бирам ширин, қалди-қомати тиқмачоқдай, оёқ-кўллари хам чаққонгина экан! – деди совчи аёлларнинг бири қизнинг ортидан сук билан тикиларкан.

– Бирам ёқимтой, шахло кўзлигини айтмайсизми! – деди иккичи совчи хам кўзлари ёниб.

Аёлларнинг ховлидаги гағир-гушур гаплашишларидан уйғониб кетган Наргиза билан Нафиса хам ювениб чиқиб, чой ичгани буваларининг олдига кириб кетишли.

– Буниси кенжә ўғлимнинг бош фарзаиди, – деди Мунаввархон ая камсуқумлик билан меҳмонларга чой қуиб узатаркан. – Мактабни хам тиялло медалга битказиб, бу йил институтнинг биология бўлимига ўқишига кирди. Ҳали ёти, бир-икки йил багримизда яна ўқисин, деб турибмиз.

– Ҳа, энди, холажон, тақдирдан қочиб кутулиб бўлмайди, насиб қилган ишни эртага қолдирмаган маъкул, – деди оқ рўмол ўраган истараси иссиқ жувон илҳомга миниб. – Ҳалқда, тенги чикса текинга бер, деган гаш бор. Биз хам утчалик бетона эмасмиз. Ўғлингиз бўлгуси кудангиз билан хам, кўсвингиз билан хам яхши ташиш.

Бу гапни эшитган Мунаввархон ая беихтиёр кошларини чимириб, совчи аёлга савол назари ила тикилди.

– Сайрамда Кўлдошбой Ҳожи ота деган табиб қариндошингиз бор экан-ку?

– Ҳа-ҳа, – деди ая беихтиёр оғзи очилиб.

– Аввал қизингиз уларни муроқаба амали ёрдамида ўша Ҳожи отанинг уйида кўрган. Кейин... якиндагина кенжангиз Асаджон ўғлим Сайдбекни бир ўлимдан саклаб қолди.

– Ҳа-ҳа, – деди Мунаввархон ая баттар ҳайрати ошиб. – Бундан чиқди, сиз Сайдмансуржоннинг завжаси экансиз-да?

– Топдингиз, айланай холажон, – деди истараси иссиқ жувон, – бизнинг сизлар билан қандайдир олис қариндошлигимиз хам бор экан.

– Ҳа, – тасдиқлади ая. – Бу – боболаримиз Тилла Шайх билан Сайд Каримбойларнинг қуда-анлачилигидан бошланган.

– Шунақа денг! – деди меҳмон баттар мамнун бўлиб.

– Мани кечиринг-ку, эгачи, лскин... ўғлингизнинг кўл-оёғи нега ишламай қолувди?

– Э, бунинг тарихи узун, айланай холажон. Ёлғизгинамнинг нешонасида шу қисмат ҳам бор экан, бандалик-да, энди. Агар истасангиз, бир бошдан галириб берай.

– Майли, эгачи, билиб қўйганимиз яхши барибир...

– Бўлмаса, энитинг. Ўғлим – табиатшунос, ўтган йили техника дорилғунунини тамомлаган. Шу денг, болагинамнинг кўпдан гайриоддий ҳодисаларга ўта ишқибозлиги бор. Учар ликопчалармисай, бебош рухларми-ей, ўзга сайёраликларми-ей, каерда нима гаройибот юз берса, фиришлаб стиб бориб, нимайди ҳалиги... илмий тадқикот килишга киришади. Дадаси ҳам олим эмасми, ўғлимизнинг бу кизиқишига сира монелик кўрсатмайди. Лекин бир воқеа юз берди-ю, ўғлимиз учун мен ҳам, дадаси ҳам каттиқ ҳавотирга тушиб қолдик. Кейин билсак, холажон, ўша пайтларда «Чўпон ота» деган маҳаллада турадиган бир одамнинг ғазати машинаси бор экан, айтишиларича, у – чамбарагига ўтирган одамни ўз-ўзидан учириб олиб кетармиси, газни босмасаям, чамбаракни бурамасаям, ҳайдовчини истаган манзилига ўзи стказиб қўярмиш. Лекин, сира аварияга учратмасмиш. Худди эртаклардагидай, а, тўғрими? Хуллас, ўғлим шу машинани сотиб олишга карор қилди. Ёмон овозаси туфайли бир неча йилдан бери ҳеч ким сотиб олишга журъат қилолмагани боис машинанинг нархи ҳам бошқаларига нисбатан ўн-ўн беш баробар арzonроқ эди. Албатта, ўғлимнинг дарди машинанинг ўзида эмас, бошқа ёқда – тезроқ унга ўтираса-ю, тадқиқ этиб, сирини билиб олса. Хуллас, отасининг розилиги билан машинани сотиб олдиям, унга миндиям. Лекин, биринчи куниёқ шунакалги даҳшатли вазиятларга йўлиқдикি!.. Дадаси ва яна бир ўртоғи гувоҳлигига чамбаракка ўтириши билан машина... кўздан ғойиб бўлибди!.. Шу захоти Сайдбек ўғлимнинг ҳам хуши бошидан учиби. Бир маҳал ўзига келиб караса... Қозогистонда – Келлесда юрганмиш! Бир маҳал ўз-ўзидан мотори ишлаб, олдинга ўқдай учиб кетибди. Чегарадан соатига 100 километр тезликда ўтсаям, миршаблар унга эътибор беришмабди. Қизиғ-а, холажон? Ақлингиз бовар килмайди. Хуллас, йўлида учраган ҳамма машиналарни чапдан-ўнгдан олатасир кувиб-ўтиб, бирнисада уйга олиб келиб қўйибди. Қанча одамларни босиб кетай дебди. Шу-шу дадаси Сайдбекка машинага ўтиришни ман қилдилар.

– Ё тавба, чинданам афсонага ўхшайди, – деди Мунаввархон ая ҳайратдан ёқа ушлаб. – У қанақа машина экан ўзи? Бирон-бир сирининг тагига етдингларми?

– Сайдмансур акамнинг тахминларича, машинага ёвуз рух жойлашиб олган экан. Машина янгилигига бир ўтри йигитта қарашли бўлган. Ўша найтларда у бир сингилтак қизни бошлаб келиб, кичкинагина гаражига қамаган, кун совуклиги учун машина ичида иситкичини ёкиб кўйиб, кечаси билан билганини қилгач, иккови ҳам хориб-чарчаб ухлаб қолган. Эрталабга бориб йигит ҳам, қиз ҳам ис газидан бўғилиб ҳалок бўлишган. Бу кўргиликни карангки, икковининг ҳам жасадлари бир ойгача машинада қолиб кетган. Бир ойдан сўнг чидаб бўлмайдиган даражадаги қўланса ҳидни сезиб қолган қўшиллари эшикни синдириб кирипса, таналари ириб, факат суякларигина қолган йигит-қизнинг жасадларини кўришган. Хуллас, ўғлимнинг фикрича ҳам машинани ҳали-хануз ана шуларнинг рухлари бошкарар эмиш.

– Астағифурullo! – деди Мунаввархон ая кўксига туфлаб. – Ақлинг бовар қилмайди-я...

– Балли, холажон, бировга айтсангиз, ишонмайди. Кўйиб берсангиз, ўзингизни ҳам жиннига чиқаради. Лекин Худога шукур, сизлар буни тушуна оласизлар, қизингизнинг рухий мулокотчилиги ҳам бундай масалаларга кенгроқ ёнданини кераклигини тақозо этди.

– Демак, ўғлингиз ана ўша машина боис шол бўлган экан-да?

– Йўқ, айланай холажон, очигини айтсанам, Сайдбеким сира тиниб-тинчимаган йигит-да, ўзи. Эшигтанларисиз: «Сирзи олам» деган машхур ойнома бор, ўғлим ана шу нашр муҳарририятидаги йигит-қизлар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Қасрда, қандай гайриоддий ҳодиса юз берса, ғириллаб стиб бориб, бу дунёдаги сир-синоатларнинг тагига этишига урининиади. Бир куни шу ойноманинг иловаси «Қалб кўзи» ҳафтапомасидаги йигитлар вилоятимиздаги олис қишлоқларнинг бирида жинлар жойлашиб олган уй борлигидан хабар топишиб, дарров ўғлимга сим кокишибди. Сайдбек олим эмасми, кўпинча унинг ёрдамига таянишади. Хуллас, бизни ҳам огоҳлантирмай, ўша сирли уйни кидириб, Паркент тоғлари этагидаги қишлоқка жўнанишибди. Бу ғалати уй улкан сой ёқасида пастга тикка тушган соҳилга қурилган бўлиб, бир йилдан бери қаровсиз, ташландик ҳолда эди. Чунки уйда кундуз кунлари ҳаёт ўз оқимида, мўътадил кечарди, аммо оқшом қўниши билан уйда бутунлай рухлар хукмронлик қилишарди. Ярим тундан сўнг эса, чираббад бўлмайдиган жаҳанинам азоблари боiplанар эди.

Кейинчалик ўғлым бу хақда шундай хикоя қилиб берганди:

– Ёғоч тахталар, шунингдек, зинациялар силкиниб, атрофдан чинкириқ, бўғиқ овозлар эши билади. Бу товушларга ҳам ўрганиш мумкин-у, яна қандайдир кўринмас бир куч бизни ўз-ўзидан итариб, панжарали дарвозага ҳайдар ва югуртириб унинг темирларига урадди. Хона ичи эса даҳшатли қуюқ туман билан қопланиб, деворга маҳкам қокилган суратлар ўз-ўзидан пастга гунигуп узилиб тушади. Айни ёз чилласи бўлса ҳам, хонадаги қаҳратон совукдан ташангиз жунжикади.

Шундай ҳолатлар бўлардики, ётадиган тўшаклар ҳам ўз-ўзидан ҳавога кўтарилади.

Тунаб қолган кунимизнинг биринчи кечасидаёк бир маҳал ёш аёлнинг руҳи «Сирли олам» ойномаси ҳодимларидан бирининг бўйнига ёпишиб, бўға бошлаганини сезиб колдим, уни ўз кўзларим билан кўрдим ҳам! Бирок кўра туриб, бу – туш; дея ўзимга ўзим тасалли берардим. Лекин ҳодимнинг тенкисидан ўзимга келиб, унга ёрдам бера олдим. Азбаройи кўркиб кетганидан у мурдадек қотган, хатто қичкиринига ҳам мажоли йўқ эди...

Қинилодагилар бу уйнинг бехосият тарихи ҳакида сўзлаб беришибди. Уларнинг айтишларича, бу уйда кўп яшапига хеч кимнинг юраги дов бермаган, чунки жами хоналарда бир вактлар «ўзбек» иши бўйича Гуллан ва Иванов деган марказлиқ муттаҳам терговчилар тухмат билан хибсга олмоқчи бўлган, аммо бунгача ўзини осиб кўйган ёш жувон руҳи хукмронлик қиласкан. Ушбу воеа содир бўлганидан сўнг кўп вакт ўтмай, уйнинг томоркасидан ёш чўпон йигитнинг мурдаси топилади. Йигит шўрлик йўқолган сигирини кун ботгунга кадар килириб, мана шу уйнинг ҳөвлисига кириб колади-ю, яна бир қурбонга айланади. Бу хунук воқсалар ҳакида бурундан сўзлаб келинарди, шу боис қинилок одамлари бу уйнинг якинига ҳам йўлашмасди.

Саидбек ярим кечаси журналист йигитларга Иблиснинг малайлари саналмиш ёвуз кучларни уйдан ҳайдаш учун дуохон, баҳши, умуман, ноёб хислат эгаларини таклиф қилиш кераклигини гапириб турганда, бирдан аллакимларнинг даҳшатли чинкириғи, жон аччиғида дод-вой солған овозлари эшитилиб, оғни-боши ва кўзларидан кўзни камантиргудек кўм-кўк нур тарататётган икки руҳ: узун тирнокли наижаларини ёзганча, унга очиқдан-очик хужумга

ўтишибди. «Сирли олам» йигитлари уни амал-такал килиб уйдан ташқарига олиб чиқсаныарида, ўғлимнинг оёқ-кўллари ишиламай колган экан.

— Вой, Худо! — беихтиёр хитоб килди Мунаввархон ая хаяжон ичида яна кўксига туфлаб. — Жин чалди, деб шуни айтишса керакда, а, эгачи?!

— Нимасини айтасиз, айланай холажон! — дея ганига якун ясади совчи жувон чуқур хўрсиниб. — Хуллас, кейин бўлиб ўтган воқсалар ўзингизга аён. Худога минг қатла шукур, ўғлимиз хозир отдай согайиб кетган, халиям тиниб-тинчимайди, қасрда, қандай ғалати ҳодиса юз бермасин, гизиллаб етиб боради. Дадаси ҳам, мен ҳам унинг бу ишларига анча қўнишиб колганмиз. Зоҳирй ва ботиний, билимларга ташна одамни сира йўлдан қайтариб бўлмас экан. Кизгинангизнинг руҳий мулоқотчилиги, ўғлимнинг эса — бу соҳа тадқиқотчиси экани назарга олинса, менимча, улар бир-бирларига узукка кўзлай ярашиб тушиппади.

— Нимаям дердим, эгачи, — деди Мунаввархон ая унинг фикрини кувватлаётгандай хайриҳоҳ оҳангда бошини ҳам қилиб. — Улар бир-бирларини яна бир кўришсин, буваси, ота-онаси билан яна бир маслаҳатланшайлик, юлдузи юлдузига тўғри келган бўлса, фикриз бир жойдан чикса, нур устига аъло нур...

Совчилар Мунаввархон аяга қуюқ хайр-маъзур килиб ўринларидан туришганида, Баҳром Шайх ота ичкарида шайтон ва инсжинслардан асровчи муборак сурани ўқишга киришган эди.

ШАҲЗОД ВА МАЛИКА ҚИССАСИ

Сайдбекнинг онаси билан холаси Баҳром Шайх ота хонадонига совчи бўлиб бежиз ташриф буюришмаган эди. Йигит Назирани икки йилдан бери яхши тапири, «Сирли олам» ойномасининг топшириғи билан, ҳатто ноёб хислатларини ўргангани икки йил аввал у таҳсил олаётган мактабга ҳам келган, лекин ўшанда қиз матбуотда ёритишга арзийдиган ҳеч қандай каромат кўрсатмаганини рўкач қилиб, йигиг билан сухбатлашишдан бош тортгацди. Лекин Назиранинг баъзи синфдошлари ва танишлари билан гаплашиб, унинг антиқа қобилияtlари ҳақидаги кўп маълумотларни қўлга киритганди. Ўшандаёқ Сайдбек юрагида қизга писбатан шу ёши-

тача ўзига номаълум аллақандай ёкимли хиссёт туйгац, лекин бу мурғак туйғунинг цировардида борлик вужудини ларзага солувчи улкан мухаббатга айланиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирманди. Назиранинг башоратчилиги сабаб қизнинг отаси Асад ака ва унинг дўсти Раҳматилла аканинг жонларини жабборга бериб, ўзини ўлимдан сақлаб қолганлари эса унинг ҳаётида туб бурилиш ясади. Умрларида кўрмаган, буткул потанини олдий бир йигитта нисбатан бунчалик меҳр-муруват ва фидойилик кўрсатиш мумкинлигини Сайдбек аввалини тасаввуринг ҳам сифтиrolмасди. Буткул бегона одамнинг (узок қариндош эканликларини иккала томон ҳам яқиндагина билишди!) ҳаётини сақлаб колиш учун ўз ҳаётини хавф остига қўйиш ҳар кимининг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун Алномиидай арслонюрак, Гўрўғидай бағридарё, мард ва тантини инсон бўлини керак.

... Йигитнинг наздида Асад ҳам, Раҳматилла ҳам ана шундай поёб одамлар тоифасидан эди. Ўзаро хиёнат, юлғичлик, мунофиқлик авж олган, ҳатто ака-укалар ҳам бир-бирларининг кўзини чўқийман, леб турган бир даврда бундай одамларнинг ҳали ҳам борлиги Сайдбекнинг кўнглини тоғдай юксалтирганди. Йигит энди ўзини улардан то умришнинг охиригача қарздор деб билар, бундай олийжаноб инсонларга ҳаётининг сўнгти нафасигача хизмат қилишга ҳам тайёр эди.

Сўнгти вақтларда факат шундай ўйлар оғушида яшаган Сайдбек ойлик маошини олган куниёқ бир шиша аъло павли фараанг конъяги билан ўрисининг «Золотое Руно» сини ва турли сгуликлар олиб, тўғри Раҳматилланинг ишхонасига йўл олди. (У касрда ишлашини дадаси туниунтириб берганди.) Бахтига, Асад акаси ҳам шу ерда экан. Сайдбек спорт бўлмасига киравсеришда тўхтади.

– Э, дўстим, хавотир олма, – дерди Раҳматилла парвойи налак ҳолда, – сизларнинг уйингизга тўғридан-тўғри бостириб киришга манаман дсан бойваччаси ҳам журъят қилолмайди. Чунки у ширли хонадон-да.

– Лескин улардан ҳар бало кутиш мумкин, ошина.

– Мабодо бир гап бўлса ҳам, мен борман-ку, намунча хавотир килмасанг. Кел, яхшиси, юзта-юзта килиб, би-ир гурунглаштайлик! Беҳазил ганираянман...

Сайдбек секин йўғалиб, олға қадам ташлади.

Улар эски қадрдонлардай куюқ сўрашишгач, Раҳматилла ҳазил аралаш гап қотди:

– Умринг узок бўларкан, йигит, ҳозир сени ганириб турувдик. Ие, кўлингдаги нима? Ё тавба, ҳозиргина Асад акантизга юзта-юзта киламизми, деб турувдим. Сенам яrim авзиё болага ўхнайсан.

– Қалай, Сайдбек, ишлар яхшиими? – сўрали Асад ҳам кўтарики кайфиятда худди туғишган укасини учраттандай суюниб. – Журналига ёзб турисанми? «Қалб кўзи»да бир маколани ни ўкувдим. Ёвуз руҳлар ҳакила... Зўр ёзисан!..

– Раҳмат, Асад ака!.. – жилмайганча, боинин куйи солди Сайдбек.

Орадан бир неча фурсат ўттач, улар спорт мажмуасининг устозлар учун алоҳида ажратилиган шинам хонасида дастурхон тузаб, гурунг бошлиб юборишганди.

– Оббо, сен-эй, – дедя яна гапга гушли Раҳматилла Сайдбекка ўзланиб. – Бехазил ганираянман. шунча нарса кўтириб, нега бунчаговора бўлиб юрибсан?

– Сизларга тия сўйсам ҳам озлик килади. – деди йигит ўта жиддий оҳанинда. – Мен Худони ўттага қўйиб, ўз-ўзимга онт ичдим: ҳаётимни саклаб колганларингиз учун сизларга садоқатли шогирд бўлиб, бутун умр хизматинизда бўламан!

– Э, жуда ошириб юбординг ука. Биз сенинг хавфга юзма-юз келинанингдан иттифоко хабар тониб, ўз инсоний бурчимишини адо этдик, холос, – деди Раҳматилла камтаринлик билан. – Аслида ҳаммасига жиянимиз Назирахон сабабчи бўлди.

– Мен ундан ҳам абадий миннатдорман. Ҳатто, очигини айтишим керак: умримшинг охиригача унини қули бўлишга ҳам тайёрман!

Унинг нечоғли жиддий ва чин дилидан ганираётганидан хайратта тушиган собик жангчи гапни яна ҳазилга бурмоқчи бўлди:

– Оббо, тентак-эй, нега энди кул? Куёв бўлинига тайёрман, десанг-чи!..

Унинг бу гапидан орага ўнгайсиз бир жимлик чўкди.

Сайдбек беихтиёр кўзларини ерга қадаб, киз болалек кизариб, боинин куйи солди. Кейин шивирлагандек аранг товуни берди:

– Йўғ-э... Мен бунига арзимайман...

– Нега энди, хой, нодон! – қичкирди Раҳматилла бирдан чапанилиги тутиб. – Олий маълумотли, келишган йигитсан. Кимсан дошишманд бир профессорнинг ўғли бўлсанг, боз устига, истиқболи порлоқ ёш табиатшунос олим, ҳам журналист... Сени куёв килмаса, осмондаги фариштани куёв килармиди?.. Нима дединг, Асадбой?

– Сен мени буниака шантаж килма, ошна! – бакирли Асад ҳам ярим хазил-ярим чин оҳангда ўзини жаҳли қўзигандай кўрсатиб. – Манави жиян олдида иокулай ахволга солаясан, ахир! Бу – биргина менинг ихтиёrimда бўлмаган ўта нозик масала: уни додам, ойим, хотгиним, колаверса, кизимнинг ўзи билан бамаслаҳат хал килишимиз керак.

– Менга кара, ҳой, галваре! – баттар қизишди Раҳматилла. – Ўлай агар, ҳаётда мен психолог бўлиб кетган одамман, одамларнинг фарқига жуда-жуда бораман! Катта ганирмай-ку, ўзининг юз-кўзи олдила айтаянман: бу йигит билан кизинг бир-бирларига узукка кўз кўйгандай ярашиб тушишади.

– Бас кил деялман, қанака мижғов одамсан ўзи?! – онди ростакамнга жаҳли чиқиб бакирли Асад. – Лайтим-ку, сенга, бу масалани томдан тараша тушигандай олатасир хал килиш мумкин эмас. Бизнинг оиласада ҳаммавакт демократия бўлган, кўичилик қандай қарорга келса, ўни кабуя қилинади. Хоҳласа, совчи юборсин, кўрайлик, суринтирайлик. Умр савдоси дейдилар буни, ахир!

– Мана бу бошқа гап! – хурсанл бўлиб кетди Раҳматилла кафтларини бир-бирига ишқалаб. – Эшийтдингми, жиян? Йўқ, сен бўлгуси қайнотангнинг гапини эшийтдингми?

Саидбек яна кизаринб, бошини ҳам килди.

– Бас кил, лаънати! Шу билан бу гапга нукта қўйдик, тамом! Яна тақрорласанг, бўйингни синдираман. Жангда энди сендан сира қолипмаслигимни ўзинг яхши биласан.

Ўргада Назиранинг номи айланиб қолгани учунми, орага яна иокулай жимлик чўкди. Вазиятни яна собиқ жангчининг ўзи юмшатди:

– Сен полтергейст, яни «бебош рухлар ўйини» ҳодисаси билан ҳам шутууланараксан-да, Саидбек? – сўради у яна навкирон ҳамрохига мурожаат килиб.

– Нафакат полтергейст, мен, умуман, аномал ҳодисалар таџқикотчисиман, – жавоб берди йигит аллақандай ички гурур билан.

– Парapsихология, илми ғайб, номаълум учар жисмлар, илми нужум каби соҳалар-да, а? – сўради Асад кутилмаган кизикиш билан сухбатга аралашиб.

– Шундай деса ҳам бўлади.

– Сен аниқ фанлар билан шутуулансанг, укамиз иоаниқ фанлар тадқикотчиси ёкан-да? – дея яна гапини хазишига бурди собиқ жангчи.

– Рухлар чинданам мавжудлигига шахсан ўзингиз гувох бўлганмисиз? – сўради Асад жиддий қиёфада унга эътибор бермай.

– Жуда кўп марта, – деди Сайдбек комил ишонч билан.

– Мисол келтира оласизми?

– Масалан... Ўтган ойда андижонлик руҳий мулокотчи киз ва медиум йигит ёрдамида ўtkазилган медитация амалида бувамниг руҳи билан савол-жавоб килганман.

– Уни ўз кўзингиз билан кўрдингизми?

– Ҳа-да.

Суҳбат жиловини энди бирдан жиддий қиёфага кириб, ҳатто, маъюс тортиб қолган Раҳматилла қўлига олди:

– Ҳозир сизларга бир воқеани айтиб бераман, ҳайратдан котиб коласизлар. Беҳазил гапирайман, у ниҳоятда теран руҳий аҳамиятта эга. Ағфонда менинг бир дўстим бўларди. Исми Шаҳзод. У эндиғина уйланган, тўйи ўтгач, уч кундан сўнг аскарликка олиб кетишганди. Биз казармада у билан ёнма-ён ётардик, тоғларда ёнма-ён жанг килардик. Кечқурун уйга қайтиши билан ён келинчакнинг ўзи билан биргә тушган рангли суратини қўлига олиб, унга узоқ тикилар, сўнгра завжасига мактуб ёзишга киришарди. У уйига деярли ҳар куни хат жўнатар, улар маъзилига етиб борармиди-йўқми, Худо билади, лекин гоҳ-гоҳда унга хотинидан ҳам жавоб мактуби келиб коларди. Ана шунда Шаҳзоднинг исчоғли хурсанд бўлиб кетишини кўрганингизда эди!.. У осмонга сапчигудай иргинилаб, казармага ўқдай отилиб кирап, ташназик билан хатни ўкишга киришарди.

«Йўқ, мен ўлмайман, ҳеч качон ўлмайман! – дэя бот-бот тақрорларди у шундай кезларда. – Биз севгилим билан қўришамиз! Албатта қўришамиз!»

Камина Худо хоҳласа дэ дея унинг гапига тузатиш киритмоқчи бўлардим-у, лекин негадир кўнглим бўшаниб, индамай қўя колардим. Баъзан уни яна ўнда холатда кўриб «Фарҳод-Ширин бўлиб кетинглар-э, намунча типирчишамассанг?!» дэя кесатардим-у, аммо, ўлай агар, ўшанда қалбимда пайдо бўладиган совук бир ботиний туйғудан бадаим жунжикиб, бемаъни лукмамдан ўзим афсусланиб кетардим. Кўп ўтмай, дўстим чинакам муҳаббат нашидасини бир кун ҳам тотиб кўришга узгурмай, бомба остида колиб кетди. Якиндагина у ётган чоҳни мудхиш алганга ўз оғушига олган, пиравардила, ҳатто унинг суякларини ҳам тополмагандик.

Шундан кейин (ё фалак!) унинг ёш завжасидан мактублар ёнирилиб кела бошлади. Уларни ҳар олганимда, бехазил гапирайпман, юрагим орқамга тортиб, ўзимни кўярга жой тополмай қолардим.

Кейинги даҳшатли воксаларни камина Тошкентда уларнинг бевосита гувоҳи бўлган одамдан эшиздим.

Бир ҳафтадан сўнг етиб борган шум хабар Шахзодининг ёш завжасига ниҳоятда таъсир қилибди: эри ўлганини эшийтган Малика мурдадай оқариб кетибди, лекин дод-вой солмабди, ҳеч қандай қалима ҳам келтирмабди, аммо бир зумдаёқ хотирасидан айрилибди, маънавий хаёти бамисоли тўхтаб қотиб колтандай бўлибди, танадан иборат жисмоний хаётигина бешикаст қолибди. Шу-шу, Малика ўзини ўраб турган мухит ва нарсаларга буткул лоқайд, паришон хотир қарап, баридан на курсанд ва на хафа бўлар, айни дамдаги моддий эҳтиёжларининг ҳис этар, хаётининг бутун ўтмиш даври эса зулмат шардаси ортида колтандай, унинг учун келажак ҳакидағи тушунчанинг ўзи ҳам йўқолгандай эди: у ҳеч нимани кутмас ва бу оғир йўқотиш, чексиз қайгу оқибати эмас, балки нималарни дир мулоҳаза қилиш лаёқатини бой бергани фавқулюдда қалбини инғол этган нимани дир излаб-исташ қобилиятининг сўниб, фалаж бўлиб колгани туфайли юзага келган, қалби эса худди роботдек факат жами тириклик аломатларига эга мавжудотнинг хизматини адо этиш учунгина сакланиб қолганди. Маликани телба ёки савдойи дейиш ҳам қийин: унинг руҳияти ҳеч қандай шикаст топмаган, у осойишта, оғир-вазмин, ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳеч кимни безовта этмас, айни вактда, ҳеч ким ва ҳеч нима билан мулокотда бўлмас, бамисоли агрофидаги одамларни кўрмасётгандай, ҳеч нимани созмасётгандай яшар эди. Ундаги бу фожиали ўзгаришнинг сабабини билганилар унга мулоҳимлик илиа ғамхўрлик қилишар, бамисоли сағир қолган бечора болакайга ачинганлари боисгина меҳрурватт кўрсатишарди.

Бехазил гапирайпман, камина ҳарбий хизматдан қайтиб унга бир ҳафта мобайнида ўзи узлуксиз жўнатган мактублари ва Шахзодининг баъзи нарсаларини олиб бориб берганимда ҳам, у қилт этмади.

Малика шу таҳлитда ўғтиз йилдан зиёд умр кўрди. У ҳалихануз қайнонасининг уйида яшаркан, биргина қайнисининглиси Лавлихонга руҳан жуда боғланниб қолган, у эса янгасини кўргани тез-тез келиб турар, шундай кезларда аёлнинг кўзларида аллакандай хаёт учқунлари жилвалангандай бўлар, илло, ҳеч нарсага эътибор

қилмайдиган, одамови Малика фақат унгагина дўстликка ўхшаган илиқ бир ҳиссийт туйар эди. Қайнисинглисининг назарида, уни ўзи ҳам тушуниб етмаган ғайриоддий бир фикр ташвишга солаётгандай, шунингдек, унинг вужудига қандайдир оғир хасталик хурож бошлагандай эди. Бу ташвиш кундан-кунга кучайиб, сурункали тус олаётганди.

Кунларпинг бирида қайнисинглиси одатича тушлик овқат келтирганида, Малика алшакандай сирли киёфада: «Биласанми, Лълихон, у менга мактуб юборди... У ҳузуримга келаяпти!..» – деди. «Кимни айтаяпсиз, Малика она?» – сўради Лълихон. «У... у...», – деб жавоб берди аёл пешонасига сизиб чиқкан тер томчиларини артаркан, севгилисининг исмини эсланига бехуда уриниб. «Биласанми... У... Мен уни кутаяпман...» Бопика бир нима дейишга унинг курби стмади. «Мен кутаяпман... У келади... У мактуб юборди...» деган сўзларни у сезиларли ҳаяжон билан гапирав, хотиралари миясида чархпалак бўлиб айланар, лекин қалби улар учун ёпик эди.

Уч кундан сўнг Малика Лълихонга шундай деди: «Эртага ёнимда бўл... Мен уни кутаяпман... У мен билан бирга нонушта килади...»

Эртасига Лълихон унинг ҳузурига кириб келганида, бехазил гапирайпман, Малика дид ила тузатилиган дастурхон тўрида байрам кунлари киядиган чиройли атлас кўйлагида кўзлари порлаб, юзлари ёниб ўтиради.

У тезгина эшик томонга қаради. Бирдан қўли билан Лълихонга жим бўлишни ва қимирламасликни имо килиб, шивирлаб гапирди: «Эшиг... эшитаяпсанми?.. У келаяпти!..»

Шу пайт ташқарида чиндан оёқ товушлари эшитилди. Кейин Лълихонининг ўтакасини ёриб, тараклаб эшик очилиб кетди, лекин оstonада ҳеч ким кўринмас эди.

Малика фавқулодда кўзларини чақнатиб, кўлларини эшик томонга кескин узатди, бор овози билан: «Шаҳзод!..» – деб қичқирдил, гурсиллаб йиқилиб, шу ондаёқ жон таслим этди.

Собиқ жангчининг бу ғаройиб ҳикоясини Асад ҳам, Сайдбек ҳам ҳайрат ва ҳаяжон ичидаги тингланиган, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнунларга хос буюк мухаббат истифода этилган бу даҳшатли воеа уларпинг қалбини чинакамига ларзага солган эди.

– Бехазил гапирайпман, мен бу воеани унинг айнан гувохи бўлган ўша Лълихондан эшитдим.

– Чинданам жуда таъсирли, – деди Асад ўйчан қиёфада кошларини чимириб. – Рухият дунёсидан бизни ажратиб турган сирли нарда ортига нигоҳ ташлаш имконини берувчи ғаройиб воқеа!..

– Жуда тўғри! – хитоб қилди Сайдбек, ниҳоят, ўзини сал-пал кўрсатиш имкони туғилганидан илҳомга кириб. – Улкан муҳаббат дунёсида янаётган бу нозик-ниҳол қалб туйкусдан чинакам ҳаёт деб ҳисоблаган бор бисотидан жудо бўлгач, бамисоли дунёдан узилиб қолган, лекин руҳи танасидан ажралмаган, аксинча, у сиртқи кобиги – жисемининг қулига айланган, лекин руҳий ҳаётига дахлдор ва асосий унсури севги бўлган борлик маънавий олами – севгилисидан айрилгач, шоллик ҳолатига ўтган. Унинг жисемоний ҳаёти соғлом тарзда давом этаркан, танаси бирон хасталикка чалинмагунига қадар тўлиқ унинг ҳукмидаги қалби ўзини ҳеч нимада намоён этмаган, жисемининг маҳбуси сифатида кўринмас ҳолатда яшаган руҳи эса, ўз-ўзлигини билишдан тамомила маҳрум бўлган. Кутимаганда тананинг моддий хукмронлиги таназзулга юз тутади. Хасталик кучайиши ва ўлим яқинлашуви билан унинг руҳи аста-секин озодликка чикади, ўтмиши хотиралари аввал ғира-шира, кейинрок тобора аниқроқ лавҳаларда тиклана бошлади. «У келади... Мен уни кутяпман... У менга хат ёзди...» – деган сўзларини бамисоли тушида ганираётгандай, бу ундаги руҳий ҳаётининг ўйгонаётганидан далолат... ва нохос аллақаочи унтиб юборган севгилисининг исмини эслаб, тасаввуррида унинг тимсолини жонлантира олган дақиқалардан бонилаб, унинг тўла ҳаёта қайтиши ва охир-оқибат руҳининг жисмидан ажралиб чиқиши – ўлим қарор топади. Ўлим нима дегани ўзи? Бу – озодлик, руҳнинг ҳеч нимага боғлиқ бўлмаган озодлиги; фоний дунё бокий дунё учун мувакқат ҳаётда берган ҳамма зарурий синовлар ва маъруф нарсаларни ёлида қолдириб, жисмига тегишли ўткинчи, кераксиз, майда-чуйда нарсаларни ташлаб юборувчи эркин руҳнинг комизлик ва мағтулил сари навбатдаги қадами!..

– Қойил-э! – хитоб қилди Раҳматилла Сайдбекка завқ билан тикиларкан, тиззасига зарб билан мушт тушириб. – Гапниям шсьр қилиб юбординг-а, укажон!

– Чинданам доно йигит экан! – деди Асад ҳам завқини яширомай майнин жилмайиб. – Гапнинг мантиғиниям файласуфларча роса кифтига келтирди.

– Мен сенга нима девдим, галварс! – қичкирди Раҳматилла яна дўстига «ҳужум» бошлаб. – Яна унинг куёв бўлишига ноз қилиб ўтирибсан!..

— Ўчир овозингни, баттол! — бақирди Асад овозини ундан ҳам баландроқ күтариб. — Ақлинг етмаган нарсаларга бурнингни тикмай, ўз ишингни бажарсанг-чи! Кудиган бўлсанг, қуй тезрок. Кабоб ҳам совиб қолди.

Улар учовлон кўтаринки кайфиятда яна қадаҳларини чўқиширишди.

ГУЛШОДА БОНУНИНГ ҶАСАМИ

Гулшода бону тошойна ёнида тураркан, анча кайфи баланд, шунинг учунми, вужудига ўрнаниб олган инс-жинснинг ўз иродасига таъсир кучи ҳам анча сусайганди. У сал ўзига келгани боис миясига ғалати бир фикр келди, чоғи, кўзлари чарақлаб очилиб кетди.

Гулшода бону кия очиқ эшик орқали ёткохонасига мўралади. Чорпояда Болта бойвачча кўндалангига чалканча ётганча, хуррак отиб ухларди. Газаб билан эшикни ёпиб, меҳмонхонадаги дастурхон тенасига келди. Ликопчада бир неча дона паррак қилиб кесилган тузланган бодринг, памилдори, катта шишада шайтон сувидан қолган эди. Кайфталаб инс-жинсни янаям тўйдирини учун қадаҳни тўлдириб бир синкоришда ичиб юборди. Қорни очлиги боисми, миясига уриб, кўзлари гилтиллай бошлади. Хонага шоша-пинта Ўроқбой кириб келганди.

Гулшода бону ўриидан туриб, тараддулда тушуб колган йигитни каттиқ қучоқлаганча тилини оғзига тикиб, бор кучи билан пуфлашга киришди. Шу заҳоти иккови ҳам буралиб-эшилиб, гилямга ағдарилишди. Думалаб ётишаркан, оғизларини катта-катта очганча, бир-бирларига қараб ўқчий бошлашди. Калиаси улкан шаллангқулоқ каламушни, танаси қоп-кора от қўйруғини эслатувчи Нуж исмли ёқимсиз инс-жинс шу заҳоти бонунинг оғзидан отилиб чиқиб, Ўроқнинг ичига кириб кетди. Йигитча ётган жойида худди гиёҳвандлардай букчайиб, безгак тутгандек титраб-қақшай бошлади.

Елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортган Гулшода бонунинг инс-жинс буткул жудо килаёзган хотираси аста-секин тикланаштганди. Ҳозиргина бонидан кечирган мудхиш воқсаларни эслаб, эси оғиб қолаёзди. Эй фалак! Унга нима жин урди ўзи? Ёши элликка бориб қолган кан-катта хотин энг ифлос фоҳишалар ҳам хазар қиласиган жирканч ишта кўл уриб ўтиrsa-я! Анави лаънати инс-

жине қаерда илакипша қолди унга ўзи? Фопий дунёда бундан-да ортикрок шармандалиқ, бундан-да жирканчроқ гунох бормикин-а?! Эй Худойим, гунохкор бандангни ўзинг кечир! Минг бора ерга бош уриб, ялиниб-ёлвораман: тавба-тазарруимни кабул эт! Биламан, қаҳр-ғазабиниң уммондай бепоён, лекин марҳаматингниң ҳам чекчегараси йўқ-ку, ахир! Шайтон тузоғига илинаёзган бир хокисор бандангни истиғфор айла, эй Парвардигор!..

Гулшода бону шундай леб нола қилганча, ваннахонага қараб отилди. Бадапларини обдан совунлаб, шилиб юборгудек киртишлаб ювиниб чикқач, тўпигигача тушадиган узун қора кўйлагини кийди-да, сескин Болта бойвачча ётган ёгоқхонага кирди. Шимишиниң чўнтагини ковлаб, тўшиончасини тоиди-да, унга ўқталганча кичкирди:

– Ўрнишдан тур, хой, мараз!

Бойвачча ширакайф ҳолда кўзларини очди-ю, тумшуғи устида-ти тўшионча пилини кўриб, эсхонаси чиқиб кегди.

Ҳай-ҳай-ҳай, нима қиласиз, онажон? Ахир, биз сиз билан...

Бону унинги танини бўлиб кичкирди:

Ўчир овозингни! Укаларингни олиб, жўна бу ердан!..

– Хой, онажон! Сизга айтаямсан, бу қизталок ўқланган, эҳтиёт бўлинг!.. – дэя кўлларини ёзганча, аста ўринидан туриб, кўрка-писа кийина бошилади. Сўнгра орқаси билан эшик сари юаркан, хавотирли оҳангда кўшимча қилди: – Илтимос, куролингизни туширинг, опажон! Биз хозир кетамиз, кетмай, уйингизда ётиб қолармидик...

Шундай леб Болтабой ортига ўтирилган бўлди-ю, кескин харакат билан ўзини башоратчи аёлга қараб отди. Даставвал қўлидаги тўшиончасини бир зарб билан учирив юборди, иккинчи зарбаси аёлниш ўзини оёқдан ағдарди. Тўшиончани зудтар ердан кўлига олиб, энди бамайлихотир ҳолда афтини буриширганча, бурчакда ағанаб ётган бонунинг тенасига келди.

Ҳали отмокчи бўлдиларми?! Вой, кизталоғ-эй! – шундай деб у бонунинг бикинига бир тенди. – Аёл кипи бопини билан бизга бас келмокчи бўлдингми ҳали? Бизни ким деб ўйловдинг ўзи, хой, мегажин? Керак бўлса, сенга ўхшаганларнинг юзтасини, юзтаям ганими, мингтасиниям эмаклатамиз! Энангни Учқўрғондан кўрсатамиз ҳали!..

Гулшода бону бурчакда ағанаб ётганча, бикинини чапгаллаб хўйнг тушиб йигларди.

У аёлнинг рўпарасига келиб, юкоридан тўпиончасинииг нилини унинг нешонасига никтади.

– Менга кара, мегажин! Манавининг тепкисини бир мартагина боссам. тамом, ўзингни энангницида кўрасан! Лекин бизга сенинг ўлигинг эмас, ўша башоратчи қиз билан сехрли тош керак. Ўша қизталокни кўлга киритмасак, хаммамизнииг калламиз кетади. Жумладан, сенини хам! Шунинг учун сен билан сўнгти бор яхшиликча гаплашайман: сенга уч кун муҳлат бераман. Ана шу муддатда, яни уч кундан сўнг қиз хам, тош хам уйингда бўлини керак. Айтиб кўйяй: миршабларга сим коқишининг фойдаси йўқ, - шундай деб Болта бойвачча ёнидаги жавонча устида турган телефонни шартта кўлига олди-да, оёклари остига ташлаб, тепкилаганча чил-парчин килиб ташлади. Кейин худди хеч нима юз бермагандай, бамайлихотир гапида давом этди: – Чунки хали айтиб ўтганимдай, улар билан тилимиз бир. Боз устига, улардан истаганимизни сотиб олишга курбимиз етади.

Гулшода бонунинг киприкларини пастга туширганча, хамон гингшиб йиглаёттанини кўрган бойвачча овозини баландрок кўтарди:

– Тушунарлими, хой, қизталок!

Бону аранг бошини ирғаб: «Хм...», - дея олди, холос. Бундан яна газабга кирган Болта бойвачча аёлни бир тенмокчи бўлиб, оёгини шайлади-ю, лекин негадир шаштидан кайтди.

– Биз уч кундан кейин яна келамиз, шу муҳлатда шартимизни бажармасант, нариги дунёга тарафдудингни кўравер.

Бойвачча шундай деб, кескин бурилди-да, ташкарига йўналди. Шовкин-сурондан дахлизга чиқиб, гандираклаб турган укаси ҳам унинг ортидан эргашди.

Гулшода бону оғриқдан афтини буришириб, инқиллаганча ўрнидан турди, aka-укалар эшикни ташкаридан ёпгандарини эшишиб, дахлизга ўтди-да, уни ичкаридан кулфлаб қўйди.

Бири-биридан нохуш ўйлар исканжасида ётоқхонага кириб, ўзини тўшакка ташлади. Ичкилик таъсириданми, шу захоти кўзи илиниб, пинакка кетди.

...Гулшода бонунинг рухи зудтар Коинот қаърига учеб, тўртбурчак шаклидаги осмонўпар ҳашаматли эхром устида пастлай бошлади. Лахза ўтмай бинонинг нимкоронғи улкан хоналаридан бирида юрганмиш. Оёқ остидаги тўшама шахмат таҳтасини эслатар-

миш. Ўртадаги улкан юмалок шар устига ўрнатилган ҳайкалсимон алланима дарров эътиборини тортибди. Якинроқ бориб, унинг чинданам кўпол ва бадбашара ҳайкаллигини, лекин танаси одам, боши ўрнига эса, эчки қалласи ўрнатилганини кўриб, онг-тонг колибди. Яна ажабланарлиси шундаки, эчки қалласининг ярим очик оғзи, шипасимон кўзлари ва бурун катакларидан ожизгина гунафшаранг нур тарашиб турар ва у киши қалбida аллақандай ёқимсиз бир безовталик, ғулғула хиссини ўйготар эди. Ҳайкал олдига баланд олтин курси кўйилган, ундан ҳам сустгина сарғиши нур таралар эди.

Афтидан, бонуни кўзга кўринмас кимлардир аллақандай катта, шум бир ўйинга таклиф қилаётгани кўриниб турарди. Гулшода бону энди сархуш бир ҳолатга тушган, қаердандир қизларнинг йиги-сиғи овоглари кулокка чалинармии.

Фавкулодда бу гаройиб хонанинг деворлари ёркин нур таратада бошлабди, улардан нур бамисоли фавворадай отилар, айни вактда, ҳаво тандирдан чиккан ҳовурдай кизиб бораётганимиш. Лекин бону бу исенидан қийналмас, аксиича, лаззат олаётгандай эди.

Шу чоғ оёклари остидан кетма-кет олти марта момакалдирок янгиға тулдирак овоз келиб, чўчиб тушган Гулшода бону бенхитиёр тиз чўкканини ўзи ҳам сезмай колибди. Бугина эмас, у намоз ўкиётгандай энгашиб, шахмат тўшамага боши кўйибди ва шу заҳоти юзига урган исеник ҳовурдан сесканиб кетибди.

Бону бошини бироз кўтариб, ҳайкалга караган экан, «эчки»нинг оғзи, кўзлари ва бурун катакларидан шалоладай отилаётган кучли аланига оқими нигоҳини қамаштириб юборибди. Ё тавба, у кўзларини юмиб, қайта очганини билармии, шу ондаёқ ҳайкал ўрнида келишган ёш бир йигит пайдо бўлибди-да, шар устидан сакраб пастга тушибди. Елкасида корамтирир қанотлари бор, қошлари худди томири тортишиб колгандай ҳацдан зиёд чимирилган эмиш. У бир ҳатлашдаёк аёлнинг тепасига етиб келиб, слкасига кўлини кўйган экан, бону севинч ва изтироб, хушчакчақлик ва ғамгузорлик ўйнунлашиб кетган галати бир хиссиёт оғушига чўмибди. Шу ондаёқ онгининг аллақайси бир чеккаси билан бу – ёш йигит киёфасидаги Улуспир лақабли Коинот ва Ер юзидаги жами шайтон ва инженелар раҳнамоси Иблис ҳазратларининг айнан ўзлари эканини чукур хурмат ва ифтихор ила англаб стибди. Бирдан унга нисбатан меҳри жўш уриб, вафодор итдай унинг оёклари остига йиқилибди.

Улуспир унинг елкасига қўлини қўйиб, олтин курсига ўтиришини буюрибди. Лекин бону ўрнидан туриб, унга ўтирган заҳоти курен уни икки газ юқорига улоктириб юборибди. Ажаблашарлиси шундаки, у шахмат тўшамага худди мушукдай сингил ва ўнғай ағларилиб тушибди ва бирон жойи, хатто лат ҳам емабди.

Бундан жаҳли чикиблими, Иблис курсига караб алланималар деган экан, Гулпода бону думалаб ётган жойидан учганча, яна курсига бориб ўтирибди. Улуспир унга яқинлашиб, яна елкасига қўлини қўйибди-да, дона-дона қилиб гапира бошлабди. У Ер юзида кенг таркалган яхудий ва будда, насроний ва ислом динлари ҳакида қаҳр-ғазаб билан узок сўзлабди. Унинг фикрича, ўтмишининг котиб колган чиркин сарқитлари бўлмиш бу динлар Ер деб аталмиш сайёрадаги миллионлаб афкор омманинг онгини асрлар мобайнида заҳарлаб келаётганимиш. Инсон ва бошқа ҳар қандай олий тафаккур эгасини Парвардигор ҳеч качон кулим деб хисобламаган, умуман, инсон ҳеч кимга кул бўйласлиги керак эмиш. Ҳамма гараккий этган сайёраларда бўлгани каби Ерда ҳам ҳақиқий демократия тамойиллари тўла жорий қилинини, бащарият ҳар қандай қуллик занжирларини парчалаб танилани лозим эмиш. Мухими, мусбат ва манфий кутблар ўзаро уланмаса, чирок ёнмаганидек, инсоният жамияти ва Кониот миқёсида ҳам ўзаро қарама-қарни, мухолиф кучлар мавжуд бўлиши чинакам ҳаёт ва тараккиёт гарови эмиш. Нима учун севинчлар, ҳатто ўпиншайтанларида ҳам бир-бирларини тишлаб олишга итилишади? Чунки эзгулик билан ёвузиликни худди этга битган тирнокдек бир-бирларидан ажратиш мумкин эмас. Парвардигори олам бу дақки дунёда нимаики бунёд этган бўлса, ҳеч бири бежиз эмас, иллю, У --- айни беболивоқ замонда тобора айниб, руҳан тубанлашиб бораётган одамзодин тўғри йўлига солища Улуспир ва унинг шонли сафдошларига катта умидлар боғламокда. Ердаги ҳали номлари зикр этилган динларга ўхшаган бемаъни таълимотлар манфий кутблар бўлса, уларга қарши кураш олиб бораётган мусбат кучлар вазифасини у хомийлик қилаётган ва Кониот миқёсида канот ёзган улуғ таълимот оқими бажараётганимиш. Кўхна тарихга эга бу муросасиз кураш то киёматгача давом этармини ва ниҳоят, киёмат кунигина Улуспир ва унинг сон-саноқсиз маслакдолилари абадий ғалабани қўлга киритармиш.

Яна ислом, айниқса, насроний ва яхудий динлари ва уларнинг мукаддас китоблари ҳакида ганини давом эттирган Улуспирининг

қаҳр-ғазабдан муштлари тугилиб, күзлари чақнаб кетибди. Лекин дарров үзини күлгө олиб, ваяъхонликда давом этибди. Улусирниң фикрича, Ер юзида муҳаббат деб аталмис заҳар уруғлари хам ана шу динлар таъсирида пайдо бўлганмит.

АЖАЛДАЙ ҚУДРАТЛИ СҮЗ

– Осмонга кара, азизам! – дея хитоб килибди Улусир ўнг кўлини ғазот юқорига кўтариб. Гулшода бону ҳам нигохини шипга йўналтириб, катта-кичик юлдузлар ила лиммо-лим бепоён Коннотни кўрибди, лекин бундан негадир ажабланмабди. – Кўраясанми, анави буржни «Орион киличи» деб атаслади. У үзидан учқун таратиб турибди. У ерда качонлардир айни соатда бир сайёра ўз меҳвари бўйлаб сузиб юрган, у портглаб, ёниб кетган, унинг парчаларини вакт айлақачон чанг зарраларига айлантирган.

Бир вактлар у ниҳоятда гўзал сайёра эди! Унда Ердаги улуғ истельод соҳиблари ўзларининг ижодий тушлари кўмагида оқ мармарга тажассум эта олган тангрилар каби бенихоя хушсурат ва алиқомат одамлар истиқомат қилишарди.

О, азизам, улар нақадар дониниманд ва нақадар пурвиқор эдилар! Ҳа, у сайёрада илҳомбахши ҳақиқат соҳиблари бунёд этган улугвор кўрғонлар қад кўтарғанди.

Улар мангуликка даҳлдор эдилар. Улар на ўлимни, на ёвузликини, на ғам-қайғу ва на уятни билишарди. У ерда эр-хотинлик йўқ, факат ака-укалар ва опа-сингиллар мавжуд эди.

Вакти-соати стиб, бу гаройиб олтин сайдёра осмони узра ўзининг улкан, коп-кора қанотларини ёзаб, қаҳр-ғазаб ва интиком Рухи пайдо бўлди. Унинг борлиқ вужудидан душманлик, эзгуликка нафрат ва ғараз уфуриб турарди. У жангу жадал ва бузгунчиликлар бошлаш учун учеб келганди. Лекин унинг на қиличи, на пайзаси, на яшин чакнатиб, аланга отувчи ўқ-ёйи бор эди. Унинг қуроли ўзида – ўлимдай қудратли, заҳарли илондай маккор биргина сўз эди.

Бу сўз – муҳаббат эди.

У ширин уйкуда ётган навқирон йигиттага ўғринча яқинлашиб, бу даҳнатли сўзни унинг қулоғига шивирлади ва ҳузурбахши заҳарга тўла тушлар юборди. Йигит эса, ўз навбатида, уйкудаги соҳибжамол қизга яқинлашиб, уни ҳам севги сўzlари ва тушлари ила заҳарлади.

Эртасига уйғоништанида, иккови ҳам дунёга ўзгача нигох билан қарашди – уларниң қалбини яңгича ботиний фикр, яңгича хиссиеўлар чулғаган эди.

Улар бир-бирларини севиб қолиши...

Қора Рұх сайерадан ёвуз қаҳқаһа билан учиб кетди – у мұхаббат захрини пінжига тиқиб, Коинот бүйлаб яна минг йил айланди.

Нихоят, у захарланған дунёга яна ташриф буюрди. Ҳаёт ғуллаб-яшнаган сайерага у бириңчи газ худиі ўғридай кириб келған эди. Энди эса шаһаншохлардай қадам раңжида этиб, қабристонлар ва ёдгорлик тошлари таҳтига бориб ўтиради. Чунки ажайлай құдратли мұхаббат ўзи билан бирға жуда күп ўлемларни бошлаб келғап эди.

Сайёра одамлари мангуликдан жудо бўлишган эди. Улар туғилишар ва ўлишар эди. Уларнинг яшаш мұддағы асрдан-аерга кисқариб борарди. Уларнинг бўйлари ҳам пасайиб, тобора куч-куватдан қолишаётганди. Улар – олтин, бойлик, урушлар, айёронға фитна ва хоинликлар нималигини аллақачон билиб олишган, Парвардигор Одам Ато билан Момо Ҳавони жазолаб, Ерии қарғаганидан буён мавжуд жами ёвуздикларни амалда синааб кўришига улгуриншанди.

Одамлар эса шупақанги кўпайиб кетганди, она сайёра табиати ўз захиралари, модий воситалар ёрдамида уларни бокинига курби етмай қолғанди. Одамлар табиатга нисбатан зўравонларча или тутишар, унинг бойликларини шафқатсизлик билан талон-торож қилишинг янги-янги усусларини ўйлаб топишар, сайеранинг дуиманиларига айланиб, умр бўйи унга қарши курашнишар, бу курашда ўзларининг ҳам силлалари куриб борар, икки томонидан ёқилған шамдай ёниб, адойи тамом бўлишаётганди. Узок умр кўриш мўъжизага айланди. Олтмиш яшар кимса ҳасад ва ҳайрат уйғотар эди.

Одамлар умри ва куч-куватлари камайгани сари уларнинг душманига айланған табиатнинг ҳам қўли тобора баландроқ келар эди. У борган сари даҳшатлироқ ва таҳликалироқ киёфа қасб этар, чунки сайёра кексайиб, унга иссиқлик босриб турган алантга сусайиб борар ва унинг йўли Қўёнидан четга чалғиган эди.

Кутблардаги туманликлар, кор ва музлар жойидан жилиб, узлуксиз настға силжишар, уларга тўқнаш келған одамлар пастроққа қочишар, яхши срларни әгаллаш учун тишимсиз жанг қилишарди. Кон тўкилар, ҳаммаёқни мұхаббат дунёга келтирған нафрат ва қаҳр-ғазаб ишғол этганди.

Шу тариқа минг йиллар ўтди. Кора Рух яна сайёрага қадам раңжида қилди. Аввалинда пальма ва хурмолар ўстап болғорлар ўринини энді сахро ва чакалакзорлар жаллаганды.

У инсон авлодларини излади ва... катта қовок бошли пакана одамчаларни топди, улар күён териси ёнишишганча, гулханжар ёкиб, ўзларининг маймунчаларга ўхшаган болакайларини иситишга уринишарди. Лекин муҳаббат захри бу аянчили қабилага ҳам ўтган – улар севишар, изтироб чекиншар, савдойи бўлишар, бир дақиқа эса-ла, қовушини пайида яшашар, рашк қилиб, бир-бирлари билан муинтлашишар, севги-муҳаббат йўлида курбон бўлишарди... Баридан баридан худди одамлар танирилардек хушсуврат ва кучли, осмон кўмкўк, куёш ёркин ва иссиқ бўлган олис ўтмиш даврларида гидай кечарди! Музлар эса совиб кетган сайёра сатхи бўйлаб шимолдан ҳам, жанубдан ҳам настга караб узлуксиз сияжиб борарди. Ниҳоят, улар ўзаро учрашишгач, сайёрада музлардан бўлак ҳеч вако колмади.

Сайёра ҳалок бўлганди.

То унга фазода адамиган учар юлдуз иттифоко урилиб, марварид доналаридай парчалаб юбормагунига қадар у худди маҳобатли олмос каби ўз ўки бўйлаб узок, жуда узок вакт айланниб юрди. Пировардида унинг парчалари бутун Коинотга сочилиб кетди. Ҳалокатга юз тутган дунё зарралари келиб тушмаган биронта ҳам сайёра йўқ эди, хисоб.

Лекин уларни хаммадан кўп Ер қабул қилганди.

Сирли эхромда энди юракни ўртовчи ниҳоятда ҳазин куй янграй бошлаган, у эшилиб-тўлғониб ингранар, асрлар ғамидан сўзлаётгандай оҳ-фарёд ческар, совук симлардан тараляётган мотам таронаси Гулшода бонунинг бағрини тилкалаб, кўксига ханжардай санчилар эди.

Башоратчи аёл бирдан рўпарасидаги девор ўрнида улкан уммон пайдо бўлганини, унинг кок ўртасида пальма ва хурмолар ўстап сўлим орол ястаниб ётганини кўрди. Ёноқларини салқин ва мусаффо денгиз шабадаси сийсалаб ўтгандай бўлди.

– Сен бу куйни эшитаяпсанми, азизам! – дея хитоб қилди Улусипир илхом билан ганида давом этиб. – Севги илиа йўтирилган бу хавони илхаяпсанми? О, шўрликкинам! Бу орол, бу денгиз, бу соҳил муҳаббат билан заҳарланган ўша сайёра парчаланиб, муз бўлаклари шу ергача етиб келган кунда пайдо бўлган. Заҳарга тўлиқ муз зриб, кўп ўтмай бутун сайёрага тарқалиб кетган.

О, жонгинам! Сеп билап биз – севги сайёррасида яшаймиз! Шүр пешонамизга битилган жами фожиаларнинг мазмун-моҳияти ҳам мана шунда! Бильзакс, дунёда муҳаббатдан-да каттароқ ёвузилик ва баҳтиқаролик бўлмайди...

Борлик вужуди чексиз қайғуга ботган Гулшода бону, ниҳоят, тилга кириб, савол беринига журъят этди:

– Таксири олам, шунча сирлардан воқиф донишманд одам экан-сиз, кимлигингизни билишига ижозат беринг.

Улуспир энди йиғлоқи, маңка овозда жавоб қайтарди:

– Камина портлаб кули кўкка совурилган сайёрада илк бор муҳаббат сўзици эшигтан, илк бор севган ва севилган, биринчи бўлиб муҳаббат ортидан «Борса – келмас» деб аталувчи олис сафарга отланган ва ўз халқини ҳам ана шу йўлга бошлаб, севги заҳрига мубталоқ килган зотман...

Коинот ва Ер юзидағи жами шайтошлар ва инс-жинслар раҳнамоси шундай деб, ох-юла чекиб, йиғлаб-сиктади, сочларини чангалилаб, дафъатан фолбини аёлга қаратади нидо килди:

– Севма! Севилма!..

Бу гаройиб ҳикоядан ўта таъсиrlанған Гулшода бону ҳам ҳўнг тушиб йиғланига тушиганди. Унинг вужуди худди беziгак тутгандек қалтирап, жодугарлардек сочлари елкалари оша тўзғиб кетганди.

Иблис кутилмагандан қалдини ростлади. Чап билагидаги электрон соатига тезгина нигоҳ ташлаб, яна аёлнинг теспасига келди. Унинг яна қаёққадир шошилаётгани кўриниб турарди.

· Бас, ўзингни бос, азизам! · деди у энди буткул ўзгача бардам овозда.

Гулшода бону ҳам шу заҳоти қаддини ростлаб, жилдий киёфага кирди. Шоша-ниша синги билан кўз ёшлиарини артди.

– Кўриб турганингдек, Ер юзидағи муҳаббат заҳрини таг-томири билан куритсақкина биз она сайсрармиздаги ноёб ҳаётни сақлаб қоламиз. Лескин бу ниҳоятда мушкул вазифа, бунинг учун ўн йишилар, эҳтимол, яна юз йиллар керак бўлар.

Хабарингиз бор, шонли фарзандимиз Коиннинг зурриёти Дажжол ўттиз уч ёшга тўлиб, сайёрада айни шу йўлда фаолият бошлигаран эди. Жами курашлар, жангу жадаллар ҳали олдиндалигини эътиборга олиб, эпдиликда у ўзига содик маслакдошлар, жанговар сафдошлар тўпламоқда. Айни вақтда, шонли авлодларимизни давом эттиромок учун у уйлатмоғи ҳам қарз, ҳам фарз. Ерда унга му-

носиб келинглар йўқ эмас. Ана шуларнинг бири Тошкентдаги ўша ўзингиз билган шайхлар хонадони фарзанди, Назира бонулир. Магар биз бу қизни ўз мафкурамиз ва демократик ғояларимиз йўлида хизмат килдира олсак, у жаҳоншумул ишларни амалга оширмоги шубҳасиз. Биз ана шундай соҳибкаромат одамлар билан бирлашсанкина мухаббатнинг кулини кўкка совура оламиз!..

Кутилмаганда Иблис жаҳолатга кириб, энди қаҳр-ғазаб билан гапини давом эттириди:

– Лекин одамзод ҳамиша бизга душман бўлиб келган. Илло, зурриётимнинг ҳасми бўлмиш маъсума қизни йўлдан урмокчи бўлаётганилар оз эмас. Баҳром Шайх ота хонадонига хозирданоқ совчи устига совчи келмоқда. Боз устига, кизимиз тушимагур ҳам Сайдбек исмли телба бир йигитга кўнгил кўйган. Зудтар бунинг олдини олмок, сароб ниятларини йўққа чиқармок зарур!

Улуспир туйкусдан жим бўлиб, чаи қўлининг кафтини аёлнинг бошига кўйди, қаёқдандир ўнг қўлида пайдо бўлган ҳинча кўзачадаги сарғимтири сувини аёлнинг оғзига тутди. Сўнгра тантанали охангда сўз котди:

– То киёматгача Улуспир жапоби олийлари ва унинг зурриётларига хизмат киласман, деб касам ич! Кейин манави тириклик сувидан хўши! Бильзаке, у сенга мангу умр тухфа этажак!

Гулшода бону бир зум ўйланиб турди-ла, дарров қасам ичиб, жодуланган сувдан ичди.

– Қолганини Назира бонуга ичир. У ҳам сенга ўхшаб қасамёд килсин! Қизни асло қўлдан бой бермаслигимиз керак!..

– Маъқул, таксир... – деди Гулшода бону итоаткорлик билан бош иргаб.

Шу чор эҳромда гулдурос овозлар эниитилиб, қаёқдандир яна ёнида пайдо бўлган эчки қаллали ҳайкалнинг оғзи, кўзлари ва бурун катакларидан шалоладай отилаётган кучли аланса оқими нигоҳини қамаштириб юборди. Лахза ўтмай, кучли портлаш юз бериб, ҳайкалнинг тит-нити чикиб кетди, шу заҳоти хонани қуюқ кўкимтири тутун коилади. Улуспир ҳам наға-пага тутун қўйнига сингиб, зумда кўздан ғойиб бўлди.

...Гулшода бону кўзларини очганида, ўз ётоқхонасида тўшакда ётар, бош тарафидаги жавончада эса, Иблис тухфа этган сарғимтири суюклик солинглан кўзача турарди.

КИЗ КҮРИШ

Баҳром Шайх оғанинг хонадонинг профессор Сайдмансур ақанинг уйидан совчилар келингач, қиз-йигит аввал бир-бирларини күришенин, инича синашенин, деган қарорга келишиди. Сайдбекка факат шу керак эди. У өргасига ёк холасига сим қоқтириб, Назирани Ўрдадаги апхор бўйига учрашувга чакиртириди.

Йигит учрашувга белгиланган муддатдан ярим соат аввал етиб борди-да, «Жигули»сини катта йўл четига қўйиб, эшигини куллабади. Кейин Аиҳор соҳилидаги шинам асфальт йўлакчада у ёқдан-бу ёкка одимлай бошлиди.

Назира айтилган вақтда негадир ташвишили киёфада итоша-ниша етиб келди.

– Ассалому алайкум! – дели-ю, ҳе йўқ-бе йўқ, ганин мутлақо кутилмаган мавзудан бошлиди: – Биласизми, Сайдбек ака, сизга мухим бир ганин айтиб қўйиним керак. Кеча Шайх Тохур, Шайх Хожа Асрор ва Тилла Шайх боболарим тушимга кириниди. Аслида бу тун эмас. Лекин, сизга бошқача тушунтироимаймаи. Улар якин кушиларда ёк шаҳарда бошбошдоклик ва талатўилар бошланини, ҳатто, кон тўқилиб, баъзи бирорлар хибсга олнишидан дарак беришди. Энг ёмони – дадангиз Сайдмансур тоғанинг ҳаётлари ҳам хавф остида экан. Эрта ё индинга Қизил майдонда бўладиган митинта у киши зинҳор чиқа кўрмасинлар. Бу гапни ҳозироқ ўзларига етказишимиш керак. Акс ҳолда...

– Нима акс ҳолда? – сўради хавотирга тушган Сайдбек отзи очи-либ.

– Ўрмонга ўт кетса, ҳўл ҳам, қуруқ ҳам баравар ёниди деганиларидек, тўс-тўполонда ўқ тегини ёки миршабларнинг қалтаклари остида колинилари мумкин экан.

Ҳали отишма ҳам бўларканми?

Ҳа-да!

– Боболарингиз шундай дейищдими?

– Ҳа. Улар яна: огоҳлантирганимиз билан дадангиз бунга осон-ликча кўнмасликларини ҳам айтишди.

– Ҳа, дадам апча қайсар одам. Ҳаммага, ҳатто, ҳукумат раҳбарларига ёмон кўринса-да, факат хақикатин дейди.

– Бу гапларини дадамга айтиб бергандим, барини ўзинг етказ, яхшилаб тушунтириб бер, мен ҳам сим қоқиб огоҳлантираман, деди-

лар. Шунинг учун қаерда бўлмасинлар, ладангизни ҳозирок топиб, у киши билан ўзим гапланинни керак.

– Ҳозирок-а? – дели Сайдбек баттар таажжубга тушиб.

– Ҳа-да! Ахир, гап дадангизнинг ҳаст-мамотлари устида борянти. Сиз бир ўзингиз айтсангиз, улар ишонмасликлари мумкин. Аслида менинг ганимга ҳам уча-мунича соглом одам ишонини жуда кийин. Лекин боболарим мени хеч качон алдашмаган!

– Жуда кизик бўлди-ку, буёги, – дели Сайдбек кулишини ҳам, йиғланини ҳам билолмай. – Одатда киз-йигитлар биринчи марта учранингандан, севги-муҳаббаг хакида гапланишади чори. Биз бўлсак...

– Севги-муҳаббат кочмайди. Агар у чинакам севги-муҳаббаг бўлса... Турган биттани фожна бўймаса... Лекин, биласизми, Сайдбек ака, ажабланмани: мён сиз билан бир куни учранингимни муроқаба амали вақтида сизни юлк бор кўрганимдаёк билганман. Ўшандәёк боболарим бунга шама килишган.

Бу гандан бешбагттар ҳангукан манг бўлиб колган Сайдбек ўйчан киёфага кирди, бир даҳза сукунда колгач, дилини ёзди:

– Мен бўлсам, сиз билан кўришини уч йилдан бери орзу қиласдим-у, лекин бунинг мана шундай осон кўчиши, боз устига, мана шунака фавқулодуда мавзуларда гапланингимиз ети үхлаб гунишмуга ҳам кирмаган.

Ҳайрон бўлиш навбати энди Назирага етди.

– Уч йил аввал мени қаерда кўргандингиз? – деб сўради у кошларини чимириб.

Ўзингиз ўқигай мактабда. Ўшандаги тўс-тўноюн ёдиниздами? Бизни ичкарига киритишимаганди. Бошқонларингиз ёниб кетай деганини деразадан томоша қилтандик. Ўт ўчирувчиларни ҳам чакириштанди.

– У ерда сиз нима килиб юргандингиз?

– Мактабдаги сиз билан боғлиқ гайриоддий ходисалардан ҳабар топиб, «Сирли олам» ойномасининг бир-икки муҳбири билан ғириллаб етиб боргандик. Мен, ахир, аномал ходисалар тадқиқотчисиман-да.

– Шунака денг! Ҳаёт кизиғ-а? Ўхшатмасдан учратмас деганларидек, такдир мени сизга йўлиқтирганини қаранг!..

– Дунёнинг ишлари ўзи шунака. Иносон уларга факат ҳайрат билан жавоб бера олади...

Улар хулиди ўзаро келиниб озингандек, айни бир вақтда соҳиҳ ёқалаб катта кўча сари юришиди.

– Дадам хозир Ёзувчилар уюшмасида бўлишилари керак. У ерда «Озодлик» ҳаракатининг фаоллар шуъбаси эрта ё индига ўтадиган митингта хозирлик кўришаётган бўлса, ажаб эмас, – деди Сайдбек кизни манинаси турган жойга бошлиб.

– Тезрок борайлик бўлмаса, – деди Назира яна ташвишили киёфага кириб.

Улар Ёзувчилар уюшмасига етиб келишганда, биринчи қаватдаги сиёсий ҳаракат фаоллари шуъбаси хонасига эндиғина мажлис бошланган экан.

– Даданлизни хат киритиб чакиртиреак-чи, – дея таксиф айтди Назира.

Сайдбек кия очик энисидан ичкарига мўралади. Катта стол атрофилда ўтирган, турган одамлар билан лик тўла хонани наға-наға сигарет гутуни қоплаган, тўрда ўтирган кора соқолни корамагиздан келгани бир йигит дона-дона килиб гапираётганди.

– Бу катта ғалаба, жаноблар! Митинг ўтказиш учун бизга хукумат расмий рухсат берди. Бу бизнинг зўравонлик асосига курилган то-талитар давлатимиз раҳбарлари хам демократик тамомийларга салнай бўйин ёга бошлаганидан далолат. Биз бу шароитдан изложи борича унумли фойдаланишимиз керак. Правильно я говорю, говаришиш Маткаримов?

Даврадагилардан кимдир қозокча арада шевада кескин унинг ганини бўлди:

– Ўзбек тилига давлат тили мақоми берини масаласин кун тартибина киритажаткан бўлсақ, ўрича гапка баъса борма?

Раислик килувчи унинг луқмасига дарров жавоб қайтарди:

– Маткаримов рус тилида ижод киладиган ёзувчиларимиздан. Шунинг учун унга истисно тарзида русча гапирининг ижозат берайлик.

Яна бир сокол кўйган бақалок юзли ашкомат йигит ўринидан турди-да, фаолларга алансаб тикилгаича, тез-тез гапира бошилади:

– Мени кечирасизлар, ўртоқлар, менга ўзбекча гапириб, сизларга фикримни стказиш... очень трудно, понимаете? Поэтому с вашего разрешения...

Сайдбек ёнигина ёниб, ортида турган Назирага тикиларкан:

— Ўхў! — деди ҳафсаласи пир бўлгандай оҳангда қўлларини ёзид. — Буларнииг мажлиси яна камида икки-уч соат давом этади-ёв. Шунинг учун менда бир таклиф бор. Рўнарада, «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг тагида чироили бир қаҳвахона бор. Биз хам бўлажак келин-куёвларга ўхияб ўша ерда сув-пув, морожий-юрожний таниовул килайлик-да, пича севги-муҳаббатдан гурунлашпайлик, бир соатдан кейин яна қайтайдик. Шунгача зора мажлислари тугаса...

Назира беихтиёр кулумсираб, боини иргади.

Қаҳвахона ёш йигит-қызлар билан тавжум, юкоридаги улкан стол-жавон ортида турган сотувчининг ҳам кўли-кўлига тегмасди. Магнитофонда аллақаңдай хориж хонацасининг кулокни қоматта келтирувчи шовқин-суронли кўнгини яшгарди.

Йигит билан қиз чеккароқдаги думалок столни ўгаллашди. Сал ўтмай етиб келган дастурхончи қизга Сайдбек буюртма берди:

— Бизга лимон шарбати билан икки юз граммдан музқаймок...

Назира кулумсираганча йигитга зимдан тикиларкан, дилида ке-чаётган хиссиятларини ўзи ҳам тушунишга ожиз эди. Ўзига нисбатан ниҳоятда самимий, илик муомалада бўлаётган Сайдбекнинг юриш-турини, қиликлари, ган-сўзлари унга жуда-жуда ёқар, унинг ёнида ўтиринининг ўзиёқ қиз қалбига қандайдир кўтаринки кайфијат, бир дунё завқ багинилар эди.

Дастурхончи қиз уларининг олдига митти калинчани эслатувчи идишларда музқаймок ва икки стаканда лимон шарбати қўйиб кетди.

— Қапи, олинг, — деди қизга юзма-юз ўтирган Сайдбек майин жилмайиб музқаймоқларининг бирини Назиранинг олдига сураркан. Кейин худди томдан тараши тушгандай, бирдан сўз қотди: Сўран!

— Нимани сўрай? — деди чиндан хеч нимага тушунмаган қиз кинрикларини нирпиратиб.

Хол-ахвол сўранг-да.

Назира хам беихтиёр жилмайди.

— Яхнимисиз? Уйдагилар соғ-омонми?

— Йўқ, унақа эмас. «Ёшингиз улуғ, сиз сўранг, ака», дейишингиз керак. Сурхондарёда шундай русум бор.

— Ёшингиз улуғ, сиз сўранг.

— Йўқ, сингилжон, меҳмонимисиз, хурматингиз бор, аввал сиздан...

Назира кулумсираганча, йигитга яна савол назари билан тикилди.

– Энди пима дейишим керак?

– Хол-ахвол сүраб бўлдингиз, мен «Худога шукур, бари жойида», леб жавоб бердим ҳисоб. Кейин мен сўрайман, сиз ҳам тахминан шунлай жавоб берасиз.

– Кейин-чи?

– Кейин одатда қиз-йигитлар севги-муҳаббатдан гаш очишади, ҷоғи...

– Севги-муҳаббат нималигини, гапнинг очиги, мен билмайман. Бу савдо бошимга тушмаган ҳали. Лекин сиз билсангиз, тажрибагиз билан ўртоқланисангиз, мен жон деб эшитардим.

Сайдбек хаҳолаб кулиб юборди.

– Фожия шундаки, бу масалада менам умуман ўқимаганиман ҳисоб. Лекин сиз руҳий муроқотчи, башоратчи сифатида бу хусусда қандайдир ахборга эга бўлсангиз керак?

– Йўғ-», мен авлиё эмасман, ахир.

– Лекин боболарингиз авлиё ўтишган-ку?

– Мен бир нарсани яхни биламан, холос.

– Нимани?

– Сизга турмушта чикишимни.

Қизнинг бу гашидан Сайдбекнинг юзи қийлайиб колаёзди. Азбаройи хурсанд бўлиб кетганидан оғзишинг танобини қочириб, беихтиёр қўлидаги қопикчасини столга тушириб юборди. Назира бунга эътибор бермай, музқаймоқдан тановул қиларкан, ўйчан холда гашида давом этди.

– Биласизми, Сайдбек ака, чинакам муҳаббат ҳақида ўйлаганимда, негадир чексиз ғам-андух, аллақандай фожия кўз олдимга келади. Буюк даҳолар Алишер Навоий, Ҳофиз Шерозий, Байрон, Гёте севги ҳақидаги ҳар бир шеърларида бир ўлиб тирилган дейишади. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайхонинг самовий муҳаббатлари ҳам фожиали яқун топган-ку, ахир??

Сайдбек аранг ўзини кўлга олиб, пича ўйга толди. Бу гайриоддий қиз билан сухбати жўн кечмаслигини у аввалдан ботинан сезган, шубоис ҳам бу учрашувга севги ҳақидаги баъзи илмий-бадиий китобларни ўқиб, рухан тайёр бўлиб келганди.

– Гаш шундаки, Назирахон, – деди йигит ўзи билан ўзи фикрлашаётгандай ҳаёлчан оҳангда, – мумтоз адабиётда биз ўша сиз айтган

чинакам муҳаббатнинг кўпинча фожиа, ҳатто, ўлим билан иктибос қилинганини кўрамиз. Бамисоли Коинот қадар юксак муҳаббат тўрига илинган йигит-қизнинг ўлимида ҳам аллақандай илохий баҳт, тароват ва ҳаловат бордай. Лермонтовнинг «Бўронларда бордай ҳаловат» деган сатрлари ёдингиздами?

– Тўгри, ўлим аслида биз ўйлагандек ҳаёт билан мангу видолашув эмас, аксинча, рухнинг моддий дунёдан ёндош, латиф оламга ўтишидир. Моддий танада навбатдаги синовни ўтаган рух бошқа ўлчовли дунёга ўтгач ҳам мулки оламга қайтиш илинжида яшайди. Чунки у комиллик чўққиларига эришмагунига қадар моддий ва ботиний дунёдаги илохий синов давом этаверишини яхши билади-да.

– Лекин одамзод ҳамма даврларда ҳам ўлимни оғир, жуда оғир қаршилаган, ҳатто, унга қарши исён кўтарган. Бунинг сабаби нимада деб ўйтайсиз?

– Бунинг сабаби жуда оддий: ўлим сарҳадидан ўтилгандан кейин ҳам ҳаёт мавжуд бўлиши мумкинлигига инсоннинг сира ақли бовар қилмайди. Сўнгти йиллардагина аён бўлаётган ўлимдан кейинги ҳаёт эса, унинг учун зулмат ва мавхумот туманига чулғанган. Ҳар қандай мавхумот эса, кишида беихтиёр кўркув ва ваҳима хиссини ўйғотади. Фақат муҳаббат туйғусигина ўлим олдида таҳликага тушиб майди. Шу боис ҳам ошиқ-маъшуклар ҳаммавақт ўлимга юзма-юз боришиган.

– Жуда кизик фалсафа, – деди Сайдбек ўйчан ҳолда шарбатдан ҳўпларкан.

– Лекин бизнинг севгимиз худди ўзбек ҳалқ эртаклари қахрамонларининг муҳаббатидай безавол бўлишини орзу қиласман, – деди Назира исгадир бирдан ташвишли киёфага кириб. Унинг бу борада яна алланималардан хавотирдалиги кўриниб турарди.

– Худди шундай бўлади! – деди йигит кўтаринки кайфиятда қизнинг кўнглини кўтариб. – Худо хоҳласа, ҳалқ эртакларидаги дай биз жами қийинчиликлару тўсиқларни снгиб ўтиб, мурод мақсадимизга етамиз!

– Илойим, айтганингиз келсин!..

Улар яна Ёзувчилар уюшмасига қайтишганида, «Озодлик» ҳаракати фаоллари шульбасининг мажлиси ҳали тугамаган, аксинча, тобора авжига чиқаёттанди. Сайдбек эшикни қия очиб, яна ичкарига

мўралади. Энди кўм-кўк тутун коплаган хона ўргасида тик турганча дадаси гапирав, бошқалар унга дикқат билан қулоқ солишарди.

– Мен бу масалада қатъий ўз фикримда қоламан, – деди Сайдмансурака анча кескин оҳангда. – Фавқулодда қурултой ўтказишимииз керак, деб хисоблайман. Ундай одамлар сиёсий харакатимизни обрўсизлантирибгина қолмай, истаган лайтларида унинг бўлишиб костишига ҳам сабабчи бўлишлари мумкин. Агар қурултой тўстўнолон даврдан фойдаланиб, харакатимизга кириб олган тасодифий жинойи унсурлар масаласини узил-кесил ҳал қилмас экан, камнина харакатни тарк этаман. Бу – менинг охирги сўзим!

Индинга ўтажак митингда кун тартибига киригилган масалага келсақ, бу пиҳоятда долзарб эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши шубҳасиз тарихий воқеа бўлиб қолади. Она тилимизнинг неча ўн йиллар мобайнида оёқ ости қилиб келингани кизил салтанат мустамлакачиларилинг озодлик ва истиқолимизга йўл бермай, ҳалқимизни ҳамма ваqt кишандга ушлашга иштилишининг ириб-чириган меваси эди. Шу маънода унга давлат тили мақоми берилиши жафокаш юртимизнинг мустақиллик сари қўйған залворли яна бир одими бўлиб қолажак!..

Сайдбек аста ёшикни ёниб, ортида турган Назира га юзланди.

– Дадамларам зўр нотиклар-да, – деди у ички бир ифтихор билан.

– Чинданам зўр эканлар, энгидим, – деди Назира хаяжонли оҳангда. – Жудаям чиройли гапиарканлар. Кейин... босган изидан қайтмайдиган, чўрткесар, пок-ҳалол одам эканликлари ҳам шундок кўриниб турибди.

– Мен дадам билан фахрлапаман! Лекин...

– Лекин айни шу чўрткесарликлари туфайли нуқул ўзларига душман орттириб юрадилар, демокчисиз-да? – дея унинг фикрини давом эттириди Назира.

Сайдбек кулиб юборди.

– Сиз билан ҳамиша ўйлашиб гаплашишимга тўғри келади, чоғи. Ганим оғзимдан чиқмасидан ҳаммасини билиб турсангиз, буёғи...

– Буёғи мендан биронсиришизни яшираман, деб хомтама бўлманг...

– Шунақа денг? Менинча, бу – яхши-ку!

– Албатта, яхши. Бир-биридан сири бўлмаган одамлар жуда яқин лўст бўлишади. Биз, ҳеч курса, жуда яқин лўст бўлиб қолармиз.

– Нега энди фақат дўст? – сўради Сайдбек бирдан юзига хавотир ифодаси иниб.

– Чунки... – дея каловланди Назира ҳам юзига аллақандай нохуш бир маъюслик балкиб.

– Саволимга жавоб бермадингиз? – деди Сайдбек қайсарлик билан.

– Биласизми, Сайдбек ака, сиз билан учрашувга негадир мен ўзим ҳам тунуниб етмаган аллақандай безовталиқ, ички бир хавотир туйғуси билан чиқдим. Бунинг сабаби, балки кейинрок аён бўлар. Лекин ҳозирданоқ икковимизни ҳам хали олдинда қандайдир нохуш ишилар, кўнгилсизликлар кутаётгандай.

– Ўша дадам билан боғлиқ гапларларид-да?

– Зора шугина бўлса... Назаримда, ўртамизга ёвуз нияти яна бир кимса сукилиб кириб олмокчидай.

– Ким экан у, лаънати? – хитоб килди Сайдбек ярим ҳазилярим чин оҳангда. Кўрсатинг ўша кора ботирни, оёғини осмондан қилиб, абжагини чикарай.

Назира маъюсгина кулумсиради.

Хай, майли. Менинг ҳам вактим тугаб колди, уйдагилар хавотир олиб ўтиришгандир.

– Мен билан бўлсангиз, хавотир олишмайди, – деди Сайдбек ишонч билан.

– Нега энди? – сўради киз ажабланиб.

– Чунки дадангиз мени яхши биладилар.

Назира ялт этиб унга савол назари билан тикилди.

– Чунки ўтган ҳафта дадангиз ва у кишининг дўсти Раҳматилла ака учовимиз улфатчилик қилганмиз.

– Йўғ-, бўлажак куёвлигингизни била туриб, уялмадингизми? – кулди киз.

– Унда куёв бўлиш хаёлимда ҳам йўқ өди. Биз бундан буён бирга каратэ билан шуғулланадиган бўлдик.

– Мана шу ишингиз тўғри бўлибди, чоғи.

Қиз билан йигит шу тариқа ширин гурунг қилиб, мажлис тугаганини ҳам пайкамай қолишди. Сайдбек кўпчилик орасида сигарест тутатиб чиқиб келаётган дадасининг истиқболига шошилди...

ГУЛШОДА БОНУ НАЙРАНГИ

Эрталабки соат саккизда Баҳром Шайх ота хонадонининг дарвозаси қўнгироғини аллаким чўзиқ жиринглатди. Уй соҳиби маҳалладаги оқсоколлар кенгаши йиғинига чиқиб кетган, Асад ҳам ярим соат аввал ишга отланган, Мунаввархон аяни қўщанинида куни кечада бўлиб ўтган чаллардан кейинги «қелин салом»га таклиф этишган, онаси Наргиза билан Нафисани мактабга олиб кетган, биргина Назира уйда эди, холос.

Эрталабдан негадир қўнгли ғаш юрган киз эшикни очди-ю, остоноада турган Гулшода бонуни кўриб, тараффуддуга тушиб колди. Башоратчи аёл алланечук безовта кўринар, хавотирли нигоҳи неғадир атрофга олазарак жовдиарди.

– Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди, – деди бону аллакандай ўзгача оҳангда. – Яхши юрибсизларми? Амаким, опоким, Асаджон яхшимилар? Қизлар қалай?

– Раҳмат, бир нави, – дея жавоб берди Назира тушкун кайфиятда. Куни кечада бувасининг: «Ўша аёлнинг қандайдир шайтони борга ўхшайди, у билан кўпам мулоқот қиласкерманглар», – деган гапи ёдига тушганди.

– Уйда ҳеч ким йўқми дейман? – сўради бону ўсмоқчилаб. – Шундай бўлса, айни муддао. Сизнинг ўзингизга айтадиган мухим гапларим бор эди.

Улар меҳмонхонага киришди. Назира дарров дастурхон тузашга тушди.

– Ҳеч нарса керакмас, чой дамлаб келсангиз бўлди, – деди бону нимкатта ўтиаркан.

Назира лаҳза ўтмай, пахта гулли чойнакда чой олиб кирди. Чойни пиёлада уч марта қайтариб, одат бўйича, аввал ўзига, сўнгра меҳмонга куйиб узатди.

– Негадир эрталабдан бош оғриғим тутди. Уйда дори-порингиз йўқми? – сўради баҳоратчи аёл ўзини хастадай кўрсатишга уриниб.

– Анальгин бор, – деди Назира ва дарров ўрнидан туриб, юқоридаги жавоннинг дори-дармон солинадиган тортмачасини титкилашга киришди. Айни шу фурсатдан фойдаланган Гулшода бону халтачасидан Улуспир берган кўзачани олиб, ундаги суюқликни қизнинг пиёласига куйди-да, тезда уни яна жойига яширди. Назира узатган дорини тилининг устига қўйиб, чойдан ҳўплади. Қиз ҳам

пиёлани қўлига олганини кўриб, кўнгли яйраб кетди.

– Хуллас, сингилжон, кеча кечқурун бир ҳафсала қилиб, сизга фол очган эдим, бир дунё гап чикса бўладими?! – дея секин гап бошлади башоратчи аёл эшикка олазарак нигоҳ ташлаб. – Келажагингиз жуда ажойиб экан лекин. Сизга шунақа зўр қайлик насиб киларканки, аста қўяверасиз! Каминага аёп беришларича, Коин исмли азиз-авлиёнинг шонли фарзанди Самуғ (кадимги юон тилида Саммаэль – муаллиф) кирқ тўрт ёшида дунёга хукмдорлик тожини бошига кияркан. Сизга қайлик бўлажак бу баҳодир йигит аслида Ер юзида туб бурилишлар ясад, ундаги жами тирик мавжудотларнинг уйғун ва фаровон ҳаётини таъминлашдек буюк мақсадлар йўлида дунёга келган экан.

– Шундай одам бўлса, биз нега уни ҳалигача танимаймиз? – сўради Назира пиёладаги чойдан хўплаб қўяркан. Буни кўрган бону баттар суюниб, ганида давом этди:

У энди юзага чикади, сингилжон, энди юзага чикади! Ҳозирча у сояда. Жуда кадимий, улуғ аждодларнинг зурриёти бўлмиш бу пахлавон йигиттага башарият жуда катта умидлар боғламоқда. Сизнинг ишонангизга эса, менга аён беришларича, ана шундай буюк одамнинг умр йўлдоши ва сафдоши бўлинидек саодатмандлик ёзилган. Бирам ҳавасим келади, сизга! Энди сиз ана шу олий вазифангизни бажаришга ҳозирданок тарафдуд башламоғингиз керак!..

– Борди-ю, мен бунга рози бўлмасам-чи? – сўради Назира даbdurустдан.

– Вой, нималар деяпсиз, сингилжон! Бунака улкан баҳтдан фақат ёсини етан одамгина воз кечиши мумкин, бугина эмас, агар шундай килсангиз, ўта катта фожиаларга йўл берган бўласиз, ишонинг, бунинг охиривой бўлади! Тақдирдан қочиб кутулиб бўлмайди, ахир!..

– Эҳтимол, гапларингиз тўғридир, опажон, лекин мен... бир йигиттага кўнгил қўйганман, – деди Назира чойини охиригача симириб пиёлани столга қўяркан. Гулшода бону чойига пинҳона кўшган сехрли суюклик таъсиридами, у аллақандай паришонхотир, локайд одамга айланба бошлаганди.

– Вой ўлмасам! Бу ҳақда менга айтишувди-я, тўхтовсиз совчилар келаётганидан огоҳлантиришувди-я! Лескин ўлай агар, бу гирт енгилтаклий! Учитга чиқсан бемаънилий бу!

– Мен уни севаман, ахир! – деди Назира тушкун кайфиятда бирдан кўзларига ёш олиб.

– Нима-нима?! – хитоб қилди Гулшода бону жон-пони чикиб сенсирашга ўтаркан. – Севаман? Лекин билиб кўй: бу севгииг ҳеч қачон рўёбга чикмайди! Севгига бало бор эканми? Бунга кандай журъат этдинг?

– Мен ҳам одамман-ку, опажон, – баттар кўз ёши қилди Назира бошини куйи солиб. – Ўн саккизга чикдим, ахир! Ё кари киз бўлиб юраверишимни истайсизми? Қанча дугоналарим турмушга чикиб кетишиди.

– Улар оддий, авом қизлар. Авомга авом муносиб. Сен бўлсанг, пайғамбарзода, улуғ шайхлар авлодига мансуб одамсан. Сенинг пешонангга битилган асил ёринг эса, унданам юксакрок – Ҳазрати олия Момо Ҳаво авлоди, бўлажак буюк хукмдор ва жаҳоншумул саркарда Самуғхондир. Буни кеч қачон унутма!

Гулшода бону чойига қўшган суюклиқ афюн каби тобора кучлироқ таъсир кўрсата бошлади, чоги, Назира борган сари кизишиб, асабийлашиб борарди.

– Модомики, у шунчалик улуғ ва қудратли экан, нега энди менинг шу аҳволга тушиб қолишимга йўл қўяди? Уни эмас, бирорни севишимга имкон беради? Нега энди шу вактгача хузуримга келмай, шунчалар интизор куттиради? Нега мени шу чокқача муҳаббат сирларига ошно қўлмайди? Ва ниҳоят, қачон биз никоҳдан ўтамиз?

– Агар мен билан бу оҳангда гаплашсанг, ҳеч қачон унга турмушга чикмайсан! Муҳаббатга бало борми?! У ўз олдига шунчалар буюк мақсадлар қўйганки, сенинг муҳаббатинг уларнинг олдила сарик чакага қиммат. Умуман, муҳаббат деган сўзни тилингга хам олма! Одамзодни куритадиган ҳам, чиритадиган ҳам асли муҳаббат.

– Сиз худди жодугар аёлларга ўхшаб фикр юритаяпсиз.

– Агар сен табиатнинг сир-синоатларини теранроқ, онглироқ билиш, дунёни ғойбий англаш истаги, хукуки ва имкониятларига жодугарлик деб карасанг, шундай бўла колсин, майли, мен жодугар ҳам бўла қолай. Лекин билиб кўй: Самуғ ўз хукукларидан ҳеч қачон воз кечмайди! У сени куйдирib, кулга айлантирса-да, лекин ҳеч кимга бермайди!

– Шунақа экан, нега энди шу пайтгача у менга, ҳатто кўриниш ҳам бермайди? – деди Назира жиғибийрон бўлиб.

– Бу масалада, сингилжон, сукут сақлаб, сабр-тоқат билан кутишдан бўлак иложинг йўқ. Олий кучлар белгилаган конун-коида ва муҳлатлар бандасига маълум эмас. Уларни, ҳатто мен ҳам бил-

майман. Чунки мен хам кўр ва кар инсон жисмига қамалган бир қулман. Балки у ҳузурингта бугун кечаси, эртага ёки индинга... келар. У сепни ўзининг маҳобатли кучоқларига олганида, эҳтимол, сен саксон яшар кампир бўларсан, лекин унинг алангали кучогида сен қайтадан туғилиб, яна соҳибжамол ва навниҳол жувонга айланасан ва у билан жисман уйғуналашиб, оламнинг умиди, таянчи ва ҳалоскори бўлмиш улут зурриётларни дунёга келтирасан. Мен сенга Коинот маликаси бўлишдек шарафли имкониятни бермөкчиман, сен бўлсанг... Ўзингни тут, авайлаб-асрагин! Коинот миқёсидаги шоншуҳратинг йўлида кизлик шаъннингни, иффатингни сакла, сингилжон!..

– Мен бутун умр мавҳум келажакни кутиб яшай олмайман, опажон,— леди Назира ўжарлик билан қовоқ-лунжини осилтириб. – Буни истамайман ҳам! Алаҳсирашта ўхшаган ҳомхаёл орзу-умидлар билан кампирга айланини ниятим ҳам йўқ.

– Бунча шопиқалоқ бўлмасанг? Сен Унга сифин, У буюрган муқаддас расм-русумларни адо эт! Кеча-кундуз У ҳақда ўйла! Уни юрагинг ва вужудинг ройиши билан ҳузурингта чорла! Сен дангаса ва нала-партиш қизга айланиссан. Унинг ўйлини ўзинг ифлослаб, яна тезроқ келишини истаётганингни бошқа қандай изоҳлаш мумкин?!

– У кечикди, опажон, – дея столга бош қўйганча, ҳўнг тушиб йиғлай бошлади Назира. – Мен аллақачон бошқа бир йигитни севиб қолганман! Нима қиласай, ахир?.. Йўл кўрсатинг!..

– Севги сўзини яна оғзингга олишга қандай журъат этдинг? Сен бу гапларимни ҳазил деб ўйлаисан чоги? Қудратли кучлар билан ўйиашасан, сингилжон! Сен кўнгил қўйган ўша срлик чувалчанг шубҳасиз ўлимга маҳкум! Уни, барибир, омон қолдиришмайди! Лекин, сенинг ўзингни ҳозирча асраб қолиш имкони бор. Боя айтиб ўтдим, бунинг ўйли фақат битта: ўша суйган йигитингдан воз кечиб, чархи фалак ато этган илоҳий маҳбубингни сабр-токат билан кутишинг керак!

Назиранинг кўзлари бирдан чараклаб очилиб кетди. Унинг юзини энди чексиз хавотир ва саросима ифодаси эгаллади.

– Уни омон қолдиришмайди?.. Нега энди? Саидбек акамнинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ-ку, ахир?! – дея хитоб қилди у талвасага тушиб.

– Сайдбекнинг тұноҳи – якин келажакнинг буюк оламнаоҳи Самуғхон йүлиға тұғаноқ бўлаётгандиги-да! – деди Гулшода бону зарда билан тиззасига шашати уриб.

– Сиздан ўтиниб илтимос киласаң, язиниб-ёлвораман, онажон, унга тегишмасин! Мен ҳамма нарсага розиман, уни ўлдиришмаса бас! – деди Назира йиғлагудай бўлиб башоратчи аёлнинг қўлларига ёпишаркан.

– Ундан бутунлай воз кеч! – деди башоратчи аёл бўғиқ овозда. – Балки шундагина қўлимдан бир нима келар, ҳакоратланган, шу боис ҳам жунбишга келган оғатни кайтариб, суйған йигитингиниг ҳаётини саклаб қоларман балки.

- Лекин у-чи? У севгисидан воз кечармикин? – сўради Назира жазавага тушгудай асабий бир холатда.

– Уни мажбурла!

– Қандай қилиб? У менинг ҳам севинимни билади.

– Ёмон кўриб қолдим де.

– У ишонмайди, ўла қолса ишонмайди!

– Назирахон! Эсингни йиғ, синглим! – дея кичкирди тоқати ток бўйгани Гулшода бону ҳам бағтар асабийлашиб.

– Нега бақирасиз? Мана, сиз, жодугарлигинизни бўйнишизга олдингиз, ҳар балога кодирлигинизни ҳам яхши биламан. Шундай қизингки, мен уни ёмон кўриб қолай! Ундан нафратланай! У ҳам менга нисбатан локайд ва қаҳр-ғазаб билан карайдиган бўлсин! Бу срда гап Сайдбек акамнинг ҳаёт-мамоти устида бораялти-ку, ахир! Қўлингиздан келадими шу иш?

Гулшода бону ҳудди алланимадан ўзини ҳимоя килаётгандай кафтларини олдишга кўтариб, бошини орқага олиб кочаркан:

– Йўқ-йўқ-йўқ! – дея хитоб килди. – Худо хайрини берсин, мени муҳаббат савдосига аралаштирма! Нима десанг – дегин-у, лекин бу иш чинданам қўлимдан келмайди...

Назира вәсвасага тушиб, асабий ҳолда хаҳолаб кулди.

– Инсон ботинида шундай соҳалар борки, улар ҳар қандай донишмандлик ва сеҳр-жодудаи устун туради. Сизлар одамни ўлдиришларингиз мумкин, лекин муҳаббатни ҳеч качон тортиб ололмайсизлар!..

Гулшода бону бир зум хўмрайиб, сукут саклаб турди-да, ўйчан оҳангда гапирди:

-- Бу масалада, эхтимол, сен ҳақдирсан. Лекин шуни билиб қўйки, муҳаббат ҳамиша изтироблар, ғам-қайғу ва фожиаларга сабаб бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Шу билан бу мавзудаги гапларга нукта қўямиз. Энди сўзимнинг бүёғига диққат билан қулок тут, сингилжон. Агар сўйган йигитинг яшаб қолишини истасанг, индинга яним тошни олиб, бизнисига стиб кел. Ахир, унинг бехудадан-бехуда ўлиб кетишни истамайсан-ку, тўғрими?

Назира кўзлари ола-кула бўлиб, жон ҳолатда бош иргади.

-- Бајли. Шунинг учун сени индинга соат ўнда уйимда кутаман. Ҳар қандай ишингни йиғинтириб, зудлар стиб кел. Меникига кетаётганингни уйингдагиларга билдира кўрма. Иложи бўлса, унинг дастрўмолиними, чекалиган сигаретиними, кисқаси, бир нимасини ола кел. Уларга афсун ўкиб, севгилинг бопшига ёғилажак балоқазони қайтараман. Гайриодий шароитда мен баъзан иродамни бой бераман, вужудимда яшайдиган ва ўз хукмини ўтказадиган ибтидоий кучни уйнотиш учун ҳам шундай қилишим керак. Уйга келганингда яним тош ёрдамида самовий маҳбубинг висолига қачон етишувиниши аниқлашга уринамиз. Ҳали яна бошқа гаплар ҳам бор, уларни кейин бафуржा мухокама қиласкерамиз. Келишдикми?

Гулпода бону чойига кўшиган суюклик таъсирида нашаванд одамдай кайф-сафо ва хузур-ҳаловат уммонига чўмган Назира унга телбаваш нигоҳ билан тикиларкан, беихтиёр бош иргади.

— Сендан яна бир бор илтимосим бор, сингилжон, — деда секин гапида давом этди энди анча ўзини босиб олган фолбин аёл, — ўзингни кўлга ол. Уйингдагиларга хеч нарса сездирма. Энди сен билан биз бир аравадамиз, бир-биримизнинг обёғимизга болта урмаслигимиз, иложи борича бир-биримизни қўллаб-кувватланимиз керак. Акс ҳолда бизга олий кучлар томонидан тухфа этилган ибтидоий куч-кудратимизни бой берамиз, бугина эмас, эл-улус олдида шармандаи шармисор ҳам бўламиз.

— Уқдим, опажон, — деди Назира маст одамдай бошини сараклатиб. Сайдбек акамнинг ҳаётини саклауб қолини ҳақидаги ваъдангизда турсангиз бўлди, ҳамма айтганингизни бажараман...

— Ваъдамда турмасам, Каломулло урсин!..

— Уқдим, уқдим, опажон...

Улар дарвоза олдида хайрлапинпаркан, Назира башоратчи аёлнинг ортидан тарки дунё қилиган одамдай локайд ва паришионхотир киёфада кузатиб қолди.

НАМОЙИШДАГИ СОТҚИНЛИК

Сайдмансур ака 1985 йилнинг айни сараторн ойида, соат ўнга яқинлашганда «Озодлик» сиёсий ҳаракати ташкил этган намойиш ўтадиган клуб ёнига етиб келди. Клубдан сал наридаги катта кўчада гувуллаётган талабаларнинг маҳобатли тўдаси тўплланган, ғалажовур, шовқин-сурондан ит эгасини танимайдиган вазият юзага келганди.

Ўша куни профессор «Озодлик» фаоллари шуъбасининг ўйғинидан чикиши билан ўғли ва Назирани кўриб, аввал онг-тоңг бўлиб колди. Улар унга ўта муҳим хабарни тозда етказилилари керакдай тапвишли ва саросимали қиёфада истиқболига юришди. У Сайдбекка юзма-юз келиши билан хавотирга тушиб:

– Тинчликми, ўғлим? – деб сўради дарров.

Ўғли индамай уни ташкарига бошлади. Профессор бор ганин эшитгач, сал кўнгли хотиржам тортиб, истехзоли кулди-да, йигитизни машиналари турган жой сари етакилади. Сайдбек машинасининг эшикюларини очиб, ўзи чамбаракка ўтиргди.

– Э, болаларим, – деди Сайдмансур ака вазмин оҳангда Назирани хайдовчи ёнидаги ўриндиқка ўтқизиб, ўзи гавдасини орқа ўриндиқта ташларкан, – агар мен бунақа гаилардан кўрққанимда, «Озодлик» ҳаракатига фаол бўлиб, умуман кирмаган бўлардим.

Сайдбек машинани ўт олдириб, катта йўл сари ҳайдади.

– Ватан истиқоли, ҳуррият учун курашига бел боғлаган одам хамма нарсага тайёр бўлиши керак, – дея гапида давом этди профессор ўйчан қиёфада. – У, ҳатто ўлимга юзма-юз келган тақдирда хам ортга чекинмаслиги лозим. Эҳс, бу йўлда миллатимизнинг гуллари санаалган капча зиёллиларимиз курбон бўлмади, дейсиз! Ҳали яна қанча курбонлар берилиши хам табиий. Шунинг учун камина бу намойишга бормаслигим мумкин эмас. Менга минбар керак. Истиқюлимиз, кўхна маданиятимиз ва она тилимиз ҳакида ҳајққа, ёшларимизга айтадиган гаиларини кўзлаб, маънан ҳаққи борми-йўқми, қатъи назар, подшоликни кўнгли тураб солтанат истибдои боис юзлаб, минглаб ҳазон бўлган, майиб-мажруҳ килинган тақдирлар, маҳаллий раҳбарларнинг сусткаш ва кўркоқлиги, бунинг окибатида ўзбек миллатининг инкирозга юз бургани, ўзбеклар юртидаги бир авлод умри давомидаёқ куриб

бўлган Орол денгизининг дунёвий экологик ҳалокати ва бошқа фожиавий муаммолар қалбимнинг оғир жароҳатларига айланган ва камина юрак амрим ила сиёсий курапига киришганман. Билъакс, бу шундайин курашки, унда факат олға юриш мумкин, ортга йўл эса – тақ-тақ берк...

Бу гапларни өшитган Назира ҳам, Сайдбек ҳам ўшандада тарвузлари қўлтиғидан тушиб, ўйга толганча лом-мим деёлмай қолишганди.

Сайдмансур ака чор атрофини таёқ ушлаган миршаблар ўраб олган клуб ёнига келиши билан биринчи кўрган одамлари Асад билан Раҳматилла бўлди. Чирок ёнгандай дили ёришиб, улар турган жойга қараб юрди. Файласуф билан собиқ жаничи ҳам профессорни кўриб, курсанд бўлиб кетишиди.

– Э, бормисиз, домла, боятдан бери сизни кутаётувдик, – дели Раҳматилла чапаниларча у билан қучоқ очиб кўришаркан. Бугунги куннинг қаҳрамони – ўзлари-да энди, а?

– Ҳа, биз, асосан, сизнинг нуткингизни тинглагани келдик, – дели Асад ҳам ҳамрохининг фикрини кувватлаб.

– Ипсон ўз фикрини ёркин айтадиган шундай муборак кунларга еткизганига шукур, – деди Сайдмансур ака кўтаринки кайфиятда, кейин катта кўча ўртасидаги трайлер машина устига тахталар тўшаб ясалган «сахна» томонига ўтирилиб, дарров хўмрайиб олди. – Лекин қаҳрамон масаласида бироз янгилидингиз, қаҳрамонлар у ёқда – юкорида, – дэя трайлер томонига ишора қилди.

Машина устига минбар ўрнатилиган бўлиб, унинг ортида сиёсий харакат раҳнамоси – кора соколи бир текис таращланган, башибонг кийиниб, ўзига зеб беришини ёқтирадиган, ўрта бўйли миқти одам атрофида спорчиларга ўхшаган алпқомат, барзанги йигитлар ўраланиб юришарди. Ундан орқароқда эллик беш ёшлар атрофидаги, синчков нигоҳи атрофга тешиб юборгудек тикилаётган қирғийбурун бир одам ҳам алоҳида кўзга ташланарди. Тўртта барзанги уни тўрт томонидан ўраб олганига қарамай, у ўзини налага олишга қанча уринмасин, бонқалардан, барибир, отнинг қашқасидай ажralиб турарди.

– Анави одам – Амирми? – сўради Раҳматилла бўйини чўзиб.

– Жаноби олийларининг айнан ўзлари, – жавоб берди Сайдмансур ака киноя билан.

Факат пойтахтдагина эмас, бутун жумҳуриятда, колаверса, хорижда номини кўпчилик биладиган, лекин ўзи ҳар хил даргаларда

камдан-кам кўринаадиган бу жиноий тўда раҳнамосининг фавқулодда ўзини кўз-кўз қилишдан тойинмагани Асад учун ажабланарли хол эди. «Мафия гурухининг бу етакчиси атак-чечак килиб шу тариқа юзага чикқани, унинг салбий бўлса-да, ижтимоий шахс сифатида хали шаклланмаганидан дарак беради» дея хаёлидан ўтказди файласуф.

– Ол-а, Болта бойвачча ҳам шу срда-ку! – деди Раҳматилла энсанси котиб Асадга қараб қўяркан. – Намойишидан ўргилдим. Кунлари шулаврга колган бўлса, бўлари бўлибди-ку?!

– Ие, улар нима килиб юришибди бу ерда? – деди Асад ҳам хайрон бўлиб.

– Мен нимага куйиб-ёниман? – деди Сайдмансур ака қизишиб. – Бутун фожиа шундаки, намойиш ташкилотчилари, унинг молиявий таъминотчиларининг анча-мунчаси ҳар хил жиноий гурухларга дахлдор одамлар...

Улар энди минбар тагидаги талабалар тўпланган жойга тикилишиди. У ерда аллақандай шовқин бошлиғанди. Ёнилар орасида ғимирсилаб юрган Болта бойвачча беш-ояти шериги билан бири олиб-бири қўйиб, алланималар деб бакиришпар, уларнинг: «Ҳукумат қаёкка қарайпти?», «Виждони борлар биз билан юрсени!» – деган баъзи чақирикларигина бу ергача етиб келаётганди.

Нихоят, митинг бошланди. Минбарга чикқан сиёсий ҳаракат ҳамраиси – башанг кийинган, кора соколли йигит кўрсаткич бармоғи билан микрофонни чертиб, йиғилганларни тинчитинига уришарди. Нихоят, сал жимлик чўккач, у ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишига бағищланган митингни очиқ деб эълон қилди. Шу заҳоти радиокарнайлардан Ўзбекистоннинг миллый мадхияси янгради. Ҳамма йиғилганлар худди аскарлардек турган жойларида тек котишиди. Малхия тугагач, минбардаги раислик қилувчи яна микрофонга энгашди. У бутунги намойишнинг тарихий аҳамиятга молик экани, чунки у ҳукумат расман рухсат берган биринчи йиғин экани, кун тартибига энг долзарб масала – ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши масаласи қўйилгани ва ҳоказолар ҳакида ганириб, митингни бошқариш учун ўришини сўзамол ёш ёзувчилардан бирига бўшатиб берди. У ҳам кискача кириш сўзи айтиб, сиёсий ҳаракат раисининг митинг катнашчиларига ёзма мурожаатини ўкий бошилади.

– Нима бало, раис ўзи келишга қўркибдими? – сўради Раҳматилла профессор томонга бошини ним буриб.

– Билмадим, – деди Сайдмансур ака елкасини қисиб.

– Мана шундай энг масъулиятли дамларда у, албатта, шу срда бўлиши керак эди, – деди Асад афсусланганамо, лекин қатъий оҳангда.

– Раис буванинг энг масъулиятли дамларда кочиб қоладиган одати бор дейишади, – деди Раҳматилла киноя аралаш.

Раислик қилувчи мурожаатномани ўқиб бўлгач, кутилмаганда Сайдмансур акага сўз бериб қолди.

– Ие, буёғи тезлашиб кетди-ку, – дея профессор пошилинч минбар сари отланди. У минбарга стиб келгунча йигин бошқарувчиси митинг қатнашчиларидан илтимос қилиди:

– Вакт йўқотмаслик учун сўзга чиқишини истовчи ҳамюртларимизнинг минбарга яқинроқ келишларини сўрайман.

Профессор минбарга чиққанида, Асад орка каторда турган Амирнинг хўмрайиб, бозовталана бошлаганини пайқади.

– Қара, Амирга қара, – деди у Раҳматилла шипшиб.

Пайтавасига курт тушди унинг, ҳозир домла ўзларига қарши найзабозлик қилишини билади-да, – деди собиқ жангчи кесатик охангиди.

Амир ёнидаги барзанги йигитга энгасиб, Сайдмансур акага имо қилганча, алланималар деган эди, у сакраб пастга тушди-да, Болта бойвачча ва унинг шериклари турган жойга қараб юрди.

– Жанжал чиқаришмаса бўлгани эди, – деди Асад ҳавотирга тушшиб.

– Булар бор жойда жанжал чиқмаслигининг иложи йўқ. Кетдик, биз ҳам ўша ёкка ўтайлик, – дея Раҳматилла Асадни одамлар орасидан аста минбар сари бошлади. Айни вактда собиқ жангчи Болтабой турган жойга жилаётган барзанги йигитдан ҳам нигоҳини узмасди. Ана, у бойвачча билан юзма-юз келди-да, минбарда нутқ ирод этаётгани профессорга имо қилиб, алланималар деб шиншиди. Сўнгра бурилиб, изига қайтди.

Раҳматилла Болтабой турган жойдан сал орқароқда тўхтади-да, энди профессорнинг гапларига қулок тутди. У хуррият, сўз ва фикр эркинлиги ҳакида гапирав, шундай замона ҳам стиб келаётганига шукроналар айтарди.

– Ўзбек тилига давлат тили макоми берилдиши кўхна маданиятимиз, буюк маънавий меросимизни кайта тиклашда олға ташланган залворли одимларимиз бўлиб қолади, – деди у бу масалага нукта кўяркан.

– Ҳалиги барзанги йигит қаёкка йўқолди? – сўради Асад ташвиши оҳангда Раҳматиллаға боинин ярим буриб.

Ана у, – деди файласуф ўнг томондаги оломон тугаган жойла хар ер-хар ерда саф бўлиб турган миршаблар томонга ишора килиб. Барзанги миришаблар катори олдида турган ҳаворанг дакрон костюмли ўрта ёшлилардаги оқсоч йигитининг ёнига келиб, унинг кўлтиғидан олди, кейин шошилмай бир четга олиб ўтиб, бир балоларни узоқ тушунтириди. Оқсоч кимса уни бот-бот бош ирғаб тииглар эди. Раҳматилла бўйинни чўзганча уларга тикиларкан, сотқин унесурлар томонидан профессорга карши аллақандай фитна тайёрланадигина шубҳаси қоямади.

Сайдмансур ака эса бу пайтда яна бир жиҳдий масалани кўзга-ган, жамоатчилик ўтиборини сиёсий фирмаларга сукилиб кириб олаётган жиноий тизимларга карши муросасиз курашин зарурлигига қаратганди.

Болтабой турган жойдан хуштак овози ёнитисди. Аллаким хиркирок овозда кичкирди:

– Регламент саклансин!..

– Одамларни асосий масаладан чалғитишнинг нима кераги бор! – бакирди аллаким ҳезманиб. Уни яна бир неча ингичка-йўғон овозлар кўллаб-куватлади:

– Тўгри!..

– Майда ганиларга чек кўйилсин!..

– Бас қили!.. Ўчир!..

Яна ганига митинг бошқарувчиси аралашишига тўғри келди. У профессорининг ёнига тикилиб, микрофонга ёнгашиди:

– Ўртоклар, бакир-чакирни бас қилинглар! Биз келишганимизку, ахир: хар ким ўн дакиқатача ганириши мумкий. Домланинг гани тугамади ҳали. Гапларининг бўлса, наవбат билан бу ёкка чишиб сўзланилар!..

Дакрон костюм кийган оқсоч одам миршабларнинг боштиғи бўлса керак, жойига бориб турди-да, саф бошидаги корамагиз юзли барвастакомат лейтенантни бармоғи билан имо қилиб, ёнига чакирди. Буни кўрган Раҳматилла хозир фавқулодда ходиса юз беришини сезиб, Асадининг бикинига туртди:

— Кетдик, — дәя уни яна олдинироққа бошлади. Профессорни зұлтар химоя қылыш зарурати туғынған, аллақандай нохуш фавкулодда ходиса дақықа сайин стилиб келаётганини сабық жаңғычы ботиний бир түйғу билан аник илғади. Бу түйтуси әса, уни әнгөғір жангларда хам ҳең қачон алдамаган.

— Юра қол тезрок, — деди у ортидан келаётган Асаднинг қўлидан ушлаганча одамлар орасидан сирғалиб олга интиларкан. — Чамаси, хозир домлага танқўрикчилик килишимизга тўғри келади-ёв...

Сафетани бас қил! кичкирди ҳалиги хирқирок овоз ғазаб билан.

— Ҳой, раис бола, тартиб ўринатасаңми-йўқми?! — ўшқирди ишгичка овоз таҳдидли оҳангда.

Болга бойвачча турған жойда оломон оғир қўзғалиб, ўн чоқни йигит йўлидаги одамларни итариб-туртиб, мишиблар турған жойга караб жилди. Оломон чумолилар тўдасидай ғимирлаб, вазмин чайқалди. Мишиблар сафи бўлинма дарғаси — лейтенантнинг буйруғи билан ўна томонга караб интилди. Кимдир мишибларга қаратга болохоналор қилиб сўқинди. Унга жавобан қорачадан келган дароз сержант унинг елкасига таёғи билан тупириди. Тўе-тўполон кўтарилиши учун шунинг ўзи старли бўлди.

— Биродарлар! Мишиблар қуролсиз одамларга хужум бошлапди! — дәя кичкирди аллаким жаҳл-жаҳолат билан.

Мишиблар одамларга тобора яқинлашиб келишар, уларнинг орасида беш-олти газгина масофа қолганди. Ҳалиги дакрон костюмли оқсоч мишиблар бошлиги турған томондан ўн чоқни тартибот посбони одамларни ёриб, минбарга яқинлашарди.

Беҳазил гапирайман, улар профессорни хибсга олишмокчи чоги, — деди Раҳматилла минбардан уч-тўрт газ берида тўхтаб.

— Амир ички ишлардаги анави одамига шундай кўрсатма берди, демоқчисан-да? — деди унинг ортига келиб турған Асад минбар тарафига ишора қилиб.

— Ўзинг кўрдинг-ку, анави оқсоч ҳукуматгаям, жиноят дунёсигаям бирдай ластёрлик қиласи, бунақаларни «стукач» дейишади.

— Икки ставкада ишларкан-да, лаънати, нулни қаёқка қўяётган экан?..

Шу пайт оломон билан мишиблар тўқнаш келиб, ур-йиқит бошланди. Тартибот посбонлари қўлларидағи таёқларини кўтариб, баъзи одамларни савалай кетишиди. Болтабой бошник турұхдаги

Йигитлар уч-тўрт миршабнинг таёкларини тортиб олиб, ўзларини лўйинласига тушишди. Миршаблардан кимдир осмонга карата ўқ узганига, қарамай, тўс-тўполон «тобора» авжига чиқарди. Бойваччанинг атрофида ўралашиб юрган Тешшабой ўқ узган миршабнинг орқасидан хужум қилиб, сўлакмондай муштини зарб билан гарданига туширди, шилк этиб оёқдан ағдарилган миршабнинг тўйинчасини тортиб олиб, чўнтағига яширди. Ҳамманинг дикқат-ътибори Болта бойвачча гурухи бошлаган тўс-тўюлонига қаратилиган бир пайтда, ўн чоқли миршаблар гурухи минбарнинг атрофини ўранига киришди. Уларнинг бири минбар тагида турган жингалак сочили чуваккина бир йигитни негадир аямай савалай кетди. Йигитнинг шериклари миршабнинг қўлларига ёнишиб, ховурини босинига уринишарди.

Сайдмансур аканинг: «Ҳамма сиёсатчи бўлинни, кўполроқ айтганда, ит хам, бит хам сиёсат билан шуғулланавериши мумкин, деган аҳмокона ақида бор. Биз бунга мутлако қаршимиз. Қўли қонга булғанмаган, қалбан пок-халол одамларгина сиёсий кураш майдонига кирипга маънан ҳақлидирлар», — дея нутқини якунлаб настга тушаётганини кўрган сержант орқасидан уч-тўрт миршабни эргаштириб, зудтар унинг истикболига шошилди. Буни кўрган Раҳматилла Асадга бошини буриб: «Кетдик!» — деди-да, одамларнинг орасини ёриб, ўқдай олга интилиди.

У минбардан настга тушиб, шошилмай одамлар давраси сари отланган Сайдмансур аканинг ёнига миршаблар билан баравар стиб келди. Профессорнинг орқасидан писиб келиб, боши узра таёқ кўтарган сержантнинг тақимига зарб билан тениб, оёқдан ағдарди. Кетма-кет стиб келган икки-уч миршабнинг гарданларига кафтининг кирраси билан қакшатқич зарба бериб, уларни хам ер тишлатди. Аммо улардан бири собик жангчининг кўксига мушт тупириб колди-ю, боши айланаб, гандираклаб кетди. Кўз очиб юмгунича харакат билан унинг хам суробини тўғрилагач, шошилинч профессорнинг кўлтиғидан олиб, икковлон оломон орасига шўнғиди. Асад хам амаллаб уларнинг изидан тушди.

Улар амал-тақал қилиб оломонни ёриб, кўча чеккасига чиқишигандা, минбарда яна ўша бапланг кийиниб, кора соколи бир тескис қиртишиланган сиёсий харакат ҳамраиси пайдо бўлган, у хавотирили қиёфада оломонга мурожаат қиласкан, зўр бериб уни тинчишишга уринарди.

Сал ўтмай, минбарда унинг ўрнини шаҳар ижроқўмининг раиси – пешонасини тарам-тарам ажин қоплаган, олтмиш ёшлардаги келбатли одам эгаллади. У намойиш катнашчиларига мурожаат қилиб, тинчлапишни, миршаблардан эса, одамлар даврасидан чистга чикишини талаб килди.

– Ҳозир рёжа бўйича Кизил майдонга юриш бўлиши керак эди, – деди профессор афсус охангизда. – Бу ахволда колдирилади, чоғи.

– Тезрок кетдик! – деди Раҳматилла хавотир билан ўзлари томон бостириб келаётган тўрт-беш миршабга нигоҳ ташлаб. – Ҳеч қандай юриш бўлмайди. Юриш бўлса, отиима бошланади.

Улар тез-тез одимлаб, клуб ёнига ўтишди. Клуб биноси қопида турган беш-олти миршаб уларга шубҳа билан тикилди. Асад машинасининг эшигини очиб, орка энгизиларининг очқиччтарини кўттарди. Профессор билан собиқ жангчи орка ўриндикларга ўтиришлари билан файласуф «Жигули»сини ғизиллатиб, катта кўчага ҳайдади.

ГУНОҲНИНГ КАСРИ

– Бизникига ҳайдайверасиз, Асаджон, – деди Сайдмансур ака ҳорғин кайфиятда орқасига суюниб. – Янгаларингиз ош киласяити. Сизлар билан бир юрагимни ёзгим бор. Бу алғов-далғов замонда сизларга ўхшаган маслакдош, якин одамлар билан дардлашиб турмасанг, ёрилиб ўлишинг ҳам ҳеч гапмас.

Ёнида ўтирган Раҳматилланинг афтини буриштириб, кўксини чаңгалилганини кўрган профессор хавотирга тушиб колди.

– Нима гап, Раҳматиллажон? Мазаигиз кочаяигими?

Асад ҳам орқасига ним ўтирилиб, ташвишли киёфада:

– Апави миршаб эт-бетишта лат стказмадими, ишкилиб? – деб сўради. – Сен уни ағдарганинг дан кейин мен уни босиб кестай дсдим.

– Ҳа, йўқ, – деди Раҳматилла дўстининг гашидан зўраки жилмайиб. – Ўша латънатининг мунип зарби эски касалимни кўзғатди. Ҳозир ўтиб кетади.

– Қанақа эски касал? – бараварига сўрапиди Асад билан профессор.

– Э, бунинг тарихи узун, – деди Раҳматилла юзига ғамгин бир ифода балқиб. – Мен ағфон тупроғида қилган барча гуноҳларимнинг касрига қолған одамман.

- Эсингни едингми, қанака гунох? – деди Асад ҳайрон бўлиб.
- Беҳазил гапирайман, мен ўнлаб одамларнинг умрига зомин бўлганман, ахир!..
- Нима бўпти? Уруш дейдилар буни. Урунда душманни сен ўлдирмасанг, у сени ўлдиради, – деди Сайдмансур ака ётиrozга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.
- Тўғрику-я, лекин бу ерда масаланинг бошқа – руҳий-фалсафий томони бор. Сал ўзимга келиб олай, кейин гапириб бераман.
- Ё дўхтурга олиб борайликми? – деб сўради Асад.
- Э, йўқ, айтдим-ку, ҳозир ўтиб кетади.
- Уйга хайдайверинг, янгандиз шифокор, ўзи кўриб кўяди.
- Мана бу бошқа гап! – деди Асад мамнун бўлиб газни босаркан.
- Орадан ярим соат ўтмай, улар учовлон Сайдмансур аканинг ўртасига мўъжаз боғча қилинган, чеккаларига жамбыл ва садарайхонлар экилган шинамгина ҳовлисида дастурхон атрофида ўтиришганча, гурунг бошлаб юборинган, Сайдбек тишига-тик хизматда эди. Профессорнинг завжаси Раҳматилланинг кўкрагини бармоғи билан дукиллатиб кўриб, суюклари бут экани, лекин эти лат еганини аниклади, уни даволашга оид кўрсатмалар берди. Бу пайтга келиб, собиқ жангчи ҳам аңча ўзига келган, менинг касалим бошқа ёқда деб, уни унутишга интилиб, мезбон билан бирга хушчақчақ кайфиятда «қиттак-қиттак» қилишга киришганди.
- Сизлардан абадулабад қарздорман, – дерди профессор ўнкаси тўлиб. – Бир марта ўғлимнинг ҳаётини асраб қолдинглар, мана энди каминани хибсдан кутқаринглар...
- Э, қанака қарз! – хитоб қилди Раҳматилла кизишиб. – Биз инсоний бурчимиznи адo этдик, холос. Қолаверса, миљлатимиз равнақи йўлида ҳаётини гаровига қўйиб курашаётган сиздақа одамнинг бир умр хизматини қилсан арзиди.
- Унчалик эмас, биродар, мен ҳам эл қатори оддий бир одамман. Хўш, профессор бўлсан нима бўпти? Ҳозир дарахтнинг шохини силкитсанг, профессор ёғилади. Лескин шу курашларга кимдир бел боғлаши керак бўлгани учун ҳам аралашиб юрибман. Сен ёнмасанг, мен ёнмасам, у ёнмаса – ким ёнади, ахир?
- Барака топинг! – деди машинада бўлгани учун ичкилик ичмай, жимгина ўтирган Асад уларнинг сұхбатидан хузур килиб.
- Биламан, – гапида давом этди Сайдмансур ака, – бугун сизлар бўлмаганингизда, каминани хибсга олишлари аниқ эди, ха-ха, юз

фоиз аник эди! Чунки анави мараз Амирнинг мени кўргани кўзи, отгани ўки йўк! Камина эса, унинг тагига сув қўймоқчиман, қуяман ҳам ҳали. Улар мени, эҳтимол, шу бугуноқ ёки эртами, индинми, истаган пайтда қаматишлари мумкин. Баҳона дарров топилади: митингда тартиббузарлик қилди, деб ёки уйимга наша-паша ташлаб кўйиб, қонунда тақиқланган наркотик моддаларни саклади, деган айб кўйилади, вассалом. Кейин кутулиб кўр-чи!..

– Оғайним билан бошимиз омон бўлса, сизни ҳибсга олишлари-га йўл кўймаймиз! – деди Раҳматилла катъий охангда.

– Худо хоҳласа, – деди Асад ҳам жонланиб, – сиз учун эди биз курашамиз. Юртимиз истиқюли йўлида килаётган ишиарингизни, хеч курса, сизга танқўриқчи сифатида кўллаб-кувватласак ҳам са-вобга коламиз. Шу бизнинг умумий ишга қўшган хиссамиз бўлсин.

– Раҳмат дўстларим, раҳмат! – деди профессор кўнгли тўлишиб. – Қани энди ҳамма юртдошларимиз ҳам сизларга ўхшаган мард, са-мими, муҳими, миллий ғурурга эга одамлар бўлишса!.. Ҳозир биз ҳалқимизни ҳар қачонгидан кўра ҳам жинслаштириб, ҳамма бир ёқадан бош чиқаришига эриншишимиз керак. Бизга ана шу ишларга кодир кучли юртбоши керак. Назаримда, ана шундай одам, ниҳоят, юртимиз уфқида пайдо бўлгандай.

– Янги фирмә саркотибини назарда тутаяпсиз-да? – сўради Асад унга умидвор нигоҳ билан тикилиб.

– Ҳа, азизим! – деди профессор комил ишонч билан, – Молия, иқтисод соҳалари, умуман, сиёсатни чуқур тушунадиган, марказда-гилар билан тенгма-тенг гаплаша олишга кодир раҳбар, дейишаяпти.

– Булар – йўлбарс йилида туғилган одамларга хос хусусиятлар, – деди Раҳматилла ҳазил охангиди. – Камина ҳам шу йилда туғилғаниман-да.

– Нима, у чиндан йўлбарс йилида туғилган эканми? – сўради Асад жиддий қиёфада яна профессорга юзланиб.

– Билмадим, лекин буни аниқлап қийин иш эмас, – жавоб берди Сайдмансур ака кулумсираб.

Дастурхон тепасига Сайдбек келиб, чой-пойдан хабар олган бўлди, бўшаган пиёлаларни тўлдириб, яна ҳовлининг пастроғидаги ошхонага кириб кетди.

– Менда баъзан ўша эски касалим қўзийди, – деди собиқ жангчи бирдан ғамгин қиёфага кириб.

– Ўша эски касалингнинг қандайдир рухий-фалсафий жиҳатларини ганириб бермокчи эдинг; – дея эслатди унга Асад аста чойдан ҳўпларкан.

– Лекин бу чинданам ўта муҳим, ибратли гап, – деди Раҳматилла энди ўйчан ва жиддий киёфага кириб. – Шу даражада муҳимки, қайта-қайта газетларга ёзиб, телевизорда гапирсаям арзиди!

– Шунчалик муҳим экан, Сайдбекка айтайлик, «Сирли олам»га сен билан сұхбат уюштирсин, – деди Асад хазил аралаш кулумсираб.

Кулогини динг қилиб турган эканими, онхонадан чиккан Сайдбек ликончаларда столга сомсалар көлтириб кўяркан, Раҳматиллагага юзланиб:

– Гап бўлиши мумкин эмас, қачон вақтингиз бўлади? – деб сўради.

– Сенам ну ерда ўтириб, ҳикоямни эшит бўлмаса, – деди собик жангчи ёнидаги бўш курсига инора килиб. – Бехазил гапирайпман, ҳамма учун ибрат бўладиган гап бу.

Сайдбек ҳам Раҳматилланинг ёнидаги бўш курсига ўтириди.

Собик жангчи нафасини ростлагандай бир зум сукутта толди-да, шошилмай ҳикоясини болилади:

Афғонистонда Юрий Ковалёв деган бир дўстимиз бўларди. У – асли биолог олим, биологиянинг физика ва математика билан чатиштан соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боргани учун физика-математика фанлари номзоди унвонига сазовор бўлган, ўзи ҳам ҳар қандай урушга мутлако яроқсиз ва номуносиб, ўтакетган зиёли йигит эди. Нимаям бўлди-ю, кунларнинг бирида Юра икковимизни ўқ-дори ва ёнилғи омборига кўрикчи қилиб колдиришиди. Шеригимнинг Московда туғилиб ўғсанини билардим.

– Қалай, она шаҳрингни соғингандирсан? – дедим уни сұхбатга чорлаб. Ҳеч ким билан ёзилиб гаплапимайдиган бу «ичимдагини топ» йигитни гапга солиш ҳам бир машаққат эди.

– Нимасини айтасан, – жавоб берди у ковок-тумшуғини осилтириб. – Албатта, соғинасан, киши. Лекин мени қийнаётган нарса бу эмас.

– Сени нима қийнайди ўзи? – деб сўрадим атайнин унинг қитик патига тегиб.

У саволимга чукур хўрсишиб, бир дақиқадан сўнг жавоб берди:

– Биз ҳаммамиз қотилмиз! Мени мана шу қийнайди.

– Нима бўши? – дедим энсам қотиб. – Сен билан биз бу срга футбол ўйинига ташриф буюрмаганимиз. Чинакам урушга келганимиз. Урушда эса ҳамма ённасига қотилга айланади. Ва бунинг сира ажабланадиган жойи йўқ, – дедим. У афсус-надомат чеккандай бошини сараклатди. Кейин:

– Сен мени тушунишинг жуда қийин, – деди ҳафсаласиз оҳангда. – Беҳазил гапирайпман. Бу гапидан жаҳлим чиқиб кетди.

– Ҳў, ошна, сен мени ким деб ўйлаяпсан ўзи? – дедим чапанилигим тутиб. – Жа, унчалик авом эмасмиз. Бизам катта шаҳарда ўғсанмиз! – дедим товушими кўтариб.

Юра ҳафа бўлгандай яна бошини сараклатди.

– Мени потўри тушундинг, биродар, – деди куюниб. – Устозим билан биз бир қашфиёт кишганмиз. Ҳозир сенга айтмоқчи бўйган гапимни аңзаб стишинг учун ана шу қашфиётнинг моҳиятини укиб олишинг керак, – деди.

– Ўргилдим ўша қашфиётнингдан! – дедим кизиниб. – Гапир, уқмаган помард, – дедим.

Хуёлас, у қашфиётини изоҳлашга киришди.

«Қотилниш ўзигина эмас, балки унинг фарзандлари ва уругаймоқлари ҳам у қылган гуноҳнинг қасрига қолиб, ҳатто, ўзини ўзи ўлдиришгача олиб борувчи бедаво қасалликларга ҷалинади» деган гапни эшитганмисан? – деб сўраб қолди у дабдурустдан.

– Нега эшитмас эканман? – дедим саволининг жўнлигидан энсам қотиб... – Бу даҳшатли ҳақиқатни диний фалсафа азалдан таъкидлаб келади-ку!.. – дедим ўз билимларимни унга кўрсатиб қўйиш имкони түғилганидан суюниб.

– Жуда соз! – деди Юра бу гапидан сал жонланиб. – Ана шу сен айтган даҳшатли ҳақиқатни биз устозим Пётр Гаряев билан бирга илмий асосда исботлашга муваффақ бўлдик.

– Йўғ-э? – дедим ажабланиб. – Формулалар ёрдамида-я? – сўрадим оғзим очилиб.

– Ҳам назарий, ҳам амалий йўл билан! – деб жавоб берди у неғадир кўзлари чақираб. Ҳамма вакт тушкунликда бошини ҳам килиб, тошбақадек ўз кобигига бикиниб юрадиган бу йигит шу тоңда буткул бошқа одамга айланган, баданига қон югуриб, юзлари нур ила йўғрилгандай эди.

– Бинобарин, – дея гапида давом этди олим ошнамиз, – Фёдор Достоевский ҳам: қотил жиноят содир этган дақиқаларданоқ жазо-

сини ола бөвілайди, деб бежиз айтмаган экан. Гап шундаки, биз табиатнинг тиисимотшар тұманига чулғанған әнг мүқаддас жойларига теранрок никох ташлашта муваффак бўлғандик-да, – деди у негадир сирли оҳангда.

– Сен нимани назарда тутаяпсан? – деб сўрадим унинг гаплари га тобора кизиқишим ортиб.

– Энди гапнинг бу ёғига диккат билан қулок тут, – деди Юра яна-да жиғдийлашиб. – Насл-насаб устида ўтказган туркум тажрибаларимиз: котил томонидан зўравонлик билан ўлдирилган курбоннинг ирсий тизими жасад билан бирга ўша заҳоти таназзулга юз тутмай, ўлим сабабини хужайраларига «ёзиб» олган аллақандай фантом, яъни кўзга кўринимас наслий ҳосила юзага келишини кўрсатди. Биз тўлкин табиатига эга бу ҳосиланинг биологик жиҳатдан ўта фаоллиги ва танасини ишдан чиқаргани учун бамисоли ўчини олаётгандай шу заҳоти қотилнинг танаси ва рухига хуруж килиши ҳамда уларга жиғдий шикаст етказиши мумкинлигини аникладик. Тўлкин табиатига эга уибу фантом (хужайралардан отилувчи қувват қуйқаси) рошна-роса кирк кун яшар экан!

– Ие! – лея хитоб килдим мен. – Ахир, бу – ҳеч канака фантом-пантом эмас, рухнинг ўзгинаси-ку! Ўлған одамнинг рухи кирк кун яшаб, кейин осмонга учеб кетади дейишади-ку! Боз устига, кирк кундан кейин уни хотирлаб, худойи килинади! – дедим мен буниака аклии гаплар калламга келиб қолганидан баттар суюниб.

Йўқ, уни рух дейишимииз унчалик тўғри бўлмаса керак, Рахмат, – деди Юра ўйчан киёфада. – Уни «жон» деб атасак, мантиқка тўғри келар. Халқда, жони чиқди ёки ҳали жони бор, дейишади-ку. Хулласи калом, биз: хужайра ядролари ишдан чиқарилган пайтда уларнинг физик майдонлари кай ҳолатда бўлиши муаммосини жиғдий тадқик этишга киришдик. Биз дунёда камдан-кам олимлар ўрганишга журъат этадиган ҳаёт дастуриламали сирини очишга чоғландик. Хужайра ядроси таркибини бузиб, насл-насаб негизи бўлмини дезоксирибонуклейин кислотаси молекулаларини ажратиб олдик. Уни фанда кисқача ДНК дейишади.

Биз ДИКни лазер ёрдамида нурлантиридик. Молекулаларга урилиб кайтган нур ёйилиб кетди, маҳсус асбобларда уларнинг спектрларини аникладик. Окибатда мураккаб спектрал мағзара ҳосил бўлиб, унинг ёрдамида бирон тирик мавжудотнинг дезоксирибонуклейин кислотаси молекулаларини бехато аниқлап имкони туғилди.

Кетма-кет тажрибалардан ҳориб-чарчаб, иттифоко ҳозиргина ДНК ҳосиласи жойлашган, энди эса унинг ўрнини тоза «ариқча» эгаллаган «бўшлиқ» жойнинг спектрини ўлчаб кўришга карор килдик. Аллақандай кўзга кўринмас тўсиққа учраган лазер нурининг ёйилиб кетганини кўриб, хайратга тушдик. Спектр кўринини - «бўшлиқ» жойни бамисоли ҳали-хануз ДНК эгаллаб турганидаги-дай эди.

Дарвоке, нур ёйилиши спектрлари бўйича ДНКдан тараалётган товуш спектрлари хақида ҳам фикр юритиш мумкин. Улар тесбранма харакатлар қилиб, товуш тўлқинларини ҳам юзага келтиришиади. Аммо, айни шу харакатлар қайтга нурлар рақсини ҳам акс эттиради. Шунинг учун товуш ва нур спектрлари ўзаро жуда мос тушади. Тимсолий тилда айтганда, ДНК заррачалари нафакат ракс тушишади, балки ашула ҳам айтишади. Спектр ўлчагич асбоб эса, уларнинг бу концептини ўз видеомагнитофонига ёзиб олади.

– Қойил-э, Юрабой! – дейа хитоб қиздим мес унинг бу билимларидан энди чинакамига хайратга тусиб. – Беҳазил гапирайпман, сен нафакат зўр олим, балки зўр шоир ҳам экансан. Физикани лирика қилиб юбораяпсан, – дедим ҳазил аралаш.

Ковалёв бу мактовимга эътибор ҳам бермай, гапида давом этди:

– Боз устига, унбу спектрлар ёрдамида ДНКнинг «соғлиги»ни ҳам билиб олиш мумкин. «Кайфияти» яхши бўлса, улар паст тебраниш даражаларида нур қайтаришиади ва товуш чиқаришиади. «Соғлик»лари ёмонлашса, тебраниш даражалари кучаяди...

Бинобарин, тажриба жараённида яқиндагина ДНК заррачалари жойлашган, энди эса бўшлиққа айланган «ариқча» нафакат нур қайтарарди, балки товуш ҳам чикарарди. «Бўшилик»да бамисоли тирик ирсият молекулалари товуш бергандай. Бу стмагандай, улар қаттиқ «ҳаяжон»га тушиб, ҳужайра ядролари ишдан чиқарилгани боис юзага келган оғриқдан даҳшат ичида ох-нола чскишаётгандай эди.

Бунга ҳеч биримизнинг ақлимиз бовар қилмасди. Бунинг чинакам илмий кашфиётлигини биз ҳали билмас эдик.

Шундан кейин ҳужайра ядролари ишдан чиқарилган пайтда уларнинг физик майдонлари ҳолатини аниқлашга киришдик.

Зарар кўрмаган ҳужайра ядроларининг спектри олинганида, улар паст тебраниш даражаларида «ҳаёт мадҳияси»ни қўйлашарди. Аммо ядроларга салбий таъсир кўрсатилиганда, ирсий ҳосила,

худди «805» ишораси таратаётгандай, ультратовуш соҳасида «жон» аччиғида «чинқира» бошлади.

– Ё тавба! – хитоб қијдим мен яна ҳайрат бармоғимни тишлаб. -- Молекулалар ҳам худди одамлардай бир гап экан-да, а?!

Юра лукмамини бу сафар ҳам эътиборсиз қолдириди.

– Булар бари товук муртагидан олинган хужайра ядролари устида ўтказилган тажрибалар эди. Борди-ю, ирсий ҳосилага бундай таъсири кўрсатилганидан сўнг биз шиша «пробирка»ларда жўжалар очишига уринганимизда борми, улардан даҳшатли кўринишдаги -- икки каллали, патлари ўрнини жун босган, оёклари кинғир-қийшик, майиб-мажруҳ мавжудотлар дунёга келган бўларди.

Асли Хитойда туғилган русиялик биолог Ҷзян Канчжень ўз вақтида айнан шундай олабўжиларни бунёд этган эди.

Лекин биз табиатни васвасага солувчи йўлдан бормадик, бупақа тажрибалар оқибатида шунаканги тажовузкор мавжудотлар пайдо бўлиши мумкинки, пивоварцида уларни эшлаштириб бўлмай қолади. Атроф-мухитнинг ифлосланиши натижасида ўзи шундок ҳам дунёда даҳшатли мутантлар изғиб юримибди. Кўплар уларни девлар, жинлар билан адаштиришади.

Олинган натижаларнинг ўзиёқ фавқулодда, лекин ўта жиддий хулюсалар ясаннимиз учун етарли бўлди. Ахир, жами тирик мавжудотларда ирсий ҳосиланинг тузилиши тамойилан бир хилда. Шу боис ирсий дастурлар бузилганда, одамларда ҳам, товук ёки бошка маҳлуқотларда ҳам қарийб бир хил жараёнлар кечади. Ўша тажрибалар вақтида биз табиатнинг энг мукаддас хилқати – инсоннинг ирсий тилсими (коди) «эшигиги»ни очишига журъат килмадик. Лекин, бу тилсимни ишдан чиқарувчи жараёнларни моделлантириш учун старли маълумотлар тўплапига муваффақ бўлдик.

– Демак, сизлар тажриба йўли билан ўлим тилсимоти устидаги мавҳумот нардасини қўтарибесизлар-да?! -- дея хитоб қијдим мен ҳаяжонга тушиб.

…Худди шундай! – деб жавоб берди Юра илҳом билан гапида давом этиб. Инсоннинг ирсий тилсими ишдан чиқарилганди, ирсий ҳосиланинг моддий асоси -- суюк кристаллар эрийди. Оқибатда ундаги ирсий дастурлар сўнади, уларсиз ҳаёт жараёнлари ҳам тўхтайди, ўлим мукаррар бўлиб қолади.

– Агар ирсий дастурлар қисман тикланса-чи? – сўрадим мен унинг гапини бўлиб.

– Бу холда турли хасталиклар бошланади, майиб-мажрухлик белгилари кучайиб, ўлим жараёни узок ва қийин кечади.

– Сиз одамларининг ирсий ҳосиласи устида тажриба ўтказмаганмиз, дедингиз. Бундай тажрибаларни ўлган одамларда амалга оширса бўлмайдими? – деб сўрадим мен унинг гашларига қизиқишим тобора ортиб.

– Барибир, бу – Худога шак келтириш, унинг панжасига панжа уриш билан баробар. Табиатнинг шундай мўъжизали хилқатлари борки, уларга аралашиш маънавият нуқтаи назаридан шаккокликдир. Мингдан-минг таассуфларки, Ер юзида бундай тажрибалар қачонлардан бўён кенг кўламда ўтказиб келиниади.

Лекин, бу даҳшатли тажрибалар ҳусусида сўз юритишдан аввал биз дастлаб тушуниб етмаган тажрибага изоҳ бериб ўтишим керак. Тажрибахонада тасодифий бир «ходиса» юз бергачгина бунинг тагига етдик.

Биз «ариқча»даги ҳужайра ядроларини эритиб, уларнинг ўлим талвасасидаги «оҳ-нола»ларини спектрометрга ёзиб олдик. Сўнгра ишдан чиқарилган ҳосилани «ариқча» бўлмасидан чиқариб олдик. Лекин унинг ўрнида пайдо бўлган «бўшлик»ни тасодифан лазер билан нурлантирганимизда, у яна ўзидан нур қайтариб, ундан улаётган ядроларниң «оҳ-нола»лари эшлилди.

Қайта-қайта ўтказилган тажрибалар ҳам айни шу натижани берди. Шунда «ариқча» бўлмасини яхшилаб ювиб тозаладик. Аммо «бўшлик» бамисоли паймонаси тўлган ядролар билан лиммо-лимдай, ҳамон «оҳ-нола» киларди. Бу ҳам етмагандай, нур ва товуши тўлқинлари яна кўп кунлар мобайнида сўнимай, атрофга таралиб тураверди. Гўёки «ариқча» бўлмасига ўлим фантоми яшириниб олган-у, олимлар уни ҳайдаб чикаролмай гаранг эдилар.

– Булар улаётган ДНК иидолари эди, – дся гапида давом этди Юра ўйчап қиёфада. – Ядролар эритиластган пайтда кувват-ахбор портилаши юз бериб, ҳаёт ва ўлим ҳакидаги ахбор тилемланган тўлқин қуйқаси – ирсий ҳосиланинг ўзига хос фантомини юзага келтирганди. Айни шу фантом номаълум сабабларга кўра ДНК ўлган жойга боғланиб, кетолмай қолган эди.

– Ахир, бу ҳодиса одам ўлганда, жон ёки рухнинг танадан ажралиб чиқишига ўхшайди-ку?! – хитоб килдим мен яна ҳайратдан ёқамни ушлаб. – Диний тасаввурлар бўйича ҳам, майитнинг рухи бир неча кун ўз жасади атрофида учиб юради, дейишади-ку!..

– Ақлингга балли! – деди Юра уни түғри тушунаёттанимдан янаям хурсанд бўлиб. – Айни шу сабаб спектрометр фантомни роппа-роса қирқ кун қайд этгани бежиз эмас – айни шу муддатда ўлган одамнинг қирқига бағишлаб худойи қилинади!

Аммо қирқ кундан сўнг фантом ғойиб бўлди: ё ДНК ўлган жойни тарқ этган ёки у электрон асбоб қайд эта оладиган сарҳадлардан ташқарига чиқиб кетган. Бу – чинакам мўъжиза эди, албатта.

ФОСИҚЛИГИНГ – ЎЗИНГГА ДУШМАН

– Аммо, энг қизиги, фантом «ариқча»ни тарқ этиши арафасида юз берди, – дея маърузасини давом эттириди Ковалёв негадир қўзлари ёниб. – Биз хали ишдан чиқмаган соғлом ядролар сузиб юрган эритмани олиб, уларни «ариқча»даги «бўшлиқ»га жойладик, уларнинг ирсий ҳосилалари фавқулодда ўзларини худди эритилиган хужайра ядролари каби тута бошлишди. Гўё кимдир ўлдираётгандай, улар ҳам «чинқириб», «оҳ-нола» қилишга тушишди. Соғлом ядроларнинг дастлаб, одатдагидек, «хотиржам» бўлган спектри ҳам ўлаётгашларининг спектрига анча ўхшаш тус олди.

– Бу дегани, – дея изоҳ берди Юра, – ирсият молекулалари ўлаётгандан пайдо бўладиган фантом биологик фаолдир, деган маънени билдиради. Улар соғлом молекулаларнинг химоя майдонини ишдан чиқариб, уларга ёзилган ирсий дастурларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса, оғир касалликларга олиб келади.

– Айнан қандай касалликларга? – деб сўрадим мен.

Сўнгти йилларда пайдо бўлган бедаво касалликларга. Бутун дунё олимларининг куч-трайнатларига қарамай, Эбол вируси (СПИД) қандай юқишини аниқлашнинг сира иложи бўлмаяпти. Улар эса... тебранма ҳаракат орқали юқиши мумкин. Шифокорлар бемор тана-сидаги бедаво касалликни юзага келтирувчи вирусларни йўқотишга уринишаркан, уларнинг биологик жиҳатдан ўта фаол фантомлари пайдо бўлади. Улар соғлом одамнинг ирсий молекулаларини ишдан чиқарини мумкин. Окибатда унинг ирсий ҳосиласи нотабиий дастурлар ишлаб чиқара бошлиди. Беморнинг танасида касаллик пайдо қилувчи вируслар йўқ, лекин у хақиқий Эбол вируслари таъсир кучига эга бўлган фантомга қарши куранади. Фикримизча, СПИД касаллигини аслида хеч срдан юқтириши мумкин бўлмаган, лекин,

барибир, қаердан дир юктирган бемор билан боғлиқ жумбокни шу тариқа изохласа бўлади.

– У ҳолда нега энди ана шу хасталикка чалинган одамларнинг аъзоларидан айни шу вирус топилади? – деб сўрадим мен таҳлика аралаш.

– «Айёр» фантом ирсий ҳосилани шундай ишдан чиқарадики, унинг буйруғи билан тана аъзоларининг ўзи Эбол вирусини ишлаб чиқара бошлайди, яъни йўқдан бор қиласди. Ҳар қанча эҳтиёткорликларига қарамай, беморлардаги бу хасталик баъзи шифокорларга юкиб колаётганинг боиси ҳам мана шунда.

– Ўлай агар, Юра, бу фикрларингни хаёлшараст олимпинг таҳайюли деб ўйлаш мумкин! – дечи хитоб килдим мен нохуш бир кайфиятда. – Лекин, таассуфки, булар бари аччик ҳақиқатга ўхшайди! СПИДдай даҳнатли хасталик қандай юқишининг моҳиятини хеч ким изохлаб беролмаётган бир пайтда, бу тажрибаларингиз бенихоя катта аҳамият қасб ўтади! – дедим мен ўйчан қиёфага кириб. – Агар унинг қўзғатувчиси чинданам кўринмас фантомлар бўлса, ундан умуман хеч ким қочиб кутулоимас экан-да? – деб сўрадим.

Бир неча йиллик тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, ожиз иммунитет, яъни танининг касалликка қарши курашиш қобилияти заиф одамларгина бу вирусдан ҳалок бўлишади. Кимда бу иммунитет кучли бўлса, касаллик қўзғатувчилари билан бутун умр бирга яшаб юраверишлари мумкин ва улар унга кўпам зарар келтирмайди. Ҳамма гап нега бизнинг давримизга келиб одамлардаги иммунитет сусайиб кетгани ва уни қандай мустаҳкамлаш муаммосига келиб тақалади. Худди шу масалага биз ва, айни вактда, Амрико ҳамда Япониядаги баъзи олимлар ўтказган тадқиқотлар кутилмаган жавобни беради, бу жавоб баъзи бирорларни даҳшатга солса, баъзиларда умид уйғотади?

– Нима қилаётгандарини ўzlари ҳам билмай, кўни одамлар ўzlарига ўzlари чоҳ қазишади, – деди Юра афсус-надомат билан ковок-лунжини осилтириб. – Улар оғир гуноҳларга йўл кўйиб, ўз иммунитетларини сусайтиришади. Масалан, қотиллик содир бўлган пайтда кучли қувват-ахбор портлаши юз беради: қурбон бўлган одамнинг ирсий мажмуидан биологик жиҳатдан ўта фаол фантом ажralиб чиқиб, қотилнинг ирсий тўқималарига хуруж қиласди, уларни ишдан чиқаради. Бу эса кучли психоматик хасталикларни юзага келтиради. Агар уни жисмоний хасталиклар енголмаса, у савдоий бўлиши ёки ўзини ўзи ўлдириши хавфи пайдо бўлади.

Яна бир фожиали томони, у ўз уругт-аймокларининг ҳам наслини бузади. Унинг ишдан чиқсан ирсият мажмуи ўзига ўхшаганларни дунёга келтиради. Қотилнинг авлодлари фаига «юмаълум» сабабларга кўра, оғир касалликларга чалининпади, ичкиликка берилишиади, телба бўлиниади, ўз жопларига ўзлари қасд килиниади.

– Ёпирай! – дейа хитоб қилдим мен энди қалбим чинакамига ғам-туссага тўлиб. – Сен билан биз ҳам бегона юргла урушаяпмиз, одам ўлдирияпмиз! Демак, биз ҳам қотиллармиз! Сен айтатётган аччик қисмат, беҳазили гапирияпман, сен билан бизнинг бошимизда ҳам бор экан-да?!

– Бўймасам-чи! – деди Юра куюниб. – Ҳамма фожиа шунда-да! Сен билан биз адойи тамом бўлган одамлармиз! Истасанг, тирик мурдалармиз! Шу чоққача хеч кимга уқтиромаган гапларимни сен англаб етганингдан бениҳоя курсандман, Раҳмат! Лекин... булар ҳам ҳали ҳолва...

– Агар булар ҳолва бўлса, баттарроғи ҳам борми ҳали? – хитоб қилдим мен энди жоним ҳалкумимига келиб.

– Билиб кўй, биродар, – дейа гапида давом этди Юра баттар ғамга ботиб, – бола олдириш, яъни аборт ҳам даҳшатли жиноятлардан саналади. Мен бу ерда табиат ва Худога нисбатан фосикликни назарда тутаман, бу ерда қотил, яъни бола олдирган она кўп мамлакатларда хукуқий маънода қонун доирасида оқланса-да, ўзининг ҳамда келгуси зурриётларининг руҳи ва танасига шикаст этини оркали жазоланади.

Фантом оғриклиари нималигини кўплар яхши билиниади: аскар урушда қўли ёки оёғи яраланади, уни кесишга мажбур бўлишиади, лекин об-ҳаво ёмонлашган кезларда қирқилган оёғи ёки қўли ўрнидаги «бўш» жой бамисоли яралангандай оғрий бошлади. Гўдак аборт қилинганда ҳам она ҳомиласи ўрнида худди шунга ўхшаган ходиса кечар экан.

– Хуллас, – деди Ковалёв ганида давом этиб, – вакуум сўргич ҳомилани бўлак-бўлакларга парчаларкан, униш фантоми ҳосил бўлиб, шифокорлар канча тозалашмасин, у она қорнида қолаверади. Бу фантомнинг биологик фаоллиги шу даражада кучлики, у аёлнинг, сўнгра эса, у билан яқин жинсий алоқада бўлган эркакнинг ирсий мажмуини увштиради. Диний таълимотларда: гўдакни ўлдиришда иштирок этган ота ҳам, она ҳам жазоланади, деб бежиз айтилмаган.

Лекин Юранинг айтишича, энг даҳшатлиси бу эмас. Гарчанд кирк кундан сўнг хомила ўрнидаги фантом парчаланиб кетса-да, ба-чадонда бедаво тўлқин табиатли яра ҳосил бўлини учун шу муддат етарли. Агар аёл бола олдиргандан сўнг яна хомиладор бўлиб қолса ҳамда пушт айни ярадор жойга ўрнашса, гўдак оғир хасталикларга дучор бўлиб, вафот этиши ҳам мумкин.

Ковалёвнинг фикрича, гўдак фантоми онасига ўз баҳтсиз қисмати ҳакида бутун умр «шикоят» килиб ўтади, бу ҳақда укалари ва сингиллари, отаси ва ўзига яқинлашган бошқа эркакларга «га-пириб» беради. Фақат у ўз сўзларини тилсимланган ирсий тилда айтади ва бу сўзлар уни «эшилтган» одамларнииг руҳияти ва тана аъзолари фаолиятини издан чиқаради.

Рахматилла гаройиб хикояси қандай таъсир қилганини билиш учунми, сукутга толганча шерикларига бир-бир зимдан тикилди. Сайдмансур ака ҳам, Асад ҳам уни чурқ этмай ҳайрат ва ҳаяжон билан тинглашган, ҳайкалдек қотиб ўтирган Сайдбекнинг қўлида эса, каёқдандир найдо бўлган диктофон майин ғириллаб ишлаб ту-парди.

– Бехазил гапирайман, Юранинг гаплари чинданам ҳаёлпарат бир олимнинг тахайюли бўлганида, бу дунёда каминадан баҳтиёрроқ одам бўлмасди! – дея аста гапини давом ўтирган Раҳматилла ҳамон ўша ғамгин қиёфада. Лекин у ҳакиқий олим, чинакам фан сохиби буларни ўйлаб топиши мумкин эмас эди! Мингдан-минг таассуфларки, Юрага узок яшаш насиб этмади, аслида урушини елкасининг чукури ҳам кўрмаслиги лозим бўлган бу зиёли, асилзода йигит навбатдаги жангларнинг бирида дайди ўқнинг курбони бўлди. Раҳматликнинг жасадини ўз қўлим билан темир тобутга жойладим, ғайридин бўлса-да, жойи жаниатда бўлишини тилаб, дуо ўқидим. Чунки у чинданам жашнати йигит эди.

Ўлай агар, Юра айтган гаплар мен ўйлагандан анча жиддийроқ бўлиб чиқди, камина кейинчалик буни ўз ҳаётий тажрибамда кўрдим. Юртимга қайтгач, баъзан бир ўзим ёлғиз колган кезларимда дунё кўзимга қоронғи кўриниб, телбаваш бир руҳий ҳолатга кираман. Ярим мудроқ ҳолатда кўз олдимдан даҳшатли уруш манзаралари худди кино тасмасидагидай кетма-кет ўтаверади, ўтаверади... Кейин йўлимда бир-бирларини дўп послаган, осган, чопган, отган мурдалар пайдо бўлиб, улар мени кўришлари билан ўзаро бирлашиб, важоҳат билан каминага хужумга ўтишади.

Бири кўксимга ханжар уради, бири пешонамга милтигининг нилини тираб, тепкисини босади, яна бири устимга бомба улоқтиради. Тағин бирори улкан ойболта кўтариб, танамни бурда-бурда қилиб қиймалай бошлайди. Яна кимдир сапчадай узиб ташланган калламга милтигининг найзасини тикиб, худди байроқдай юкорига кўтаради. Кейин буларнинг барини йигинитириб, улкан қора қопга тикишади-да, ахлат ташланадиган баҳайбат жарга иткитиб юборишади. Бехазил гапирайман, бу ердаги даҳшатли мализараларни тасвирлашга ҳам тилим ожиз. Ҳаммаёқни зимистон коплаган, атрофни, димоғни ёргудай кўланса хидлар тутган, юходай ютаман деб бикирлаб қайнаб ётган ботқокликлар, у ёқдан-бу ёқка изгиб юрган аллакандай ёввойи, алмойи-жазмойи маҳлукотлар, ўткир тиили бўрсикдай-бўрсикдай каламушлар, калхатдай-калхатдай тим қора кўршапалаклар шовқин-сурон кўтариб, ўтакангни ёраман, дейди. Улар ҳар томондан жисмим бўлаклари солинган қопга ёнишиб, уни бурда-бурда қилиб ташлашади. Кейин ҳаммаёқка қонимни сачратиб, талашиб-тортишиб, очофатлик билан суякларимни ғажий бошлишади. Буларнинг барини юкоридан кузатиб турган рухим хўнг тушиб ийғлашга тушади. Сўнгра рухимга хужум бошланади. Уни баҳайбат айкларга ўхшаган жундор маҳлуклар ўраб олиб, оёқ-кўлларимдан ушлаганча, қаёққадир судраб кетишади. Рухим ёнида нохос ойболта кўлтиклаган Азроил найдо бўлади-ю, эсхонам чиқиб, тўрга илинган балиқдек типирчилашга тушаман. Ўлим фариштаси ойболтасини юкорига кўтаради-ю, зарб билан пастга йўналтиради.

Бор овозим билан бақираман, жон ҳолатда сакраб ўрнимдан турман. Юрагим кўксимни ёриб чиқкудай гупиллаб уради. Нихоят, ўзимга келиб, ётокхонамда танҳо ётганимни кўраман, слкамдан тоғ ағдарилгандай сиғил тортиб, қайта ўзимни тўшакка ташлайман...

Раҳматилла бир лаҳза тин олиб, сукутга толди. Олдида турган пиёлладаги сувдан икки-уч хўплади.

Сухбатдошлари унга ҳайрат ичра ағрайиб тикилишар, шу толда бирон сўз ҳам ортиқчадай туюларди. Бир лаҳзалик сукутни яна собик жангчининг ўзи бузди, Сайдбекка юзланиб:

– Ҳамма гапларимни ёзиб олдинг-а? Қойилман!.. – деди яна қувноқ қайфиятга кириб (уруш унинг иродасини пўлатдай тоблаган, ўз руҳий ҳолатини истаган пайтда ўзи хоҳлаган кўйга сола биларди). – Шустрий йигит экансан.

– «Сирли олам»га сұхбаттегі тайёр деб ҳисоблайверишиңгиз мүмкін, – деди Саидбек ҳам бүш келмай. – Аммо-лекин шов-шувга арзидиган дақшатли сұхбат бўлади!

– Чинданам у катта шов-шувга сабаб бўлади, – деди Саидмансур ака Раҳматилланиң ҳикояси таъсириданми, ҳамон ҳаяжонини бо-солмай. Юра раҳматли чинданам ҳақиқий олим, фақат биологина эмас, чўнг файласуф ҳам бўлган экан. Чунки у одамзодни асрлардан бўён кийнаб келаётган жаҳонпумул муаммонинг илдизларигача етиб бора олган!..

– Жуда тўғри айтдингиз, – тасдиқлади дўстининг гаплари таъсирида чукур ўйга толган Асад оғир хўрсиниб. – Қотил ва унинг уруғ-аймоқлари у йўл қўйган гуноҳ қасрига қолиши ходисаси диний фалсафа билимдониарига азалдан маълум. Улар ҳамма вакт: одам ўлдириш – энг оғир гуноҳ, агар қотил чин юракдан тавба-тазарру қилмаса ёки унинг уруғ-аймоқлари Худога истиғфор келтиришмаса, бу гуноҳ қотилнинг бутун авлодлари бўйнига оғир юк бўлиб тущади, деб ҳисобланған.

– Балли, Асаджон, – деди профессор ҳам унинг фикрини кувватлаб, – бу фожиалардан қандай кутулиш йўлларини олимлар ҳозирча билишмайди. Лекин фан ва дин ўйғун иш олиб борган тақдирдагина, чамаси, бу мураккаб саволларга жавоб топиш мумкин.

– Сизга мухбир сифатида икки-уч савол берсам майлими, Раҳматилла ака? – дея энди сұхбатга Саидбек аралашибди.

– Марҳамат, марҳамат, укажон, агар яхшилаб ёсанг, истаган саволингга жавоб беришга тайёрман, деди собиқ жангчи хушчақчақ кайфиятда.

– Алаҳисираш деймизми, галлюцинациями, ҳалиги уруш асорати – сизда тез-тез бўлиб турадими?

– Уни истаган номда атайверишиңг мүмкін, бу – сенинг ишинг, лекин камина аввалилари ҳар ҳафта мана шунақа алоқ-чалок тушлар кўриб чиқардим. Буни туш дейини ҳам қийин, чунки воқсалар, тимсоллар ва манзаралар худди ўнгини дагидай кечади, беҳазил гапирайпман, ўшандай руҳий ҳолатда бирор билан урунисам, баъзан танамнинг калтак, ничоқ ёки ўқ теккан жойларида, ҳатто излар ҳам қоларди. Лекин кейинчалик мен фаол ҳаёт кечириб, иложи борича ёлғиз қолмасликка интилдим, ичкиликка атайин берилиб, бақувват овқатланишни одат қилдим. Шундан кейингина сен ҳали «уруш асорати» деб атаган нарса сал чекина бошлади.

- Сиз ўзингизни қотил ёки гуноҳкор деб ҳисоблайсизми?
- Албатта.
- Нега энди? Сиз урушида ўз харбий бурчингизни адо этгансиз-ку?
- Барибир, қанча бсгуноҳ одамларнинг ёстигини куритганман, ахир!
- Ўша уруш асорати ёки сиз гуноҳ деб атаган нарса билан боғлиқ хасталикларнинг фарзандларингизга ўтици хавфи борми?
- Худога минг қатла шукур: бундай хавф йўқ! Чунки мен учала ўғлимни ҳам урушга кетмасимдан аввал дунёга келтирганман. Менинг ирсий тизимимни эса уруш аллақачон издан чиқарган.
- Раҳмат, ака, бошқа саволим йўқ.
- Уларнинг оргига келиб турган уй бекаси – ўрта ёшлардаги сўлим аёл Сайдбекнинг диктофонни ўчиришини кутиб турди-да, циҳоят токати-ток бўлиб сўз котди:
- Ҳой, менга қаранглар, йигитлар, сизлар бугун овқатланасизларми ўзи ё йўқми? Ош ҳам тагига олиб кетди-ку, жонивор.
- Раҳматилла кафтларини бир-бирига ишқалаб, кувнок кайфиятда қичкирди:
- Опкелинг-э, янгажон! Йўқса бизнинг ганимиз эрталабгача туғамайди. Овқатланмаган номард! Домла, сиз ҳам юзтадан қўйинг, бўла қолинг, томоқ тақиллаб кетди, ахир! Мана бу бошқа ган! Доим шунака ўзимни ўзим хурсанд қилиб юраман, йўқса...

БОТИНИЙ СУҲБАТ

Сўнгти қунларда Назиранинг аллақандай наришон, ланж кайфиятда юрганини биринчи пайқаган одам Баҳром Шайх ота бўлди. Чунки у учала неварасини ҳам синчковлик ила кузатар, уларнинг хатти-ҳаракатларидаги арзимаган ўзгариш ҳам унинг эътиборидан четда қолмас эди. Буни у дастлаб қизнинг ўқищдан чарчаб келаёттанига йўйди. Лекин қун сайин уни янада ғалатироқ, ҳатто, қандайдир девонасифат бир ҳолатда кўриб, хавотирга тушиб қолди. Шубҳасини болаларнинг бувисига айтган эди, унинг ҳам кўнглига гулнула инди.

– Чинданам у сал ғалатироқ бўлиб қолди, – деди Мунаввархон ая таизвиши қиёфада унинг фикрига қўшилиб. – Гаплариям озгина пойинтар-сойинтар туюловуди-я... Ё кўз текканмикин?

– Кўз теккан ёки ағави фолбин аёл хам бир бало килиган бўлиши мумкин.

– Курмагур, жуда серқатнов бўлиб қолди девдим-а, иссиқ-совуқ килиганам бўлиши мумкин. Кийимларини бир текшириб кўриш керак, афсун ўқиб, игна-пигна қадаб кетган ёки амал қилингандамла-ма ичирган бўлмасин яна...

Бахром Шайх ота пича ўйланиб турди-да, бир карорга келди чоғи:

– Ота-онасига ҳозирча индамай турайлик, – деди қовоғини уйиб. – Хавотир олиб юринмасин яна. Ўзлари шундоғам анча азият чекиши-ди. Қизларга ўзинг қарагин, бугун сал баравактрок ётишсин. Мен хуфтон намозидан кейин иссиқ-совуқни даф қиладиган «Юнус» су-расидан оятлар ўқиб, катта буваларининг руҳи покларидан кўмак сўрайман. Булар ёрдам бермаса, руҳоний дўхтириларга мурожаат ки-лишимизга тўғри келади...

Она-синглишлар Мунаввархон аянинг саъй-ҳаракати билан бугун одатдагидан баравактрок ётишди. Чирокни ўчиришгач, улар кўрпага кириб, кўпинча алимаҳалтача гангир-гунгур гаплациб ётишарди. Лекин, бугун ундай бўлмади. Наргиза гап очиб:

– Опа, сенга нима бўлди? – деди-ю, Назиранинг умуман сухбатга майли йўқлиги, ноҳуши авзойини кўриб, жим бўла қолди. Лекин кен-жа синглиси Нафиса ётган жойида туйкусадан хеч ким тушумайдиган ўта қадимий тилда ғалати бир оятни ўқишга тушиб кетди-ю, шунинг тъсиридами, катта опаси бирпасда пишиллаб уйкуга кетди.

– Вой, нима ўқидинг? – шивирлаб сўради Наргиза бошини кўтариб.

– Билмайман, – деди Нафиса ўзи ҳам ажабланиб. – Кўзимни юмишим билан Шайх Тоҳир бувам рўиарамага келиб: «Ўки!» – дес-гандай бўлдилар, кейин ўз-ўзидан ўқиб кетавердим...

Бирдан киз кўлини ёстикка тираб, қаддини ростлади:

– Вой! Бувам чинданам шу срда эканлар! – дея хитоб қилди у тўрдаги нимкат тарафга кўзлари ёниб тикиларкан. – Ассалому алай-кум, буважон!

– Ассалому алайкум! деди Наргиза ҳам хаяжон ичида гавдаси-ни күтариб. Катта буваси ташрифини у ҳам пайқаган эди.

– Ваалайкум ассалом, қизалоқларим! – деди онпок кийимда нимкатда чордана қуриб ўтирган бувалари чевараларига бағишилаб дуо ўқиб фотиха қиларкан. Ним қоронғилик қўйнида у ўзидан сутдай онпок, ишакдай майн нур таратар эди. Шайх Тоҳир бувалари худди Баҳром Шайх буваларига ўхшаб узун мош-гуруч соколини аста тутамларкан, вазмин оҳангда гал бошлади: – Жигарғушаларим, Назирахон опангизнинг галати аҳволидан ажабланмагайсизлар. Шайтони лайн анга қарши тағин фитна бошлимиш. Биз баримиз ул шаънатининг хуружини қайтармоқ пайдадурмиз. Локин биз баязи ишларда ожизлик қилмоқладурмиз, илло, биз – ботиний рухлармиз ва айни фурсатда жасадга муҳтожмиз. Шу боис зарурат туғилганда, аҳён-аҳён сизларнинг вужудларингиздан фойдаланиб иш юритсак, бундан кўп ташвии чекмагайсизлар. Ҳозир биз шул тариқа Нафисахоннинг жисмида нозил бўлиб, Назирахон опангизни ухлатиб қўймишмиз. Чунки у, айни чоғда, чўнг буваларинг Шайх Ҳожа Аспорор ҳазрат ила руҳий мулокотда бўлмоғи жоиз. Ул ила шу гарзда сухбатлашмокчи бўлғонимиз бойси зоҳирда анинг руҳи ёвуз ботиний кучлар томонидин булғангандур, уйқу ҳолатидагина қизимиз илиа ёдида қолар даражада холис гаплаша олурмиз. Ул карами улуғ Ҳазраг Назирахонга кўп ҳикматли панд-насиҳатлар айтурлар, сизлар англаб столмаётган кўп жумбокларнинг счимини ойдинластиурлар. Эртадин опангиз хонадонингизни вақтинча тарк этур. Бундан кўп ҳавотир қилмагайсизлар. Бу ҳам Парвардигорнинг навбатдаги бир синовидур. Ота-онангиз, бувангиз ва бувингизга ҳам айнан шундок деб уқтирингиз. Ушбул синов оқибатинда Назирахон комиллик сари яна бир поғона юқори кўгарилур. Пировардида охирни баҳайр бўлур. Энди гашашмай, яхши тушлар кўриб ухланглар, қизалоқларим! Ҳозирча сизлар билан хайрлашурмен. Хайрли тун!..

Шайх Тоҳир бувалари ўнчадай деб, ҳавога сингиб кетгандай аста кўздан ғойиб бўлди.

Қизлар ҳам жойларига ётиб, кўрпаларини устиларига тортишди.

Назирахон эса, айни дамда, ғаройиб туш кўраётганди.

... Боги Эрамдай табиатнинг гўзал бир гўшаси... Чаман-чаман гуллар барқ уриб очилган: лола, нарғис, атиргул, садарайхон, жамбил... Арикларда шаффофф болоқ сувлари шарқираб оқади... Кўм-кўк осмонда оқкушлар сафи асоси йўқ учбурчак шаклида Қуёш сари

вазмин қанот қоқишади. Булбулнің ўснинг ёқимли хониши борлик табиат, наботот ва ҳайвонот дунёсини бамисоли аллалаётгандай...

Назира сўлим боғ ўртасидаги ингичка олтин таянчларга маҳкамланган томи нафис ҳаворанг мато ия ёшилган думалоқ айвондаги тилла курсида ўйчан холда сукутта толган. Унииг руҳияти бамисоли иккига бўлингандай, гўё у ўзи билан ўзи баҳслашаётгандай. Аслида ҳам шундай. Вужудига кириб олган номаълум Рух гўё сухбатга чорлаётгандай қиз қалбига гулгула солади.

– Сиз кимсиз? Қаердасиз ўзи?

– Камина чўнг буваларингиздин Шайх Жожа Асрормен, сизнинг вужудингизда нозил бўлмишмен.

– Ассалому алайкум, буважон! Мени маъзур тутинг, буважон, сизни танимабман...

– Ваалайкум ассалом, она қизим! Пешонангизга яна бир синов ёзиғлиқ эрмиш. Сизни андин боҳабар этмак учун Арши Аъюдин ташриф буюрмишмен.

– Яна қандай синов экан, буважон?

– Бу ҳақда кейин. Аввало, сизни ҳозир ўта безовта қилаётган жиддий муаммо хусусинда сұхбат қурсак.

– Ҳа, буважон, мен чинданам қайлигим Сайдбек акадан жиддий хавотирдаман.

– Хабарим бордур.

– Агар мен унга нисбатан ўз севгимдан воз кечмасам, уни ўлдиришмоқчи.

– Билурмен, она қизим.

– Мен пима қиласай? Маслаҳатингизга мухтожман, буважон!

– Ҳодисотларни ўз йўналишинда кечмоғига йўл бергайдурсиз.

Локин, ўлимдан кўрқмагайсиз.

– Қандай кўрқмай, ахир? Улар мени бу дунёдаги севгимдан мангу жудо қилишмоқчи.

– Ранж топмагайсиз, бари жойида бўлғай. Маҳбубингизга қасд қилишган тақдирда ҳам ҳеч пимарса ўзгармас. Чунки ўлим – аслида йўқ нарса.

– Нега энди?

– Чунки ўлим – бу одамлар ўйлаб топғон чўпчак. Оламнинг интиҳоси бўлмаганидек, табиатда ҳам ўлим бўлмас. Рўпарагиздаги чексизликни кўра туриб, интиҳодин кўрқмокқа не ҳожат? Мангу-

лик, абадият мавжуд, холос. Биз, Арши Аъло аҳли, ўлим нималийни тушунмасмиз. Ўлим – сукунат, осойишталик дегани. Биз эрсак, мангу ҳаракатдадурмиз.

– Ўлим бўлмаса, туғилиш ҳам, келажак ҳаёт ҳам йўқ экан-да?

– Келажак ҳам йўқ.

– Унда нима бор ўзи?

– Табиий тадрижнинг мангу ҳаракати, сизлар атом-молекулалар деб атайдиган заррачаларнинг вакт ва фазода абадий кўчиб юрмоғи бор. Истасангиз, қизим, бул фикримни сизга ҳозирок амалда исботлаб берурмен.

– Бош устига, буважон.

– Каминани тасаввурингизда жонлантироқка интилгайсиз. Мени қандок қиёфада кўрмоқни истарсиз?.. Балли, уқдим, она қизим. Энди каминага синчилаброқ бокинг: сиртқи қобиғим узлуксиз титраб-хилпираб турмиш, у балқиб, товланиб, тўлқинланиб, турфа-туман шакл ва рангларга кирмок учун ҳамиша ҳозиру нозир. Камина сизнинг тасаввурингиз истаган ҳамма нимарсага эврила олмокқа қодирмен. Айни дамда, сизнинг фикрингизга айлангандурмэн. Локин, ҳали менинг бир вақтлар ўрга асрларда зоҳир бўлгани каби юлдузли онларим етиб келмамиш. Ҳозирча камина – сирли Ҳечнимамен. Қачондир мени ташкил этгои Коинот заррачалари ўзаро чирмашиб-чатишиб, қайта тузилиб, каминага Ҳечнимадин моддий дунёning маҳобатли мавжудотига айланмоқ имконини берур. Локин бу сизларнинг ҳаётингиз каби узок давом этмас, Сиз – мулки олам одамлари тор маънода умр деб айтайдурғон киска муддатни ўтаб бўлғоч, мен яна сон-саноқсиз заррачаларга бўлиниб кетурмен. Фазода алар миллиард-миллиардлаб кезиб юришур, алар ҳеч қачон ўлмайдурляр, йўколмайдурлар, ўзгармайдурлар ҳам. Эҳтимол, камина ўз заррачаларимниң бир қисмини анави гуркираб хушбўй хидлар таратадиган атиргул ёхуд садарайхонга берурмен, бир қисмим хув наридаги арикқа, пировардида ёмғирга айланниб, яна ерга ёғмок учун обихаёт бўлиб қуйилур, бир қисмимни балки энди туғилаётган думли юлдузнинг мағзига тухфа этурмэн; бир қисмим кўйда учайдиган анави оккушлар тимсолида парвоз килур; яна бир қисмим она қорнидаги ҳомилага айланур. Сўнгра яна ўз ҳолимга қайтурмэн. Тағин нарчаланиб кетурмен. Ҳаёт абадулабад шундай кечур: бугун нарчалансам, чархи фалак янглиғ эртага яна ўз ҳолимға қайтаверурмен. Табиат ва молдалар алманинуви мангу бўлғонидек,

каминा ҳам абадиймени. Сиз бўлсангиз, қандайдир ўлимдин хавотирдасиз. Кўрқманг, она кизим. У - сиз ўйлаганчалик вахимали эрмас. Ҳаёт – фақат хурсандчилик бўймаганидек, ўлимнинг ҳам ҳеч қандай даҳшатли жойи йўқлур. Ҳаммаёқда ҳамма вакт бир хилдаги жараёнлар кечаверур: алар бари – заррачаларнинг айқаш-уйқаш ҳаракати ва атом-молекулашларнинг турфа ҳолатларда товланишиларидан бўлак нарса эрмас.

– Демак, мен ҳам сизга ўхшаб мангу яшайвераманми? Демак, Сайдбек акам ҳам ўймас эканлар-да?

– Албатта. Истасангиз, маҳбубингизни ҳам ҳозир кўрмоғингиз мумкин.

– Қандай килиб? Ахир улар ҳали ўлмаганлар-ку?

– Гапимга диккат ила қулок тутинг, қизгинам: бу ҳадсиз оламда ҳамма нимарсалар – моддалар ва шакллардин ташкил топмиш. Сизлар кўра оладурғон ўлим шундин иборатлурки, йўқ бўлаётган мавжудотларда ҳаёт ибтидоларини ўзаро боғлаб тургувчи занжирлар узилажак ва алар алоҳида-алоҳида яшай бошлаюрлар. Локин, аларнинг бир-бирларига иштилишлари ўзгармай қолаверур. Маълум шароитларда яна аларнинг одамзод кўра оладурғон фавқулодда бирикмасини бунёд этмок мумкин. Ўлиб кетган кариндошишгиз, яқинингиз, ҳатто, бирон тирик одамингизнинг руҳини кўрмоқ истасангиз, ярим тунда, тўлин ой осмоннинг қоқ тиккасига келган наалада ғусл ва ибодат килиб, кимсасиз далага чиқинг-да, тиз чўкинг. Сўнг Катта Айик ўлдуз буржига нигоҳингизни қадаб, кимни кўришини хоҳласангиз, ўшал зот хусусинда ўйга толинг. Ҳеч нимарсага фикрингизни чалғитмай, иложи боринча нафас олмай, сабр-тоқат ила кутингиз, шунда истаган одамингиз худди тирикдай ёнингизга келиб ўлтирур.

Мен ўзимни, айни дамда, сизнинг фикрингизмен дедим. Биз алоҳида-алоҳида мавжудотлармиз-у, локин бизни ажратмок ҳам мумкин эрмас. Сиз ўз ҳоҳипларингизни қониқтиаркансиз, билбиш-бильмай вужудингиздаги каминани ҳам бу қониқиндан баҳра этурсиз. Камина ҳам ҳозир бўлажак куёвимиз Сайдбекни кўрмоқни ихтиёр этмишмени...

Шундай деб, Шайх Ҳожа Асрор буванинг руҳи поклари бирлаҳза тин-олиб, сукутга толди. Шу захоти Назира ўзини тўлини ой қоқ тиккага келган чароғон тун оғушида кўрди. Осмонда катта-кичик сон-саноқсиз ўлдузлар миљтилайди. Кенг даладаги эпди кур-

так боғлаган ғалла бошоқлари сингил шабадада аста тебранади. Чоратрофдан чигирткаларнинг майин чириллаган овозлари қулоққа чалинади. Назиранинг миясида нохос чўнг бувасининг:

– Ўй суринг! Сайдбекни хузурингизга чорлаб, ҳәслингизда жонлантиринг! – деган овози янгради.

Қиз ўйга толади. Маҳбубини зўр бериб кўз олдига келтиришга уринади, кўп ўтмай, ушииг ўша «Ўзбекистон» меҳмонхонаси тагидаги шинам қаҳвахонада ўзининг рўпарасида ўтирганидаги ёқимтой қиёфаси гавдаланади. Яна бир зумдан сўнг йигит қизнинг қаршисида молдий кўринишда пайдо бўлиб, майин жилмайганча уига тикилади.

– Салом, жоним! – дейди у кўтариинки кайфиятда Назиранинг кўзларидан нигохини узмай. – Ҳозиргина сиз ҳақингизда ўйлаб ўтиргандим, энди тушимга кирайсаниз чоғи?

Қиз унинг саломига алик оларкан, бошини чайқайди:

– Йўқ, бу туш эмас, азизим! Биз сиз билан муроқаба амали ёрдамида руҳий мулоқот қиласанымиз.

– Биз қаердамиз ўзи?

– Боги Эрамда шекилли. Лекин бунинг аҳамияти йўқ, руҳларимиз учун макон тушунчаси мавжуд эмас.

– Кўринишингиз безовта, нимадан ташвишласиз, жоним?

– Сизнинг ҳаётингиз учун хавотирдаман, Сайдбек ака!

– Бу нима деганингиз? Менинг нимадан хавотир қиласиз?

– Назаримда, сизга ўлим хавф колаётгандай.

– Мен факат Худодан кўрқаман, лекин ўлимдан кўркмайман.

– Яшанг, Сайдбек ака! – бу энди Назиранинг руҳи билан ўйғунлашган чўнг бувасининг фикри эди. – Мен бундан хурсандман. Лекин, барибир, сизни ўша хавфдан асраб қолишим керак.

– У қанақа хавф, ахир?

– Ўлим хавфи.

– Агар сизнинг васлингиз йўлида ўлим билан юзма-юз чиқиш лозим бўлса, мен бунга ҳамиша тайёрман!

– Раҳмат, Сайдбек ака! Қалбимга чироқ ёккандай бўлдингиз. Лекин, барибир, мен сизга юрагим тўридаги бир гапни айтиб қўйишим керак!

– Нима гап экан у?

– Ҳар қандай шароитда, орамизда қандай фавқулодда ҳодисалар юз бермасин, қалбан ва жисман мен сизникиман! Ўлсам ҳам сизни деб ўламан!

- Ё фалак! Ҳеч нарсага түшүнөлмаяпман. Аникроқ ганирсангиз: бизга кимлар бунчалик хавф сола олиши мумкин?
 - Ёвуз ботиний кучлар...
 - Үлай агар, яна ҳеч нимани тушунмадым. Жинлар демокчими-сиз?
 - Эхтимол, ўшалардир. Ўзим ҳам яхши уқмайман.
 - Очиқроқ гапираверин!, мен бу гапларни ҳар ҳолда тушунаман.
 - Вақтимиз тугаяпти, сиз ҳозир яна заррачаларга айланиб, күздан ғойиб бўласиз. Мен эргадан қирқ кун чилла ўтиrmokчиман.
 - Бу жуда қизиқ гап, жоним! Буни ҳам мени тўғри тушуна олишга кодирман. Лекин бунга қандай зарурат бор?
 - Зарурат бор...
 - Қаерда чилла ўтиrmokчисиз?
 - Ҳозирча буни ўзим ҳам билмайман. Лекин, қирқ кунгача мени излаб овора бўлмандар.
 - Нималар деяпсиз, жоним?! Сизни бир кун кўрмасам ҳам...
- Шу пайт Сандбекнинг руҳи кайнок сувда зудтар эриб бораётган муздай аста хиралаша бошлиди. Кейин буткул кўздан ғойиб бўлди.
- Асосий гапларингизни айтиб улгурдигиз, – деди Шайх Хожа Асрор бувасининг руҳи шоклари кизни юнатиб. – Энди мирикиб ухланг! Эрта-тонгданоқ нафақат сиз учун, балки бутун оиласиз учун жиддий синов бошланур. Локин кўп ташвиш чекманг. Биз сизни ёлғиз колдирмасмиз. Хайрли тун, она қизим!
 - Хайрли тун, буважон!..

ҲАЁТ ВА ҲАЁЛОТ

(Адабий ўйлар)

Сүнгги йилларда кўпчилик одамлар тириклик ташвишлари-га берилиб, тасавур, орзу қилишдек ноёб кобилиятларини унутиб қўйишмаяптими? Бир вақтлар ақл бовар килмас афсона ва эртаклар, достон ва ривоятларни тўқиб чиқарган хаёлпарастлар каёқка ғойиб бўлишди? Кундалик турмушимиздан некбинлик – оптимизм, но-эзия йўқолиб бораётганлай...

Эхтимол, вақтингчалик иктисадий кийинчиликлар туфайли ҳаётимизда ижобий маънодаги хаёлпарастлар тобора камайиб бораётгани ростдир. Лекин улар буткул йўқолиб кетди, дейишга бизда асос йўқ. Бахтимизга, озгу орзуларга берилиб, уларни ҳаётга

жорий этишга интилаётган фидойи одамлар оз эмас. Бундайлар олимлар ва мұхандислар, тижоратчилар ва шоир-ёзувчилар орасида ҳам бор. Хаёл сурини, орзу қилишни ўзига касб қилиб олғанлар орасида фантаст-адиблар алоҳида ўрин тутишади. Улар орзу ва хаёлот ёрдамида улкан ҳақиқатлар сари сўқмоклар очишади. (Шунинг учун ҳам ҳар қандай фантастика бир кун келиб хаёлни ҳақиқатга айлантиради.) Ҳақиқат сари йўл топиш учун эса, ҳамма вакт мураккаб Коинот кенгликларига кўтарилиш шарт ёмас. Бунга инсон ўз-ўзини англаш, руҳий камолот орқали эришуви мумкин. Бунинг учун онгнинг маълум ҳолатларини фаоллаштириш, унинг илохий жиҳатларини ўзлаштириш керак. Бу инсонни мукаддас ҳақиқатларга яқинлаштирибгина колмай, унинг тақдирини ҳам ўзгартириши мумкин.

Инсон рухиятининг яширин сир-синоатларига эътиқод сўнгги ўн йилликларда Ғарб тафаккурининг характерли хусусиятига айланди.

Америкалик атоқли рухшунос олим У. Жемс XX аср Оврўпа адабиётида биринчи бўлиб: «Инсон рухияти турфа-туман ҳолатларда бўлиши мумкин», – деган фикрни илгари сурди.

«Бизнинг одатдаги мўътадил онгимиз – тафаккурнинг бир шакли, холос, – деб ёзганди у. – Унинг бошка, тамомила ўзгача шакллари ҳам у билан ёнма-ён мавжуд». Олимнинг фикрича, онгнинг яширин шаклларисиз олам манзарасини тўлиқ тасаввур қилиб бўлмайди.

Хўш, онгнинг яширин шакллари деганда биз нимани тушунишмиз керак?

Булар – одамзод ҳали ўзи англаб стмаган онг турларидир. Унга, аввало, самовий онг киради. Маълумки, самовий онг деганда, инсон тафаккури Коинот миқёсидаги улкан руҳий уммонга уланиб кетиши тушунилади. Бунга мистик экстаз, яъни дарвеслона зикр, жазава ҳолатига ўтиш, мурокаба, яъни транс ҳолатига кириши орқали эришилади.

Яширин онгнинг яна бир тури илохий онгдир. Илохий онг турли динлар, Шарқда, масалан, ислом маданияти ва фалсафаси ҳамда мусулмон мистикаси саналмиш тасаввубининг моҳиятини англаш орқали қўлга киритилади. Ҳозирги кунда онгнинг сирли жиҳатларини янада ойдинлаштирувчи кучли омил сифатида Шарқ диний таълимотлари бутун дунё, айникса, Оврўпа ҳалқларида катта қизиқиши ўйғотмоқда. Илло, буюк донишманд Жалолиддин Румийнинг фикрича, ботиний моҳият (Аллоҳнинг якка-ягона, яратувчи

эканлиги) инсон ақтый мушоҳадасига етиб борганда, мүмин ҳам, ғайридин ҳам зоҳирان бир хил даражага келади. Назаримда, ҳозир айни шу жараен кечмоқда.

Мистиканинг йирик назариётчиларидан бири америкалик рухшунос олим Тимоти Лирининг таъкидлашича, фан ва дин бир-бирларига душман эмас, аксинча, мурокаба, Тангри васфи ва зикри каби алохида рухий ҳолатта туша олувчи одамлар фан ўтказадиган тажрибаларни амалга оширишган. Жазава, гойибдан кўриш, илохий тушлар, галлюцинациялар, рухий фантомларни диний сўзлар ёрдамидагина эмас, балки физик ва биологик фанлар тилида ҳам изоҳлаш мумкин. Аксарият ҳолшарда дип тажрибаси ҳам, фан тажрибаси ҳам бир хил натижга беради.

Масалан, онгнинг ўзга ўлчамига ўтган одам ўз танасини бошқара олади. У юраги, буйраги, жигари ва бошқа аъзоларидан товуш кабул қиласди, уларнинг тузилиши, фаоллигини ҳис этади. Айни вақтда, бундай одам қалиб кўзи орқали бутун Коинотни қамраб олини қудратига эга. Лирининг фикрича, қадимги замон сўфийлари, тантра соҳиблари буюклигининг сири ҳам мана шунда. Улар инсон танасини Парвардигор ижодининг олий чўққиси, деб қарашган.

Ҳозирги даврда бутун дунёда мистикага қизиқиш тобора кучайиб бораёттанининг бонси ҳам мана шунда, деб ўйлайман.

Шўролар даврида илоҳиси, мистика очиқдан-очиқ фанга қарамакарши кўйилар эди. Мактабларда болалар Худо йўқ леб, даҳрийлик рухида ўқитилар, рухлар, арвоҳлар, шайтон ва жин-аъвастилар ҳакида гап ҳам бўзини мумкин эмас эди.

Ваҳоланки, атеизм, яъни даҳрийлик фоний дунёда яшаштап жами одамларда ҳеч қандай муайян умид туғдирмайди. Унинг ҳақслиги ҳам ҳеч қачон исбот қилинган эмас. Нега энди унга узоқ йиллар мобайнида ҳадеб яштоқсалиб сигиниб келдик? Бу давр ичичида биз ўз-ўзимизни: «Даҳрийлик менинг келажак-истикболим учун қандай орзу-умидлар берди?» дейя сўроқладикми.

Ҳаёт ноҳақликларга тўлалигини ҳаммамиз яхши биламиз. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси бундан турфа-туман шароитларда изтиробга тушиган, озор чеккан. Даҳрийлик Худо борлигини инкор килади, айни шу ишни бишан ҳақиқатининг тўлиқ карор толининга ҳеч қандай илинж қолдирмайди.

Агар ҳозирги ҳаётимиз жаниятга айланган тақдирда ҳам, даҳрийлик инсон ўлиимидан кейин уни ҳар қандай умид туйғусидан маҳрум килади.

Биз ҳаммамиз улкан ҳаёт уммонида баъзан хасталанамиз, қалбимиз яраланиб, маънавий йўқотишларга дуч келамиз. Юрак-

ларимиз бу хасталик ва йўқотишларнинг маъноси ва қимматини билишга иштилади. Атеизм: эҳтимол, келажак авлодлар учун бунинг нафи тегар, лекин инсон шахси учун бу изтироблар бемаъни ва бефойдадир, деб жавоб беради. Бундай фалсафа бузгунчиликдан бошқа нарса эмас.

Даҳрийлик виждан қийноғига учраган одамларга ҳам ҳеч қандай таскин бермайди. Биз ўтмишда йўл қўйган хатоларимиз олдида виждан азобига душвор бўлар эканмиз, ёмон қўлмишларимиз ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, дея бизни овутиш ўта бемаъни тасаллидир. Бундай жавобдан на онгимиз, на виждонимиз қониқиши хисси туяди.

Мутлак Ҳақиқат шундан иборатки, Яратувчи Зот мавжуддир. У Ерни, Коинотни, уни ўраб турган бутун борликни, сени, мени ва жами бошқа нарсаларни бунёд этган. Атроф-мухитнинг жами мавжудотларга қирон келтирувчи ифлосланиши янглиғ, башарият гуноҳлари сайёрамизни заҳарлаб, Одамзод ва Парвардигор ўргасидаги табиий уйғунликни йўққа чиқараётди. Эндиликда буни ҳаммамиз кўзимиз билан кўриб, ботинап хис қилиб турибмиз.

Аммо, умид бор! Парвардигори олам инсонга сипов учун берилган Ердаги ҳаёт тарзига аралаша бошлади ва Ўзи яратган энг олий мавжудот саналмиш Инсоннинг иисоғ, диёнат, имон ва ўтиқодини тиклаш ҳамда бу бебаҳо маънавий қадриятларни янгилаш бора-сида ўз маҳобатли режаларини амалга оширишга киришди. Лозим топса, У Зот вақти келиб жами ўликларни тирилтиради, улуг пайғамбарлар, азиз-авлиёларни Ерга ташриф буюртиради. Ул Зот лозим топса, ҳар қандай инсонни руҳан кайта дунёга келтиради ва мен, сен, биз, баримиз янги осмонда ва янги масканда Парвардигор билан мангубирга яшаяжакмиз.

Парвардигор дунёси мавжудлигига ишонч-эътиқод бизнинг фоний ҳастимизга чукур мазмун баҳш этади. Одамларга рағбат бериб, уларнинг куч-кувватини мустаҳкамлар экан, бу ишонч инсоннинг куч-куввати ва қобилиятларининг тўлиқ юзага чиқишига омил яратади. Ҳаёт курашилари нечогли қийин кечмасин, одамзод ўз савий-харакатларининг бехуда эмаслигига комил ишонч билан яшайди. Воқеалар силсиласини Парвардигорнинг ўзи тўғри ўзанга солади, ҳаётда, айтиш мумкинки, у чеккац (чекаётган) барча изтироблар инсоннинг шахс сифатида камол топиши ва маънан бехад бойишнига хизмат қиласиди. Ўлим эса, фоний оламдан бокий дунёга олиб ўтувчи эшикка айланади. Ўйлашимча, фоний ҳастимиз учун Олилоҳ таолога эътиқоднинг мазмун-моҳияти ҳам мана шунда!

Аммо, таассуфки, бизнинг авлод, биздан кейинги авлодларнинг аксарияти моддиюнчилик ва дахрийлик рухида тарбияланганмиз ва юкорида зикр этилган улкан Ҳақиқатни ҳали-ҳануз англаб столмаяпмиз. Бутун аҳолини мачитларга, бошқа ибодатхоналарга ҳайдаб тикилган тақдирда ҳам, бир неча йилда ўзгариб қолишимиз амримаҳол. Адабиётимизда пайдо бўлган ботиний, диний-мистик йўналишларга қарши аҳён-аҳёнда ўюстирилаётган ахмоқона «хуруж»лар ҳам айни шу дахрийлигимиз асоратлариданdir.

Бугунги кунга келиб, Farbdagi atokli olimlar ҳам илми илохий (теология), илми қалом (теософия), (сўғизм) мистика каби соҳаларда жиддий илмий тадқикот ишлари олиб бормоқдаларки, бу кишида эзгу умидлар уйғотади. Улар Ерда ҳаёт пайдо бўлиши, сонлар магияси, инсон аurasи, яъни инсон танасини ўраб олган биологик қобиқ, ўлимдан кейинги ҳаёт каби муаммоларни атрофлича мухокама килемоқдалар. Илмий матбуотда дунё Мусо пайғамбар, Мухаммад пайғамбар таълимоти бўйича ривожланаяптими, Дарвин назарияси бўйичами, деган қараниларга ҳам аниқлик киритила бошланди. Илохий ўлчамлар, ёндош ёхуд латиф оламлар ҳакида илмий мақолалар чоп этилаяпти.

Бинобарин, фаннинг бу тариқа дин ва мистика жабхаларига ҳам кириб бораётгани бежиз эмас. Билъакс, уларниң борар манзиллари ҳам, пировард мақсадлари ҳам бир: яъни дунё ва инсонниң ўз-ўзлигини англаш. Улар бу оламшумул мақсад йўлида баҳамжихат харакат қилишсагина кўзлаган ниятларига етишади.

Ҳаётимизда кечадиган ҳар бир яхши-ёмон ҳодиса замирида биз ҳали тагига стмаган қандайдир илохий, мистик қонуниятлар мавжуд. Бу қонуниятларни билиш учун биз ана шу илмий ва илохий қонуниятлар билан боғлиқ сир-синоатларни англаштишимиз керак.

Ўтмишда яшаб ўтган улуг мутасаввиф ва аллома Шайх Фаридиддин Атторнинг ёзишича, бу туташ оламларда инсон рухи ва жисми, унинг кўнгли ва акли ўртасида абадий кураш борадир. Рух бу курашда моддийликни – жисмни ўзига бўйсундириб, илохий маърифатни таниш, Ҳак асрорига кошиф бўлмоқ учун хизмат қилдира олса, у буюклиқ мартабасини эгаллаган комил инсон рухига айланади. Ана ўшудай комил инсонларгина истикболда биз яшаб турган мураккаб ва айни шу мураккаблиги или мафтункор ва беназир ДУНЁ билан уйғун яшаш ҳақ-хукуқига эга.

УКАМ ҲАҚИДА

Тонкентнинг Эски шаҳар кисмидаги Ҳазрати Ином мажмуасига ҳар сафар дилимда ифтихор билан келаман. Бойси шу мажмууга яратишб тушган Тилла Шайх масжиди тарихи билан оиласизнинг тарихи кўшилиб кетганидир. Кўнглимда фахр уйғотадиган яна бир тўйгу менинг боболарим Тилла Шайх бува ҳамда Сайдазим Мухаммадбой ўғли, шунингдек, укам Ҳожиакбар Шайхов билан боғлиқ. Ўйлаб карасам, укамниң ёзувчи бўлиб адабиётда ўз ўрнини эгаллаши ҳам бежиз бўлмаган, бунга боболаримнинг тарихи, онамниң сўзлари ва қонимизга сингтан Ватан дарди, Тошкент согинчи сабаб бўлган экан.

Ҳожиакбарнинг таржимаи ҳолида туғилган жойи худди бошка опа ва сингилларим, укаларим каби Хитой Халқ Республикасининг Чугучак шаҳри деб ёзилган. Бойси бувамиз Ғулом кори Тилла Шайх ўғли Ватанимиз тарихида кечган оғир давр – инкилобий тўнтаришдан кейин катагонга учраб, Шаркий Туркистонга кочиб жон саклаган, биз онам Муяссархон Ғулом кори кизи ва отам Ислом Шайх Баҳром Шайх ўтининг Ватандан жудолик даврида кўрган болалари эдик.

1927–1928 йиллар қулокларни синф сифатида тугатиш номли кампания бошланиши билан кўплаб оиласарнинг бошига қулфат тушгани маълум. Бу оғат бизнинг оиласизни ҳам четлаб ўтмаган. Аямнинг айтишларига караганда, 1928 йилда, тун пайти бувамниң дўсти дарвозамизни тақиллатиб келиб: “Советлар сизни қулок килиб отиб ташлашмокчи, шу кечанинг ўзида Тонкентдан чиқиб кетмасангиз, кеч бўлади”, дея огоҳлантирган экан.

Ўзбекистон ФА академиги Раҳима Аминова берган маълумотларга кўра, 1933 йилгача Ўзбекистондан беш ярим мингга якин одам “кулок қилиниб”, улар Шимолий Кавказ, Украина, Сибирь томонларга жўнатилган.

Бувам Ғулом корининг фуқаронарварлиги, 1924–1925 йиллардаги очарчилик пайти отаси курдирган Тилла Шайх масжидида катта қозонда овқат тайёрлаб, очларга тарқатганлари, мамлакатда фуқаролар уруши авж олган пайларда бокувчисиз колган оиласарга ёрдам берганлари бир томон бўлиб, унинг бадавлат савдогар Тилла Шайхнинг ўғли, ўрис подшоси Александр II фахрий фуқаро унвонини берган

тошкентлик машхур савдогар Саидазимбойнинг нсвара күёви эканлиги, ота томонидан шажараси Хўжа Аҳрорга бориб тақалиши тарозини босиб кетган.

Ғулом кори бир вактлар приказчик бўлиб ишилаган бир ўрис киши билан биргаликда Тошкентдан чикиб кетади. Тақдирига битилган ватандан жудолик шу куни бошланган эди.

Бувам шу кетишида Хитойнинг Син Цзян ўлкаси Тарбагатай вилюйтидаги Чугучак шахрида амакиваччасининг уйидан кўним топади. Ғулом кори амакиваччаси хонадонида бир муддат яшагач, шу шахардаги таникли ўзбек бойларидан тўрт нафарини месъмонга чакириб, улардан устамасини кўшиб қайтариш шарти билан қарз олди. Бу бойлар улуғ авлодга мансуб одамга “йўқ” деб бўлмаслигини яхши тушунардилар. Ғулом кори бувамиз тез кунларда иш боилаб юборади. У кредитга олинган нуцларга шўролар ҳукуматидан учта ЗИС-105 юк машиналарини сотиб олиб, собиқ СССР ва Хитойнинг Чугучак шахри ўртасида савдо ишларини боилаб юборади. Тўшилаган маблағига шаҳар чеккасидан ер олиб, ховли-жой куради. 1932 йили бувим Саидкаримбой қизи Мукамбархон ва тўрт фарзандлари: Муяссархон, Муқаддасхон, Яҳё ва Мушаррафхонлар ҳам Чугучакка кўчиб келадилар.

Бувам Ғулом корининг қонида эзгу ишларни амалга ошириш интиёки бор эди. Ўша даврларда Чугучак шахрида электр манбай бўлмаган. Ғулом кори Туркистондан келиб ўрнашган бир исчта бойларни тўплаб, уларга бош бўлади-да, маблағ йиғиб, электр станцияси куришади. Чугучакда ишга тушган биринчи электр станцияси унинг саъй-харакатлари самараси бўлди. Кейинчалик масжид солишади ва ўзбек мактаби очишади. Гўёки совет қатагони даҳшатлари олисда колгандай эди. Лекин катагон хорижда яшаттган ўзбек зиёлилари ва уламоларига ҳам ишора узатади. Қирғин-қатагонлар Чугучак шахрида яшовчи ўзбек бойларини ҳам четлаб ўтмади. 1939 йилнинг кипида, тунда уч киши Ғулом корининг уйига кириб келади. “Ғулом кори Тилла Шайх ўғли, сизни олиб кетамиз, вактимиз зик, тезда кийининг”, – дейиниади. Бувамни оёғида биргина калиш, эгнида чопон билан, онла аъзолари билан тузукроқ хайрлашишга имкон бермасдан, “тезда кайтиб келади”, деб олиб чиқиб кетишади. Ғулом кори Урумчи шаҳар қамоқхонасига, кейинчалик Хитой қамоқхонасига олиб кетилади. Шу билан бувамиз қайтиб келмайди...

Биз бувамнинг бошидан ўтган бу воқеаларни анча кейин, Мустакиллик даврига келиб билдик. Унгача мен хозир хикоя

килганларни аям биз – фарзандлардан яшириб келган. Бунга қатагон даҳшати юракларга солған қўрқув сабаб бўлганмикин ёки фарзандларини кўламини ўзи ҳам билмаган қандайдир хавф ёки хатарлардан химоя килиш истаги сабаб бўлганмикин, айтиш кийин.

Ҳаёт давом этавераркан... Чугучак шаҳрида радиоприёмниклар пайдо бўлади. Муқамбархон аям (яъни, бувим) “Тошкентни эшилса бўларкан”, деган хабарни эшитиб, тинчини йўқотади. Радиоприёмник жуда қиммат экан-да! Отам аямнинг дардини тушунганидан, кичкинагина приёмникни унча-мунча эмас, икки юзта қўйнинг шулига харид килади.

Ўша пайтда онам менга ҳомиладор экан. Аям “қиз туғилса, исмини Маҳмудаҳон, Маҳфузахон ёки Манзураҳон қўямиз”, деб юаркан. Уйга радиоприёмник олиб келиниб, Тошкентдан эшилтириш бериладиган вақтда мурватни бурасалар, сухандон “Назира Аҳмедова куйлайди”, дея эълон килибди. Шу сабаб бўлиб, исмим Назира бўлибди...

Аям бизга бир гапни кўп такрорларди: “Бу ерда туғилган бўлсаларинг ҳам, аслида тошкентликсизлар, Худо хоҳласа, албатта, Тошкентга, Ватанга қайтамиз”.

Аям оқшомлари бизга эртаклар айтиб берарли. Унинг эртакларила ибраторумуз гашлар кўп бўларди. Масалан, “Саломинг бўлмаса икки ямлаб бир ютардим, дебди аждар”, – деганда, биз “Ассалому алайкум” сўзининг қанчалик аҳамиятга эга эканлигини тушунардик, Ўтри ва Тўгри ҳакидаги эртакни эшигтанда, ҳалолликни англардик, доно малика тўғрисидаги чўпчаклар эса бизга заковатнинг кучи нималарга кодирлигини кўрсатарди. Кейинчалик тушундимки, аям афсонавий гўзал боғни тасвирлаганда ўзига хос тарзда Ватан манзарасини чизар экан: “Боғ теварагида баланд тераклар ўсаркан, уларнинг таккинасида арикча жилдираб оқаркан, баҳор келганда арикча лабида ялпизлар кўкараркан, боғда аввал ўриклар, кейин гиолослар, охирида олмалар, беҳилар гулга киравкан...”

Кейинчалик Ҳожиакбар укамнииг қатор фантастик асарларини ўқиганимда аям айтган эртаклардаги ибраториликни, таъсирчанликни кўрдим. Мен оиласизнинг барча аъзолари қатори унинг ҳар бир асарини ўқиганман. Ҳожиакбарнинг кўп ҳикоя ва қиссаларида тасвирланган Она ер соғинчи хисси болалигимиизда, аям дилимизга солған Ватан туйғусидан ўсиб чиқкан, деб биламан. Унинг қаҳрамонлари коинотда, олис сайёralар сари учеб борар эканлар, Она ерни соғинадилар, заминдаги ҳар бир мавжудотни азиз деб биладилар, улар учун инсоний-

лик, дўстлик, садоқат ва заковат тушунчалари жуда муқаддас. Чунки бусиз йиллар бўйи коинот сафарида бўлиш мумкин эмас. Айниқса, “Ренс жумбоғи” киссасидаги профессор Рененинг жасурлиги, капитан Азизовнинг фидойилиги, Шавкатнинг зукколиги мени жуда таъсирилантирган.

Аям Абдулла Қодирийнинг “Ўткан күшлар” романини бекитиб, “хеч кимга бу ҳақда гапирманглар”, деб тайинлаб ўқиттаниларини ҳамон эслайман. Бир куни аям “Қодирий менинг отам Сайдкаримбой ҳомийлик килган рус-тузем мактабида таълим олган, яхши ўқигани учун отам уни соат билан тақдирлаган экан”, деди. Сайдкаримбой тошкентлик савдогар Сайдазим Мұхаммадбойнинг ўғли бўлиб, Сайдазимбой Топкентда янги усул мактабларини ташкил этиш ташаббускори, Шайхонтохурдаги Эшонкули доҳдо мадрасаси биносини мактабга айлантирган, кейинчалик ҳам мактаб учун мунтазам равишда маблағ ажратиб турган, иктидорли ўқувчиларни тақдирлаган экан. Сайдкаримбой эса отасининг ишини давом эттирган, бир сафар ўқишини яхши ўзлаштирган сттита ўқувчини соат билан тақдирлаган, айтишларича, ўқувчиларнинг ичиде Самарқанд дарвозалик Абдулла Қодир ўғли ўзининг заковати билан ажралиб тургани учун олтин соат билан мукофотланган. Абдулла Қодир ўғли кейинчалик ёзувчи Жулқунбой – Абдулла Қодирий бўлиб танилди.

Биз кейинчалик Сайдазимбой ҳакида ҳам кўпилаб хотиралар эшигидик. Мана, шундан баъзилари: Сайдазимбой 1863 йил савдо ишлари билан Россияга кетатуриб, Туркистон шахрига рус қўшилари ҳужуми арафасида етиб келади. Шунда Сайдазимбой Туркистон ҳокими Мирза Давлатбой додгоҳдан 250 кўқон тилласига рус асирини сотиб олиб (бу аскар Тобольск губернияси дехқони Данило Коробкин бўлади), рус ҳукуматига топширади ва иккала томоннинг ярашишига сабаб бўлади. Ўз навбатида, Сайдазимбой рус ҳукумати томонидан 1863 йил 18 августанда “Станислав лентасидаги кумуп медаль” билан тақдирланади...

Аям Ойбекнинг “Навоий” романини,Faфур Фуломнинг “Ёдгор” киссасини ўқиттанилари эсимда. Хорижда ҳам миллий адабиётимизга муҳаббат руҳида тарбия топганимиз айнан аямнинг хизматлари эди. Айниқса, Тошкентни соғиниб кийналган кезлари қўлларига дутор олиб: “Қачон бўлғайки топгайман хабар ёру диёримдин” ёки “Сайдинг қўябер сайёд, сайёра экан мандек”, деб куйлаганида уйимизга сукунат чўкарди. Айтилган қўшик юракка кириб борар, туйғулар дутор торларига қўшилиб кетар эди. “Ўткан күшлар” романидаги:

*Аё чарх, этдине оғир жаңбр бүнёд,
Кўзим ёшиғ, дигимда қолди фарёд.
Ҳаётим лолазоридин аюрдине,
Ёқиб жоним, кулини кўкка совурдине,*
сатрларини ёддан ўкирди. Аям Фузуний, Лутфий, Навоий, Бобур,
Машраб, Мукимий, Фуркатининг кўп газалларини ёддан биларди, улар-
ни ўкиб, магзини чакиб берарди. Ҳожиакбар укамнинг ганиқали ёзувчи
бўлиб етишинининг негизида аяжоним берган маънавий асослар ётиб-
ди десам, муболаға бўлмаса керак. Чунки бизда адабиётта муҳаббат
уй отган инсон аям бўйган эди.

1945 йилда Алихонтўра Согуний бопчилик идаги Шинг-Жонг
ўлқасининг уч вилояти Тарғаботой, Олтой, Ғулжадан иборат бўйган
Шаркий Туркистон республикаси ташкил этилди. Шунда Ҳожиакбар
йўргакдати чакалок эди. Тўрт йилдан кейин бу вилоятлар Хитой Халқ
республикасига кирди, отам Тарғаботой вилояти транспорт идораси-
га раҳбарлик кила бошлади. Онам эса ўзбек мактабидаги математикадан
шарс берар эди.

Онламиз Ватан ақитни имконига эга бўлганда Ҳожиакбар ўн ёнда
эди. Ҳамон ўзлайман, 1955 йилда хорижда яшиётган ватандошларга орт-
га ақитнига рухсат берилди. Лекин Ватанга ақитининг бир шарти –
удар Қозогистон шимолида очилган кўрик ерларни ўзлаштиришга бо-
ринилари керак эди. Онламиз биринчилар катори бу шартига рози бўлиб,
совет ючихонасига мурожааг килинди. Не-не текширишлар билан че-
гарадан ўтиб, Қозогистон чеккасидаги Аягуз шаҳарчасига етиб келдик.
Бизни у сурдан Павлодар поездига чикаришди.

Отам катта хитойи термосни олиб, станция биносига кайнок сув
олини учун кетди-ю, тезда ақитиб келди. “Аяси, мен кўкон лўппин,
бекасам чопон кийган бир ўзбекни кўрдим, гаплашдим, у Тошкентдан
жан, – деди севиниб. – Худога шукр, Тизла Шайх мачити омон жан,
одамлар хар жума куни у срга намозга боришар экан. Мен у одамга биз
Тилла Шайх авлодимиз, ўша мачитда у кишининг бошқа авлодиаридан
бирортаси бўлиши керак, бир нарча хат ёзиб берсам, стказа оласизми,
деб сўрасам, стказиб бераман, деди”.

Шу куни отам аям, онам ва ўзининг номидан кисқача хат битиб,
унда кетаётган манзилимизни кўрсатиб, ўша кипининг кўлига обо-
риб берди. Бу кипин Аягуз–Тошкент поездининг проводниги экан. “Сиз
билан Тошкентда кўришиш насиб этсин, илойим”, – деди отам хайр-
ланаркан, поезд юриб кетди. Отам эса у кишининг яшаш манзилини
билиб олишга ултурма анидан афсусланиб колди.

Наводарга стіб келгач, бізни “Иртиш” совхозига олиб бориши. Үн бир жон бұл іб бытта ійлак биләп туташтирилған иккита күттө хонага жойланыдик. Мен Чугучакдаги ичкари-тапқары ховлили, саккыз хонали шинам уйимізни, богимизни сезладым. Аям зес: “Худога мін көтіл шукр, әнді Ташкент а кетаміз”, - дерді.

Отам кандайдір курилиштега ишга кирди. Хоналарда хаммага жой стказиң кійін бұлғашидан саңықтар устига күрінчалаң, иккитадан болани ёнма-ён ётқизішпарды, озік-овқат маҳсулотлари кам, палов килиш учун Иртиш туман марказидан куриғылған тұрганда сабзи олиб келинін аны ҳамон жәнімдә.

Біз Чугучак шаҳрида уйур тиляда, араб алифбосыда ўқыған әдік, Иртиш совхозда козок мактабига қаніаб, козок ва рус тілдарини ўзластыра бошладык. Күлларимиз араб алифбосында үрганғанидан кирияласыға чындан үнгіта ғомон ёзінің кінешілердік. Ҳожиакбар жуда гүйрак бона әді. У янина сабоқтарға біздан тәзрок үрганды, осонрок ўзластырыды.

Күн үтмай, совхоз директори ғотасининг исеміні билімасын, бу киши ҳаммамыз учун Сафар оға әді) “Ташкандан түгушканларниңдан хабар келді”, деб телеграмма олиб келди. Телеграммада: “Хатингизни олдик, хурсандымиз, Ташкентте келінің кутаміз. Нім мон кори ва Низом қори”, деб ёзилған, маңызды күрсетілған әді. Бизде жавоб йұлзаганнар бувам Гулом Корининг укалары жағынан.

Отам директордан рухсағ олиб, аям биләп биртеге Ташкентте жүнағын. Аям хурсандығыдан нұқул йиғлар, “Йиғирма олти йыл” дегендеге орнумға етдім”, деб әли. Орадан уч ярим ой үтпач, отам сыйламыз биләп Ташкентте күніб үткінші рухсағында олиб келди. Шолтимиздинг чеки йүк әді.

Ташкентте етіб олни учун Иртиш дарбесидан Һарнаул ача нароходда бордик, у ерден зес поездде үтірдік. 1955 йили Ташкентте күніб келдік. 1932 йили күнинің сүні мусодада қазинан Ҳастимемдән и буваминин күттө ховлиси онамнинг қарқатлары ва аңча уринишлары орқали кайтарып олниди. Чунки Ташкент шаҳар ижрөнә күмітасына ёзилған аризасыда онам бобом Гулом Корининг күләк килеммаганини таъкидлаб күрсаттын әді.

Ташкентде 40-үртә мактабда ўкый бопшаздик. Отам біздан альо ўқишимизни таңаб кыларды, бизниң бүш вактимиз бўлмасди, ўқишидан орташ вактимиз уй иншарига карашыни, китоб укини биләп үтарды, ўқувчилик саройига катнардик. Ҳожиакбар укаларим Шуҳрау ва Сайрат категори мусикани ўртаған, шинаниң шахнегінин жалар әді.

Хожиакбар, айникеа, китобга ортиқ даражада меҳр кўйганди, у вазмин бола эди, ўғил болаларнинг шовқин-суронли ўйинларига кўп ҳам кўшилмасди. тўпулон килиш унинг табиатига зид бўлган. Ўша пайтда ўзбек тилида босилган болалар китоблари уччалик кўп эмас эди. Жаҳон адабиёти, рус адабиёти вакилларининг болаларга атаб ёзилган асарларининг кўпчилиги хали ўзбек тилига ўтирилмаганди. Шунинг учун ўзбек тилидаги болаларга аталяган китобчаларнинг ҳар бири кўзга суртиб ўқишаарди.

1955–1956 йилларда Тошкентда турмуш даражаси наст, дўконларда сариёт, пишлок, гўйит маҳсулотлари такчил. Мактабга матодан тикилган жилд кўтариб борарадик. Жилдниш бир чеккасига оғзига тикин тикилган сиёҳдон солинган бўларди. Биз учига пўлат перо уланган ётот ручкаларни мана шу сиёҳдонига ботириб, эҳтиёткорлик билан ёзардик. Чунки салгина эҳтиётсизлик килинса, кийимга сиёҳ сачраши ёки тўкилини мумкин эди. Сиёҳнинг доги эса, ювса ҳам кетмасди. Атлас кўйлакни, сарпода келгандиги учун факат келинлар кийишарди. Қизларга атлас кўйлак тикириб кийгазишга ота-оналарнинг курби ст-масди. Биз косибга аям учун амиркон кавуш буютирганимизда уни эски латгаларга ўраб, яширинча олиб келганимиз. Чунки одамлар кўриб қолишиса, “шунчалик оғир даврда ҳам амиркон кавуш кийибди, пулни қаердан олибди”, деб бизнинг ҳам, косибининг ҳам адабини бериши турган гап эди.

Мамлакатимиз мана шундай кунларни бошидан кечирганига тувоҳ бўлганим учун ҳам бугунги фаровон кунларнинг қадрига кўпроқ стиш керак деб ўйлайман.

Хожиакбарининг биринчи ҳикояси газетада босилганда у хали 9-синфда ўқирди. У ёзувчиликни ҳавас қиласарди. Ҳовлимизда укаларим шовқин солиб ўйнаган пайтлари у ичкари хонада мук тушиб, когоз қораларди. Ёзганларини болалар нашри таҳририятларига жўнатар, почта орқали олган жавобларида кўпинча: “Ҳикоя ва мақолаларнингиз устида кўирок ишланг” каби тавсиялар бўларди. Хожиакбар бу жавобларга жиддий кааради, шунинг учун ўз тенгдошлари орасида билими, ўқимишлилиги билан ажralиб турарди.

Онамнинг барчамизни ўқимишли, зиёли кўриш орзуларини рўёбга чиқариш, иккинчи томондан, ўз она тилимизда таълим олишдек имкониятга эришганимиздан хурсандлигимиз учун ҳаммамиз мактабни олтин медалга битирганимиз. Мен, Маъсудаҳон опам, синглим Гули, укаларим Анвар ва Шухрат шифокор бўлишиди. Ҳожиакбар, Санъат, Шавкат ва Асад эса техника йўналишини танлашди. Оиламиздан ст-

тита фан номзоди етишиб чикди. Кейинчалик синглим Гули тиббиёт фанлари доктори, профессор. Ҳожиакбар эса фантаст ёзувчи бўлиб етишиди.

Ҳожиакбар ёзувчи сифатида кўзга кўриниб, эътироф этилган кезларда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Электроника илмий-тадқиқот институтига шиларди. Унинг ёнлар ижод намуналаридан тузилган тўпламда боснинг ишларни ҳамон эслайман. Ҳикоя яратув манинаси яратсан боза ҳақида бўлиб, сарлавҳаси тагига “ҳаёлни ҳикоя” деб ёзилган ёди. Чунки ўша найтда “фантастика” деган атама хали истеъмолига кириб келмаганди.

Ҳикоянинг мазмуни жуда гаройиб, бола ажрашиб кетган оға-онаси ни яраттирини орзусича яратув манинаси ясайди. Лекин одамлар орасидаги меҳрни хеч бир машина ёрдамида яратиб бўлмаслигини, узилиб кетган кўнгил рингларини боғланга ҳеч қандай аппарат кодир эмаслигини тушуниб сади...

“Фантастик” деган сўз унинг асарлари сарлавҳаси остида кейинроқ пайдо бўлди. Биринчи китоби ҳаммуаллифликда босмадан чиккан. Бунинг тарихи ҳам қизик. 1972 йилда Ҳожиакбарнинг китоби босмата тайёрланаётгандан уйдан Тохир Ҳобиловнинг қиссасини ҳам сизнинг китобинингизга кўшиб, битта тўплам кишиб чои этсак, дея розилик сўрапади. Ўша найтларда кўнгина ён ёзувчиларнинг китоблари шу тарзда босиларди. Ҳожиакбар рози бўлади. Шундай килиб, укамнинг биринчи китоби “7-СЕР”нинг муковасида иккита муаллифнинг исм-шарифи кўрсатилади: Ҳожиакбар Шайхов, Тохир Ҳобилов. Тақдирининг гаройиблигини карани; Тохир Ҳобилов укам билан битта мактабда ўқиган, иккovi тенгдош, лекин бир-бирини яхши танимас экан. Шу сабаб бўлиб кейинчалик иккovi дўстлашиб кетди. У йигит бир исча йил ўтиб, Тохир Малик тахаллуси билан танилди.

Бу орада оиласизда ҳам киши дилини қувонтирадиган воқсалар бўлди. Шулардан бирин – отам Аягуз станциясида бизга ёрдам берган кишини топди. Мени унантиришиб, кўёв томондан фотиҳа қилини учун келган меҳмонларга тўшлар кийдирилаётган пайт отам куда томондан келган бир кишини таниб қолиб, кучоклаб олади. “Охири сиз билан дийдор кўришини насиб килди-я”, дейди хурсанд бўлиб. Атрофдагиларнинг ҳаммаси хайрон бўлганинги кўриб: “Бу киши бизининг ҳатимизин Аягуз шаҳридан қариндошларимизга етказиб берган эди, шу яхши инсон сабаб биз ўз юртимизга кела олдик”, лейди. Мавълум бўлишича, бу кишининг исми Сирожиддин бўлиб, ўзи куданинг кўшиниси, маҳалла фаолларидан экан.

Оиламизни кувонтирган воқеалардан яна бири Ҳожиакбар укамнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо этиб қабул килинини бўлди. У биринчи ўзбек фантаст ёзувчиси сифатида ҳатто ҳалқаро миқёсда ҳам эътироф этилди, катор китоблари босилди, асарлари хорижий тилларга таржима килинди.

1992 йилда Россия телевиденисисининг ОРТ канали Тошкентдаги Тилла Шайх мачитида ўқилган ҳайит намозидан репортаж кўрсатди. Мен онамга кўнгироқ килиб: “Бобом ўзидан яхни из колдириб кетган экан. Бугун Тилла Шайх мачитида ҳайит намози ўқилганини кўнлаб чет мамлакатларда кўришяпти”, – дедим. Онам: “Мени жуда хурсанд киёнинг. Хаёлимда ҳозир Ғулом кори бобонгни НКВД олиб кеттанини, унинг катағон килинганини, бошимиздан ўтган оғир кунларни эслаб турган ҳим”, – деди. Кейин: “Энди НКВД ҳам, катағон даҳнати ҳам йўқ, айтсан бўлади”, – деб, бобом Ғулом корининг бонидан кечгац, мен юкорида ёзиб ўтган воқеаларни ганириб берди...

Оиламиз аъзоларини кувонтирган яна бир воқеа шу бўлдики, Ҳожиакбар АҚШда нашр килинган жаҳоннинг энг стук фантаст ёзувчилари ҳақидаги энциклопедияга ўзбек адабиётининг вакили сифатида киритилди. Айтиш керакки, у Марказий Осиёдан кирган ягона фантаст ёзувчи бўлди. Бу унинг ҳалқаро миқёсда ҳам тан олинганини билдирар эди...

Ҳожиакбар “Сирли олам” журнали, “Қалб кўзи” газеталарини таниклил қилин билан банд бўлгандা, онам укамдан тез-тез: “Ишларинт яхними? Ишари силжиянтими?” деб сўйарди. Бир куни уйга онамини кўргани келсам, онам хафа бўлиб ўтирибди. Сабабини айтмайди. Кўярда-кўймай сўрайверсам, охири ёрилди. “Ҳожиакбар Янгийўлга кетди, – деди. – Қоғоз гакчил эмин, топилмаса, газетаси босилмасмин. Ҳ, Ҳудо, шу қоғоз дегани бемалол бўлса нима кислар ҳди?” Онаизор-да, ўғлининг кичиккина муаммоси учун ҳам куйинар ҳди.

Ҳожиакбар ҳам куйинчак ҳди. Бу хисмат унга онамдан ўтган бўлса керак деб ўйлайман. У дўстларидан, яқинларидан ёрдамини ҳеч қаноn аямаган. Унинг олдига истаган пайт дардошни, турмушида бўлиб турдиган муаммоларнинг очимини биргаликда тониш учун келаверини мумкин ҳди, у ҳамма ишларини йигиштириб кўйиб, бизнинг “дил дафтар”имизни тинглар, юнатар, керак ўриниларда кўмак берарди.

1997 йили “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсағтан маданият ходими” фахрий унвони берилди. “1974–76 йилларда Ўзбекистон адабиётига илмий фантастика жанрининг калдирғочи бўлиб кириб келган, 2002 йили Ўзбекистон илмий фантастика жанрининг отаси деган ном

били оламдан ўтди” - деб ёзган эди Ўзбекистон Қаҳрамони Озод ака Шарафитдинов. Ҳожиакбар кейинги йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 1-ўринбосари давомимида ишлаб келган.

Ҳожиакбариниг турмуш ўртоги - Муҳаррамхон (филология фаннари номзоди, доцент) ва фарзандлари уни доимо ёдда саклашади. Унинг фарзандлари тарбияли, билимли, отаси каби зиёли бўлиб етишиниган. Катта ўғли Улугбек Тошкент давлат политехника институтини (хозирги Тошкент давлат техника университети), кичик ўғли Ойбек Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ва Тошкент архитектура-курилиш институтини, кизи Шаҳнозахон Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг халқаро иқтисодий муносабатлар йўналини бўйича тамомлаганлар.

Ҳожиакбар 2002 йилда, 57 ёнида вафот этди. У ҳасталикка чалинган эди. Кўпчилик имиз шифокор эмасмизми, унинг касаллигини, умри оз колганини билардик. Лекин унга буни сездирмадик. Чунки Ҳожиакбар ҳаётин севарди, гайратли, ишга, ижодга чаңқоқ эди. Унинг чанқоклиги сўниб колмасин дердик.

Менга, айникса, унинг “Дарҳон кўшиги” ва “Умид сайёраси” хикоялари ёқади. “Оловдан чиккан одам” хикоясини ўқиганда Ҳожиакбар реалистик ёки тарихий мавзуларда ҳам ажойиб асарлар яратиши мумкин экан деб ўйлаганман.

Ҳожиакбар киска умри давомида баракали ижод қилди. Оиламида, ипонаманки, адабиётимизда ҳам унинг ўрни ҳамон билинади. Аммо бизни бир нарса юнантирадики, у ҳам бўлса, укамининг ўзбек ёзувчиси сифатида эътибор ва эътироф тоғгани, аяжонимнинг армони ушалиб, Ватанга кайта олгани, бобом авлодларга колдириб кетган Тилъя Шайх маҷитининг Мустакиллик шарофати билан кайта таъмирланиб, янада кўркамлашганидир. Шукурки, шу куняарга стиб келдик.

**Назира Шайхова
тиббиёт фаннари номзоди**

МУШДАРИЖА

Хожиакбарнинг сирли олами	3
ТУГАШ ОЛАМЛАР	
<i>Биринчи қисм</i>	
Авлийснинг ташрифи	10
Ривоят	13
Арши аълоадаги савоз-жавоб	15
Хориждаги хаёт	19
Боболар каромати	23
Нотинч хонаадон	28
Нарвардигор газаби	32
Илк байоратлар	37
Ғойибдан хабар	40
Маистабдаги шов-шув	44
Ривоят	49
Инес-жинелар макри	51
Қалбаки тўй	55
Жинлар базми	58
Даҳрий ота ўйлари	64
Бобозлар ўғити	68
«Улар яна келишади...»	72
Тоғ йўлидаги таъкиб	76
Ота изтироблари	81
Қабристонидаги сирли мулокот	86
Таъкиб давом этади	91
Дунёни титратган унсур	96
Забихи Исемони киссанси	102
Улуспир билан учрашув	106
Зулмат ахли курултойи	111
Сирли битим	122
Тунги ташриф	132
Фонг бўлган ёлғон	137
Навбатдаги машқ	142
Жодутгарликининг бошланини	148
Боникон хонасидаги ҳангома	151
Ота-бала гурунги	156
Улуспирниң найранги	163
Жиннихонадаги ҳангомалар	168

Күмрининг хийласи	173
«Кимдан кирганд бўлсант, чик!..»	177
Саргардон руҳлар.....	182
Жасадга қайтиш	187
Файласуфлар жаиги	192
Мастон бўхи даъвати	197
Гулшода бонунинг қашфиётлари	202
Ҳожи ота ҳуурида	207
Коинот олий тафаккури	211
Озод рух хотираси.....	217
Үйга шуурый ташриф.....	222

ИККИ ЖАҲОН ОВОРАСИ

Иккинчи қисм

Илоҳий тони сирни.....	228
Тафаккур тут ёнлари	234
Ажрим	240
Илоҳий мўъжита	244
Зулмат аҳди қарори	247
Бебон руҳлар ўйини	252
Дўстлар гуруни	258
Ғойиб ота мозоридаги учрашув	262
Аждодлар ёди	270
Амирининг ҳуфия режаси	276
Соҳилдаги фожна	283
Махфий битим	290
Миси чиққан фитна	296
Қуёш сари йўз	304
Совчизлар таширифи	307
Шаҳзод ва маълика киссанси	314
Гулшода бонунинг қасами	322
Ажалдай қудратли сўз	327
Қиз кўрини	332
Гулшода бону найранги	340
Намойишдаги соткинлик	346
Гуноҳнинг қасри	353
Фосиклигиг ўзинта дунимай	362
Ботиний сухбат	368
Ҳаёт ва хаёлот	375
Укам ҳақида	380

Адабий-бадиий нацир

ҲОЖИАКБАР ШЛЙХОВ

ТУТАШ ОЛАМЛАР

•••••

ИККИ ЖАҲОН ОВОРАСИ

Romanlar

Мухаррир *Н. Негмова*

Бадний мухаррир *Н. Қурбонов*

Техник мухаррир *Л. Хижсова*

Мусаҳхих *С. Сатоҳутдинова*

Кичик мухаррир *Г. Ералнева*

Компьютерда тайёрловчи *С. Анистюева*

Нацриёт лицензияси А1№ 158, 14.08.2009.

Босилига 2017 йил 3 майдага руҳсат этилди.

Бичими 60x90^{1/16}. Офсет көғози. «Times New Roman»

тарнигуласида оффсет босма усулида босилди.

Шартли босма табоги 24,5. Нашр табоги 25,23.

Ажади 3000 нусха. Буюртма №17-404.

Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нацриёт-магбаа ижодий уйи.

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-909-3



9 789943 289093

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-28-909-3.